

МУҲАММАД ОБИД
НАМАНГОНИЙ

ТУҲФАТ УЛ-ОБИДИН
ВА
АНИС УЛ-ОШИҚИН



МУҲАММАД ОБИД НАМАНГОНИЙ



**ТУҲФАТ УЛ-ОБИДИН
ВА
АНИС УЛ-ОШИҚИН**



Нашрга тайёрловчи, табдил ва сўзбоши муаллифлари:

фалсафа фанлари номзоди, доцент
Муҳаммад Раҳим САФАРБОЕВ;

филология фанлари номзоди
Султон Мирзо РАҲИМОВ

ТОШКЕНТ-2019
«НАВРЎ» НАШРИЁТИ

КВК:84.(3Ўзб) 4

Н 38

УО'К:716.8.3

Муҳаммад Обид Намангоний. «Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин»
–Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2019. – 240 бет.

ISBN 978- 9943- 565-12-7

Мавлоно Ёрмуҳаммад Намангоний (тахаллуси Мухлис, вафоти тахминан 1888 й.) XIX асрда яшаган етук шоирлардан бири бўлиб, ҳаёти, асосан, Бухорода амир Насруллоҳон (1827 – 1860) ва унинг ўғли амир Музаффархон (1860 – 1885) даврига тўғри келади. Наманганлик Муҳаммад Обид ибн Мулла Қобил исмли шоир унинг девонини нашрга тайёрлаб, ўзи тузган «Баёз» билан биргаликда «Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин» («Обидлар тухфаси ва ошиқлар улфати») номи билан 1908 йили Тошкентда Орифжонов тошбосмасида чоп килдирган.

Китоб адабиётимиз тарихи ва шеърят билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КВК:84.(3Ўзб) 4

УО'К:716.8.3

Масъул муҳаррир:

Маҳмуд ҲАСАНИЙ – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

Такризчилар:

Ҳамидулла ЛУТФУЛЛАЕВ – тарих фанлари номзоди, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Абдулла ЎРОЗБОЕВ – филология фанлари доктори Урганч ДУ филология факультети профессори в.б.

Китоб ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий Кенгашининг 2019 йил 06 ноябрдаги йиғилиш қарорига асосан нашрга тавсия қилинган. (Баённома №11)

ISBN 978- 9943- 565-12-7

© «Наврўз» нашриёти, 2019 й.

“ТУХФАТ-УЛ ОБИДИН ВА АНИС УЛ-ОШИҚИН” БАЁЗИ – ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҲАҚИДА МУҲИМ МАНБА (Сўзбоши ўрнида)

XIX аср охири ва XX аср бошларида юз берган ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар ўзбек адабиётига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбек адабий ҳаракатига янги йўналишлар, янги рух, янги мавзулар кириб келди. Бу даврда ўзбек адабиётида янги номлар пайдо бўлди ва уларнинг ижоди вақтли матбуотда ёритилиб борилди. Уларнинг кўплари баёзлар, тўпламлар, девонлар ҳолида чоп этилди. Ана шу давр маҳсули бўлган “Армуғони Хислат”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, “Баёзи Ҳазиний”, “Тухфаи Шавкат”, “Мажмуаи шоирон”, “Баёзи Мирий”, “Баёзи Нодим”, “Баёзи Камий”, “Ҳафт шуаро”, “Баёзи Табибий”, “Тазкираи шуаро” каби кўпгина баёзлар ва тўпламлар қаторида ҳали нашр этилмаган ва ўрганилмаган “Тухфат-ул обидин ва анис ул-ошиқин” (“Обидлар тухфаси ва ошиқлар улфати”) баёзи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда юртимизда матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир. Бу эса сарой-клерикал адабиёти деб илгари ўрганилмаган “Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” каби баёзларни илмий ўрганишни янада кенгайтиришга асос бўлмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Республикамиздаги илм-фаннинг бир неча устувор йўналишлари ривожига ўзининг баракали натижасини бера бошлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг маъруза ва нутқларида маънавий меросимзни, буюк алломалар қолдирган асарларни ҳолисона ва тарихийлик асосида, янги методологияга мувофиқ тадқиқ қилиш лозимлиги, долзарблиги ва уларнинг меросини жаҳонга тарғиб қилиш ҳақида доимо олимларнинг эътиборини қаратиб келади. Хусусан, маънавий меросни ўрганишнинг долзарблиги тўғрисида гапириб: “Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб

¹ Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин. – Тошкент: Орифжонов тошбосмаси, 1908. – 192 саҳифа.

фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ таъ олиш керак”², – деган эди.

Юқоридаги вазибалардан келиб чиқиб, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ҳадисшунослик олий мактаби ташкил этилди. Илгари кам эътибор қаратилган тасаввуф алломалари меросини ўрганишга, баёзларни тадқиқ этишга кенг йўл очилди. Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, Қуръон қиссалари ва ҳадисларни тараннум этувчи “Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” баёзини ўрганиш ҳамда нашр этиш юқоридаги эҳтиёждан келиб чиқади.

Баёз ўша давр ижтимоий ҳаёти ҳақида тавсифнома беради. Баёзчилик тарихи билан шуғулланган адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов шундай ёзади: “XIX асрга келиб баёзчилик шундай ривожланиб кенг тарқалдики, энди у адабиёт мухлисларининг тор доирасидаги шеърӣ баҳслари учун оддий материал эмас, балки саводли кишиси бўлган ҳар бир хонадоннинг маънавий мулкига айланди, мадраса талабалари учун хрестоматия ва машқ дафтари бўлиб қолди. Бу ҳол, албатта, поэзия тараққиёти тарихининг муайян босқичида шеърӣятга бўлган умумий муносабатни характерлайдиган, жамиятдаги турли табақаларнинг маданий савиясини акс эттирадиган факторлардан бири ҳисобланади”³. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу баёз Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-тарбиявий муҳитни, кишиларнинг илм-фанга бўлган муносабатини, қолаверса, исломий ахлоқ-одобга муносабатини ёрқин ифодаловчи манбалардан биридир. Бизнинг қўдимизда мавжуд бўлган “Тухфат-ул обидин ва анис ул-ошиқин” (қўйида қисқартириб: “Тухфат ул-обидин” деб атаймиз) баёзи 1326 ҳижрий – 1908 мелодий йилда Тошкентда Мулла Ҳасан Орифжонов литографиясида (тошбосмасида) чоп этилган. Баёз тошбосма усулида босилган бўлиб, “Мулла Муҳаммад Обидхон бин саҳҳоф мулло Муҳаммад Қобил” ёзувлари битилган муҳр билан тасдиқланган. Баёз дебочасида келтирилишича, Мулла Муҳаммад Обид бин Мулла Муҳаммад Қобил саҳҳоф Намангоний

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабрь 2017 йил. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. – 14-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: «Фан», 1976. – 85 б.

Ўзининг саҳхофлик қилиши, бу касбни отасидан ўрганганлиги ва ўз замонасининг олиму фозиллари унинг дўконидида “кўп адабий суҳбатлар ўтказишгани маълум бўлади. Баён қилиш жараёнида ул зот кўпинча Бухорои шарифда таҳсил олиб, Бухоро ва бошқа жойларда саёҳат килур эрдилар”, деб ёзади.

Баёз дебочасидан маълум бўлишича, Мухлис Амир Насрулло замонида Бухорода Лабиҳовузда ваъз ва насиҳатлар ўқир эканлар. Мулла Муҳаммад – Обид Намангоний эса ул зотнинг ашъорларини жам этиб, баёз ҳолида нашр эттиргани ва ушбу баёзнинг мақсадлари ҳақида гапириб ўтади. “Мен Мухлис марҳумдан қолган китобни топдим ва бошдан-оёқ кўриб чиқдим, бошқа мўминлар ҳам баҳраманд бўлсинлар деб, “Тухфат ул-обидин” китобимга киритдим”⁴, – деб ёзади Обид Намангоний. Баёз дебочаси қуйидаги сўзлар билан якунланади: “Токи, ўзимдек дардманд муҳаббат иштиёқ ва мустаманд ожизи фиरोку ташбеҳи лабон бодийаи ҳижрон ва шикастаи дилон алам ва ихзон завоти муҳаббатшиор ва арбоби муваддат осорларга тухфаи холисона ва ушшоқи сўхтадилон саргардонларга муниси жовидона бўлмоқ умиди бирла ушбу китобга “Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” ном қўйилди. Илоҳо, мақбул табон арбоб укул айлаб саҳфаи рўзгорда машхур айла, омин”⁵.

Баёз икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида фақат Мухлиснинг ғазаллари ва мухаммаслари жамланган. Мухлиснинг ғазал ва мухаммаслари диний мавзуда бўлиб, наът ва ҳамдлардан иборат. Уларни тубандаги жанрларга бўлиш мумкин: ғазал – 22 та, мухаммас – 29 та, мусаддас – 4 та, мустаҳзод – 3 та, маснавий-муножот – 2 та, мусамман – 2 та, мутассаъ – 1 та, муъашшар – 1 та, насиҳат – 2 та, жами Мухлиснинг 66 та шеъри баёзга киритилган. Шундан 8 таси форс тилида.

Баёзнинг иккинчи қисмида эса Обид Намангоний ва ўша давр шоирларидан – *Тамкин, Амир, Машираб, Жомий, Умидий, Камий Намангоний, Фазлий, Соҳиб, Куҳий, Мавлоно Шавқий, Нодир, Адо, Мухий, Ходимий, Саййидо, Содиқ, Мавлоно Мажзуб, Залулий Намангоний, Фурқат, Муқимий, Ғозий, Маҳзун, Навоий, Мисрий, Котиб, Ҳазиний, Нисбатий, Нодим, Рамзий Намангоний, Мажрух, Озарий, Нусрат, Нодира, Шоҳидий, Хилватий, Солиҳ* каби жами 37 та шоирнинг шеърлари ва уларга боғланган мухаммаслар жой олган. Баёзнинг иккинчи қисми 110-бетдан бошланиб, 192-бетгача давом этади. Баёзнинг иккинчи қисмига назм ва насрда, форсий ва туркий тилларда дебоча ёзилган. Туркий тилда ёзилган дебоча “Макорими ахлоқ ва маросими иштиёқларидин умид булдирки, карампаноҳо бу арзим манзури назар, кимёи асарлари бўлуб, ҳоли зорим ва шўрида назорим жаноби футувват мобларига маълум ва мубарҳаи бўлгондин сўнгра бул каминаи камтарин ва зарраи

⁴ Тухфат ул-обидин. Тошкент: Орифзонов тошбосмаси, 1908. –3 саҳифа.

⁵ Ўша жойда. – 5 саҳифа.

фурутарин ишқлари ўтида бирён ва алам ва хирқат маҳбубларида нолон бўлгон гулом халқни бағўшлариға гоҳ-гоҳи илтифот қилиб ғаму ҳижронларида мукаддар бўлгон кўнгли марҳамати хисравона ва илтифоти шоҳоналари сайқали бирлан мусаффо ва тажалли қилсалар, токи жанобингизга ожиз бешумор ва савоб ҳосил бўлғай, омин. Ва саллаллоҳу ала хайри халқни Муҳаммад ва ала олиҳи ва асҳобиҳи васаллам”⁶, сўзлари билан тамом бўлган.

“Баёзнинг қиммати, аввало, унинг таркиби – мундарижаси, шеърларнинг манбаи ва ниҳоят унинг бадий сифатлари билан белгиланади”⁷, – деб ёзади Ё.Исҳоқов. Яъни, баёзнинг қандай шеърлардан ташкил топганлиги, унинг қанчалик оригинал эканлигига боғлиқ. “Тухфат ул-обидин”даги шеърлар, асосан, наът ва ҳамдлар, исломий ахлоқ-одоб нормаларини тарғиб қилиш билан бирга, дунёвий севги-муҳаббатни илоҳий ишқ билан уйғунлаштиришга қаратилган тасаввуфий-орифона шеърлардан иборат. Баёздаги шеърларнинг барчаси инсонни залолатдан қайтаришга, ҳидоятга йўллашга хизмат қилади. Шу маънода баёзлар миллий тарбия мактабининг дарслиги бўлиб келган. Масалан, “Армуғони Хислат” шеърларини машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, “Тухфат ул-обидин”ни Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевлар куйлаб, халқни ислом ахлоқ-одобига даъват этганлар. Баёздаги шеърларнинг манбалари қуйидагилар: Мухлиснинг девони, Обид Намангонийга таниш ёки замондош бўлган шоирларнинг ўз дастхатлари ёки улардан олинган нусхалар.

Мухлиснинг девон тузганлиги манбалардан маълум. Манбашунос олим Маҳмуд Ҳасанийнинг маълумотиға қараганда, Мухлис машҳур шоир бўлиб, унинг форс-тожик тилидаги девони Тожикистонда нашр қилинган ва машҳур шоир ҳисобланади. “Тухфат ул-обидин”ни кузатар эканмиз, мумтоз адабиётда девон тузиш талабларига амал қилинмаганлигини кўрамиз. Мухлиснинг тематик мавзудаги шеърлари танлаб олинган ва баёзга киритилган. Шундан келиб чиқиб, ушбу баёзни “Тематик баёзлар” туркумига киритиш мумкин. “Гап баёзлардаги шеърларнинг тематик доираси устида кетар экан, – деб ёзади Ё.Исҳоқов, – муҳим бир ҳолатни назарда тутишга тўғри келади: ҳар бир баёз ўз ҳолича оригинал ва у маълум савиядаги шахс томонидан бирор мақсадда яратилган. Баёзнинг тематикаси ҳам ана шундай факторлар тақозоси билан шаклланади”⁸.

Баёздаги наманганлик шоирларнинг аксарият кўпчилиги Бухоро мадрасаларида диний таълим олган ижодкорлардир. Бухоро музофотидаги халқларнинг тили, маданияти ҳамда Бухоро шахрининг асрлар давомида маъмурий, диний ва илмий марказ бўлганлиги баёздаги шеърларда ўз аксини топган. Чунки ҳар бир ижтимоий, адабий муҳитнинг хусусиятлари ўша ерда юзага келган баёзларда маълум даражада ўз изини қолдиради.

⁶ Тухфат ул-обидин. – 113 саҳифа.

⁷ Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: «Фан», 1976. –90 б.

⁸ Ўша асар. – 95 б.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда литографияларнинг пайдо бўлиши билан баёзчилик соҳасида ҳам янги давр бошланди. Тошкент, Хива, Қўқонда тошбосмада баёзлар чоп этиш кенг йўлга қўйилади. Бу даврда чоп этилган баёзлар, асосан, аралаш характердаги баёзлардир. “Тухфат ул-обидин”ни ҳам шу туркумга киритиш мумкин. Чунки баёздаги 21 та шеър форс-тожик тилидадир. Туркий шеърларнинг сарлавҳаси ва мазмунида арабизм, форсизм элементлари кўплаб учрайди. Айни замонда маълум мақсадлар билан муаян мавзудаги шеърлардан ҳам махсус баёзлар тузилган. Масалан, “Армуғони Хислат”, “Тухфат ул-обидин” шундай баёзлардир.

XVIII – XX аср баёзларининг характерли хусусиятларидан бири – икки тиллилиқдир. “Тухфат ул-обидин” баёзи ҳам наманганлик шоирларнинг туркий ва тожик тилидаги ҳамда форс-тожик шоирларининг шеърларидан тузилган. Айниқса Бедил ва Фузулий шеърларини Туркистонда тузилган баёзларнинг кўпчилигида учратиш мумкин.

“Тухфат ул-обидин” баёзининг характерли хусусиятларидан яна бири – кўп жанрликдир. Айрим баёзлар фақат ғазаллардан тузилса, айримлари ғазал ва мухаммаслардан иборат бўлади, баъзилари эса мусаддаслар, мухаммас ва мусаддаслардан тузилган бўлади. “Тухфат ул-обидин”да эса энг кўп – 13 та лирик жанрдаги шеърларни учратиш мумкин. Булар – ғазал, наът, мураббаъ, мухаммас, муножот, мустаҳзод, мусаддас, мусамман, мутассаъ, муъашшар, савол-жавоб, сокийнома, насихат, жами 13 лирик жанр.

“Тухфат ул-обидин” баёзининг қиммати шундаки, унда адабиёт мухлисларига номаълум бўлган янги номлар кўплаб учрайди. Устоз адабиётшунос, академик Азиз Қаюмов “Қўқон адабий муҳити” номли монографик тадқиқотининг “Феодал-клерикал адабиёт ва унинг вакиллари” бўлимида (55 – 75 бетлар) баёзга киритилган шоирлардан Адо, Амир (Қўқон хони Умархон), Фазлий ҳақида маълумот беради. “Демократик йўналишдаги адабиёт” бўлимида эса, Ғозий (80 – 112 бетлар), Нодира (220 – 237 бетлар), Нодир (252 – 304 бетлар) каби шоирлар ижоди ҳақида анча кенгроқ тўхталиб ўтади. Баъзи шоирларнинг шеърлари 1908 йилда нашр этилган баёзга киритилган деб, Мажрухнинг (311-бет) номини таъкидлаб ўтади. Тадқиқотнинг хулоса қисмида эса, Умидийни сарой шоири деб, Муқимий ва Фурқатни демократик йўналишдаги адабиёт вакили сифатида улар ижодининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтади⁹.

Зукко манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Исмадуллоҳ Абдуллаев “Марказий Осиёда Ислоҳ маданияти” номли китобида баёзга киритилган шоирлардан Жомий, Навоий, Машраб, Мажзуб Намангоний, Нодира, Нодир, Фазлий Намангоний, Муқимий, Муҳий Хўқандий, Фурқат, Нодим Намангоний, Хилватий, Ҳазинийларнинг ҳаёти ва ижоди, маънавий

⁹ Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити. – Тошкент: «Ўзфанакаднатшр», 1961.

фурутарин ишқлари ўтида бирён ва алам ва хирқат маҳбубларида нолон бўлгон гулом халқан бағушларига гоҳ-гоҳи илтифот қилиб ғаму ҳижронларида муқаддар бўлгон кўнгли марҳамати хисравона ва илтифоти шоҳоналари сайқали бирлан мусаффо ва тажалли қилсалар, токи жанобингизга ожиз бешумор ва савоб ҳосил бўлғай, омин. Ва саллаллоҳу ала ҳайри халқиҳи Муҳаммад ва ала олиҳи ва асҳобиҳи васаллам”⁶, сўзлари билан тамом бўлган.

“Баёзнинг қиммати, аввало, унинг таркиби – мундарижаси, шеърларнинг манбаи ва ниҳоят унинг бадий сифатлари билан белгиланади”⁷, – деб ёзади Ё.Исҳоқов. Яъни, баёзнинг қандай шеърлардан ташкил топганлиги, унинг қанчалик оригинал эканлигига боғлиқ. “Тухфат ул-обидин”даги шеърлар, асосан, наът ва ҳамдлар, исломий ахлоқ-одоб нормаларини тарғиб қилиш билан бирга, дунёвий севги-муҳаббатни илоҳий ишқ билан уйғунлаштиришга қаратилган тасаввуфий-орифона шеърлардан иборат. Баёздаги шеърларнинг барчаси инсонни залолатдан қайтаришга, ҳидоятга йўллашга хизмат қилади. Шу маънода баёзлар миллий тарбия мактабининг дарслиги бўлиб келган. Масалан, “Армуғони Хислат” шеърларини машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, “Тухфат ул-обидин”ни Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевлар қуйлаб, халқни ислом ахлоқ-одобига даъват этганлар. Баёздаги шеърларнинг манбалари қуйидагилар: Мухлиснинг девони, Обид Намангонийга таниш ёки замондош бўлган шоирларнинг ўз дастхатлари ёки улардан олинган нусхалар.

× Мухлиснинг девон тузганлиги манбалардан маълум. Манбашунос олим Маҳмуд Ҳасанийнинг маълумотига қараганда, Мухлис машҳур шоир бўлиб, унинг форс-тожик тилидаги девони Тожикистонда нашр қилинган ва машҳур шоир ҳисобланади. “Тухфат ул-обидин”ни кузатар эканмиз, мумтоз адабиётда девон тузиш талабларига амал қилинмаганлигини кўрамиз. Мухлиснинг тематик мавзудаги шеърлари танлаб олинган ва баёзга киритилган. Шундан келиб чиқиб, ушбу баёзни “Тематик баёзлар” туркумига киритиш мумкин. “Гап баёзлардаги шеърларнинг тематик доираси устида кетар экан, – деб ёзади Ё.Исҳоқов, – муҳим бир ҳолатни назарда тутишга тўғри келади: ҳар бир баёз ўз ҳолича оригинал ва у маълум савиядаги шахс томонидан бирор мақсадда яратилган. Баёзнинг тематикаси ҳам ана шундай факторлар тақозоси билан шаклланади”⁸.

• Баёздаги наманганлик: шоирларнинг аксарият кўпчилиги Бухоро мадрасаларида диний таълим олган ижодкорлардир. Бухоро музофотидаги халқларнинг тили, маданияти ҳамда Бухоро шаҳрининг асрлар давомида маъмурий, диний ва илмий марказ бўлганлиги баёздаги шеърларда ўз аксини топган. Чунки ҳар бир ижтимоий, адабий муҳитнинг хусусиятлари ўша ерда юзага келган баёзларда маълум даражада ўз изини қолдиради.

⁶ Тухфат ул-обидин. – 113 саҳифа.

⁷ Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: «Фан», 1976. –90 б.

⁸ Ўша асар. – 95 б.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда литографияларнинг пайдо бўлиши билан баёзчилик соҳасида ҳам янги давр бошланди. Тошкент, Хива, Қўқонда тошбосмада баёзлар чоп этиш кенг йўлга қўйилади. Бу даврда чоп этилган баёзлар, асосан, аралаш характердаги баёзлардир. “Тухфат ул-обидин”ни ҳам шу туркумга киритиш мумкин. Чунки баёздаги 21 та шеър форс-тожик тилидадир. Туркий шеърларнинг сарлавҳаси ва мазмунида арабизм, форсизм элементлари кўплаб учрайди. Айти замонда маълум мақсадлар билан муаян мавзудаги шеърлардан ҳам махсус баёзлар тузилган. Масалан, “Армуғони Хислат”, “Тухфат ул-обидин” шундай баёзлардир.

XVIII – XX аср баёзларининг характерли хусусиятларидан бири – икки тиллиқдир. “Тухфат ул-обидин” баёзи ҳам наманганлик шоирларнинг туркий ва тожик тилидаги ҳамда форс-тожик шоирларининг шеърларидан тузилган. Айтиқса Бедил ва Фузулий шеърларини Туркистонда тузилган баёзларнинг кўпчилигида учратиш мумкин.

“Тухфат ул-обидин” баёзининг характерли хусусиятларидан яна бири – кўп жанрлиқдир. Айрим баёзлар фақат ғазаллардан тузилса, айримлари ғазал ва мухаммаслардан иборат бўлади, баъзилари эса мусаддаслар, мухаммас ва мусаддаслардан тузилган бўлади. “Тухфат ул-обидин”да эса энг кўп – 13 та лирик жанрдаги шеърларни учратиш мумкин. Булар – ғазал, наът, мураббаъ, мухаммас, муножот, мустаҳзод, мусаддас, мусамман, мутассаъ, муъашшар, савол-жавоб, соқийнома, насихат, жами 13 лирик жанр.

“Тухфат ул-обидин” баёзининг қиммати шундаки, унда адабиёт мухлисларига номаълум бўлган янги номлар кўплаб учрайди. Устоз адабиётшунос, академик Азиз Қаюмов “Қўқон адабий муҳити” номли монографик тадқиқотининг “Феодал-клерикал адабиёт ва унинг вакиллари” бўлимида (55 – 75 бетлар) баёзга киритилган шоирлардан Адо, Амир (Қўқон хони Умархон), Фазлий ҳақида маълумот беради. “Демократик йўналишдаги адабиёт” бўлимида эса, Ғозий (80 – 112 бетлар), Нодира (220 – 237 бетлар), Нодир (252 – 304 бетлар) каби шоирлар ижоди ҳақида анча кенгрок тўхталиб ўтади. Баъзи шоирларнинг шеърлари 1908 йилда нашр этилган баёзга киритилган деб, Мажрухнинг (311-бет) номини таъкидлаб ўтади. Тадқиқотнинг хулоса қисмида эса, Умидийни сарой шоири деб, Муқимий ва Фурқатни демократик йўналишдаги адабиёт вакили сифатида улар ижодининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтади⁹.

Зукко манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Исмадуллоҳ Абдуллаев “Марказий Осиёда Ислом маданияти” номли китобида баёзга киритилган шоирлардан Жомий, Навоий, Машраб, Мажзуб Намангоний, Нодира, Нодир, Фазлий Намангоний, Муқимий, Муҳий Хўқандий, Фурқат, Нодим Намангоний, Хилватий, Ҳазинийларнинг ҳаёти ва ижоди, маънавий

⁹ Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити. – Тошкент: «Ўзфанакадашар», 1961.

мероси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар ҳазинасида сақланаётган манбалар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади¹⁰.

Наманганлик адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Алихон Халилбеков “Наманган адабий муҳити” мавзусидаги тадқиқотининг 1-бобида баёзга киритилган шоирлардан Бобораҳим Машраб, Абдулкарим Фазлий, Муҳаммад Шариф Нодир, Мулла Абдулазиз Мажзуб, Ёрмуҳаммад Мухлис, Мулла Шамс Шавқий, Эшон Бобоҳон Нодим, Мулла Йўлдош Хилватийлар ҳақида анча кенг маълумот бериб ўтади¹¹.

Адабиётшунос тадқиқотчи Озодахон Болтабоева “XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: намояндалари, анъаналари, янгиланиши” мавзусидаги тадқиқотида баёзга кирган шоирлардан Нодим ва Хилватий маънавий меросининг ўрганилиши, мавзу кўлами ва жанр хусусиятлари ҳақида анча кенг маълумот беради¹².

Бундан кўринадики, баёзга киритилган *Тамкин, Соҳиб, Камий Намангоний, Кўҳий, Ходимий, Обид Намангоний, Залулий Намангоний, Маҳзун, Мисрий, Котиб, Нисбатий, Рамзий Намангоний, Саййид, Содик, Озарий, Нусрат, Шоҳидий* каби 17 та шоирларнинг номлари адабиёт мухлислари учун *янги номлардир*. Уларнинг ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш, шеърят мухлисларига таништириш галдаги вазифалардан биридир. Шу жиҳатдан “Тухфат ул-обидин” баёзи XVIII – XX аср бошларидаги ўзбек, тожик ва бошқа халқлар адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манбалар қаторида туради. Мазкур адабиётларнинг девони мавжуд бўлмаган вакиллари ижодини аниқлаш ва тадқиқ этишда эса ягона манба бўлиб қолади.

“Тухфат ул-обидин” баёзи яна шуниси билан характерлики, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Фарғона водийсида худосизлик (атеизм) дунёқарашининг шаклланиш босқичларини, миллий-диний қадриятларнинг топталиш жараёнларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“Тухфат ул-обидин” баёзи нафақат наът ва ҳамдлардан иборат, балки Муқимийнинг “Саёҳатнома”сига ўхшаш “Зиёратнома” характеридаги асардир. Шу жиҳатдан зиёрат туризмнинг йўл харитасини тузишда ундан фойдаланиш мумкин. Баёзда фақат наът ва ҳамдлар эмас, балки дунёвий мотивларда куйланган ғазаллар (Обид Намангоний ва Нодим ғазаллари), Муқимийнинг “Кўсаман” радифли ғазалига ўхшаган ҳажвий шеърлар ва Наманган шеvasига хос бўлган (Залулий Намангоний) лирик шеърлар ҳам талайгина.

“Тухфат ул-обидин”ни ўрганиш ўзбек ва қўшни халқлар адабиётларини ўрганиш, хусусан, ўзбек, тожик, озарбайжон адабий алоқаларини ўрганишда,

¹⁰ Ҳожи Исмагуллох Абдуллох. Марказий Осиёда Ислоҳ маданияти. Қисқача маълумотнома/Масъул муҳаррир Н.Иброҳимов. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 190-244 бетлар.

¹¹ Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган: «Наманган» нашриёти, 2007. – 467 б.

¹² Болтабоева О.Ю. XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: намояндалари, анъаналари, янгиланиши // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2019. – 24 б.

ўзаро таъсир ҳамда атоқли адабиёт намоёндалари ўртасидаги ижодий ва шахсий муносабатларни аниқлаш, баҳолаш учун ҳам қимматли маълумотларни бера олади.

Биз ушбу нашрни амалга оширишда Хоразм вилояти, Боғот туманида истиқомат қилувчи, Хива мадрасаларида таҳсил олган Мулла Эгамберди бобо Якубовнинг (1895 – 1996) хонадонида сақланаётган, 1908 йилда нашр қилинган нусхадан фойдаландик (нашрга тайёрловчилардан С.Раҳимовнинг бобоси, Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин! – ред.)

Ушбу баёзнинг бир неча нусхалари ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳазинасида ҳам сақланади¹³. Ушбу фондда № 121-рақам остида сақланаётган 1908 йилги нусхани қиёсий солиштириб кўрганимизда фарқ йўқлиги кузатилди. Аммо, ушбу баёз 1908, 1910, 1911 йилларда уч марта нашр қилинганлиги боис, уларни қиёсий ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Қуръон оятлари ва ҳадислар моҳиятини тушуниш учун матнни изоҳлар билан бойитдик. Баёзнинг тошбосма нусхаси саҳифаларини табдилда қавс ичида бердик.

Хуллас, “Тухфат ул-обидин” баёзи 110 йилдан ортиқ вақт давомида илк бор ўзбек тилида крилл имлосида нашр этилаётгани билан эътиборлидир.

* * *

“Тухфат ул-обидин”нинг биринчи қисми Мухлис Намангонийнинг ижодий меросидан иборат. Баёзнинг эътиборли жиҳати шундаки, илк бор Мухлис ижоди ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил қилади. Шу пайтгача Мухлис ижоди ҳақида кам гапирилган (А.Ҳалилбеков тадқиқотини ҳисобга олмаганда). Қизиғи шундаки, Хоразм воҳасидаги имом-хатиблар ушбу баёзни ўқиганда, Мухлис шеърларини Махлас номи билан ўқийдилар. Мулла Эгамберди бобо Якубовнинг хонадонида китобхонлик қилинганида, машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев шеърларни ашула қилиб айтганида ҳам Мухлисни Махлас шаклида талаффуз қилганини кўп бор кўрганмиз. Дастлаб, биз ҳам Махлас деб ўйлаганмиз. Аммо, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ манбашунос, исломшунос мутахассислари – тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний, тарих фанлари номзоди Ҳамидулла Лутфуллаев, тарих фанлари номзоди Ҳамидулла Аминовлар билан маслаҳатлашиб, Алихон Ҳалилбековнинг тадқиқотларини ўқиб, Мухлис деб ёзишга қарор қилдик.

Мухлис шеърларини тўплаб девон тузгани ҳақида маълумот бор, аммо унинг девони Ўзбекистонда ҳозирча топилгани йўқ. Унинг ижоди ҳақида баёздаги шеърларга асосланиб фикр юритамиз. Мухлис XVIII – XIX асрларда

¹³ Асарнинг тошбосмалари ЎЗР ФА ШИ асосий фондида №№ 121, 122, 123, 125, 4656, 4657, 4658, 4659, 9175, 12001, 12348, 13800, 13801, 14478, 17067, 19338, 19342 рақамлари остида мавжуд.

Наманган ва Бухоро адабий муҳитидан етишиб чиққан истеъдодли шоирлардан биридир. У ўзбек ва тожик тилларида бирдай ижод қила олган. Шунинг учун девонини ҳам икки тилда тузган бўлиши, эҳтимол.

Мухлиснинг қачон туғилганлиги аниқ эмас. “Мухлис XVIII асрнинг кейинги чорагида Наманган шаҳри Чуқуркўча даҳасидаги Қоратут маҳалласида (ҳозирги Чорсу маҳалла, Кўзагарлик кўчасида) қосиб оиласида дунёга келади. Отаси шеърятга ҳавасманд киши бўлган. Баёзхонлик, ғазалхонлик унинг севимли машғулоти эди. Бўлғуси шоир мана шу муҳитдан баҳра олиб ўсади”¹⁴, – деб ёзади А.Халилбеков. Баёздан маълумки, Мухлис дастлаб Наманганда, кейинчалик Бухоро мадрасаларида таҳсил олади ва замонасининг фозилларидан бири бўлиб етишади. Бухородаги Девонбеги мадрасасида кўп йил мударрислик қилади. Бухородаги Лабиховузда воизлик қилиб, халқни имон-эътиқодли бўлишга даъват этар, шарият, тариқат, ҳақиқат ва маърифат йўлларини содда ва раван қилиб шарҳлаган. Мухлис Бухородаги зиёратгоҳларга, Самарқандга, Афғонистон ва Эронга, Туркия ва Арабистонга сафар қилади. Ҳаж фарзини адо этиб, Наманганга қайтади ва умрининг охиригача “Қоратут” мадрасасида мударрислик қилади. Куйидаги сатрлар ўша ҳаж сафарининг ифодаси:

*Боракаллоҳ яхшиларнинг айлаган бардошига,
Кўз юмуб, боқмай фиғону нолайи қардошига,
Қолмади ғам ўзни вақф айлаб балони чошига,
Йўл юруб не бош ила етсак Ҳарамнинг бошига,
Замзама қилсак борибон гоҳи Замзам қошига,
Тўлдурсак Замзам чаҳини дамбадам кўз ёшига,
Юзни суртсак бўса айлаб Санги Асвад¹⁵ тошига,
Нола қилсак Марваю кўҳи Сафо¹⁶нинг бошига,
Кўз ёшидин шод топсак дарда дармон иккимиз¹⁷.*

Мухлиснинг ижодини кузатар эканмиз, унинг қаерларга борганлиги ва қайси зиёратгоҳларда бўлганлигини билиб оламиз. Чунки, Мухлис зиёратларнинг бадий ифодасини аниқ ва моҳирона ёзиб қолдирган.

А.Халилбеков Мухлисни XIX асрнинг биринчи ярмида вафот этади, деб ёзади. Баёздаги шеърларнинг хронологиясидан, унда тилга олинган шахслар яшаган даврдан келиб чиқадиган бўлсак, Мухлис тахминан 1888 йиллардан кейин, яъни XIX асрнинг охириги чорагида вафот этган. Масалан, Мухлис бир ғазалида: “Ҳомийи дин ҳоли ғайр аз Мир Насруллоҳ йўқ”, деб ёзса, бошқа бир ғазалида эса “Баасри давлати султон Музаффаридил, Сана мингу икки юз сақсон эрди, эй оқил”, деб ёзади. Бухоро амири Насруллоҳон (1827 – 1860), унинг

¹⁴ Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган: «Наманган» нашриёти, 2007. – 104 б.

¹⁵ Санги Асвад – Маккадаги қора тош.

¹⁶ Марва, Сафо – ислом маросимлари ўтказиладиган тоғ номлари.

¹⁷ Тухфат ул-обидин. – 67 саҳифа.

ўгли Музаффархон (1860 – 1888) даврида Мухлис ҳаёт бўлган, Бухорода юз берган зилзила офатларини кўрган ва шеърларида ёзиб қолдирган. Балки шундан кейин Наманганга кетиб, вафот этгандир.

Мухлис шеърятининг асосини зоҳирий ва ботиний муҳаббат уйғунлиги ташкил этади. У бир шеърда ўзини маърифат тарафдори, ботиний севгини улугловчи шоир сифатида таърифлайди:

*Дийда дийдорга мушоҳададур,
Нафс шайтон ила муҳорабадур,
Жону дил бир Худони ёди иладур,
Зоҳири гайр ила муомаладур,
Ботини тур ҳаё деган бизлар¹⁸.*

Мухлис одамларни тарихдан сабоқ олишга, айниқса, ислом дини тарихидан сабоқ олишга чақиради. Чунки, тарих – бу ибрат мактаби! Тарихда шавкатли-ю қудратли, не-не саркарда-ю шахзодалар ўтмаган. Сулаймон қаерга кетди-ю, Иброҳим Адҳам не учун гадойликни танлади? Жамоли ойни уялтирган Зулайҳо қаерга кетди, Мажнун ишқида ёнган Лайлининг ҳоли не кечди? Шоир булардан хулоса чиқариш, ҳар бир мўмин мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини уқтиради. Ҳаётда камтарину хокисор бўлишни, имонли бўлишни, ёлғиз Аллоҳ ёди билан яшашни тарғиб қилади, дунёталаб билан дўст бўлмасликни, яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишни, Ҳақ опиклари билан ҳамсафар бўлишни улуғлайди:

*Дуруст андиша қилгил, сандин ўлганлар нечук бўлди,
Ётарда хобгоҳи тахт эди, хонлар нечук бўлди,
Жамоли кўз ёрутган моҳтобонлар нечук бўлди,
Каломи мажлис оро қўб сухандонлар нечук бўлди,
Сенам кетмоқчисан, ҳирс айлама, дунёни камтар тут.*

*Гуҳардек тожи сар бўл, гўшайи санги гарон ўлма,
Охир миннат қилур ҳар нохалафга меҳмон ўлма,
Топилмас муддао, дунёталабга ҳамзабон ўлма,
Санго тиг урса ҳар ким, яхшилик қилгил, ямон ўлма,
Масалдур эл аро, ўлсун десанг, душманга шаккар тут.*

¹⁸ Тухфат ул-обидин. – 61 саҳифа.

*Ҳамиша яхшиларни кўйин истаб дарбадар бўлгил,
Тариқат ҳожаси бирла қўшулуб ҳамсафар бўлгил,
Бўлуб шогирд, марди Ҳақ тоғиб соҳиб хунар бўлгил,
Алик олма мунофиқлар саломин гўши кар бўлгил,
Муҳаббат аҳлини жўёни бўлгил, дийдани тар тут¹⁹.*

Мухлис дунёнинг ишлари тескари қурилгани, кўз очиб юмгунча шох гадога, гадо эса шохга, бой камбағалга, камбағал бойга айланиши мумкинлигини айтиб, дунёга кўнгил боғламасликка, фозиллар суҳбатида беминнат хизмат қилишга даъват этади, тариқат йўлидан юриб пирга эргашган солиқ ботил мукаррамдан афзал эканлигини айтиб ўтади:

*Кимини руҳи қобилдур азалдан гўши кар келмас,
Ибодат пеша айлаб, хотирига шўри шар келмас,
Дегил, омин қўл очганда, дуоси беасар келмас,
Нигинга нақш этиб оламни кетти, бир хабар келмас,
Не жоҳу не ҳашамдин, не Сулаймону не Хотамдин.*

*Бу дунё судига шод ўлмогил, нуқсонга гамгин,
Ажсал талх айлағай охирда гар коминг эрур ширин,
Улуғдур кўрси мунъимдин бу йўлда кулчаи мискин,
Ки, ҳар ким боридин ҳимматга лойиқ сарф этар нақдин,
Сулаймон хизматиға мўрни кам кўрма Хотамдин.*

*Некулар суҳбатиға хизмат этгил, қилмагил миннат,
Кимики миннат этти, рад бўлур зое қилиб хизмат,
Ғуломи бедирам бўл, холис этгил хизмати суҳбат,
Тариқат ҳодийсига кимки Мухлисдур, топар нисбат,
Залили роҳи Ҳақ афзал эрур ботил мукаррамдин²⁰.*

Шоир кўплаб шеърларида риёкор шахсларни ҳаёсизлар деб атайди ва уларни лаънатлайди. Ҳаё одамларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчи ахлоқий туйғудир. Одамда ҳаё бўлмаса, уяти ҳам йўк. Уяти йўқда эса иймон оқсайди. Гуноҳ ишлар ҳаёнинг кушандаси. “Вафосизда ҳаё йўк, ҳаёсизда вафо йўк”, дейди Навоий ҳазратлари. Абдулла Авлоний эса: “Ҳаё, номус имона далилдур. Ҳаёсиз доимо хору залилдур”, дейди. Ҳаёсизлик одамни тубанлаштиради ва ўзидан паст махлуқотлар оламига олиб киради. Шунинг учун Мухлис ҳаёсизлардан ҳазар қилади:

¹⁹ Ўша баёз. – 62 саҳифа.

²⁰ Тухфат ул-обидин. – 101 саҳифа.

*Кўлунгдан қўйма, эй солик, тарозуйи шариятни,
Фано берсун таҳорат билмаган сарлик асолардан.*

*Ҳаёликларни савти дилдадур, ҳар ким эмас маҳрам,
Жаҳон зулматга тўлди янги чиққон беҳаёлардан.*

*Юрур феш қайтаруб, сўрсанг қаролигдин эрур ожиз,
Қаролмаймиз изодин, онлар ўлмаслар изолардан.*

*Қолибман зулмат ичра, лутф этиб, ё Раб, чиқар ондин,
Йироқ этма шарият доманин тутган ҳудолардан²¹.*

Мухлис ижодида нафақат наътлар, балки ёр ҳажрида ёниб-куйиш, ҳижрон азоблари, рашк ўти билан суғорилган ғазаллар ҳам мавжуд. Ушбу ғазалларда ошиқ қалбнинг фавқулодда ҳолати, ҳис-гуйғулари, ҳаяжонли тафаккурнинг ҳикматга эврилиши ўз ифодасини топган. Шоир зоҳидга мурожаат қилиб, менга жаннат ҳурлари-ю кавсар сувини мақтама, улардан “палишаккарборлар”им яхши дейди. Ушбу ғазал Мухлиснинг гўзал ғазалларидан биридир:

*Мани мажнун қилан ул лайли суврат ёрлардурлар,
Кўзумни пурхун этган кўзлари хумморлардурлар.*

*Қаддимни дол қилган навниҳол нозанинлардурлар,
Юрагим хаста қилган шўхдил озорлардурлар.*

*Неча кун хизмат айлаб, бор эдим итларига маҳрам,
Мани маҳрум этган ул ёрдин агёрлардурлар.*

*Дема, олдимда ҳур, ҳавзи Кавсар васфин, эй зоҳид,
Ҳадисим доимо ул лаъли шаккарборлардурлар.*

*Дедим, кўз тўкма ёшинг, билмасун розингни мардумлар,
Тўқуб ёш, этти розим дийдаи беморлардурлар.*

*Деди зоҳид манга, келгил, ридо ол, сабҳа илкинга,
Ки, йиртиб пардасин сабҳанг, дедим зуннорлардурлар.*

*Қочиб зуҳҳоддин кирдим харобот ичра Мухлисдек,
Нечун мунда неча бекафшу бедасторлардурлар²².*

Мухлиснинг ижодини ўрганиш энди бошланди. Умид қиламизки, унинг девони топилиб қолса, кўламдор тадқиқотлар юзага келиши, шубҳасиз.

²¹ Ўша баёз. – 103 саҳифа.

²² Тухфат ул-обидин. – 53 саҳифа.

Баёзнинг иккинчи қисмида уни тузувчи Обид Намангоний ва унга замондош бўлган шоирларнинг шеърлари жамланган. Баёзда 23 та шоирнинг ўз ижодидан намуналар ва 14 та шоирнинг шеърларига боғланган мухаммаслар учрайди. Жанр хусусиятига келсак, ғазаллар – 33 та, мухаммаслар – 29 та, соқийнома – 1 та, савол-жавоб – 1 та ва маснавий-тарих – 1 та. Баёзнинг иккинчи қисмида Обид Намангоний (16 та) ва Нодимнинг (13 та) шеърлари етакчилик қилади. Бундан кўринадики, Обид Намангоний Нодим билан замондаш бўлиши керак. Обид Намангоний ҳаёти ва ижоди ҳақида баёз дебочасида берилган маълумотлардан бошқа ҳеч нарса билмаймиз. Фақат унинг ижодига қараб баҳо бериш, айрим тахминларни илгари суриш мумкин.

Ҳарҳолда, Обид Намангоний зиёли оилада таваллуд топган ва тарбия кўрган. Унинг отаси Мулла Қобул саҳҳофлик билан шуғулланган. Саҳҳоф – бу китоб муқоваловчи устадир. Бунинг учун китобни кадрлайдиган ўқимишли одам бўлиш керак. Мулла Қобул шундай ўқимишли одам бўлиб, Обиднинг тарбиясига алоҳида эътибор берган, уйда ва дўқонида бўладиган турли мушоираларга ўғлини жалб қилган. Обид ёшлигидан шеърятга ихлосманд бўлиб ўсган. Аввал отасидан, кейинчалик Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Обид Намангоний диний таҳсил олиш билан бирга замонасининг етук шоирларидан бўлиб етишади. Баёзга кирган шеърларининг савиясига қараб шундай дейишга ҳақлимиз.

Обид Намангоний ижодидида ошиқ ва маъшуқа образи алоҳида ажралиб туради. Унинг суюкли маъшуқаси гўзал ва маккор, ситамкор ва нозу карашмали, ошиққа жафо ва ағёрга вафо кўрсатувчи, ҳар дамда товусдек турфа рангга кирувчи ва ошиққа ҳар лаҳза қон юттирувчи, айна дамда оҳанрабодек мафтункордир. Шундай бўлсада ошиқ ундан юз ўгира олмайди, унинг азоблари роҳат, гамлари қувонч, жафолари дардига малҳам бўлиб туюлади чин ошиққа, ҳижронлари висол онларидек лаззатли туюлади. Шоирга қулоқ тутаёлик:

*Ушшоқларга нозу таманно қачонгача,
Солмак бошига шўриши савдо қачонгача.
Бегоналарни шод қилур кўнглида мудом,
Минг лутфу марҳамат била парво қачонгача.*

*Дўстунга жавр кўргузубон, эй парилиқо,
Душманга шафқат эшигидур раво қачонгача.*

Ёки:

*Хуррам бўлмамдим даме, эй шўхи дилтазир,
Ушшоқ элини айламак ҳайрон қачонгача.*

*Нозик ниҳол маҳваш, гулчехралар шаҳи,
Обидни қилмогинг дили вайрон қачонгача²³.*

Обид Намангоний Мухлиснинг “қарз” радифли ғазалига боғлаган мухаммасида жамиятдаги судхўрлик кўринишининг кулфатли манзараларини тасвирлайди. Бой бўлиш илинжида ёки бошқа мақсадда қарз кўтариб, қарзни вақтида қайтаролмай қийналиб қолган одамларнинг рухий ҳолатини аниқ кўрсатиб беради. Судхўрлик бугун ҳам мавжуд экан, шоирнинг шеърлари долзарблигини йўқотмаган:

*Эй биродар, излаюб дунёни жоҳу лаззатин,
Қарз олиб бой бўламан, деб кўрма олам меҳнатин,
Билма давлат, балки ҳижрон бил жаҳонни ширатин,
Тортмагил захри йилондек тор кўзлар миннатин,
Жавшани жондин ўтар олмосдек таъсири қарз.*

*Роҳати жовид кимда гар бу шлат бўлмаса,
Гарданида қарз отлиг шум тийнат бўлмаса,
Тут қулогингни сўзумга санда гафлат бўлмаса,
Ухламак роҳат эрур, гар хавфи горат бўлмаса,
Тушгадур дўзах азобин кўрмоги таъбири қарз.²⁴*

Шоир жамиятда адолатсизликларни кўради, ошноларнинг “ноошнолигини”, яхшилиқнинг ёмонлик бўлиб қайтишини, насиҳатнинг тухматга айланишини, муҳаббатнинг машаққатларини, дўстларнинг бегоналарга айланишини ўз кўзи билан кўради ва бу ҳолатга шоир қалбида нафрат уйғонади. Шоир шундай ёзади:

*Муҳаббат айлабон охирда афкор ўлмасун ҳеч ким,
Манингдек зору сарсонни жафокор ўлмасун ҳеч ким,
Бировга эътиқод айлаб, ўзи хор ўлмасун ҳеч ким,
Кўзу қонлу, юзи зард, дили озор ўлмасун ҳеч ким,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким²⁵.*

Обид Намангоний нафақат ситамкор ёрдан зорланади, балки унинг гўзаллигидан, нозу жилваларидан қувонади, сархуш бўлади. Ёрни ёмон кўзлардан сақланишини парвардигордан тилайди. Ёр васфини улуглаш – дунёвий ва илоҳий маънода ҳам шоир ижодининг лейтмотивидир:

²³ Тухфат ул-обидин. – 140-141 саҳифалар.

²⁴ Тухфат ул-обидин. – 159 саҳифа.

²⁵ Ўша баёз. – 169 саҳифа.

*Манга саргашталик, эй гулбадан, раънолигингдандур,
Кўзумга ҳар замон хуш жилва, хуш оролигингдандур,
Ҳамиша зулму жавринг раҳми йўқ тарсолигингдандур,
Ўзунга қўб бино қўйган шаҳи барнолигингдандур,
Дило, ҳар гам ўзингдандур, анга шайдолигингдандур²⁶.*

Баёзнинг охирида ўша даврнинг характеристикасини ифодаловчи Обид Намангонийнинг “Мухаммас ул-Обид ‘ала-л-Мажрух фий аҳволи аҳли замон (Замон аҳлининг аҳволи ҳақидаги Мажрухнинг газалига Обиднинг мухаммаси)” деб номланувчи мухаммаси алоҳида эътиборга моликдир. Мухаммаснинг номланиши ҳам “Замон аҳлининг аҳволи” деб юритилади. Ушбу мухаммасда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳвол маҳорат билан баён этилган ва шарҳлаб берилган бўлиб, арузнинг гўзал намунаси деса бўлади. Жумладан, Туркистондаги сиёсий аҳвол, турлича тартиб ва низомларнинг ғайримиллий ва ғайридиний кўринишдалиги ҳамда уларнинг оқибатлари ҳақида гап боради. Мухаммас шундай бошланади:

*Бўлдилар бизларга носих бефаросатлар чиқиб,
Амри маъруф айлашурлар бетаҳоратлар чиқиб,
Маслаҳатдон бўлди неча безаковатлар чиқиб,
Бўлди Фаргона эликим ғайри суннатлар чиқиб,
Турфа тартибу низому ўзга бидъатлар чиқиб²⁷.*

Турфа тартиб ва қоидалар ҳамда шариатдан ташқари бидъатлар жорий этилиб, ўзлари бефаросат бўлгани ҳолда, бизга насиҳат берувчилар кўпайди, деб нолинади шоир. Бетаҳоратлар(бу ерда ғайримусулмонлар назарда тутилган) келиб бизга амру маъруф қилувчилар, “адаб ўргатувчилар” кўпайганини, ақлсиз нодонлар келиб ақл ўргатишини ва Фаргона эли шундай кишилар қўли остида қолганини афсус билан баён этади.

Ўша даврда Н.П.Остроумов ўзининг Петербургдаги Академия йиғилишида сўзлаган нутқида маҳаллий миллатларни бўйсундириш учун уларни диний эътиқодидан ва миллий маънавиятидан маҳрум қилиш кераклиги ҳақида фикр билдирганини эътиборга олсак, чор Россияси сиёсатининг Марказий Осиёга нисбатан бундай йўли амалда жорий этилганлигини мухаммасдаги фикрлар тизими орқали билиб оламиз. Мухаммасни ўқиганимиз сари ислом динининг кадрига путур ета бошлагани, одамларда ҳамият, яъни дин учун орномусни сақлаш, унинг ривожини учун машаққат чекиш қолмагани, кишиларда бир-бировга биродарлик нишонлари камайиб бораётганлиги ҳақидаги манзаралар тасаввуримизда гавдаланади:

²⁶ Ўша баёз. – 173 саҳифа.

²⁷ Тухфат ул-обидин. – 190 саҳифа.

*Баъзилар масжид аро эрмас худо учун муқим,
Мадраса ичра мударрис вақфи учун мустақим,
Гар ўзи лутф айламас бўлса худованди Карим,
Мавжа келтурди зинову фисқни баҳригаким,
Зоҳири зоҳидсифат аҳли шароратлар чиқиб²⁸.*

Бу мисраларда Обид Намангоний ташқи кўринишдангина тақводор одамлар, яъни мунофиқлар чиқиб, масжидга қатнаш ҳам шунчаки, кўз-кўз учун, мадрасаларда мударрислар толиби илмларга сабоқ бериш учун эмас, балки мадрасанинг ери ва ундан келадиган даромад учун домлалик қилиб юрганликларини ачиниш билан қаламга олган. Шу туфайли, зинокорлик ва фисқу-фасод денгизи мавж уриб бошлади. Бу эса миллат тақдирининг инқирозга юз тутишига олиб келади.

Мухаммасда миллий мусулмон мактабида таҳсил олмаган саводсиз, маърифатсиз жоҳиллар пайдо бўлиб, улар дину диёнат, шариат, маърифат каби қадриятларимиз таназзулига сабаб бўлганлигини, яъни кишилар дилида гуноҳ ишларга мойиллик пайдо қилгани, одамларда ичи қоралик, ҳасад, фисқу-фасод каби ярамас иллатлар авж олгани, натижада ислом дини анқонинг уругидек, йўқолиб кетиш даражасига келиб қолганини танқид остига олинган.

Ўзи мунофиқ, мазҳабининг тайини йўқ, кишининг ҳақидан кўркмайдиган, ташқи кўриниши имому аслида ички дунёси ғариб, бедиёнат, ўғри одамлар шариатга пешво бўлганлигидан афсусланади Обид Намангоний. Ўша замонда шундай бир тоифа одамлар пайдо бўладика, ўзларини гўёки Искандар Зулқарнайн деб биладилар. Аслида буларнинг қилмишлари хайру саховат қилиш ўрнига судхўрлик орқасидан бойлик орттириш, амаллари фақат юлғунчиликдан иборат эканлигининг реал манзараси берилади мухаммасда:

*Айлазунг ихлос тўхтовсиз кўриб дийдорини,
Қайси мазҳабдин халифа деб мунофиқ ўғрини,
Ҳақи мардумдин ҳазар қилмас, надур билмам динини,
Хонақоҳда рақс уруб олди нечани кафшини,
Ботини кизбу хиёнат аҳли суҳбатлар чиқиб²⁹.*

Ўша даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳволи шу даражага етдики, пулпарастлик барча муқаддас нарсалардан, ҳаттоки, онадан, илмдан, эл ичра эъозда бўлган пайғамбар авлодларини хурматлашдан юкори турар эди. Балки пул учун илмли, фозил кишиларни ҳақоратлаш, оналарни беҳурмат қилиш, ғайридинларни эъозлаш устун бўлиб қолганлигини мухаммас рухиятидан билиб оламиз. Обид Намангоний имон-эътиқод, ахлоқ,

²⁸ Ўша жойда.

²⁹ Тухфат ул-обидин – 190 саҳифа.

диёнат ва маърифат билан уйғунлигини, дин асрлар оша кишиларни ҳалолликка, ростгўйликка, камтарликка, меҳр-мурувватга, саховатга чорлаб келганлигини айтиб ўтади:

*Хожя, муллони ҳақорат айлагайлар пул учун,
Илм одобини горат айлагайлар пул учун,
Волидайнни тарки иззат айлагайлар пул учун,
Кесмаган ҳиндуни иззат айлагайлар пул учун,
Эл аросида отанган аҳли иззатлар чиқиб³⁰*

Диний қадриятларнинг таназзулини кўрган Обид Намангоний мусулмонларни ундан сақланишга даъват этади, ҳамиша худо йўлида бўлишга, қалбни худонинг маърифати билан безашга чақиради, гуноҳ ишлардан парҳез қилишга даъват этади.

Маълумки, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида бутун Туркистон ўлкасида худосизлик (атеизм) дунёқарашининг кишилар онгида жадал илдиз ота бошлаган даврдир. Бу даврда ҳокимият тепасига Худодан қўрқмайдиган “аҳли донишлар” келиб, кўнглига келган номаъқул ишларни ислом дини номидан тарғиб қилар, янги тартиб-қоидалар ўйлаб топар ва халққа зулм қилар эди. Мухаммасда ушбу жараённинг тадрижий ривожланиш босқичларини кўришимиз мумкин:

*Бу Али Сино эрур ҳайрон замон тазвирига,
Кор этурларким, етиб бўлмас ани таъбирига,
Алдабон шайтон элин банд айлагай занжирига,
Ҳеч найранг ўхшамас бу халқнинг тазвирига,
Ушлатур шайтон яқосин аҳли санъатлар чиқиб.*

*Яхшилиқ қилсанг кима қайда санга суд айлагай,
Қайдаги улфатларинг дилшоду хушнуд айлагай,
Сан вафо қилсанг, жафолар бирла нобуд айлагай,
Етмаган ақли шаётин ишни мавжуд айлагай,
Қўрқмаган қаҳри Худодан аҳли ҳикматлар чиқиб³¹.*

Ва, ниҳоят, мухаммас охирида муаллиф ажалга ҳийла ва бошқа тадбирлар (пора бериб, мансаб бериб узр сўраш ва б. – М.С., С.Р.) кор қилмаслигини, ҳар ким ўз аъмолига яраша ажрим олиши, гуноҳкорлар ҳам, мўмин бандалар ҳам худонинг назаридан четда эмаслиги ва охир-оқибат барчанинг бу фоний дунёдан бир-бир кетиши муқаррарлигини уқтиради. Ўлим – ҳақ, демак бу фоний дунёда кишилар эзгуликни кўпайтириши керак, деган хулосага келади шоир. Ушбу

³⁰ Ўша жойда.

³¹ Тухфат ул-обидин – 191 саҳифа.

мухаммасда мустамлакачиликнинг илк пайтларида мусулмонлар юртини ўзгалар оёқ ости қилганлари ва халқни дину диёнатдан, миллий қадриятдан, маънавиятидан маҳрум қилинганининг бадий ифодаси ўз аксини топган. Шоир диний қадриятларни сақлаб қолувчи ватанпарвар инсон сифатида гавдаланади.

* * *

Баёзнинг иккинчи қисмида Нодим Намангонийнинг 13 та шеъри берилган. Нодим Обид Намангоний билан замондош ва ижодида умумий ўхшашликлар мавжуд. Бу иккала шоирда ҳам Мухлис ёки бошқа шоирлар ижодига қараганда дунёвий мотивлар, ижтимоий лирика устиворлик қилади.

Нодимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида 1945 йилдан буёгига етарлича адабиётлар нашр қилинган, тадқиқот ишлари олиб борилган. Шоир ҳаёти ва ижоди А.Халилбековнинг “Наманган адабий гулшани” монографиясида етарлича ёритилган³². Шоирнинг асли исми – Сулаймон тўра бўлиб, халқ орасида Эшон Бобохон номи билан шуҳрат қозонган. Нодим шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, “пушаймон қилувчи”, “афсусланувчи” маъноларини билдиради.

“Нодим 1844 йилда, – деб ёзади А.Халилбеков, – Наманган шахрининг Жомеъ маҳалласида дунёга келади. Отаси Улуғхон тўра Зокирхон тўра ўғли Намангандаги Саидқулибек мадрасасида мударрислик қилган. Адабиётга ҳаваскор киши бўлган, шеърий ижод билан шуғулланган. Нодим дастлабки таълимини отасининг мадрасасида олади. Ёш Сулаймон Жомий, Навоий, Фузулий, Машраб, Бедил каби шоирлардан илҳом олади”³³.

Нодим 1887 йилдан 1899 йилгача Тошкент, Авлиё ота, Бишкек, Олма ота, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида саёҳатда бўлади ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилади. Бу саёҳатлар унинг ижодига катта таъсир кўрсатади. Янгиликларни кўриб қувонади ва она замин соғинчи билан яшайди. 1902 йилда Нодим ҳаж сафарига боради. Сафарлардаги ёлғизлик, юрт соғинчи куйидаги сатрларда акс этади:

*Кезиб дашту саҳрони шому саҳар,
Фироқингда чун бод соғинмишам.
Ўшал васл айёми ширатларин,
Этиб дам-бадам ёд соғинмишам*³⁴.

Нодим ҳаж сафаридан кейин Наманганга қайтади ва 1910 йилда вафот этади. Ушбу баёз нашр қилинганда баёз тузувчи – Обид Намангоний ва Нодим ҳаёт бўлган.

³² Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2007. – 125-141 бетлар.

³³ Ўша китоб. – 125 б.

³⁴ Тухфат ул-обидин – 148 саҳифа.

Ёр васфини улуғлаш – ўтмиш ва ҳозирги барча шоирларга теккан дард. Нодим ҳам ёр васфини куйлашда салафларидан ўзиб кетади. Ғазалнинг ички қофиядорлиги, сўзларнинг раван ва ўйноқилиги шаддод ёрнинг жисмига монанд:

*Шахло кўзу сиймин бадан, гулчехраю ширин сухан,
Гулгун қабо, гултираҳан, сумбулистоним, нозанин.*

Ёхуд:

*Эй, дилбари нозанин барно,
Рухсори қуёш, лаби Масиҳо,
На золи фалак, на дин паймо,
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо,
Бир кўрмади сан каби санамни³⁵.*

Маълумки, Нодимнинг Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан дўстлик алоқалари яқин бўлган. Муқимий Наманганга келганда Нодимнинг хонадонидан ижодий мушоиралар қилган. Бу ижодий ҳамкорликлар шеърларида аксини топади. Муқимийнинг “Кўсаман” радифли ҳажвий ғазалига Нодим мухаммас боғлаб, жамиятдаги баъзи иллатларни танқид қилади:

*Ман ўзум ланду лаванду ҳумакзал, гунгу саранг,
Кеча-кундуз улфатим бўлди тамоқу бирла банг,
Икки бетимдур нақорадек тиришгану таранг,
Чағларим Шайдоннинг даштидек яп-яланг,
Эй кимдин бир уло маҳрам намоеън кўсаман³⁶.*

Нодим соқийномасида ўзининг оламга бўлган муносабатини фалсафий ифода қилади. Мумтоз адабиётда май – реал ҳаёт рамзи. Шоир соқийга (Аллоҳга) мурожаат қилиб, майни улуғлайди, бу дунёнинг ўткинчилигидан, доимо бузилиб, емирилиб туришидан, ҳар қадамида хийла-ю найранг борлигидан шикоят қилади. Май ичиб барча дардлардан халос бўлишни истайди. Май шодлик тимсоли. Шоир майни улуғлаб ҳаётга бўлган реалистик қарашларининг фалсафий хулосасини беради:

*Бу дунёда йўқтур бақову субут,
Бўлди жумла ашё вужуди 'адам.*

*Бағайр аз Худованди олам қани,
Биров малик ул-явмдин урса дам.*

³⁵ Тухфат ул-обидин – 148, 152 саҳифалар.

³⁶ Ўша баёз. – 183 саҳифа.

*Мақоми ризо, таваккулда бўл,
Агар етса бўйнингга тийги ситам.*

*Наким чекти, ул бўлмайин қолмагой,
Қазову қадар сафҳасини Қалам³⁷.*

Баёзда нафақат наът ва ҳамдлар, балки, Наманган шевасига хос бўлган лирик намуналарни ҳам учратамиз. Савол-жавоб жанрида ёзилган мухаммаснинг гўзал намунаси Залулий Намангоний ижодига хосдир:

Ариза

*Эй моҳлиқо хайлин сараси,
Ғам бирла дутони муттакоси,
Қулнинг бўладур муддаоси,
Ҳар корки қилса подшоси,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.*

Жавоб

*Эй, ишқни лофин урган ошиқ,
Борму сўзунг ичра зарра содиқ,
Кўнглунг тилингга эмас мувофиқ,
Шаръида дегай сани мунофиқ,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча³⁸.*

Хуллас, баёздаги форсий шеърлар ҳам исломий ахлоқ-одоб қоидаларини тарғиб қилишга қаратилган. Ушбу баёз Наманган адабий муҳити ҳақида бой маълумотлар бера олиши билан ажралиб туради.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев кўп бора таъкидлаганидек, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил гаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу гояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда³⁹.

Мустақиллик туфайли халқимиз эркин нафас олиб, миллат ўзини таниб, диний кадриятлари қайтадан раванқ топиб, маънавий камолот жараёни ўзининг асл ўзанига тушганини кўриб, мустамлакачилик даврида миллий-диний

³⁷ Тухфат ул-обидин. – 183 саҳифа.

³⁸ Ўша баёз. – 179 саҳифа.

³⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 мартдаги ПҚ – 2855-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 апрелдаги ПФ – 5416-сон Фармони.

қадриятлар камситилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётганини кузатамиз. Бунинг асосий сабаби сифатида биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни сақлаб аждодлардан авлодларга ўтказиши, бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илм-у фан ривожига кўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланадики, юртимизга халқаро ҳамжамиятда қизиқишнинг ортиб бориши шундандир.

“Тухфат-ул Обидин” баёзи орқали Обид Намангоний каби шоирларнинг диний қадриятларни тиклаш учун кураш олиб борганлигини кўрамиз. Ушбу баёз диний қадриятлар ҳақида муҳим манба, ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини намоён қилувчи адабиётлардан бири эканлиги билан диққатга сазовордир.

Баёзни нашрга тайёрлашда, Қуръон оятлари ва ҳадисларни манбалар билан қиёслашда берган амалий ёрдамлари учун т.ф.д. Маҳмуд Ҳасаний, т.ф.н. Ҳамидулла Лутфуллаев, т.ф.н. Ҳамидулла Аминов, т.ф.н. (PhD) Комилжон Раҳимовларга, наманганлик шоирлар ҳақида маълумот тўплашда ёрдамлашган тех.ф.н. (PhD) Неъматилла Нишоновга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Наманган вилоят бошқармаси ходимларига самимий миннатдорлик билдирамиз. Баёзни нашрга топширар эканмиз, устоз Азиз Қаюмовнинг “Китобни хатосини топиш учун эмас, ундан фойдаланиш учун ўқиш керак”, деган пурмаъно гаплари негадир бот-бот ҳаёлимизга келаверади. Китобни синчковлик билан ўқиб, ўз мулоҳазаларини билдирган адабиёт муҳибларига олдиндан ташаккур изҳор қиламиз. Китобни ўқиб наманганлик ошиқларнинг мухлисига айланиб қоласиз, деган умиддамиз.

Муҳаммад Раҳим Сафарбоев,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Султон Мирзо Раҳимов,
филология фанлари номзоди.

I – ҚИСМ.
ЁРМУҲАММАД МУҲЛИС ДЕВОНИДАН

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

МУҲАММАСИ МУҲЛИС

Сипосу ҳамди беҳад Ҳаққаки, зоти қадимдандур,
Кимики зотиға инкор этар жойи жаҳимдандур⁴⁰,
Мадори икки олам зоти Ҳақдин ўзга кимдандур,
Каломин аввалин билгил “Алифу лому мим”⁴¹дандур,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Буюрди Ҳақ Қаламга айла деб туғройи бисмиллоҳ,
Минг ил⁴² ўтди битолмай, бўлди шаққ, имлои бисмиллоҳ,
Минг (й)илдин сўнгра таҳрир этти ул иншои бисмиллоҳ,
Йади кудрат билан битти Худойим “бо”йи бисмиллоҳ,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Ёзилдиким, бу хат етмиш минг (й)ил илгори Одамдин,
Не арзу, не само, балки нишон йўқ эрди оламдин,
Ҳақими лам йазал⁴³ бизга насиб этти бу марҳамдин,
Бу хатни ким қироат қилди, махласдур⁴⁴ жаҳаннамдин,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Эгамнинг номи уч минг, мингидур вирди малак, эй шах,
Мингидин ваҳшу тайру жини баҳрийлар эрур огоҳ,
Минги тўрт сафҳада онлардин афзалдур Каломуллоҳ,
Бу уч минг отини зикри савоби даржи бисмиллоҳ,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

⁴⁰ Жаҳим – дўзах.

⁴¹ Хуруфи мукаттаъот, “Бақара” сурасининг 1-ояти.

⁴² Шевада: йил.

⁴³ Лам йазал – йўқ бўлмайдиган, яъни Аллоҳ таоло.

⁴⁴ Махлас – 1) қутилиш жойи, паноҳгоҳ; 2) қутулган.

Ки, Ул Маъбуди барҳақдурки, йўқдур ҳеч ҳамтоси,
Алийму Олиму Халлоку доноларнинг доноси,
Эрур жорий ямону яхшига неъматни дарёси,
Роҳийм оти билан маъмур мўминларни уқбоси,⁴⁵
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

“Мухаммад”⁴⁶ сурасинда нозил ўлди Ҳақ таолодин,
Келур жаннат ичинда тўрт анҳор Арши аълодин,
Учи ширу шаробу ҳам асал, тўртинчиси мо⁴⁷дин,
Ичар жаннатга мўминлар кириб тонгла бу дарёдин,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Деса ҳар кимса “бисмиллоҳ” очгай Ҳақ дари⁴⁸ раҳмат,
Азал кундин муни Ҳақ айлади сардафтари оят,
Намоз ичра дедилар Шофеъий фарз, ўзгалар суннат,
Намозу хоҳ таҳорат, ҳеч иш эмас бусиз тамнат,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Бихамдиллоҳ ҳама мўминга бу Ҳақни каломидур,
Кими ҳар ишни булсиз қилса ул иш нотамоидур,
Бўлак хатлар ақибда, қавм гўё бул имоидур,
Калиди ул етти дарвоза дор ус-салом⁴⁹идур,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Бу хатнинг “ҳо” била уч “мим”идандур чашмаи Кавсар,
Ҳабибига шаби меърож⁵⁰ маълум айлади Акбар,
Қўруб бу қудрати аъзамни ҳазрат бўлдилар музтар,
Хаёла кечти ичгайму бу сувдин тонгла умматлар,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Нидо келди ўшал соат, ҳабибим, бўлмағил ғамгин,
Ўқуб бу ояти покимни эъзоз этса ҳар мўмин,
Солиб жаннатга ониким, бу сувдин бермасам зомин,
Бўлай, деб ваъда қилди, анда пайғамбар деди “Омин”,
Шифо мўминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

⁴⁵ Уқбо –охират.

⁴⁶ Қуръони каримнинг 47-сураси.

⁴⁷ Мо – сув.

⁴⁸ Дар – эшик.

⁴⁹ Дор ус-салом – тинчлик уйи, яъни жаннат.

⁵⁰ Шаби Меърож –Меърож кечаси.

Илоҳо, айлагил тоатга мойил жисму жонимни,
Йироқ этма бу оят зикридин кому забонимни,
Шафоат вақти Аҳмад ёнидин қил ошиёнимни,
Саломат қил кетарда мақри шайтондин иймонимни,
Шифо мўъминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур..

Ўшал соат Сирофил⁵¹ амр бирла нафхи сур⁵² этса,
Тирилик мурдалар гавго била гавгою шўр этса,
Ажаб йўқ, нори дўзахдин Худо мўъминни дур этса,
Қилиб алтофи беҳад, манзилин дор ус-сурур⁵³ этса,
Шифо мўъминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

Манингдек бўлмағой олам ичинда ақбаху⁵⁴ ганда,
Фиёли⁵⁵ номуборак, беамал, осию шарманда,
Қиёмат шиддатидин бўлдилар музтар ҳама банда,
Илоҳо, қил у дам Мухлисни мўъминлар қаторинда,
Шифо мўъминга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм”дандур.

НАЪТИ ҲАЗРАТ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

Зиҳи зоти шарифинг фазли Ҳақсен саййиди барно,
Губори мақдамингдин бўлғусидур дийдалар бийно,
Туфайлингдин вужуда келди Одам, жумлаи ашё,
Зиҳи шоҳи жаҳонсен, остонанг Ясрибу Батҳо,⁵⁶
Мақоминг “лий маъаллоҳ”,⁵⁷ манзилинг Меърож “ав адно”.⁵⁸

Зилоли лабларингдин бўлди юз минг мурдаларга жон,
Шуоъи ой юзингдин габру тарсолар топиб иймон,
Гувоҳ сидқи Меърожинга келди “Сураи Субҳон”,⁵⁹
Вужудинг маҳзани асрори ганжи “Аллама-л-Қуръон”⁶⁰
Гулистони “фа авҳо”⁶¹ ичра келдинг булбули гўё.

⁵¹ Сирофил – Исрофил фаришта номининг қисқартириб айтилиши.

⁵² Нафхи Сур – Исрофилнинг сурнай чалиши.

⁵³ Дор ус-сурур – шодлик уйи, яъни жаннат.

⁵⁴ Ақбах – энг қабих.

⁵⁵ Фиёли – феъли.

⁵⁶ Ясрибу Батҳо – Макка ва Мадина.

⁵⁷ Лий маъаллоҳ – Аллоҳ билан бирга сафар қилиш. Ҳадисга ишора.

⁵⁸ Ав адно – Қуръони каримнинг “Нажм” сураси 9-оятдан.

⁵⁹ Сураи Субҳон – Қуръони каримнинг “Ал-Исро” сураси назарда тутилган.

⁶⁰ Аллама-л-Қуръон – Қуръони каримнинг “Раҳмон” сураси 2-оят.

⁶¹ Фа авҳо – Қуръони каримнинг “Нажм” сураси 10-оятдан.

Жаҳона келдиму сендек азим уш-шаън⁶²бузрукдин,
Йўлунг жоруби Жибрил шаҳпарини тутти усрукдин,
Харими Ломаконга етдинг, ўтдинг жумла ўзлукдин,
Сиёбинг хилъати “Лавлок”,⁶³ тожингдин “Лаумрук”⁶⁴дин,
Сифотинг “раҳматан лил-оламин”, эй “Ёсин”у “Тоҳо”.

Вужудинг боис ўлди хилқати ашёни зотиға,
Худо миндурди Исро кечаси⁶⁵ Рафрафни⁶⁶ отига,
Сабаб сан рўзи Маҳшар жумла умматни нажотиға,
Худо зотиға зотинг мазҳар, авсофинг сифотиға,
Варо⁶⁷лардин варосан, кимса етмас қурбинга асло.

Мақоми олингга арзу самову баҳрубар шоҳид,
Зухури мўъжизотинга эрур “Шаққул-қамар”⁶⁸ шоҳид,
Тамоми олам улвию суфлий⁶⁹ сарбасар шоҳид,
Юзинга “Ва-з-Зухо”,⁷⁰ чашмингга “Мо зогал-басар”⁷¹ шоҳид,
Ул икки туррайи шомингга “Ва -л-лайли изо йағшо”.

Эдинг сан шамси анвар Машрик иззат гузин ичра,
Тутуб нуринг муқаррам ҳазрати Одам жабийн ичра,
Сен ул сархайли олам ичра аввалину охирин ичра,
Дединг: “Кунту набийан”,⁷² Одам эрди моутин⁷³ ичра”,
Ҳадиси ҳикматомизинга мандин сидқи оманно⁷⁴.

“Ва-лал-охирату хайрун лака”⁷⁵Ҳақ меҳри майлингдин,
Иноят айламиш умматларингга жумла хайлингдин,
Машоми жон топар боди сабо таҳриқи зайлингдин,
“Лақад каррам”⁷⁶ки Одам шаънига содиқ туфайлингдин,
Агар сен бўлмасанг бўлмас эди Одам била Ҳавво.

⁶² Азим уш-шаън – шаън-шарафи улуг зот.

⁶³ Лав лок – “Агар сен бўлмасанг эдинг”. Ҳадисдан.

⁶⁴ Лаумрук – Қуръони каримнинг “Ҳижр” сураси 72-оятдан.

⁶⁵ Исро кечаси – ислом тарихида Муҳаммад (сав) нинг Маккадан Қуддусга қилган тунги сайрлари ҳамда Қуддусдаги Аксо масжидидан осмонга кўтарилишлари.

⁶⁶ Рафраф – Қуръони каримнинг “Раҳмон” сураси 76-оятдан.

⁶⁷ Варо – қўтилган, озодларнинг озоди.

⁶⁸ Шаққул-қамар – Қуръони каримнинг “Қамар” сураси 1-оятдан. Ойнинг иккига бўлиниб, мўъжиза юз берганига ишора.

⁶⁹ Улвий ва суфлий – юқори ва куйи даражали олам.

⁷⁰ Ва-з-Зухо – Қуръони каримнинг “Зухо” сураси 1-оятдан.

⁷¹ Мо зог ал-басар – Қуръони каримнинг “Нажм” сураси 17-оятдан.

⁷² Кунту набийан – мен пайғамбарман. Қуръонга ишора.

⁷³ Мо ва тин – сув ва туПРОК. Ҳадистга ишора.

⁷⁴ Оманно – иймон келтирдик

⁷⁵ Қуръони каримнинг “Зухо” сураси 4-оятти.

⁷⁶ Лақад каррам – Батаҳқиқ карамли (сахий). Қуръонга ишора.

Малак сархайли рифъат бобида келди сарафкандинг,
Мулаззиз Кавсари жаннатгадур лаъли шакар хандинг,
Тамоми халқ хукми давлатинга келди дарбандинг,
Агарчи волид⁷⁷ингдур сувратан, маънида фарзандинг,
(10)Ҳама волидга волидсен, валад⁷⁸сендин бўлур пайдо.

Саломи Ҳақ эшитгач, жумладан кечдинг, жаҳондин ҳам,
Чунон ҳайратга ботдинг, ўтдинг ул дам ичра жондин ҳам,
Ўшал хуру қусури равзаи боғи жинондин ҳам,
Камонсиз бора-бора номдин ўтдинг, нишондин ҳам,
Нишони ном йўқким, балки ғайринг “ло” билан “илло”.

Сиёдат шоҳиди зулфи сиёҳинг айласа шорих,
Агар ул рафъат қадар ҳилолинг айласа шорих,
Мазоқи жон ўлан ширин каломинг айласа шорих,
Азалдан то абад шарҳи сифотинг айласа шорих,
Қуёшдин зарра авсофингни қилгондек эмас афшо.

Ки чаши наргисинг машҳур қилди қудратуллоҳни,
Ғубори мақдаминг бирла муборак қилди Аксони,
Кўруб таъзимлар қилдинг бажоким ҳадди имконни,
Ажаб ҳоли санго рўй берди кўргач рўятуллоҳни,
Дединг, ман Аҳмади бемим изҳор айлабон ихфо.

Фироқи равзангиздин бу юрак ҳар дам кабоб ўлғай,
Кўзумни косаси ҳасрат била доим кабоб ўлғай,
Ки, шояд дар қатори итларинг бўлмоқ ҳисоб ўлғай,
Қачон бўлгойки бошим остонинга туроб ўлғай,
Бу Муҳлисни кўшиш эт равзанга, эй шоҳи “ав адно”.

⁷⁷ Волид – ота. Ҳадисга ишора.

⁷⁸ Валад – бола. Ҳадисга ишора.

НАЪТИ НАБИЙ АЛАЙҲИС САЛОТ УЛ - БОРИЙ

Зихи маҳбуби Раббул олабийн сардафтари ашё,
Туфайлингдин бўлуб кавнайн зоҳир пасту ҳам боло,
Эрур сувратда абб,⁷⁹ маънида фарзанди Одаму Ҳавво,
Зихи шоҳи Қурайший, манзил анга Ясрибу Батҳо,
Гадойи давлати Кайхисраву⁸⁰ Искандару⁸¹ Доро.⁸²

Нигаҳ кимиё, такаллум дурр, қадам баракат, саховат каф,
Ки, сартопо шарофат, кони хулку афзали ашраф,
Имоми икки олам, ўзгалар арқосидин саф-саф,
Эди тожи “лаъмрук”, пайки Жибрил, маркаби Рафраф,
Самовий сайра шоҳид анго “Субҳон аллазий асро”.⁸³

(11)Ҳама махлуқ ичинда ул эрур султони дирина,
Анингдек ҳеч ким маҳрам эмас Ваҳҳоб сиррина,
Карамбахшу хатопўш, шафоат омм бекийна,
Муборак мақдамингга етти кўк бўлди етти зина,
Малаклар сурма айлаб, кўзга гардин айтиб “Оманно”.

Эшитиб муждалар рахш⁸⁴ига берди онқадар суръат,
Жамолин партавидин топти жаннат зеб ила зийнат,
Анго бахш ўлди жаннат, ул истабон бахшиши уммат,
Киши кўрган эмас оламда андоғ шоҳи боҳашмат,
Мукаррамлар бўлуб чокар, эди ул шоҳи “Каррамно.”⁸⁵

На ҳад манга они сиррини изҳор айламак бир-бир,
Сифоти Аҳмадида зоти Ҳақдин ўзгалар қосир,
Учардин қолдилар етмай малаклар, ўйлаким, тойир,
Ки бўлди турфатул-айн⁸⁶ичра Аршу Курсига сойир,
Ўтурмай суръат ила жумла олам бўлди нопаддо.

⁷⁹ Аб – ота. Ҳадисга ишора.

⁸⁰ Кайхисрав – Улуг подлох. Хусрав Парвез – Хурмузд IV нинг ўгли, IV асрларда Эронда ҳукмронлик қилган.

⁸¹ Искандар – жаҳонгир Александр Македонский (эрамиздан аввалги 356-323 йиллар). Шарҳда Искандар Зулкарнайн поми билан машхур.

⁸² Доро – Кайёнйлар сулоласининг охириги ҳукмдори бўлган Эрон шоҳларидан бири, миладдан олдинги 330 йилда вафот этган.

⁸³ Қуръони каримнинг “Исро” сураси 1-оятидан.

⁸⁴ Рахш –от.

⁸⁵ Қуръони каримнинг “Исро” сураси 70-оятидан.

⁸⁶ Турфат ул-айн – кўз очиб юмгунча.

Қоқилди кўси Аҳмад, гўйиё кўк аҳли уйғонди,
Шароби васлидин нўш айлабон карру баён қонди,
Муҳаммад Сидрадин⁸⁷ хориж бўлуб юқори юзланди,
Бирок Жибрил ожиз бўлуб, узр айлауб ёнди,
Мақоми қурбиятни васл учун сайр айлади танҳо.

Етушти Аршнинг токига пойи шоҳи кавнайинни,
Шарокин гардини қилди малаклар сурмайи айни,
Ғубори мақдамидин Арш топти зеб ила зайни,
Икки оламни пинҳон этти ул дам гарди наълайни,
Мақоми бўлди хуллас ақоба қавсайнаву “ав адно”.

Ҳижоби нуризулмат беҳад ўлди ул замон ўтру,
Ҳар ўтти пардалардин шавқ ила шахбозинекхў,
Жасад жон ила ҳамроҳ эрди беағёру беуйқу,
Сафардин Хожа⁸⁸ бўлди онқадар мустағнию мамлу,
Кетурди осийларга охират савдосидин савғо.

Нидойи “азни минний” англауб қўйди қадам ул шаҳ,
Бу қўйган гомидин ғайр аз Худо ҳеч ким эмас огаҳ,
Ҳамадин ўзни хориж айлауб бўлди фано филлах,⁸⁹
Чунон сайр айлади жоми муҳаббатдин ичиб журъа(х),
Сифатга рост келмас, лаб хамушу тил эмас гўё.

(12)Муддати авжин истаб тойири қудси хиром этти,
Ўтубон пардалардин баъдазон азмин тамом этти,
Машоми васл исидин бўй олиб нафсигаром этти,
Қолиб ўртосида бир парда нури Тангрим салом этти,
Жавоб айтиб, кўруб дийдор, тўкти дийдадин дарё.

Фалакда меҳру маҳ камтар ғуломи шамси рўюнгдур,
Малоик меҳтари Рухул -амин⁹⁰ фарроши кўюнгдур,
Ўшал кундин бери кўқда ҳавойи ҳойи хўюнгдур,
Нидо бўлди, икки олам фидойи торимўюнгдур”,
Йиғи вақти эмасдур, шод бўл, эй Саййиди барно.

⁸⁷ Сидра - Қуръони каримнинг “Нажм” сураси 14, 16 оятларидан.

⁸⁸ Хожа – бу ерда Расулulloх назарда тутилмоқда.

⁸⁹ Фано филлах – ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, ялоҳиятга сиптиб кетиш.

⁹⁰ Рух ул-амин – Жаброилнинг лақаби.

Кими мақсадга восил бўлса, ул бўлмоқ керак масрур,
Сихат бўлди, шикоят айламасдур дардидин ранжур,
На боисдин кўзунг ёшин тўкарсен, эй шаҳи мағрур,
Деди ҳазрат: “Бу гилям азбаройи умматимдандур,
Ки, ман етмам аларни ҳоли қандог бўлғуси фардо”.

Лабинг ширинлигидин касб этур Кавсарни обидур,
Кими саркашлик этса санго дўзахни кабобидур,
Кишиким, калби Каҳфинг⁹¹ бўлди, чун одам ҳисобидур,
Деди Ҳақ: “Оби чашминг нори дўзахни хижобидур,
На қилсанг, санго бердим ихтиёри жаннат-ул маъво”⁹².

Бихамдиллоҳки, бўлдук уммати шундоқ шаҳи аъзам,
Ки, қилмай ғайридин, қилди ҳама асрорга маҳрам,
Бизингдек осий умматлар ғамидин ул эди пурғам,
Келурда ҳам кетурда ҳам шаби Меърож йиглаб ҳам,
Дер эрди, маҳлас эт умматни дўзахдин Худовандо.

На ким Ҳақдин тилоди беҳаял Тангрим қабул этти,
Қилиб гўстоҳликлар жумла мақсудин ҳусул этти,
Паё-пай ҳамди беҳад они бизларга Расул этти,
Топиб инъоми беҳад, боз Батҳога нузул этти,
Ҳануз занжир дар жунбушки, гарм эрди ибодатжо.

Наким Ҳақ бирла Ҳазрат ваъда қилди, ваъдаси чиндур,
Кими бу ваъдага инкор этар, албатта, бединдур,
Муборак шаръи поки яхши расму яхши ойиндур,
Муҳаммад хурматидин уммати дўзахдин эминдур,
Тилингда наъти Аҳмад Мухлис ихлосингга салламно.

⁹¹ Калби Каҳф – бу ерда “Асҳоби Каҳф” воксасидаги ит назарда тутилган.

⁹² Жаннат ул-маъво – жаннат номларидан бири

НАЪТИ НАБИЙ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ

(13) Зиҳи хўблар сароси, шамси рухсорингга салламно,
“Алам нашраҳ”⁹³ юраклик қалби анворингга салламно,
Нигоҳинг маҳзи раҳмат, чашми хумморингга салламно,
Қаддингдин садқа бўлсун сарви рафторингга салламно,
Қаю бирни дейин, бошдин оёғ борингга салламно.

Туфайлингдин ҳама шаънингда нозил ояти “лавлок”,
Яратти зийнати деб, Арш, Курсию етти афлок,
Ҳабиби Ҳақ эрурсан, васфинга ожиз эрур идрок,
Тилаб умматни Ҳақдин, тонгла озод айласанг не бок,
Дегайлар аҳли Маҳшар, қурб атворингга салламно.

Кудуминг ерга тегди, бўлди Олам гарқайи раҳмат,
Сужуд этдинг Худога, эрди ул дам матлабинг уммат,
Дединг, “ал-фақру фаҳрий”⁹⁴ ни тарк айлаб лаззати шавкат,
Қаноат айладинг батн⁹⁵ ингда боғлаб тош ҳар соат,
Чекибсан умматим деб, ранжу озорингга салламно.

Ғалоғул кўкдин ўтса гарм ўлуб Маҳшарни бозори,
Ҳама нафсин тилаб ул ерда килса нолаву зори,
Адашган осийларга сандин ўзга ким берур ёри,
Ўшал соат паришон ўлса юзга сунбулунг тори,
Ҳамани кутқарур зулфи гирихворингга салламно.

Ки, Бу Бакр Сиддик ҳақинда, “сонийи иснайн из ҳумо фил-гор”⁹⁶
Умар шаънида Ҳақ айди, “ашиддоу ала-л-куффор”⁹⁷
“Тароҳум руккаъан”⁹⁸ Усмона нозил айлади Ғаффор,
Келибдур “йабтағуна фазлан”⁹⁹ ба шаъни Ҳайдари¹⁰⁰ каррор,
Бу янлиғ рутба топган тўрт суяр ёрингга салламно.

⁹³ Алам нашраҳ – Қуръони каримнинг “Шарҳ” сураси 1-оятдан.

⁹⁴ Ал-фақру фаҳрий – фақрлик менинг фаҳримдир.

⁹⁵ Қуръони каримнинг “Тавба” сураси 40-оятдан.

⁹⁶ Бу ерда ғордаги дўстлар назарда тутилмоқда. Қуръони каримнинг “Тавба” сураси 40-оятга ишора.

⁹⁷ Ашиддоу ала-л-куффор – Қуръони каримнинг “Фатҳ” сураси 29-оятдан.

⁹⁸ Тароҳум руккаъан – Қуръони каримнинг “Фатҳ” сураси 29-оятдан.

⁹⁹ Йабтағуна фазлан – Қуръони каримнинг “Фатҳ” сураси 29-оятдан.

¹⁰⁰ Ҳайдар – Ҳазрати Алининг (600-661) лакаби.

Ҳама азвожи¹⁰¹ покинги бир-биридин тозаву тардур,
Хусусан, Фотима ойнадек софу мутахҳардур,
Ҳасан бирла Ҳусайннинг баҳри нурдан икки гавҳардур,
Саҳобанг “ка-н- нужум”¹⁰² рахшанда мисли моҳи анвардур,
Бошингда чатр ўлан абригу ҳарборингга салламно.

Икки олам аро сандин бўлак дарёи раҳмат йўқ,
Бу дарё ичра зуриётингдин ўзга дурри қиймат йўқ,
Тариқинг бехатардур, кимки пайрав бўлди, офат йўқ,
Қиймат кун яна сиздин бурун соҳиб шафоат йўқ,
Ҳама муҳтож эрур Маҳшарда дийдорингга салламно.

(14)Фуруғи меҳру маҳ хуршиди рухсоринг зиёсидур,
Муборак гарди пойинг дийдаларни тутиёсидур,
Қабули Ҳайи акбар кимки шаръинг ошносидур,
Кашиш эт хотиримга равзаи покинги ҳавосидур,
Ўпуб дей, қабри поки файз осорингга салламно.

Тутар оламни тушса ер юзига шаҳпари Жибрил,
Улуғдур Жабраилдин икки ҳисса қурби Мекоил,
Қиёс эт бул маротиб фазли Азроилу Исрофил,
Шаби Меърож чокар бўлдилар бир икки – уч манзил,
Етолмай қолдилар деб, сирру асрорингга салламно.

Ўлуб хориж икки оламдин ул шаҳаншаҳи аълам,
Мақоми “лий маъалоҳ”ки бўлуб дийдорига малҳам,
Дединг, кўб сирни маҳфий, лаб эмас ул розга маҳрам,
Қилиб хилват ороға бу муҳаббат риштадин маҳкам,
Қилон нозу ниёз, лутфи гуфторингга салламно.

Ки, қилдинг бир замонда Тангридин илм ўрганиб ражъат,
Тамоми осийга савғо кетурдинг номаи раҳмат,
Зиҳи кетмак, зиҳи келмак, зиҳи матлаб, зиҳи шафқат,
Терай жон риштасига наътдан дурдонаи зийнат,
Десунлар аҳли маъни, Мухлис, ашъорингга салламно.

¹⁰¹ Азвож – аёллар, хотинлар.

¹⁰² Ка-н-нужум – юлдузларга ўхшаш. Ҳадисга ишора.

НАЪТ МУХАММАС

Эй саъиди сармадий¹⁰³ вайронаи пургам аро,
Келдугинг маҳзи чироги марҳамат музлам аро,
Жумладин акрам эурсан маснади аъзам аро,
Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,
Ўзгалар хотам, сан ул отким эрур хотам аро.

Андалиб гулшанда бўюнг топа олғайманму, деб,
Ой чиқар ойдек жамолинг кўра олғайманму, деб,
Кўзгалур рийҳи сабоким, ета олғайманму, деб,
Юз эшикинг туфроғиға сурта олғайманму, деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Мумкинот ичра муаллолар мақоми ўйлаким,
Шоҳ сендурсен, ҳама кўюнг гуломи ўйлаким,
(15)Ой сен, жумла кавокиблар тамоми ўйлаким,
Анжум ичра оразинг Меърож шоми ўйлаким,
Тушса дурри шабчироғи ҳар тараф шабнам аро.

Тегди нурингдин ёруқ оламини ичу тошиға,
Солғуси сенсен шафоат соясин эл қошиға,
Бу сабабдурким, мени юкори “Исро” отиға,
Машъале бўлмиш малак илкида равзанг бошиға,
Ой чироғи кечалар бу нилгун торам аро.

Лоладур зоринг биёбонларда дарду доғ ила,
Ҳасрати лаълингда чун унс олди гавҳар тоғ ила,
Эрди муштоқинг сани Одам тани туфроғ ила,
Қум эмас Ясрибдаким, Ясриб юзин тирноғ ила,
Мақдаминг тойитмади ул водийи хуррам аро.

Нодири муштоқи зори интизори кошки,
Топса бу дарди талабга ҳам даवони кошки,
Остон бўсинг насиб этса Худойи кошки,
Итларинг маҳсус маҳзундур навои кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам бу зумраи маҳрам аро.

¹⁰³ Саъиди сармадий – боқий Аллоҳнинг абадий бахтиёри, яъни пайгамбар (а.с.).

МУНОЖОТ

Эй, яхши сўз ибтидоси отинг,
Андоғки, завогга сифотинг.

Эй, зоти сифоти ҳечгуна,
Бешубҳа Худойи бенамуна.

Эй, зиндаи лоязал зоти,
Эй, пок заволдин сифоти.

Эй, куллию жузъиёта бийно,
Донандаи ғайбу ошкоро.

Эй, айтгани фарз, оти вожиб,
Ҳар амр аро диятда голиб.

Эй, лутфи каломи рашки ҳайвон,
Ҳайвонда каломи файздин жон.

Эй, қозийи жузву кулли ҳожот,
Ҳожатлуга сомиъиму нажот.

Эй, бирлигу борлиқда берайб,
Донандаи ғайб, сотири айб.

Эй, оламини йўқдин айлаган бор,
Айлагали бору бирлик изҳор.

(16)Эй, зоти сифоти бекаму кост,
Қил ҳар кажу косту камим рост.

Эй, қабзайи хоки Одам этган,
Эй, оби маҳинни акрам этган.

Эй, жумлайи мушкулотга ҳаллол,
Ҳамдингда кўтар тилимдин ишқол.

Одамга пирони сафо туфайли,
Йасрибдаги Мустафо туфайли.

Аҳмад ҳақи, ҳожатим раво қил,
Мандин Ўзунғга сано адо қил.

МУХАММАС

Эй, шаҳаншоҳи “лаъмрук”, олдинга шерлар гадо,
Ҳомилони Арш¹⁰⁴ гардинг кўзга қилди тўтиё,
Ким, сани зотинг баён этти, сифотинг кибриё,
Эй. вужудинг боисидин нуру нор, арзу само,
Сан учун қилди малаклар саждайн Одам ато.

Эй, муборак исми покинг “дол”у “ҳо”ву, икки “мим”,
Бир “мим”идин Курси, бирдин бўлди жаннот ун- наъим.
Лавҳи “ҳо”дин бўлди пайдо, “дол” дин Арши азим.
Бир гулидурсан гулистони Бароҳим¹⁰⁵ ичраким,
Эслайин деб, олди Исмоил бўлуб ошиқ санго.

Жаннат ичра қилдилар Одам, Ҳаво билмай ёзук,
Чикдилар дунёга урёну ҳазину қайғулуқ,
Ким, шафиъ айлаб сани, бўлди яна Ҳақга ёвуқ,
Одам авлодигаким, сандин азиз фарзанд йўқ,
Боиси сан жуфти Одам бўлди ул кунда Ҳаво.

Нури покинг жумладин бўлди бурун иззат билан,
Сўнгра кулл ашёни халқ этти Худо қудрат билан,
Одам авлодига сан нақл айладинг қурбат билан,
Омина батнига жо топдинг охир навбат билан,
Ерга тушдинг, қўйдилар отинг Муҳаммад Мустафо.

Келди таанният¹⁰⁶ учун жумла пайгамбар як-бабаяк,
Кўк равоқидин туруб таъзимига хуру малак,
Ер тафохур¹⁰⁷ қилди ул тун; орзу қилди фалак,
Мушк иси тутти ёруб олам самодин то самак¹⁰⁸,
Тоқи Кисро¹⁰⁹ учди, бутлар сажда қилди беибо.

¹⁰⁴ Ҳомилони Арш – Аршни кўтариб юрувчилар.

¹⁰⁵ Бароҳим – Иброҳим (а.с.) нинг номи.

¹⁰⁶ Таанният – табриқ, қутлаш.

¹⁰⁷ Тафохур – фахр этиш.

¹⁰⁸ Самак – балик.

¹⁰⁹ Тоқи Кисро- Эрон шоҳи Ануширвоннинг саройи назарда тутилмоқда.

Икки олам хони эҳсонингга ҳожатманд эрур,
Сан ризо бўлсанг агар, сандин Худо хурсанд эрур,
Жисмингга Одам атодур, рухунгга фарзанд эрур,
Сандин илгори шафоат боби элга банд эрур,
Тут қўлум очгандаву ройи шофиъ ¹¹⁰ йавм-ул жазо¹¹¹.

Ҳақ таолога йўқ эрди сандин илгори киши,
Сан ҳабиби хос эурсан, ўзгалар бори киши,
Ҳад эмас Маҳшарда берса бир-бира ёри киши,
Сандин илгори қадам қўймас жинон¹¹² сари киши,
Икки дунёга эурсан ҳам амину пешво.

Сан учун хайёти¹¹³ қудрат қилди пирохан руфу¹¹⁴,
Хатналик келдинг онодин ҳам терилган эрди мў,¹¹⁵
Ҳам кесилган эрди нофинг¹¹⁶ кимга ҳосил бўлди бу,
Жабраил жаннатдин олиб келди бир ибриқа сув¹¹⁷,
То тани покингни қондин пок қилмоқға яно.

(18)Шодликдин қўл узотти Омина айлаб хуруш,
Тожи зар, сиймин қанотлик бўлди пайдо икки қуш,
Урма қўл, дурри йатимдур¹¹⁸ деб, нидо қилди суруш,
Омина ҳам қуш кўруб ҳам савтдин¹¹⁹ олдурди ҳуш,
Ғойиб ўлдунг қуш билан ҳасратга қолди Омино.

Соат ўтмай икки қуш келтурди пок айлаб сани,
Сурма тортиб, нилуфардин чашминга пирохани,
Абри абяз¹²⁰ соясига офтоби равшани,
Сажда қилдинг ул замон, эй ганҷи ваҳдат¹²¹ махзани,
Элдин аввал ул қуш қилди санго иқтидо¹²².

¹¹⁰ Шофиъ – шафоат қилувчи.

¹¹¹ Йавм ул- жазо – жазо, яъни қиёмат куни.

¹¹² Жинон – жаннатлар.

¹¹³ Хайёт – тикучи, чевар.

¹¹⁴ Руфу – чок урмоқ, тикмоқ.

¹¹⁵ Мў(й) – юнг.

¹¹⁶ Ноф – киндик.

¹¹⁷ Ибриқ – кўза.

¹¹⁸ Дурри йатим – ягона дур.

¹¹⁹ Савт – овоз.

¹²⁰ Абри абяз – оқ булут.

¹²¹ Ганҷи ваҳдат – ваҳдат хазинаси.

¹²² Иқтидо – эргашши.

Отика ҳам Омина ул ерда бўлди хайрати,
Тарси¹²³ ғолиб бўлди тортиб икки қушдин ваҳшати,
Уй муаттар бўлди, кўкдин ёғди абри раҳмати¹²⁴,
Саждага оғзингда такрор эрди номи уммати,
Кулл малаклар бўлди омингўй, сан қилдинг дуо.

Топмади ул кеча азм айлаб Азозил кўкка йўл,
Саф тутуб турди малаклар пешу пасу¹²⁵ ўнгу сўл,
Икки қуш ёшингни артти, ерни ашқинг¹²⁶ қилди хўл,
Саждадан бошинг кўтармай, қилди Ҳақ оҳинг қабул,
Хизмат улким, шул эрди анда келтурдинг бажо.

Омина шод ўлди охир, гарчи аввал ғам еди,
Ғойиб бўлган икки қуш Жибрилу Микоил эди,
Ҳам келурда, ҳам кетурда Мустафо “Умнат” деди,
Хўй қилди дарду ғамга, рўзи роҳат кўрмади.
Кетти ҳасрат бирла, сан ҳам йигла, деб, во ҳасрато.

То қиёмат боқийдур кўси садойи давлати,
Кимки пайравдур анга булдур анинг хайрияти,
Раҳматан ли-л-оламин¹²⁷ шаънида шоҳид ояти,
Шукр қил, Мухлис бўлубдурсан қатори уммати,
Хокроҳи шаръини дийдангга қилғил тўтиё.

¹²³ Тарс – кўркув.

¹²⁴ Абри раҳмат – раҳмат ёмғири.

¹²⁵ Пешу пас – олдин ва орқа.

¹²⁶ Ашқ – кўз ёши.

¹²⁷ Раҳматан ли-л-оламин – оламларнинг раҳмати.

**СУРУДАНИ НАЪТИ НАБИЙ БАҚОНУНИ
АЖЗУ НОТАВОНИЙ**

Арзим эшит, эй шаҳн бадр уд-дужо,¹²⁸
Садқа бўлай, кўзга изинг тўтиё,
Осийларнинг дардига сенсан даво,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,¹²⁹
(19)Васфи рухнинг ояти “Шамс уз-Зуҳо”.¹³⁰

Йўқ саннингдек ҳеч киши олийнасаб,
Хатми русул “Йасин”у¹³¹“Тоҳо”¹³² лақаб,
Тут қўлум, эй шофиъи¹³³ рўзи ғазаб,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Раҳмати Ҳақ, Хожайи ҳарду саро.¹³⁴

Нури рухнинг¹³⁵ равнақи байзо¹³⁶ эрур,
Сарв қадинг зийнати Батҳо эрур,
Уммат иши санго тавалло эрур,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Шоҳи Набий сен, саййиди асфиё.

Зотинг эрур маҳрами рози Карийм,
Нурун эрур гавҳари баҳри амийм¹³⁷,
Ҳоки кафинг¹³⁸ сурмайи Арши азийм,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Зийнат эрур пойинга етти само.

Элга ато зоҳирий насли Халил,¹³⁹
Даргоҳинга ходим эрур Жабраил,
Қавли¹⁴⁰ эрур ояти ваҳйи Жалил,¹⁴¹
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Икки жаҳон аҳлиға бешак ҳудо.¹⁴²

¹²⁸ Бадр уд-дужо – қоронги тундаги тўлин ой.

¹²⁹ Салли ала саййидино – Саййидимиз (пайгамбар) га салавоглар бўлсин. Қуръонга ишора.

¹³⁰ Қуръони қаримнинг “Шамс” сураси 1-оятидан.

¹³¹ Йасин – Муҳаммад (с.а.в.) нинг исмларидан бири.

¹³² Тоҳо – Муҳаммад (с.а.в.) нинг исмларидан бири.

¹³³ Шофиъ – шафоат қилувчи.

¹³⁴ Ҳар ду саро – икки олам.

¹³⁵ Нури рухнинг – юзингги нури.

¹³⁶ Байзо – оқлик, ёруғлик, бу ерда қуёшга ишора.

¹³⁷ Амийм – умумий.

¹³⁸ Ҳоки каф – оёқ остидаги тупрок.

¹³⁹ Халил – Иброҳим (а.с.) нинг лақаби, Аллоҳнинг чин дўсти дегани.

¹⁴⁰ Қавл – сўз.

¹⁴¹ Жалил – Аллоҳ исмларидан бири.

¹⁴² Ҳудо – ҳидоятлар.

Ер юзига экти келиб тухми дин,
Хирман этиб жумлага бўлди амин,
Шукр бизи қилди анга хўшачин¹⁴³,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Йўқ онингдек ҳеч киши соҳиб сахо

Бир сипехри¹⁴⁴ ул шаҳи олийнасаб,
Кўкдин ўтуб топти каромоти Рабб,
Анда бўлуб сойили умматталаб,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Ҳосил этиб келди яна муддао.

Ул келиб очти ҳамага роҳни,
Йўлга солиб бир неча гумроҳни,
Қилди ишорат била шаққ¹⁴⁵ моҳни,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
(20)Хайр ила эҳсонинга шаҳлар гадо.

Мадҳинги айтурда манго лол тил,
Равзанга¹⁴⁶ бормосдин эрурман хижил,
Журмим¹⁴⁷ этиб афв, юзум қил қизил,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Санго сиғиндим мани юзи қаро.

Айла кашиш равзангга озим бўлай,
Бодаи шавқинг била хумдек тўлай,
Хоҳи етай, хоҳи талабда ўлай,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Хоки раҳинга дилу жоним фидо.

Рўзи жазо, эй шаҳи, жаннатмаъоб,
Умматинга бўлса ҳисобу китоб,
Гарми Маҳшар қилиб элни хароб,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Ул дам этар санго ҳама илтижо.

¹⁴³ Хўшачин – бошок терувчи.

¹⁴⁴ Сипехр – осмон.

¹⁴⁵ Шаққ – бўлиниш, ёрилиш, бу ерда Ойнинг иккига бўлиниши ҳақидаги оятга ишора.

¹⁴⁶ Равза – қабр.

¹⁴⁷ Журм – гуноҳ.

Дўзах ўти айласа ҳар лаҳза жўш,
Чикса киёмат элидин минг хуруш,
Осийларнинг айбига бўл пардапўш,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Соянг эрур бизларга боли хумо.¹⁴⁸

Нафси лаъийм қилди мани поймол,
Ушла қўлум маҳбуби Вожиб таъол,
Кош ўлар вақтида кўрсам жамол,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Боқ манго ул дам шаҳи раҳматнамо.

Ҳамнафасинг Сиддик эрур ёри ғор,¹⁴⁹
Умар, Усмон иккиси ғамбарор,
Сўнгра бири Ҳайдари Дулдулсувор,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Элга бу тўрти санингдек пешво.

Сабти Набий¹⁵⁰ икки гули бир чаман,
Бир садаф ичра икки дурри Адан,
Ибни Алий, аъни Хусайну Ҳасан,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
(21)Иккиси иккисига равнак физо.

Ё Раб, алар ҳақида чикғонда жон,
Айлама мардуд, ато қил иймон,
Яхшилик эт, гарчи эрурман ямон,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Рўзи жазо қилма сафингдин жудо.

Турса ўшал кун ҳама зору малул,
Изни шафоат санго бўлса қабул,
Тут йади¹⁵¹Мухлисни ул дам, ё Расул,
Салли ала саййидино, эй Мустафо,
Хулқунг эрур жумлаға ҳожат раво.

¹⁴⁸ Боли хумо – хумо кушянинг каноти.

¹⁴⁹ Ёри ғор – гордаги дўст, яъни Абу Бақр Сиддик.

¹⁵⁰ Сабти Набий – Набийнинг гўзаллари.

¹⁵¹ Йад – қўл.

**ФИЙ НАЪТ АН-НАБИЙ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВАСАЛЛАМ**

Зихи саййидлиғинг “Йасин” эрур, тохирлиғинг “Тоҳо”,
Юзингдур “Ва-з-Зухо”,¹⁵² сочингда “Ва-л-Лайли иза йағшо”.¹⁵³

Малонк, инсу жинлар жумласи келди саногўйинг,
Замину осмон ичра демакда жумла “Саллалло (х)”.

Мақоми қурбингни қилди баёнин сураи “Ва-н-нажм”,¹⁵⁴
Лаби Кавсар мисолинг шаънида Ҳақ айди “Аътайно”.¹⁵⁵

Далили сийнайи покинг учун инди “Алам нашраҳ”,¹⁵⁶
Баройи сидқи Меърожинга “Субҳон- аллазий асро”.¹⁵⁷

Ўшал тун ичраким, Ақсо сариға марҳамат қилдинг,
Имоми анбиё бўлмишда айди жумла салламно.

Бу эрди боиси Меърожингни Ҳақ осмон қилди,
Ғубори мақдами покинг тиларди олами боло.

Муборак номи покинг исми поки ичра жо айлаб,
Бу янглиғ “Лавҳи маҳфуз”¹⁵⁸ ичра ёзди ҳазрати Алло(х).

Сифотинг айғали авроқу¹⁵⁹ ашжору¹⁶⁰набототи,¹⁶¹
Тамоми реғу аҳжори¹⁶² ҳама тил бўлсалар гўё.¹⁶³

Қиёмат қойим ўлғунча демакда мадҳи авсофинг,
Бўлурму қатрадек зоҳирки васфинг эрди бир дарё.

¹⁵² Қуръони каримнинг “Зухо” сура­сига ишора.

¹⁵³ Қуръони каримнинг “Лайл” сура­сига ишора.

¹⁵⁴ Қуръони каримнинг “Нажм” сура­сига ишора.

¹⁵⁵ Қуръони каримнинг “Кавсар” сура­сига ишора.

¹⁵⁶ Қуръони каримнинг “Шарҳ” сура­сига ишора.

¹⁵⁷ Қуръони каримнинг “Исро” сура­си 1-оятидан.

¹⁵⁸ Лавҳи маҳфуз – тақдир битилган тахт.

¹⁵⁹ Аврок – варақлар, саҳифалар.

¹⁶⁰ Ашжор – дарахлар.

¹⁶¹ Наботот – гиёҳлар.

¹⁶² Реғу аҳжор – қум ва тошлар.

¹⁶³ Гўё – гапирувчи.

Ўшал нуреки, бўлди боиси халки самовоти,
Бўлурму мумкинот ичраки, анго бўлмаса шайдо.

Вужуд соҳиб вужудинг келиб фарзанди Одамдин,
Бихамдиллоҳки, тожи фарқи Одам келди “Каррамно”.¹⁶⁴

Чунон Зоти-ки, зоти “лам йазал”¹⁶⁵ васфинга гўёдур,
Демакда мосуводин ғайри нуқсон бўлмағай ифшо.

Агар тўкмас эди бир қатра оби баҳри анворинг,
Самовот, Аршу Курси, Лавҳлар бўлмас эди пайдо.

Каломи Ҳақки, Фурқони муаззам бўлса маддоҳинг,
Келибдур илгари ўтмиш китоблар васфинга иншо.

Зухури мўъжизотинг боиси “Шаққал-қамар”¹⁶⁶ келди,
Нубувват бобида сидқинга шак йўл топмади асло.

Улул азмин муфаззал айлади жумла халойиқдин,
Аларга садришин ўлмоқлиғда инди “Каррамно”.

Камина Нодирийга чашми раҳмат бирла ёпқойсен,
Вагарна бўлғуси Маҳшар ичинда ожизу расво.

¹⁶⁴ Каррамно – мукаррам килдик маъносида. Оятга ишора.

¹⁶⁵ Лам йазал – йўқ бўлмайдиган, яъни Аллоҳ таоло.

¹⁶⁶ Шаққул-қамар – Куръон каримнинг “Қамар” сураси 1-оятдан.

МУСТАҲЗОИ МАШРАБ

Эй, илми қадиминг “Алиф” олойи Муҳаммад,
“бе” бор таъоло,
“Те” тавбаи аввал нафаси оҳи Муҳаммад,
бўлғойму шифохох.
“Се” савти дилим қолмади ҳеч роҳи савоби,
йўл келди хатарлик,
“Жим” жоми дили маърака оройи Муҳаммад,
бўлғойму мададгоҳ.
“Ҳо” ҳодисадин холи эмас бандани кўнгли,
қон йиғласа камдур,
“Хе” хотири ул Йасрибу Батҳойи Муҳаммад,
анъамта наволо.
“Дол” даъватидин бўлди ҳама ғарқай раҳмат,
жон анго фидодур,
“Зол” зойил эмас ул хати “Зо”ҳойи Муҳаммад,
ҳар наътига минг ох.
(23) Ре” раҳматидин бандасига қилса иноят,
ё Раб, нима бўлғай,
“Зе” зулфи ўшал анбар соройи Муҳаммад,
лайлан ва наҳоро.
“Син” саждага бошимни қўюб нола қилурман,
фарёдим эшитгил,
“Шин” шукри шакар дил огоҳи Муҳаммад,
Ал-ҳукм филло(х)¹⁶⁷.
“Сод” сабри дилим қолмади монандан Айюб
васлинга етуштим,
“Зод” зоти ўшал шоҳи некуройи Муҳаммад,
алқобуху “Тоҳо”.
Чун “то” таваккалту алаллоҳ¹⁶⁸, деди руҳум
ул “қолу бало”¹⁶⁹да,

¹⁶⁷ Ал-ҳукм филлоҳ – ҳукм Аллоҳниқидир.

¹⁶⁸ Таваккалту Аллоҳ – ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, факат у берадиган ризқка умид боғлаш.

¹⁶⁹ Қолу бало – гап-сўзга қолмоқ, балога қолмоқ.

Ҳам “зо” сифотингни биридур ойи Муҳаммад,
 “аллазий асро”.
 “Ъайн” айн қуррат айнайн мувого етушур,
 рад қилма, Илоҳо,
 “Ғайн” гурбати андишан парвои Муҳаммад,
 ё раҳимакумулло(х).
 “Фе” фазлинга шомил қилакӯр бандаларингни,
 озод этакӯргил,
 “Қоф” қурбати ул робитан ройи Муҳаммад,
 ё Раббий ал-аъло.
 “Коф” комил эрур бандасига қилса наззора,
 раҳматли худодур,
 “Лом” лаъли лаби гавҳари яктойи Муҳаммад,
 бас мавжиши дарё.
 “Мим” Ҳомиду Маҳмуду Муҳаммадки бир отинг,
 харгиз анго шак йӯк,
 “Нун” нийяти холисанлиллоҳи Муҳаммад,
 андин ҳама пайдо.
 “Вов” васлинга етқургил, олгил мани жоним,
 йўлунда фидоман,
 “Ҳо” ҳиммат шундог дили огоҳи Муҳаммад,
 бас “кунту турабо”¹⁷⁰.
 Чун “Лом-алиф” ломи сифат чок бўлубтур,
 кӯксумдоғи доғим,
 “Йо” йойи ўшал дийдаи панойи Муҳаммад,
 “ажран азиймо”.
 Ғурбатчаҳиға тушти “заламно”¹⁷¹ деди Машраб,
 монандаи Одам,
 Кўнглида эди оҳи заламнои Муҳаммад,
 ул эди “заламно”.

¹⁷⁰ Кунту турабо – Куръони каримнинг “Набаъ” сурасига ишора.

¹⁷¹ Зу-л-минан – яхшилик ва эҳсон эгаси.

Баланд эт химматингни, узлат ол монандаи анко,
Етар Ҳақ билса розинг ўзгаларга қилмагил ифшо.
Бу танлардин етар офат ўзингни айлагин танҳо,
Намудунгдур азалдин, кел, қадам қўйгил баланд боло.
Тузатгил кештийи¹⁷³ химматни, жўш урмай туруб дарё.

Гунаҳ мағрури бўлма раҳмати Ҳақ мавжи дарё деб,
Яканг тут мисли Одам “Раббано инно заламно”¹⁷⁴ деб
Мабодо ғофил ўлсанг ёди Ҳақдин фоний дунё деб
Лаҳаддин турмагил “ё лайтаний кунту туробо”¹⁷⁵ деб
Тамошо кўрмасун эл, бўлмагил шармандаи уқбо.

Жаҳонни буду нобудига қилма хотиринг маҳзун,
На бўлди жаннат айлаб Ибн Од¹⁷⁶ ила ўшал Қорун,¹⁷⁷
Таваккал қил Худога, рўзи деб қайгурмагил, эй дун,
Хабар берди Худойинг “фи-с-самои ризкукум”¹⁷⁸ деб чун,
Худони ваъдаси бир-икки деб қилма гумон асло.

Муҳаббат тухмин эк дил мазраъига бар¹⁷⁹ берур ишқинг,
Жамолин кўрсатур дилбар, башарти, бўлса нур ишқинг,
Ўзунгни Адҳам этмай лоф бежодур, битур ишқинг,
Назар ҳимматга қилсанг ғайрангез не эрур ишқинг,
Ҳижоби роҳи расмингдур бу йўлда бевафо дунё.

Жаҳон маккорасин макрига ҳаргиз бўлмагил мафтун,
Гирифтори бало айлар сани бу золи пурафсун,
Алойиқ¹⁸⁰ таркин айлаб, изла тун-кун Холиқи бечун,
Саросаргашталиikka хўй қил, монандаи Мажнун,
Жаҳоннинг Ширини бошига тушгандур улуғ савдо.

¹⁷² Бу ерда Машраб (1640-1711) нинг “Мабдаи нур” асарига ва ўзига ҳам ишора бўлмоқда.

¹⁷³ Кештий – ксма.

¹⁷⁴ Оят: Рабабано, инно заламно – мазмуни: “Эй Роббимиз, албатта биз (ўзимизга) зулм қилдик”.

¹⁷⁵ Қуръон каримнинг “Набаъ” сураси 40-оятидан.

¹⁷⁶ Ибн Од – Яманда ҳукмронлик қилган шохнинг боласи.

¹⁷⁷ Қорун – “Таврот”да Корей деб аталади. Қорун жуда бой шахс бўлган. Куфронийлиги учун бутун бойлиги билан ўзини ер ютган.

¹⁷⁸ Қуръон каримнинг “Зорият” сураси 22-оятдан.

¹⁷⁹ Бар – мсва, ҳосил.

¹⁸⁰ Алоло – шовқин-сурон, хайкирик.

Ўзунгни беҳуд айлаб, Ҳақ учун бўлсун муножотинг,
Етур билкулл¹⁸¹ ўзунг худлук билан бўлмас камолотинг,
Халойиқ билмасун Ҳақдин недур бу йўлда ҳожотинг,
Чунон мустағрак¹⁸² ўлгил, ҳеч олам тутмасун отинг,
Башар мардуд¹⁸³ қилсун ҳам малаклар қилсун “Оманно”.

Кесиб улфат йифини мосиво бўл суди савдодин¹⁸⁴,
Садафдин гавҳар олиб, махфий қил гаввоси дарёдин,
Басуврат лом ўлуб¹⁸⁵, сийратда рам¹⁸⁶ қил аҳли дунёдин.
Кўнгилни Ҳақга қўй, андиша қилма пасту болодин,
(25) Хаёлинг бузмагил, бошингга олам қилсалар гавво.

Кетарсан кўҳна дунёдин агар Искандару Кайсан,
Шариат пайрави бўлсанг қабули Холиқи Ҳайсан,
Фано майхонасидин нўш қил гар толиби майсан,
Ҳақиқат боғидин сарсабз келган бир шакар найсан,
Камарбанди белингга боғласанг гар урват ул-вуско.¹⁸⁷

Адаб сарҳалқасиға кирса кўнгил беҳалал яхши,
Агар сарҳалқа йўқ оромгоҳинг тоғу тал¹⁸⁸ яхши,
Кўлунгдин берма фурсат тавбаи беш аз ажал яхши,
Муриди беамалдин мухлиси соҳибамал яхши,
Хирадсиз мард аҳвалдин эрур, беҳ ботамиз аъмо.

Бу дунё шахд суврат, захр сийратдур, эмас ширин,
Санго ичдурмаса, нўш этмадим, деб бўлмагин ғамгин,
Тараҳҳум қилмади мўъминга ҳаргиз кофири бедин,
Набийни кейнидин солор мардсан, тез қадам қўйгин,
Каримга уммат арзин токи қилғай шоҳи «авадно».

¹⁸¹ Билкулл – бутунлай.

¹⁸² Мустағрак – гарк бўлган.

¹⁸³ Мардуд – рад қилинган, қайтарилган.

¹⁸⁴ Суди савдо – савдонинг фойдаси.

¹⁸⁵ Лом ўлуб – қадди букилиб.

¹⁸⁶ Рам – ўзни четга олиш.

¹⁸⁷ Урват ул-вуско – Қуръон каримнинг “Бақара” сураси 265-оятидан.

¹⁸⁸ Тал – тепалик.

Қиёмат бўлса тонгла барчадин ақлу хирад кетгай,
Жаҳим сори малоик судраса исён эли нетгай,
Умид улдур ўшал дам Мустафо шафқат била етгай,
Салоҳкор мўъминларни шояд ул бахайр этгай,
Чиқаргой махзани асроридин ул гавҳари якто.

Муҳаммад хотирин енгил этти Ҳақ оғир юкни,
Шаби Меърож гашти ожиз этти барқи чобукни,
Хижл бўлди кўрубон Тубо¹⁸⁹ андоғ сарви нозукни,
Кўюб ўз лутфидин Ҳақ бошига тожи «Лаумрук»ни,
Ҳабибин гардидин бўлди мунаввар қоба қавсайно.¹⁹⁰

Ки, ташла итлингинг, одам эурсан, феъли одам қил,
Эдинг товуси жаннат ҳар хару бузинадан¹⁹¹ рам қил,
Босиб қалбинга «иллаллоҳ» муҳрин хуш дар дам қил,
Қилиб икромии Изад сидқи ихлосингни маҳкам қил,
Сани отинга нозил қилди Ҳақ оёти «каррамно».

Рақам қилсам Муҳаммад наъти сиғмас кўху хомунга,¹⁹²
Саро ергача, ердин ўтуб, бил, етти гардунга,
Шафоат айлагай Маҳшар куни осий-ю махзунга,
Ҳидоят қилгали йўл бошлади ул зоти бечунга,
Сочиб умматга раҳмат ул шаҳи авранги«мо адно».

Имоми жузву кулл¹⁹³ дур икки олам нури айнаини,¹⁹⁴
Муборак мақдамина топти дунё зеб ила зайнни,
Юзин нури йўқотти ул кеча зулмати кавнаинни,
Малаклар гирдида саф-саф ҳам муҳтож наълайни,
Шифо излаб талабда Довуду Исою ҳам Мусо.

Самовот аҳли топмай сурма қилмоқға изин навбат,
Набийлар руҳи етмай гарди пойига қилиб суръат,
Ҳама йиглаб дедилар, солма кўздин бизни бу соат,
Бериб ҳар қайси пайгамбарға лутфу жудидин хилъат,
Бўлуб ходим ўшал даргаҳға ҳам Ювшаъ била Яҳйо.

¹⁸⁹ Тубо – жаннатдаги дарахт номи. Оятга ишора.

¹⁹⁰ Қоба қавсайн – икки ёй оралиги. Оятга ишора.

¹⁹¹ Хар ва бузина – эшак ва маймун.

¹⁹² Кўху хомун – тоғ ва саҳро.

¹⁹³ Жузву кулл – қатта-кичик.

¹⁹⁴ Нури айнаин – икки кўзнинг нури.

Мақоми курба тегди ул кеча хиргоҳи ожизлик,
Қабул қил, умматим, деб чекди дилдин оҳи ожизлик,
Гуноҳи кўҳи умматни йўқотти гоҳи ожизлик,
Дуоси, сидку ихлоси, ниёзу роҳи ожизлик,
Тилида зикри уммат, дилда «Субҳон-аллазий асро».

Зиҳи шоҳи саломин берди ул Холиқи одил,
Рикобинда юруб Жибрил, Микоил, Исрофил,
Қилиб ходимлиғидин бўлмади маҳрамхонаға восил,
Суханда парда бўлди, парда аҳли қолдилар ғофил,
Илик тишлаб муқарраблар деди, курбингда салламно.

Ўтуб бир дамда Аршу Курсию Лавҳу Қаламдинким,
Қолиб пайку Бурок Рафраф борурди ҳеч қилмай бийм,
Бўлуб бир ошику маъшук, етти ажз ила таъзим,
Уруж этти сифатдин, Зотга қилди ўзин таслим,
Аҳад дарёсиға бир чашмаи «мим» ўлди нопайдо.

Юзидин ҳурлар нур олди, зулфу холидин сурма,
Туруб саф-саф дедилар, эй шаҳо, бизларни кам кўрма,
Таваққуф қил, ёруттил кулбаи вайронамиз, эй, маҳ,
Шакар сочи очибон бастасин жаннат аро ул шах,
Мағок ичра на қилсун, кимни бўлса манзили аъло.

Берибон ҳурлар жаннат уйин ҳам ўзларин зийнат,
Қарор этгайму, деб бир соате ул шоҳи боҳашмат,
Борурди суръат айлаб, йиғлауб арз айлади жаннат,
Деди, кирсам керак Маҳшар куни жамъ айлауб уммат,
(27) Рафику олу асҳобим билан берсам керак оро.

Бўлуб бул ваъдадин худдоми жаннат барчаси хуррам,
Нечукким, фориг ўлди мужда англаб қайғудин одам,
Дедилар, ҳамд лиллаҳ, қилди шафқат саййиди олам,
Топиб мақсуд, ётиб иззат билан ул сарвари хотам,
Ёнинда Тубо янғлиғким, уруж этганда сарвосо.

Кеча ётмай ибодат қилди баҳри уммати комил,
Кел уммат пайрав ўлғил, бешак ўлғой мақсадинг ҳосил,
Ки, сан фориг на учун Мустафо йўқ эрди форигдил,
Тилида Ҳақ каломидур, мунаввар онқадар шомил,
«Алам нашраҳ» тирозий¹⁹⁵ рўзгори сувраи «Тоҳо».

Агар чандик и исён дуди бирла зулматидурмиз,
Баҳойимдек ичиб-еб кеча-кундуз улфатидурмиз,
Бихамдиллоҳ Муҳаммад ҳурматидин раҳматидурмиз,
Ўшандоғ олийҳиммат шердилни умматидурмиз,
Ҳақиқат богида оламда дигар бўлмагай пайдо.

Зиёи меҳру маҳ нури Муҳаммад ҳурматидиндур,
Ҳар уммат обрўи пайрав афлок суннатидиндур,
Кимики динига шаккок, қавми лаънатидиндур,
Ҳама сармойи иймон у шаҳни давлатидиндур,
Вагарна донаега арзимас *дунёву мо фийҳо*.¹⁹⁶

Рамузи ҳолатидин эшит айтай эсанг оқил,
Мисоли кийикдур марг боронидин ўлан гил,
Кўнгил берма ажал етганда узмоғинг эрур мушкул,
Азо эрмас малаклар тўйи эрмиш мавти соҳибдил,
Фидо қил жисму жонинг, жон беран жононага жоно.

Дариг этма, Илоё, доруйи раҳматни ранжурдин,
Ичурдинг шарбати Ислом, махлас айла носурдин.
У ким Мухлис эрур васл истаюр, парвойи йўқ хурдин,
Шафоат вақтида Машрабга тутгин мабдаи нурдин,¹⁹⁷
Тарозуйи амални вазн қилгон вақтида фардо.

¹⁹⁵ Тирозий – нақшли, чиройли, зийнатли.

¹⁹⁶ Дунёву мо фийҳо – дунё ва ундаги нарсалар.

¹⁹⁷ Мабдаи нур – нурнинг чиқиш жойи, бу ерда Машрабнинг "Мабади нур" китобига ҳам ишора қилмоқда.

МУХАММАСИ МУХЛИС

(28) Мис эурсан сохиби иксир¹⁹⁸ топиб кимёга ет,
Мисли Мажнун Лайли деб, элдин чиқиб сахрога ет,
Бўл тажарруд мисли Ййсо курби оманнога ет,
Тарки дунё қилғилу сарманзили укбога ет,
Саждага бошингни қўйғил “Раббиял- аъло”¹⁹⁹ га ет.

Аҳли дунёдек нажосатни шумора қилмағил,
Тавба қил ҳар маъсият қаддинг ду бора қилмағил,
Суду нуқсони жаҳонни истихора²⁰⁰ қилмағил,
Икки дунё нақдига ҳаргиз наззора қилмағил,
Ҳимматингни тут баланд бозори истиғнога²⁰¹ ет.

Бил ганимат ушбу соатни, ибодат вақтидур,
Вақтин ўткарма зироатнинг зироат вақтидур,
Ҳар нафас олдинг тахайюл айла ҳожат вақтидур.
Дил мураттабхони²⁰² Ҳақ бўлди, тиловат вақтидур,
Мисли Усмондек санам хатми Каломуллоҳга ет.

Сухбати ноқис балодур, қил ўзунг андин барий,
Ҳақ юборди баҳри савдо, бўлма исён муштарий,
Тил тугулмасдин бурун, қўйғил қадамни илгари,
Жумланинг ҳодийси келганда Худо ошиқлари,
Йўл юрарни билмасанг, бир дийдаси бийнога ет.

Бандалик қил, токи бўлгойсан дари хожага хос,
Иш билиб қил, бўлмагин музтарсабо вақти қасос,
Сурхрў бўлгин йиғилганда ҳама омму хос,
Бу жаҳонни қоҳишидин беҳалал бўлдунг халос.
Дафъатан очгил кўзингни жаннатул-маъвога ет.

¹⁹⁸ Иксир – кимёвий йўл билан мисни тиллога айлантирувчи.

¹⁹⁹ Раббиял-аъло – намозда саждага бош қўйганда айтиладиган дуо.

²⁰⁰ Истихора – махсус намоз ва дуолар орқали бўладиган воқеани тушда кўриш.

²⁰¹ Бозори истиғно – ўзига тўқлик, беҳожатлик бозори.

²⁰² Мураттаб – тартиб берувчи, бу ерда Қуръонни тўқик ёдлаган одамга ишора.

Кимки ошиқ бўлди онинг кўнглига дарди керак,
Ёқа чоку ашк пурхуну рухи зарди керак,
Оҳи гарму неку баддон, хохири сарди керак,
Мушкулоти дилни ҳал қилмоқ учун марди керак,
Даступо ургил бу йўлда, суҳбати донога ет.

Телбалардек боқма дунёнинг зиёну судига,
Куймагайсан рўзи Маҳшар оташи Намрудига,²⁰³
Будига хурсанд бўлуб, ғам емагил нобудига,
Ким талабдин қолмади, охир етар мақсудига,
Қатраи бу оби Кавсардек улуғ дарёга ет.

(29) Ҳар мунофиқлар ичинда мақсадинг топмас ҳусул,
Ҳақни излаб қувватинг борида онлардин узул,
Эгри бўлса қибладан юз, бўлмагай тоат қабул,
Кажлигингни ташлагил, мисли алифдек рост бўл,
Бир нуқатни кўнглунга жо қилма, бисмиллоҳга ет.

Олмагил берса Сикандар шавкати амлокини,
Оби кавсар бил некулар дийдаи намнокини,
Маст ўлурсан, нўш қилма девнинг тарёкини,²⁰⁴
Тўтиё қилгил кўзунга раҳравонлар хокани,
Жон нисор айлаб бу йўлга орифибиллоҳга ет.²⁰⁵

Бузмагай роҳи адабни, кимни ақли соғдур,
Ҳамдам ўлса, ғам етар ким фитнаю айғоғдур,
Яхшиларнинг кўзи ёш, бағри ғамгин доғдур,
Чор аркондин ўтуб, манзилни ахтармоғдур,
Пайрави оли Расул бўл, шоҳи ав-аднога ет.

Бандликда росих ўлсанг, Арш жойингдур сани,
Ҳар гириҳнинг банди бўлма, хори пойингдур сани,
Хуру ғилмону кусур бешак гадойингдур сани,
Тахти аёло маркабинг, жаннат саройингдур сани
Ҳозиру ғойибни бир бил, олами улёга²⁰⁶ ет.

²⁰³ Оташи Намруд – Намруд олови, бу ерда Намруднинг Иброҳим (а.с.) ни куйдириш учун ёкқан оловига ишора бўлмоқда.

²⁰⁴ Тарёк – захарга қарши ишлатиладиган дори.

²⁰⁵ Орифун биллаҳ – авлиёланинг охирига етган одам, яъни комил инсон.

²⁰⁶ Олами улё –юкори олам, яъни малоиклар олами.

Шукр қил, мўъмин дилингга муҳри иймон нақшидур,
Руҳи покингга бу хосияти азал сарбахшидур,
Маркабинг тонгла тироз устига жаннат рахшидур,
Неку бадни кўчасидин ибрат олмоқ яхшидур,
Хотирингни жумладин сард айлаюб анқога ет.

Тарки амри ёр қилгон ошиқи маҳбуб эмас,
Ширин ул, гуфтори бад ҳеч кимсага марғуб эмас,
Пухта бўлмасдур сафоли, қайси гил покўб эмас,
Роҳу расми халқга вобаста бўлмас, хўб эмас,
Хосларнинг расмини тутгил, жамолуллоҳга ет.

Парча қилгил гарди пойи муршиди Ҳаққул-яқин,
Ким алар зурроъдур, олдида бул мисли замин,
Шўразор қалбингни шод қилгай оби ширин,
Ҳодийи роҳи тариқатдин румузи англагин,
Ман дуо айлай ҳақингга, олами аълога ет.

(30) Куймагайсан норга мисли Халил бўлсанг амин,
Ўлдурурдеб, Фиръавни Мусоға бўлгин ҳамнишин,
Охиратни хавфидин яхши сифат қон йиғлагин,
Мисли Ийсо бу малакларга бўлай десанг қарин,
Кулфатига сабр айлаб, қурби Зикриёга²⁰⁷ ет.

Мисли уштур қил қаноат, юк кўтар, бўл хуш жилав,
Пок бўлгин бегиёҳ, манзилни кўйдурмас олав,
Кўрлардек юрмагил олдингда пулдурусти зав,
Бу масалдур, ҳар на эксанг, они айларсан дарав,
Мустафодек кеча ётмай, кўчан тақвога ет.

Муҳлисингдурман навлур²⁰⁸ кўйсанг қадам, эй маҳлиқо,
Гарди пойингни қилай дийдамга ҳар дам тўтиё,
Шоҳсан, ман бенаво, сандин карам, мандин дуо,
Маҳлиқолардан хабар келтургали боди сабо,
Кулбайи вайронайи бу Машраби шайдога ет.

²⁰⁷ Бу ерда Зикриё (Закариё – Қуръонда номи 8 жойда зикр этилган пайғамбарлардан бири) а.с.нинг фарзандсизлик доғида тортган кулфатига ишора бўлмоқда.

²⁰⁸ Навлур – бу на бўлур дейилмоқда шевада.

Нажот истар эсанг кўб, домани шаръи пайғамбар тут,
 Бўлубон дўстдори қўли Сиддиқ бирла Умар тут,
 Бажону дил бўлуб ошиқ, раҳи Усмону Ҳайдар тут,
 Унутгил ўзга йўлни, бу йўла ўзунгни чокар тут,
 Муҳибби олу асҳоби бўлуб, дилни қаландар тут.

Сифоти раҳматан лил- олабийндур, Тангрининг хоси,
 Шариат кештиси²⁰⁹ улдур, карам баҳрининг²¹⁰ ғаввоси,
 Қилиб тарки ҳаловат, айламай дунёга ихлоси,
 Дуога қўл очиб бир дам тилаги уммати осий,
 Илоҳо, умматимни жон чиқар вақтида мазҳар тут.

Хароб этма муҳаббат хонасини аҳли дунёдек,
 Бузуб кетгил жаҳон мулкини Адҳам²¹¹ отли донодек,
 Халойиқ санго кулсун, қил ўзунг Мажнуни шайдодек,
 Олиб узлат етургил отинги монанди анқодек,
 Ўзунгни оташи ишқ ичра сол, хўйи самандар²¹² тут.

Бино кўб қилмагил, вайрон ўлур кохи работинга,
 Мусофир бўл, ажал етганда қўймас эҳтиётинга,
 Ҳамиша тавба қилгил, ғайра қилгин ихтилотинга,
 Малаклар ғам битарлар, айлаган айшу нишотинга,
 (31) Нишоту айшни кам, кўчаи мотамни аксар тут.

Кимики тўшасиз бўлди, сафар вақтида ҳайрондур,
 Ўзидин беҳабарларни тирик фаҳм этма, бежондур,
 Сухан фаҳмидаларни тарси Ҳақдин сийнаси қондур,
 Кўнгул дунёга қўйма, масканинг охир гўристондур,
 Ёқиб шамъи муҳаббат, хонайи қалбинг мунаввар тут.

Вафосиз ажз эрур кўп солма дилга меҳри дунёни,
 Бу қилган манзили ободинг ўлғай оқибат фоний,
 Кўзунгни нури кетмай, йўлга туш, қил кори уқбони,
 Ажал тутса яқонгни анда қилгунг кўп пушаймони,
 Эранлар пайрави бўлгил, хилофи нафси кофар тут.

²⁰⁹ Шариат кештиси – шариатнинг кемаси.

²¹⁰ Карам баҳри – яхшилик ва саховат денгизи.

²¹¹ Иброҳим Адҳам (777 йилда вафот этган балхлик машҳур шаҳс) нинг шоҳлиқдан кечиб кетганига ишора бўлмоқда.

²¹² Бу ерда оловда куймайдиған афсонавий самандар қушга ишора қилинмоқда.

Агар ҳукмунгга олсанг ер юзин мисли Сулаймондек,
Давойи жумлайи ранжур қилсанг мисли Луқмондек,
Хизрдек умр кўрсангким, ичибон оби ҳайвондек,²¹³
Санго жоми жаҳонбин тегса ул Жамшиди²¹⁴ даврондек,
Ўларсан, охири ўзни гадо бирла баробар тут.

Кўтаргил бошинг узра қил қабул ким айласа равинг,
Ҳалим ўлгил, эшакдек ҳанграма, одам эрур жаддинг,
Ризойи Хожа изла, қул эрурсан, юр билиб ҳаддинг,
Қаноат айла, эгма, ҳар эшикка нафсинг учун қаддинг.
Тағайюр ўлмас кадр гар домани Фағфуру Қайсар²¹⁵ тут.

Агар Қорунсифат йиғсанг жаҳонда зевару зарни,
Санидастинга берса шавкати мулки Сикандарни,
Ҳаво қилмай қўлун тут, йўлда қолган зору музтарни,
Бўлуб ғофил, кўнгилдин солмогой савдойи Маҳшарни,
Кўз очгунча тўлар паймонинг, ўлмакни муқаррар тут.

Нажосатхонага олуда бўлма, дурри яктосан,
«Лақад каррам» сифотинг қобили «Наҳну қасамно сан»,²¹⁶
Малоик чокаринг, сардафтари фирдавси аълосан,
Дилингдур зикри «иллалоҳ»га махзан, шоҳи аъзосан,
Раийятпарвар ўлгил, девнинг бошига ханжар тут.

Дуруст андиша қилгил, сандин ўлганлар нечук бўлди,
Ётарда хобгоҳи тахт эди, хонлар нечук бўлди,
Жамоли кўз ёрутган моҳтобонлар нечук бўлди,
Каломи мажлис оро кўб сухандонлар нечук бўлди,
(32) Сенам кетмоқчисан, ҳирс айлама, дунёни камтар тут.

Гухардек тожи сар бўл, гўшайи санги гарон ўлма,
Охир миннат қилур ҳар нохалафга меҳмон ўлма,
Топилмас муддао, дунёталабга ҳамзабон ўлма,
Санго тиг урса ҳар ким, яхшилиқ қилгил, ямон ўлма,
Масалдур эл аро, ўлсун десанг, душманга шакқар тут.

²¹³ Бу ерда Хизр (а.с.) нинг обихёт сувидан ичганига ишора.

²¹⁴ Эрон подшоси Жамшиднинг оламни кўрувчи жомига ишора.

²¹⁵ Фағфур ва Қайсар – қадимий Хитой ва Рум подполарининг лакаблари.

²¹⁶ Наҳну қасамно – Қуръон каримнинг “Зухруф” сураси 32-оятдан.

Ҳамиша яхшиларни кўйин истаб дарбадар бўлгил,
Тариқат ҳожаси бирла кўшулуб ҳамсафар бўлгил,
Бўлуб шогирд, марди Ҳақ топиб соҳиб ҳунар бўлгил,
Алик олма мунофиқлар саломин гўши кар бўлгил,
Муҳаббат аҳлини жўёни бўлгил, дийдани тар тут.

Сикандардек тару хушкига гар ҳукмунг равон ўлса,
Сулаймондек дарингда инсу жинлар посбон ўлса,
Учурса тахтингни ел, куш паридан соябон ўлса,
Масиҳо ибн Марямдек мақоминг осмон ўлса,
Лаҳадни хоку хиштин бошинга болину бистар тут.

Сафар асбобини омода қил, мисли мусофирдек,
Келибсан қилгани савдо жаҳон мулкига тожирдек,
Агарчанди, кўрунмас марг, кўр ғойибни ҳозирдек,
Кўнгул берма, жаҳонни бор ила йўқига бўл бирдек,
Они суду зиёнидин гапурса халқ ўзунг кар тут.

Мадоро қилмай ўтгилким, бу дунё бемадор эрмиш,
Музабзаб айлауб сиймоб янглиғ беқарор эрмиш,
Вафосизу лаиму дун учун дунларга ёр эрмиш,
Кимики мунда иззат машғулидур, анда хор эрмиш,
Агар оқил эурсан, тарк этуб савдойи Маҳшар тут.

Сани йўлдин кўяр ғаддорларга бўлмағил ҳамроҳ,
Агар ҳамроҳ эурсан, бўл фусуну макридин огоҳ,
Йиғиб дунёни беҳад, мисли Қорун бўлмағил аблах,
Деди Ҳақ: «*Иннамо амволукум ва авлодукум фитнаҳ*»²¹⁷
Ҳазар қил, эй биродар, фитналардин амри акбар²¹⁸ тут.

Жадал қил бандаликка, шод Холик айлагай мақбул,
Раҳи Шайтона юрма, юр эранлар юрди қандоғ йўл,
Хасислардек юмуб кўз, бўлма дунё молиға машғул,
Ҳамани барҳам ургил, муршиди комилга Мухлис бўл,
(33)Тариқат баҳриға ғаввос ўлуб, домони гавҳар тут.

²¹⁷ Қуръон каримнинг “Аяфол” сураси 28-оятдан.

²¹⁸ Амри акбар – Аллохнинг буйруғи.

МУХАММАСИ ДИГАР

Сокиё, май сун, неча кундур ҳавоссим бор каж,²¹⁹
Не учун ман бирла қилди ёрни агёр каж,
Ё етушти самъига мандин неча ахбор каж,
Ё магар бўлди азалдан толеим бисёр каж,
Кажлигимни кўб кўруб ё бўлди бу миқдор каж.

Ҳар кишини ҳамдами каж бўлди, они каж қилур,
Тавба денглар суҳбати каждин паноҳ берсун Гафур,
Ҳар киши кўб каж аро қолса они навлур,
Не ажаб, бир ростни каж қилса кўб аҳли фуҷур,
Зулфи каж, икки гажак, қош каж, зуннор каж.

Лол эдим олдида ё ғайбида мандин ўтти габ,
Хотири каж бўлмас эрди, йўқса беузру сабаб,
Ё рақиблар қилдилар манга они соҳиб ғазаб,
Йўқ эди оламда андоғ рост қавли боадаб,
Ё магар сард айлаюб битти надир туммор каж.

Эй фалак, бахтим қаро, бахтим қаро қилдинг мани,
Ул севар ёри азизимдин жудо қилдинг мани,
Кеча-кундуз ҳамдами дарду бало қилдинг мани,
Ахтариб топмай эшикларда гадо қилдинг мани,
Ман сўроғим кимдин излай, мардуми бозор каж.

Ғамда эрдим, келди бир озодаи неку мақол²²⁰,
Мисли Мажнун ёқа чоку гарди ғамда поймол,
Сўрди аҳволимни, йиғлаб қилдим анга шарҳи ҳол,
Деди: «Сабр эттил, жафолардан вафо кўрмак маҳол»,
Кўб кўрубдурман хаёли шўхи дилозор каж.

Бу-л- ҳавасдин лола рухлар кўзлари жаллод эзур,
Боқмагай оху фиғонингга, дили фўлод эзур.
Қил ҳақиқатни талабким, манзили обод эзур,
Айлама меъморлик дунёга бебунёд эзур,
Тахтига²²¹ ётмак хатодур бўлса ҳар девор каж.

²¹⁹ Ҳавоссим бор каж – сезгиларим эгри, яъни ёмон.

²²⁰ Неку мақол – юқори мартаба.

²²¹ Тахтига – остига, бу ерда эгри девор остида ётмоқ хато, дейилмоқда.

Кимки ҳирс айлаб бу дунё молига қўйгил бино,
Гўши кардур, суҳбатига ваъз этмак нораво,
(34) Зикри дунё фикр пайдо, ҳосили кибру ҳаво,
Аждаҳога каж қибла, коми захру йўқ саҳо,
Чокмасун, олдиға борма, феъли дунёдор каж.

Бордур маҳбублари зебо қаду зулфи расо,
Гар вафо истар эсанг, бўлгил оларга ошно,
Ҳар наки қилса олар, бўлғой вужудунг кимё,
Ўзгалардин қўл қўтар, онларга бўлгил гарди по,
Дўст бўлгай давлатидин борса ҳар атвор каж.

Кўб насиҳат қилди зебо, манга ул соҳиб укул,²²²
Гўйиё Хизр эрди, кўрсатти мани гумроҳга йўл,
Беибо Мухлис бўлуб, қилдим они пандин қабул,
Ҳамди лиллоҳ ҳурматидин муддао бўлди ҳусул,
Йўкса, бор эрдим мани бадфеълу бадқирдор каж.

НАЪТ УН-НАБИЙ АЛА СОҲИБИҲА АКМАЛ УТ-ТАҲИЯТИ

На хушсуврат эрдиким, тийнатиға моутин²²³ муҳтож,
Аёгин гардига райҳони Руму²²⁴ мушки Чин²²⁵ муҳтож,
Каломин шарбатига қанду шакар шаккарин муҳтож,
Манинг шоҳим изига Хисрави рўйи замин муҳтож,
Қаро холига лаълу гавҳари дурри самин²²⁶ муҳтож.

Фуруги оразидин иктисоби нур айлар ма(х),
Кўзин мардумларидин касби асвад айлади сурма(х),
Қошин сархаттидин машқ эттилар туғройи бисмилла(х)²²⁷,
Лабидин нукта айтур вақти томса қатра сув нога(х),
Талош айлар ичай деб, қанду курсу ангабин муҳтож.

²²² Соҳиб укул – ақл соҳибн, доно одам.

²²³ Моу тин – сув ва тупроқ, бу ерда Одамнинг яратилишига ишора бор.

²²⁴ Райҳони Рум – Рум райҳони гоятда хуш хидли бўлуб, табабатда ишлатилади.

²²⁵ Мушки Чин – Хитой мушки, одатда Хитой мушки машҳур бўлган.

²²⁶ Дури самин – қимматбаҳо тоза марварид.

²²⁷ Туғройи бисмиллаҳ – бисмиллоҳ жумласини хат бошида чиройли қилиб ёзиш.

Бихори кавсар ичра йўқ анингдек бебаҳо гавҳар,
Анинг шаънида нозил бўлди балки сураи «Кавсар»,
Сифоти «*раҳматан лил-олабийн*» дур хатми пайгамбар,
Ақиқ кўрса лабин, дурр кўрса дандонин, тилин шаккар.
Яқо ушлаб, қилиб таҳсин деюрлар «офарин» мухтож.

Удур шоҳи «ав адно», икки олам анга махзандур,
Муборак исми поки тўрт Мусҳаф²²⁸ ичра равшандур,
Малак то инсу жинга, балки авсофи муайяндур,
Баланду пасти олам маҳвашимни хотиридандур,
Йўлига жаннату Кавсар, изига ҳури ийн²²⁹ мухтож.

(35) Набийлар суръат айлаб, бўлмаи онинг гардига ҳамроҳ,
Ҳамадин афзалу ашраф лақаб анга Ҳабибуллоҳ,
Амини ваҳй ўлуб Жибрил бўлмаи сирридин огоҳ,
Дамига юз Масиҳо, розига юз минг Калимуллоҳ,
Йўлига барқи Рафраф, пайкига Рух ул-амин²³⁰ мухтож.

Ижозат бўлди бир шаб амри Ҳақдин сайри гардунга
Буроқин гарди бўлди сурма чашми Ой ила Кунга,
Наким Холиқ деди Жибрилдин ул тушти мазмунга,
Ижобатсиз эмас қилган дуоси Зоти бечунга,
Анинг бир гамзасига минг, юзминг маҳжабин²³¹ мухтож.

Насиҳатга лаб очса халқ аро шаҳду шакар сўзлук,
Нигоҳи маҳзи раҳмат, васфи «*мозог ал-басар*» кўзлук,
Туфайлидин ҳама олам йўқ эрди зотига ўзлук,
«*Лаъумрук*» тожлик, пайваста абрў, «*Ва-з-Зухо*» юзлук,
«*Алам нашраҳ*» юраклик, шафқатига инсу жин мухтож.

Лаҳаддин бош кўториб, куллу набий нафси деюб юрса,
Кўруб ўз номасини исён эли фарёду оҳ урса,
Ғазаб айлаб залолат аҳлини дўзах сари сурса,
Ридо бўйнига солиб, Мустафо: «уммат», деюб турса,
Кўзин дурдонасиға балки Раббул-олабийн мухтож,

²²⁸ Бу ерда тўртта муқаддас китоб – Забур, Таврот, Инжил ва Қуръонга ишора бўлмоқда.

²²⁹ Ҳури ийн – жаннат хурлари. Оятга ишора.

²³⁰ Рух ул-амин – Жабраил (а.с.) нинг лақабларидан бири.

²³¹ Маҳжабин – севгили, гўзал ёр.

Муҳаммад Мустафо номига қурса ул замон тахти,
Туруб тўрт буржида тўрт чорёру ўртада рахти,
Талотум қилса раҳмат баҳри, ҳазрат йиғласа сахти,
«Ҳабибим» деб калиди мағфират инъом этар вақти,
Нигоҳига тамоми аввалийну охирийн муҳтож.

Кўториб парда зоҳир бўлса ул кун айбу нуқсоним,
Ҳабибинг ҳурматидин қилмағил шарманда Раҳмоним,
Мисоли мўр ожизман, қўлум тутғил Сулаймоним,
Ясалса тахти шафқат, қилгани ўлтурса султоним,
Юзига анбиёву авлиёлар минбарин муҳтож.

Ки, қилдим нақди умрум бежо роҳи маъзурга,
Абас ўтти маҳу солим, хаёли мотами Сурга,
Ки, вақт ўтти атибболардаво қилмасдур ранжурга,
Муҳаммад ҳурмати, ё Рабб, карам қил жон талошурга,
Яна бир бўлса иймонимга шайтони лаъин муҳтож.

Эшақдек ёл оқарди пору бирла тоат йўқ,
Ки, маҳзи суратим суратга лойиқ, пок сийрат йўқ,
Ғуломи гандаман, Хожамга мандин яхши хизмат йўқ,
Жалило, йўлга кирсам, зоди раҳ ғайраз касофат йўқ,
Эрурман раҳматинга, ё акрамул- акрабийн²³² муҳтож.

Тамоми тоғларга кўҳи исёним эрур ҳамсанг,
Сагу бузина²³³ бирла хўк айлар суҳбатимдин нанг,
Гуноҳим қасратидин вақти шафқат йўлда бўлсам ланг,
Абу Бакру Умар, Усмон, Алий илким тутуб судранг,
Эрурман хокингизга чорёри нозанин муҳтож.

Тутуб илким ҳалос эт маъсият баҳрига оқмишман,
Қолиб гирдоби зулмат ичраким ҳар ёна ботмишман,
Йўлум кўрсат, сусоқиб, реги тафсона²³⁴ улоқмишман,
Нигорим, риштайи исмин дури наътинга тоқмишман,
Ҳам ул ипга итингдек Мухлиси хотир ҳазин муҳтож.

²³² Қарим ул-акрамин – оляжанобларнинг олижаноби,

²³³ Саг ва бузина – ит ва маймун.

²³⁴ Реги тафсон – кизиган қум.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

(37) Кимки ихлос ила бўлди хоки пойи Нақшбанд,
Зар қилур иксир янглиғ кимёйи Нақшбанд.

Қўл очиб қилса дуо, бешак бўлурди мустажоб,
Чунки эрди нури ваҳдатдин ғизойи Нақшбанд.

Гарди пойин дийдага суртуб табаррук айлангиз,
Кимки олғон бўлса бир соат дуойи Нақшбанд.

Дунёву уқбо иши етмас эди итмомига,
Бўлмаса орий ҳам ул ишга ризойи Нақшбанд.

Ҳозиру ғойибда бўлса ҳар киши ҳожат талаб,
Маътал ўлмас эрди, қилса илтижойи Нақшбанд.

Бегумон бўлгай эди шаҳаншоҳи автодлар,
Тушса кимга сояйи боли хумойи Нақшбанд.

Турфа аттореки, анда неча турлук дору бор,
Ҳар шикастингни тузатгай мумиёйи Нақшбанд.

Ҳар кун и айна жунун вақти ишорат айлади,
Афсари шоҳи топар охир гадойи Нақшбанд.

Чорбоғи жаннату чашма мисоли салсабил,
Тубодек ҳавз олдида гўё ливойи Нақшбанд.

Гар олай дерсан қўлунга охират сармоясин,
Хужра ол ўлмасдин аввал ул саройи Нақшбанд.

Билмай ўзни бўлғуси сиймоб янглиғ беқарор,
Жони ошиқға етар кўкдин садойи Нақшбанд.

Дийда оч гар ўлса ошиқ то қиёмат зиндадур,
Во дариғо, ўлди, деб тутма азойи Нақшбанд.

Авлиёлар ўлса, не деб хоки ҳожат еткурур,
Шунчаки, зоҳирдадур кўздин фанойи Нақшбанд.

Қайси бирни санга айтай қабри ошиқ хонақоҳ,
Аҳли ботин, ҳар дам англа хуйи-ҳойи Нақшбанд.

Икки оламнинг балосидин нажот истар эсанг,
Мухлисо, қил жону молингни фидойи Нақшбанд.

МУХАММАС (УФИЯ ЛИ-СОҲИБИХИ)²³⁵

Ҳар дуога ҳалки поку соф тийнат эътибор,
Ким, раҳи ихлосни тутса муҳаббат эътибор,
Ёқа чоку дийда намноку мусибат эътибор,
Чун ибодат вақтида муъминга фурсат эътибор,
Ҳар дили бишкатага ваҳми қиёмат эътибор.

Етмагай мақсудига кимки илмдин холидур,
Бандалик қилгон киши завқи ҳиялдин холидур,
Ким тамаъдин қочти, иззат топти, зулмдин холидур,
Домани давлатни тутганлар ҳалалдин холидур,
Водийи ҳимматга кирганларга тоат эътибор.

Ҳар киши ебдур муҳаббат шоҳсоридин самар,
Берсалар тахти Сикандарни сира қилмас назар,
Ихтилоти халқ ҳам суду зиёндин беҳабар,
Кимки ошиқ бўлди ул нанг ила номусдин кечар,
Эй биродар, англағил ҳар ишга ҳиммат эътибор.

Саъй қил, бўлғил фано, бўлма бу оламдин фано,
Ҳоки пойингни малаклар кўзга қилсун тўтиё,
Ошнолардин кечиб, Холиқга бўлғил ошино,
Бу сутунсиз хонада турмак ҳақиқатда хато,
Беҳабар сувратпарасту истиқомат эътибор.

Иззат аҳлидин ҳазар қилғил, ҳамиша хор бўл,
Ёр васлин изла, Адҳам янглиғ беозор бўл,
Доимо шаръи шарифи Мустафога ёр бўл,
(36) Мисли ул Вайс ул -Қаран²³⁶ дарғаҳга хизматкор бўл,
Кимки чокардур бу йўлда тарки иззат эътибор.

Банда бўлсанг дийдадин дур айла хоби чашмни,
Жорий қил ваҳми қиёматдин саҳоби чашмни,
Хуш кўрар Тангри таоло дурри ноби чашмни,
Минг Сикандар шавкатига бермам оби чашмни,
Қурби даргоҳи шаҳаншоҳга надомат эътибор.

²³⁵ Уфия ли-соҳибихи – унинг соҳибига кечиритилар бўлсин.

²³⁶ Бу ерда сўфийликдаги увайсий тарикати асосчиси Увайс Қарағийга (? – 657) ипора бўлмоқда.

Йўл хатардур, доимо бўлгил қатори ашкрез,
Шод бўлгай коргар бўлгонда рўзи рустахез²³⁷,
Мисли Адхам қил ўзунг бўлсанг агар соҳиб тамиз,
Номуродидур қаландарларни кори, эй азиз,
Тарки дунё айлаганларга қаноат эътибор.

Бандаман ул дилга меҳри ғайри мавло бўлмаса,
Ҳақдин ўзга хотирида ҳеч таманно бўлмаса,
Одам эрмас ул киши ишқ ила шайдо бўлмаса.
Ориф улдур мақсуди дунёву уқбо бўлмаса,
Зоҳиди худбинларинга мулки жаннат эътибор.

Йўл хатардур, жорий қил ёш ўрнига кўздин хуни,
Излауб ошиқларин Махшарда дунёи дуни,
Сенга айтай, сақла дилда, шулдур оят мазмуни,
Ҳар ким ўз жинсини бешак ахтарур Махшар куни,
Аҳли ғафлатларга доим аҳли ғафлат эътибор.

Шукр қилгил Ҳақ таоло берганига бешу кам,
Нўш қил мисли шакардек берса Хожанг сенга ҳам,
Ғам ғами диндур, ғами дин қил, ғалатдур ўзга ғам,
Қийматинг иймон биландур саъй қилмонгму бу дам,
Банда Ҳақ йўлига по қўйди саодат эътибор.

Аҳли дунёлар каби вақти насиҳат бўлма кар,
Ҳеч ким манзилга етмасдур сира бериҳи сар,
Билмадингму қилмади беХизр Искандар сафар,
Бир куни асҳобиға айди ўшал хайрул-башар,²³⁸
Йўл йўқотган мубталоларга насиҳат эътибор.

Гар бўлай дерсан икки олама росоҳиб ривож,
Ғайриларнинг таркин айлаб жониби Холиқга қоч,
Бадназар бўлма сира, ибрат учун дийдангни оч,
Гар десангким, тушмасун Ҳақдин дигарга эҳтиёж,
Канда қил бори тааллуқ, ганжи узлат эътибор.

²³⁷ Рўзи рустахез – киёмат куни тирилиш.

²³⁸ Хайр ул-башар –одамларнинг яхшиси, яъни Расулуллох (с.а.в.).

**БУХОРОДА ХОЖАЙИ ЖАҲОННИНГ²³⁹ ШАЪНЛАРИДА
ҒАЗАЛИ МУСАДДАСДУР²⁴⁰**

Ғулшани жаҳон ичра сарви навниҳолим бор,
Етмайин висолига нолаву ғигоним бор,
Бори ғурқати бирла қомати камоним бор,
Арзи додим айтурга салтанатли хоним бор.
Бошима ҳумо янглиғ, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

Онадин келиб ерга, қилди нолаву афғон,
Доя йиглауб ҳар дам оғзиға солди пистон,
Йиғлар эрди нўш этмай, бағрини қилиб бирён,
Ўтти уч кеча-кундуз, бўлди эл ҳама ҳайрон,
Бошима ҳумо янглиғ, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

Бир араб ногаҳ келди, бошига солиб чодир,
Илкига қизил бода, кийгани ҳама аҳзар,
Тутти бачага они, ичти ўйлаким шаққар,
Ким эди араб билсанг, яъни Хизр пайғамбар.
Бошима ҳумо янглиғ, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

Неча чун мағок ичра айлади кириб тоат,
Келди жамъ чилтанлар, берди бодаи ваҳдат,
Рухини кўруб қобил бахш этиб анга нисбат,
Деди: «Ғиждувон аҳлин кел, қил эмди тарбият».
Бошима ҳумо янглиғ, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

Балх ичинда бир муршид оти Хожаи Фазлиддин,
Вайсдин назар топган эрди бериё тамкин,
(41) Анго қўл бериб хожаким бориб Бухородин,
Ўн бир йил қилиб хизмат, тегди рухсат ул пирдин,
Бошима ҳумо янглиғ, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

²³⁹ Хожайи жаҳон – бу Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (1103 – 1179) нинг лақаби.

²⁴⁰ Мазкур мусаддаси Ҳазиний томонидан тузилган “Баёз” га ҳам киритилган.

Бердилар «хатти иршод»²⁴¹ этти муршиди аъзам,
Ўттиз икки ёшинда бўлди ходийи олам,
Нўш этиб майи ваҳдат, бўлди олими аълам,
Шуълаи жамолидин Ғиждувон эли хуррам.
Бошима ҳумо янглиг, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

Неча йил Бухородин учти бир шаби жума,
Равзайи Расул бориб хокин айлади сурма,
Тозадин вузу айлаб, хатм этиб Каломулла(х),
Субҳидам яна қайтуб келди жойига нога(х),
Бошима ҳумо янглиг, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожаи Жаҳоним бор.

Ходими келиб ногаҳ арз айлади бир тун,
Сув совук, таҳоратга уйда қолмади ўтун,
Барфи шиддати сармо²⁴² узгачадин афзун,
Эрта бирла эл кўрди оби ҳавз иссиғ чун,
Бошима ҳумо янглиг, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

Эй валийи модарзод, ҳожатим раво қилгил,
Келмишам ман аъмо; дийдами бийно қилгил,
Марва тошидек кўнглум сахт эрур Сафо қилгил,
Дарғаҳингда Мухлисман орзу қўб саҳо қилгил,
Бошима ҳумо янглиг, шукр, соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожайи Жаҳоним бор.

²⁴¹ Хатти иршод – авлиёларни тарбиялаш учун бераладиган рухсатнома.

²⁴² Барфи шиддати саром – қорнинг шиддатли совуғи.

МУХАММАС ДАР ШАЪНИ БУХОРО²⁴³

(42) Вилоятлар ичинда мулки амният Бухородур,
Бихори раҳмат ичра гавҳари киймат Бухородур,
Шарифу ҳам латифу афзали мулкат Бухородур,
Ки, то явмул-жазо бенуқсу беофат Бухородур,
Чароки, кони илму тақвою тоат Бухородур.

Маҳи савм²⁴⁴ эрди Ҳазрат фажри фарзни адо қилди.
Очиб гесу ҳама асҳобига йиглаб иймо қилди,
Дуога қўл очиб Тангрига беҳад илтижо қилди,
Дуони хатм этар вақти Бухородин нидо қилди,
Илоҳо, хор қилма, лойиқи иззат Бухородур.

Тамом ўлгунча бу маҳ айлар эрди ҳар сабо такрор,
Намози фитр ўқуб бил хутба ичра айлади изҳор,
Дедилар баъд аз он асҳоблари: «Эй, Саййиди мухтор,
Бухоро деб қилдинг, биза маълум қил асрор»,
Деди ҳазрат: «Билинглар манга хос уммат Бухородур».

Шаби Меърож кўрдум, кўкка габродин чиқар уч нур,
Дедим Жибрилга: «Бу қайси нурдур, эй ахий, гап ур»,
«Икиси Ясрибу Батҳо, бири нури Бухородур,
Бу нурдин то қиёмат олами боло эрур маъмур,
Тилим васфига қосир, гўйиё жаннат Бухородур».

Ки, эй хайрул башар, шундоғ эшиттим Ҳақ таолодин,
Деди, пайғамбари пайдо қилай гулзори Батҳодин,
Суруб даврин неча йил, юз ўгурса фоний дунёдин,
Ки, то Маҳшаргача равнақ топар шаръи Бухородин,
Бу нур, андин чиқарким, маъдани раҳмат Бухородур.

Эшитиб бир неча асҳоб бўлди ул замон ғамгин,
Дедилар: «Бўлсак эрдук кош бизлар ҳам Бухородин».
Деди Ҳазрат: «Еманг ғам ким амаллик бўлса ул мандин»,
Дуойи Мустафога эл ҳама йиглаб, деди омин,
Ҳамиша нури пайғамбарга ҳамсуҳбат Бухородур.

²⁴³ Мужлиснинг Машраб газалига мухаммаси

²⁴⁴ Маҳи савм – рўза ойи, яъни рамазон.

Бухорога кими шоҳ ўлса, дерлар сояйи Субҳон,
Бу боисдин ўқурлар хутба ичра ҳазрати Султон,
Илоҳо, ёғий бўлса ким анга қил ер бирла яксон,
Бухоро лашкари соҳиб зафар ҳар ерда бенуқсон,
Нечукким, посбони мазҳабу миллат Бухородур.

(43) Эрур олимлар ҳар қайсиси фарзанди пайғамбар,
Шаҳи ноиб эрур мисли Алидек илкига ханжар,
Кими чикса бу йўлдин, тиғ уруб изҳори дин айлар,
Илоҳо, ҳомий бўлсун шоҳга автоду чилтанлар,
Мадина янглиғ мунга тахти боҳашмат Бухородур.

Бихамдиллоҳ, бизи бечораларга лутф ёридур,
Ҳамиша адлу анжоми раият шаҳни коридур,
Адолатдин Бухоро шоҳи чилтаннинг қаторидур,
Саломат қил балодин дину дунёнинг мадоридур,
Туфайли адлидин дарпардаи исмат Бухородур.

Тамоми нусхаву ҳам ер юзинда «Фоҳира» номи,
Малаклар олами болога дерлар: «Шаҳри Исломи»,
Масожидлар ибодат вақти гўё Каъбанинг боми,
Бу шаҳар аҳлига доим руҳи пайғамбар эрур ҳомий,
Чароки, кеча –кундуз пайрави суннат Бухородур.

Кими бу шаҳра сокин бўлди, кўрмас рўйи муҳтожи,
Бухородур тамоми бандаларни бошию тожи,
Етушмай гардига минг Каъбатуллоҳдин келган ҳожи,
Бухородур, дедилар ҳашрда «жаннатни меърожи»,
Ки, ҳавзи ҳавзи Кавсар янглиғ пур неъмат Бухородур.

Эрур олимлари монанди маҳ, косиблари кавкаб,
Туруб вақти саҳар гап айлаюб, ҳосил қилур матлаб,
Деюр обидлар олиб сабҳа қўлга «ё Раб, ё Раб»,
Бу боисдин Намангондин чиқиб азм айлаюб Машраб,
Ки, ҳар мақсад талабга жомиъи нисбат Бухородур.

**НАЪТИ МАФХАРИ ОЛАМ САЛЛАЛЛОҲУ
АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ**

Не тил бирла санго арзим қилай беҳад гуноҳим бор,
Лаҳадга бораман хижлат билан рўйи сиёҳим бор.
Умид узмам карамдин мағфиратлик подшоҳим бор,
Деди: «*Ло тақнату мин раҳматиллоҳ*»²⁴⁵дин гувоҳим бор,
Ғамим йўқ, Мустафо отлик мани пушти паноҳим бор.

Имоми жузву куллдур жумла олам бошини тожи,
Қалам то Аршу Курси, Лавҳдур гардини муҳтожи,
Ҳама бошин кўтариб ҳашрда андин эзур рожи,
Ўшал кун лол қилса ҳашр аҳлин дўзах амвожи,
Ғамим йўқ Мустафо отлик мани пушти паноҳим бор.

(44)Ҳамадин илгари бир нури аъзам айлади пайдо,
Муҳаммад ном қўйди ким бўлур деб боиси ашё,
Кимики анга уммат бўлди, топти давлати узмо,
Жудо қилма бу нурдин, жон чиқар вақти, Худовандо,
Ғамим йўқ, Мустафо отлиғ мани пушти паноҳим бор.

Ўшал вақти анодин келди иззат бирла дунёга,
Замин фахр айлаюб ҳамсанг бўлди Арши аълога,
Етиб овозайи поки Сародин то Сурайёга,²⁴⁶
Ҳабиби Ҳақ эзур, деб тўлди олам шўру гавгога,
Ғамим йўқ, Мустафо отлиғ мани пушти паноҳим бор.

Кичик тутти ўзин туфроғ, лойиқ бўлди раҳматга,
Макон ўлди ўшандог Саййиди соҳиб шарофатга,
Киши то хок бўлмай, етмагай қурби саодатга,
Муҳаммад уммати шарманда бўлмасдур қиёматга,
Ғамим йўқ, Мустафо отлиғ мани пушти паноҳим бор.

Мадорим қуввати жону дилим ёрону асҳоби,
Абу Бакру Умар, Усмон, Ҳайдар дурри ноёби,
Ҳасан бирла Ҳусайн улкун берур лаб ташнага оби,
Бу иккиси рисолат осмонин меҳру маҳтоби,
Ғамим йўқ, Мустафо отлиғ мани пушту паноҳим бор.

²⁴⁵ Қуръон каримнинг “Зумар” сураси 53-оятидан.

²⁴⁶ Сародин то Сурайёга – ердан то осмонгача, маъносида.

Мани пайгамбарим Меърожидек ким чиқти аълога,
Набийларга муқаддам бўлди ким меҳроби Ақсога,
Салом этти бу янглиг ким бориб Вожиб таолога,
Сано айди қўнуб булбулсифат шохи тадуллога,
Ғамим йўқ, Мустафо отлиғ мани пушту паноҳим бор.

Аё, хайр ул-башар, ул кун ижобат бўлса боридан,
Халос эт умматингни етти дўзахнинг каноридан,
Ичурсанг кулли мужзимга шафоатни бихоридан,
Манго ҳам жой бергил анда Мухлислар қаториндан.
Ғамим йўқ, Мустафо отлиғ мани пушти паноҳим бор.

НАЪТИ НАБИЙ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ МУСАММАН²⁴⁷.

Зиҳи шоҳий каломи иллоти исёна марҳамдур,
Дема, исёна марҳам, балки раҳмат бахши оламдур.
Мутеи хокроҳи Қайсару Искандару Жамдур.
Дема, Қайсар самовот узра султони муқаррамдур,
Муборак гарди пойи тўтиёйи Арши аъзамдур.
Вазири хоси Ҳақ, асрори «мо авҳо»²⁴⁸га маҳрамдур.
(45) Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Замину осмонда йўқ анингдек гавҳари нодир,
Ҳамадин илгари ўз нуридин пайдо қилиб Қодир,
Ки, раҳматхоҳии олам то қиёмат ботину зоҳир,
Худо бирлан анга иқроп бўлса бир қари кофир,
Бўлур навзод янглиғ маъсият ажносидин тоҳир,
Бу давлат санга тегди, уммато, шукр айлагил вофир.
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

²⁴⁷ Мусамман – саккиз қаторли шеър, саккизлик.

²⁴⁸ Мо авҳо – Қуръон каримнинг “Нажм” сураси 10-оятидан.

Ул эрди мисли мах, асҳоблар атрофидин кавкаб,
Дер эрди қўл очиб: «Умматни раҳмат айлагил, ё Раб»,
Кўруб кўз ёшини дер эрдилар асҳоблар йиглаб:
«Ки, бердук умматинга музди ҳасрат, йиғлама ҳар шаб»,
Дер эрди, умматимдин ўзга манга йўқ эрур матлаб,
Чекиб уммат учун жавру жафо султони шерлаб,
Набилар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Чунон машғул эди ҳар шаб ётиб андак ибодатга,
Варам айлаб эди нозик оёғи бори тоатга,
Ниҳоли қомати хамлик, топиб ранжу риёзатга,
Бўлуб фориғ ўзини ғарқ этиб ашки надоматга,
Дер эрди қўл очиб: «Умматни лойиқ айла раҳматга,
Қиёмат кун мани кўб қўймагил ё раб, хижолатга».
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Ахийри умрида кўб чекти ҳазрат ранжи бемори,
Васият айлади, халқ эрдилар масжидда бисёри:
«Ман ўтсам бу жаҳондин, бермангиз мазлума озори,
Абу Бакру Умар, Усмон, Али, сизлар манго ёри,
Қиёмат шиддатидин қилсалар умматларим зори,
Васият шул, бўлинглар осий умматдан хабардори».
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

(46) Йиғиб азвожларни ҳам васият айлади такрор,
Манга паймона тўлди ким шифо мухтожи йўқ бемор,
Етимни кўрсангиз эъзоз айланг, бермангиз озор,
Мани йўқлаб баногах бўлсангизлар уйқудин бедор,
Тиланг умматни Ҳақдин бўлмасун рўзи қиёмат хор,
Бугун рози бўлинг, ер остида пинҳон ўлур дийдор.
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Ки, етти ул замон Ясрибга Азроилни ақдоми,
Яқо йиртиб, қаро кийган, кўлида маргнинг жоми,
Ижозат бирла кирди, кўрди ётган шоҳи Исломи,
Деди: «Ё саййидо, қайгунг билан ҳам Аршни боми»,
Пайгамбар айди: «Уммати надур оғозу анжоми,
Кетай хуш бу жаҳондин, яхши деб уммати аъмоли».
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Етушти баъдазон Мекоил анда, бошида чодир,
Эди сонсиз малак гирдига кийгони ҳама ахзар,
Салом айлаб деди: «Садқанг бўлай, эй саййиди сарвар,
Кўнгилни шод қилгил жумлайи рухонингиз музтар,
Ки, ман маҳрам эмасман, санга беҳад ваъдаи акбар»,
Расул йиғлаб деди: «Умнат на бўлғой соати Маҳшар».
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Чу тоқат айламай атрофин олди жумлаи азвож,
Дедилар: «Ўлгудекмиз биз сари бир чашми раҳмат оч,
Такаллум қил каломингга бу турганлар ҳама муҳтож»,
Дедилар: «Сизга маълум эрди ўткардим бу умрим оч,
Ғараз маҳшарда уммат бўлмасун деб нурдин ихрож»,
Деди: «Ё раб, кетарда осий умматларга раҳмат соч».
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Муборак жисми покидин жудо бўлгунча ширин жон,
Ўзини ташлади ҳар ёна айтиб «умматий» гўён,
(47) Муҳаммад мотамига Аршу Курси ларза еб чандон,
Малаклар кўкда йиғлаб, жаннат ичра хур ила гилмон,
Тутулди икки соат Ойу Кун, кўкдин келиб афгон,
Сафи қуддусийлар ул кун мусибатдин бўлуб вайрон,
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Деди Рухул-амин йиғлаб шаҳи «Тоҳо»ву «Ёсин»га,
Ижозат бўлса жисмингни кўтарсак суйи болога,
Десанг, жаннат аро қўйсам ва ё Арши муаллога,
Деди, эй пайки Ҳақ, арз айлагил Вожиб таолога,
Эдим бир неча йил уммат ичинда рўйи дунёга,
Бўлай ер остида ҳамрах, турай ҳам рўзи укбога,
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Қараб Ойишага қилди ишорат Саййиди олам,
«Кириб орқамга ўлтур соате сандин бўлай хуррам»,
Деди Ойиша: «Ўлтурдум ба пушти соҳиби хотам»,
Қилиб ҳасрат тўкулди баъдазон гул устида шабнам,
Дедим йиғлаб, гап ур, ё Саййидо, эрдим санга маҳрам,
Ки, урди уч нафас «во уммато, во уммато» деб дам.
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Қароди Ойиша ўздин кетибдур гавҳари мақсуд,
Расулга така айлаб кетти ўздин ул бўлуб беҳуд,
Ўтурганлар гумон этти бу ҳам кетти туролмай зуд,
Дедилар: «Во дариго, икки гавҳар бўлдилар нобуд»,
Али бирлан икки шаҳзода келди йиғлаб хунолуд,
Кўрарлар руҳи шаҳ парвоз этибдур жониби Маъбуд.
Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

Азалдин то абад бўлди бани Одамга бу одат,
Ичиб жоми ажалдин охири бир кун қилур рихлат,
Келур ким топти маҳлас ичмайин бу жомдин шарбат,
Назар қил, Мухлисо, кўздин кўтариб пардаи ғафлат,
Эди хайри ҳалойиқ бўлмади ул шаҳга муҳлат,
Кетардин чора йўқ шоҳу ғадо вобастайи навбат,
(48) Набийлар хотами кулли қадамлардан муқаддамдур,
Кимики анга уммат бўлди, озоди жаҳаннамдур.

МУСАДДАС (УФИЯ ЛИ-СОҲИБИҲИ)

Кел, эй муҳиб, талаб йўлида раҳнамо даркор,
Ҳумога бонслагали Ҳудҳуди Сабо²⁴⁹ даркор,
Муҳаббат аҳлига сарчашмаи лиқо даркор,
Бу йўлнинг толибига маркаби фано даркор.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Адамдин айлади мавжуд икки дунёни,
Қилиб жамолига ойна жумла ашёни,
(49) Кийгузди қолиби хокинга рухи аълони,
Топиб анинг била сайр айлагил Сурайёни,²⁵⁰
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Кетурди Ҳақ сани дунёга имтиҳон айлаб,
Ямону яхшини ҳикмат билан аён айлаб,
Худонинг йўлига кир, тарки хонумон айлаб,
Илинма девнинг домига ҳирси дон айлаб,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Жаҳоннинг молу манолига бўлмагил мойил,
Балойи жонинг эрур айш нўший, эй жоҳил,
Ажални ханжарин илқига олиб Азроил,
Турур ҳамиша санинг бошинг узра, эй гофил.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Хусули ранжу аламдур бу айшу ишратни,
Унутма толиби дунё бўлуб ибодатни,
Қариб англа бу кун шиддати қиёматни,
Ҳавога тобеъ ўлуб, айлама залолатни,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

²⁴⁹ Ҳудҳуди Сабо – Сулаймон алайҳиссаломнинг сасиқ попишакига ишора.

²⁵⁰ Сурайё – еттига юлдуздан иборат бўлган юлдузлар туркуми.

Муҳаббати зану фарзанд дилингда жо бўлди,
Аларни ҳар бири бошинга бир бало бўлди,
Бу йўлда деви лаъин санга раҳнамо бўлди,
Гуноҳ дуди билан ботининг қаро бўлди,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Туфайли Аҳмади Мухтор келдинг оламга,
Иноят этти, қўшулдунг гуруҳи Одамга,
Набийни пайрави бўл, қолма тонгла мотамга,
Аввалики мункиридур ўртанур жаҳаннамга.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

(50) Оқарди журму гуноҳ бирла сочу сақолинг,
Кўпайди ҳирсу ҳаводин жаҳонаро молинг,
Чекилса тонгла тарозуга қилган аъмолинг,
Шафиъинг бўлмаса Аҳмад, нечук бўлур ҳолинг,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Эшит, сифат қиламан, ҳашр васфин, эй нодон,
Сирот остида дўзах пуроташи сўзон,
Ҳама набийу валий нафси деб юрар сарсон,
Фиғону нола билан ҳар тарафга саргардон,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Киз она бирла, ўғул ота бирла жор эрмас,
Тилар ўзини халосин, бировга ёр эрмас,
Ҳавони иссиғидин бир ерда қарор эрмас,
Ки, ҳар қаён югурур, саъйига барор эрмас.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Келиб Муҳаммад ушалдам фиғону нола қилур,
Кўзини ёшини уммат йўлига жола қилур,
Ул икки гесуйи шафқатни Ойга ҳола қилур,
Гуноҳи умматига тоатин ҳавола қилур,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Буроқи барқравий ул замон бўлур ҳозир,
Дегай, малакка миниб, ё Набий бўлунг сойир,
Дегай, пиёда турур умматим бўлуб ҳозир,
Булардин илгари минсам агар не бўлур хотир,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Ки, сўнгра доманини бар уруб²⁵¹Расулуллох,
Тамоми умматига бўлголи шафоатхох,
(51) Пиёда дашти қиёматга киргай айлаб ох,
Баройи афви гуноҳони осийи гумрох,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Дегай, келинг бу дам, эй чорёри мўътабарим,
Хумойи шафқат эрурман сийлар чу болу парим,
Беринг бу кун манга ёри, кўруб бу чашми тарим,
Вагарна йўлдин озар умматони беҳабарим.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Бажону дил ҳама шафқат учун бўлуб тайёр,
Ики йўл устига Бу Бакр, Умар тарозуга ёр,
Жаҳим эшикида Усмон шафоат эттали зор,
Ки, Кавсар олдида Ҳайдар турур қилиб саршор,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

²⁵¹ Доманини бар урмоқ - этагини белига қистирмоқ.

Ки, тўрт ёрини тўрт жойга қўюб таъйин,
Туруб бориб ўзи Арш остида зору хазин,
Худоба арзи ниёз айлаб ул шаҳаншаҳи дин,
Гуноҳи умматин Ҳақдин тилар, кечур омин.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Турулмаи ул ерда «во умматим» деб анда туруб,
Борур Сирот узра, гоҳи тарозуга югуруб,
Бу шўр ичинда Абу Бакр бўйла наъра уруб,
Чиқаргаи умматингиз бу йўлда қолди, ё маҳбуб.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Эшитиб ул сари бормакни айлагаи мақсуд,
Келур нидойи Умар, ё Набий, югурунг зуд,
Бир осий умматингиз мунда бўлғудек мардуд,
Шафоат этмасангиз, ноласидан ўлмас суд.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

(52) Турар ул дам мутаҳаййир бўлиб Расули Худо,
Қаю тарафга бораи деб, олиб қўлига ридо,
Етушса наъраи Усмону Ҳайдари доно,
Қилур Муҳаммад ўшал дам фиғони вовайло,
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Аларни ноласини англағоч шаҳи сарвар,
Бошини саждага қўйгой, тўқуб чу хуни жигар,
Илоҳо, умматимни қилмагил сазойи сақар,
Тамоми ҳашр эли «омин» дебон турур музтар.
Кўнгилни ғайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат эттали Маҳшарда Мустафо даркор.

Худога йиғлар эрмиш зор-зор уммат учун,
Кабоб ўлуб юраги дилафгор уммат учун,
Бошини ерга уруб, шармисор уммат учун,
Тилар азизи уқбони, хор уммат учун.
Кўнгилни гайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Келур нидойи иноят Худойи оламдин,
Ошурма оху фигонингни Арши аъзамдин,
Кўтар бошингни, ҳабибим, йиқилма бу ғамдин,
Кимики уммат эрур, махлас эт жаҳаннамдин.
Кўнгилни гайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

Бил, охир онда бўлуб шод шоҳи «ав адно»,
Шафоат айлагай умматларин ба изни Худо,
Тамоми уммати киргай риёзи жаннат аро,
Сенам, кирай десанг, ул ерга Мухлиси шайдо.
Кўнгилни гайридин уз, оқибат Худо даркор,
Шафоат этгали Маҳшарда Мустафо даркор.

ҲАЗАЛИ ДИГАР

(53) Жаҳон гулзорида ҳар соликенинг дийдаси намдур,
Ғаҳи рухсорига субҳи қиёмат ашки шабнамдур.

Кўруб заъфим, табибо, дору деб ранжим зиёд этма,
Нечук ноқис деди санга мани, муҳтожи марҳамдур.

Гумон этманг юмуг жабҳам ўқуб исм ила очилди,
Ки, сарвим соя солди, боғи таъбим сабзу хуррамдур.

Мукаддар хотирим оламда ноқис муддаийлардан,
Қаю харбуза бўлди, пўла талху лаззати камдур.

Кимики маскан этти кунжини ҳосил қилиб ганже,
Қаноат мулкини қилгон мусаххар мисли Хотамдур.

Қаю муфлис тилаб васл икки олам нақдидин кечди,
Муборак гарди поий сурмайи Исойи Марямдур.

Вафо деб бевафо дунёга умрунг қилмоғил зоеъ,
Фано мулкин талаб қил, доимо бунёди маҳкамдур.

Тавофи Каъба қилғон бирла кофир бўлмагай мўъмин,
Талаб қил қалби ошиқларни Байтуллоҳ ул—Аъзамдур.

Мунофиқ ихтилоти офати дунёву динингдур,
Адашмас тўғри йўлдин ҳар киши Мухлисга ҳамдамдур.

ҲАЗАЛИ ДИГАР

Мани мажнун қилан ул лайли суврат ёрлардурлар,
Кўзумни пурхун этган кўзлари хумморлардурлар.

Қадимни дол қилган навниҳол нозанинлардурлар,
Юрагим хаста қилган шўхдил озорлардурлар.

Неча кун хизмат айлаб, бор эдим итлариға маҳрам,
Мани маҳрум этган ул ёрдин агёрлардурлар.

Дема, олдимда ҳур, ҳавзи Кавсар васфин, эй зоҳид,
Ҳадисим доимо ул лаъли шақкарборлардурлар.

Дедим, кўз тўкма ёшинг, билмасун розингни мардумлар,
Тўкуб ёш, этти розим дийдаи беморлардурлар.

Деди зоҳид манга, келгил, ридо ол, сабҳа илкинга,
Ки, йиртиб пардасин сабҳанг, дедим зуннорлардурлар.

Қочиб зуҳҳоддин кирдим харобот ичра Мухлисдек,
Нечун мунда неча бекафшу бедасторлардурлар.

МУХАММАС

Зиҳи, сарвеки Тубо олдида бир шоҳи бебардур,
Зиҳи, сунбул гул узра бўйидин олам муаттардур,
Зиҳи, наргислар атрофинда онинг сабзайи тардур,
Зиҳи, сарчашмаи Замзам ичинда дуру гавҳардур,
Зиҳи, хатти зумуррад лаъл дуридин мудаввардур.

(54) Зиҳи, олгун зақан чиқгон Забиҳуллоҳ дуконидин,
Забиҳуллоҳ дема, балки Халилуллоҳ конидин,
Халилуллоҳни қўй, бал Одаму Ҳавво маконидин,
Дема Одам, бу анқо қофи қудрат ошиёнидин,
Учуб шаҳ олдидин дунёга келди сайдпарвардур.

Таолаллоҳ тақаддас жумладан аввал килиб они,
Сужуд этти бурун, Сан Холиқим, деб ўзгалар соний,
Жасаддин илгари руҳига этиб рози пинҳоний,
Бу кўрганларни кўрмасдин турур кўрган ани жони,
Жаҳон жони учун Холиқга руҳи маслаҳатгардур.

Яратти Аршу Курси, Еру Кўкни Ҳазрати Хованд,
Қилиб изҳори қудрат, жумла бир-бирга эмас монанд,
Сафий сувратда абб ҳазратга, аммо маънида фарзанд,
Удур меҳмони Ҳақ, олам ҳамасарқутга ҳожатманд,
Азиз меҳмон учун тобеълара неъмат муяссардур.

У дунёву бу дунё Жабраил фарроши роҳингдур,
Ризонг истар Худо Маҳшарда қандоғ таъб хоҳингдур,
Агарчи бўрё Батҳода ҳар кеча хобгоҳингдур,
Қиёмат кун ёмону яхши муҳтожи нигоҳингдур.
Туфайлингдин ҳама лабташналар сероби Кавсардур.

Дили хоролари нарм айладинг алфози отирдин,
Бахишлаб дурри вахдат хотири дарё мақотирдин,
Тирикда жон чиқарда қўймадинг умматни хотирдин,
Халос этсанг, нетонг, Маҳшар куни турлук хавотирдин,
Муборак нози ихлосинг қабули Ҳайи Акбардур.

Мерос олдук ҳамдуллоҳ мен савму салотингдин,
Мунаввар бўлди қалбим шуълайи зоти сифотингдин,
Юзини ерга қўйди ул кеча бутлар уётингдин,
Фалакда маҳ шаққ ўлди бир имойи мўъжизотингдин,
Қабул этдук ҳама шақ айлаган Бу Жаҳли кофардур.

Чиқардинг ғазвайи Табукда сан санги сияхдин сув,
Бўлуб сероб асҳобинг идишлар қилдилар мамлу,
Келиб гуфтора лаълинг чиқти оташдан гули хушбў,
Сухан қилди халойиқ ичра пишган баррайи оҳу,
Базири мўъжизотинг сувдан ўтган санги мармардур.

(55) Дуруд эттинг, бале, Мухлис, шаҳи «Ёсин»у «Тоҳо»га,
Қани толиб қаландар бўлса боқмай молу дунёга,
Сухан илҳоми Ҳақдур, етмагай ноқис муаммога,
Деманглар розни карга, ишорат ҳайф аъмога,
Неку дардига дорудур, насиҳат бадга наштардур.

МУСТАЗОДИ МУРАББАЪ

Эй, Аршу Самони яратан Холиқи якто,
Кўк бестун пашага юкдур етти ғабро,
Ҳар қат аросинда яратиб оташи дарё,
Ул ўт била сув қилдилар бир шишада маъво,
Сан Қодири акбар.

Ул шишанинг атрофида бир мори баҳайбат,
Оғзида балиқ, нўш қилур шираю шарбат,
Ҳут устида бир гул била булбул бўлуб улфат,
Мору балиғу булбул ўлуб ҳамдига гўё
Ким йўқ деса кофар.

Ер зийнати, деб халқ қилиб жумла наботот,
Ҳар қайси гияҳ бўлдилар бир махлуқа авқот,
Баҳрубар аро еткурасан рўзийи ҳар зот,
Сандин етадур тарбияти мўъмину тарсо,
Сан Холиқи довар.

Занбурдин асал этдингу найдин шакар этдинг,
Ҳам ниши тикондин гул, сувдин гавҳар этдинг,
Гаҳворайи Марямга атосиз писар этдинг,
Исо нафаси бирла ўлукни қилиб ихё,
Чун соати Маҳшар.

Ҳамд орқасидин наъти паямбар қилай изҳор,
У Саййиди кавнайн, отидур Аҳмади Мухтор,
Ҳақ розига йўқ андин ўзга маҳрами асрор,
Халқ афзали ул, андин улуг Тангри таоло,
Қил сидқ ила бовар.

Ўн тўрт кечалик Ой чиқиб буржи шарафдан,
Тун зулматини барҳам уруб айлади равшан,
Дин тухмин экиб, чош қилиб бир неча хирман,
Эҳсонидин ожизлар ўлуб тўқу тавоно,
Сан Қодири акбар.

(56) Ул қилди келиб адлу карам жумлани дилшод,
Раҳмат суйидин бўлди ҳама бум²⁵²лар обод,
Дўзах ўтидин они учун уммати озод,
Ёронларидур роҳбари жаннати аъло,
Ҳам соқийи Кавсар.

Ҳаво садафидин чиқиб ул гавҳари қиймат,
Оламни қилиб партавидин ғарқайи раҳмат,
Ким, толеъи масъуд эди, бўлди анга уммат,
Топти шараф, иззату ҳам давлати узмо,
Бул кимга муяссар.

Ул кунки йигилди фусаҳолар қилиб ижмол,
Инжил ўқуб, сўрди Набийдин неча ишқол,
Алфози фасиҳ бирла фасиҳларни қилиб лол,
Ул сарви қаду лола руҳи анжуманоро,
Қуръон анга дафтар.

Эй хатми русул, пири субул, роҳбари кулл,
Озоди шарар шаръинга ким қилди таваккул,
Кавнайн гулистониға йўқтур санингдек гул,
Бўлдунг у кеча булбул шоҳи «фатадало»,²⁵³
Ким санга баробар.

Номингни десам лаззат олур кому забоним,
Шаръингдин эрур тарбияти руҳи равоним,
Дурдонайи наътингда фидо риштаи жоним,
Мухлис қиладур дарғаҳинга зору тавалло,
Рад қилма муқаррар.

²⁵² Бум – мулк, экилмаган ер.

²⁵³ Фатадало – Қуръон каримнинг “Нажм” сураси 8-оятидан.

Жаҳони тийра ичра меҳрипуранвар мударрисдур,
Пайгамбар умматига пирдек раҳбар мударрисдур,
Шариат баҳридин чикгон улуг гавҳар мударрисдур,
Мадори дин, чироғи масжиду минбар мударрисдур,
Ғуборин сурма қил, фарзанди пайгамбар мударрисдур.

Эзур чун обрӯйи икки олам боамал олим,
Ғар олим бўлмаса, оламни вайрон айлағай золим,
Пайамбар айдилар, олим эзурлар вориси қолим²⁵⁴,
(57)Буларнинг ҳурматидин дини Ислом эзур солим,
Қиёмат кун манга ёри беран аксар мударрисдур.

Жаҳаннамнинг сакидур бўлса ким олим изосида,
Малаклар бўлди омингӯй олимлар дуосида,
Муборак хоки пойин тӯтиё қил кӯз қаросида,
Пайамбар айди, олим мисли ман уммат аросида,
Нечунким, шаръ ила ислому динпарвар мударрисдур.

Қулоқға халқа қил гуфтори оёти Худодандур,
Эшитиб, жон фидо қил қавли қавли анбиёдандур,
Вале раҳматга пур, лафзи ҳадиси Мустафодандур,
Юзининг нури бешак равнақи «Шамс уз-Зухро»дандур,
Лабининг шарбатиким, беҳтар-аз-Кавсар мударрисдур.

Ҳар олимлар бошинда соядур арвоҳи пайгамбар,
Буларғаким нигоҳи бад қилса мӯъмин эмас кофар,
Агар бўлмай десанг рӯзи жазо шармандаи Маҳшар,
Масойил ўрганиб олимга ийсор айлагил гавҳар,
Қавий қилғай иймонинг соҳиби дафтар мударрисдур.

Қабрга ўлтуруб олим масойил ибтидо айлар,
Ки, то Маҳшар они ҳаққида ул манзил дуо айлар,
Туруб кӯкдин малоиклар анга мадҳу сано айлар,
Бу олимни, Худоё, раҳмат эт, деб илтижо айлар,
Шу боисдин қабули Холиқи акбар мударрисдур.

Кими ихлос бирла бўлса олимларға ҳамсуҳбат,
Жудо бўлғунча андин жисми бўлғай ғарқан раҳмат,
Бўлуб ходим агар ҳар бобдин қилса киши хизмат,
Пайамбар ваъда қилди, ангоким, вожиб бўлур жаннат,
Даҳонинг ширин эт Мухлис бўлуб шаккар мударрисдур.

²⁵⁴ Илми қол – зоҳирий илмлар, жумладан, шариат илми ҳам. Олимлар шариат илмининг ворислари десмоқчи.

**БУХОРОЙИ ШАРИФДА МАЗОРИ ФОЙИЗУЛ-АНВОР
ЎЛАН ХОЖА АБУ ҲАФСИ КАБИР²⁵⁵ ШАЪНИДА**

Борму рухсат тавоф этарга, ё имоми беназир,
Равзайи покинг зиёи дийдаи бадри мунир²⁵⁶,
Келмишам умид ила ман осийи журми касир,
Ҳокими ҳукми тариқат, соҳиби тахти сарир,
Вориси шаръи пайамбар, воқифи илми хабир,
Йўқ мударрислар ичинда сан каби равшан замир,
(58) Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Ул кеча кўйдинг Бухорога қадам, эй пок нур,
Беҳузур эрди халойик, топтилар улдам ҳузур,
Хоки пойинг тўтиё айлаб очилди чашми кўр,
Шоми мотам мухтафий эрди, етишгач субҳи сур,
Топти Исо жон дамингдин, балки амвоти кубур²⁵⁷,
Ҳурматингдин то қиёмат кетмагай андин футур,
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Ерга туштунг, уч кун ўтмай танидинг Аллоҳни,
Ҳафта ўтти, нақш қилдинг зикри иллаллоҳни,
Чикмайин чилланг, қадам босиб тай эттинг роҳни,
Бир ёшар бўлганда битдинг хатти «Бисмиллоҳ»ни,
Ёд қилдинг етти ёшингда Каломуллоҳни,
Ўн ёшингда ундадинг Ҳақга неча гумроҳни,
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Синни покинг етти ўн бирга, риёзат айладинг,
Кирдинг ўн иккига чилтан бирла суҳбат айладинг,
Ўн учингда кеча ётмасликни одат айладинг,
Ўн тўрт бўлганда Ҳазратни зиёрат айладинг,
Ҳам ўшал йил элга таълими тиловат айладинг,

²⁵⁵ Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767 – 832) – ислом ошамининг буюк фикшшунос олими, унинг шарофати билан Бухоро “Қуббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази” унвонини олган.

²⁵⁶ Бадри мунир – ўнбеш кунлик тўлиқ ой.

²⁵⁷ Амвоти кубур – қабрлардаги ўликлар.

Сойим ўлдинг икки кунда бир тиловат айладинг,
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Кирдинг ўн бешга, санга етти малоикдин хабар,
Қалби покинг бўлди ул дам воқифи зеру забар,
Хизматингдин ҳар кеча кетмас эди рухонийлар,
Гоҳ Хизру гоҳи Илёс ила ўлдинг ҳамсафар,
Гоҳ учуб бир кечада қилдинг Ҳарам ичра мақарр,
Гаҳ назар қилсанг бўлурди реглар монанд назар.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

((59) Қилдинг ўн олти ёшингда мужтахидлар²⁵⁸ хизматин,
Кунда бир каф арпа бирлан айладинг нафсингни қин,
Қалбинга нақш ўлди илми аввалину охирин,
Бердилар иршод муршидлар йиғилиб баъдазин,
Бўлдинг ўн етти ёшингда восили Ҳаққул-яқин,²⁵⁹
Қўл очиб автодлар²⁶⁰ берди ҳидоят рухсатин.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Нисбати илми ладуний²⁶¹ бахш этиб устоди кор,
Кўб дуо айлаб дедилар Мовароуннаҳра бор.
Бор эрур шаҳри муаззам, отидур мулки Бухор,
Қил ҳидоят ваъз айтиб, эй фариди рўзгор,
Амри пир бирла келиб бу шаҳрга топтинг қарор,
Шукрким, бизга муяссар бўлди сиздек шаҳриёр.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Рўзи аввал халқ ичинда ваъз учун очдинг забон,
«Ёсин»у «Тоҳо» ўқуб, тафсир қилдинг баъдазон,
Сурат «Ар-Раҳмон» ўқуб то «барзахун ло ябғиён»,
Они ҳам тафсирини бир-бир қилиб элга баён,

²⁵⁸ Мужтахидлар – диний қондаларни ўзгартириб янги мазҳаб тузувчи уламолар.

²⁵⁹ Ҳаққул-яқин – Илохий илм. Бирор ҳодисани ғойибона олдиндан билиб олиш.

²⁶⁰ Автодлар – авлиёлар.

²⁶¹ Илми ладуний – илохий илм.

Ҳар тарафдин чиқти ул дам наърайи оҳу фиғон,
Кӯб мажусий²⁶² бор эди шаҳр ичра келтурди иймон.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Рӯзи дуввумким ўқурдинг наъти поки Мустафо,
Бўлди ҳозир ул халойиқ ичра марди нобийно,
Сафҳани илкиндин олиб кўзга қилди тўтиё,
Баъдазон пойинг ўпуб, йиғлаб деди: «Эй порсо,
Найлайн аъмо эрурман, йўқса бўлмасдим жудо»,
Дарҳақиқат халқ ичинда бўлди ул соат бийно.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,

Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.
Рӯзи севвумким эди шаҳр ичра ғавғо тушти бал,
Воизекелмиш фалон жойдин, қилур мушкулни ҳал,
(60) Кўр очилмиш, кўб мажусий мўъмин ўлмиш беҳиял,
Англаб атрофу жавонибдан йиғилди кўб касал,
Аъаржу мажнуни занжирвору гунгу қару шал,
Жумласи мақсад топиб, бўлди муриди боамал.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Тоат айлаб ўлтурур эрди сукутда нисфи тун,
Ҳозир ўлдилар ўшал соат Расули раҳнамун,
Деди, бас қил ваъзинг, эмди, бўлма масжиддин берун,
Тарки касби қор айлаб, халқ ўлур соҳиб жунун,
Боқмағай ҳеч ким аёл, атфолиға, бўлғай забун,
Келса ким ихлос ила соҳиб барор ул анго чун.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

²⁶² Мажусий – ўтга сизигувчи, оташпараст.

Неча йил аҳли талабга таълим айлаб ҳолу қол,²⁶³
Ким киши қолди шаҳрдин бўлди аксар аҳли ҳол,
Ўтти бу минвол бирла неча моҳу неча сол,
Қобизул-арвоҳга²⁶⁴ амр этти бир кун Зу-л-Жалол,
Тўлдиким, паймонайи бу абди хосим²⁶⁵ жонин ол,
Одати Аллоҳ бўлди шундоғ безавол ўлмас камол.
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

Келди Азроил била йиглаб ҳама рухонийлар,
Ғавсу қутбу чилтану автодлар топти хабар,
Во дариғо, қутби олам қилди дунёдин сафар,
Тоза ювуб, айлаб намозин ҳам у ерга қўйдилар.
Келмаку кетмак бани Одамга мероси падар,
Қолса, қолмас эрдиму ул Ҳазрат хайрул-башар,
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

То тирикмен борман арвоҳи покинга ғулом,
Нотамомам не бўлур қилсанг карам айлаб тамом,
Кеча-кундуз санга мандан тухфадур Хатми Калом,²⁶⁶
Кун қизиб, рўзи қиёматга йигилса хоссу омм,
(61) Йўқласа ўз қавмини ул шўр ичинда ҳар имом,
Мухлисим деб тут қўлим, эй ноиби хайрул-аном.²⁶⁷
Ё имом ал-муслимин, ё Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

²⁶³ Ҳол ва қол – Ҳол – илоҳий раҳмат ва баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир. “Илми қол” – тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зохирий илмлар, чунончи, шарият илми ҳам шунга кирган. “Илми қол” эса инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган гаройиб руҳий кечинмалар, фавқуллодда феоал-атвор, хяслатларнинг намоён бўлишидир.

²⁶⁴ Қобиз ул-арвоҳ – жонни олувчи, яъни Азроил (а.с.) нинг номи.

²⁶⁵ Абди хосим – хос қўлим, бу ерда Абу Ҳафси Кабир назарда тутилмоқда.

²⁶⁶ Хатми калом – Қуръонни қаримни бошидан охиригача ўқуш.

²⁶⁷ Эй ноиби хайр ул-аном – эй одамларнинг яхшиси, яъни Пайгамбарнинг ноиби.

МУХАММАС

Дард элига даво деган бизлар,
Ранж элига шифо деган бизлар,
Марди соҳиби дуо деган бизлар,
Авлиёи Худо деган бизлар,
Жумладин мосиво деган бизлар.

Дийда дийдорга мушоҳададур,
Нафс шайтон ила муҳорабадур,
Жону дил бир Худони ёди иладур,
Зоҳири ғайр ила муомаладур,
Ботини пур ҳаё деган бизлар.

Орзуйи висолида бу дам,
Тандадур жон нисорида бу дам,
Шамъи рухсори ёдида бу дам,
Бўстони жамолида бу дам,
Булбули хушнаво деган бизлар.

Фурқат ўтида ҳамчу девона,
Масти шайдо, волаву ҳайрона,
Бодадин журъа нўши мастона,
Шамъирўйига мисли парвона,
Дилу жони фидо деган бизлар.

Ишқ эли тмажлиси эрур гулшан,
Аҳли ирфон эрур алар безанн,
Шарбати ишқ нўш этар ҳар тан,
Шишаси ғайр аксидин равшан,
Ринди бемуддао деган бизлар.

Ваъдаи «Иржигий»²⁶⁸га жон толиб,
Дийда дийдор хуснига роғиб,
Бу эрур лутфи Ҳазрати Воҳиб,
Дили маъшук ҳажрида ёниб,
Тили ширин адо деган бизлар.

²⁶⁸ Иржигий – Куръони каримнинг “Фажр” сураси 28-оятидан.

(62) Гарчи исёнимиз эрур бисёр,
Ҳазратидин умидимиз кӯб бор,
Кечгучи журмимиз ўзи Ғаффор,
Зоҳидо, ҳеч айлама инкор,
Асли аҳли фано деган бизлар.

Йўқ ҳақиқат сирридин огоҳим,
Оҳ ила нолайи саҳаргоҳим,
Кимга айтай бу арз ила додим,
Зухду таквонгни куйдурур оҳим,
Куя-куя адо деган бизлар.

Арзи ҳолим эшит, аё шоҳим,
Сарвақдлар аро дил огоҳим,
Кимсадур ҳоли дилдин огоҳим,
Ишқ ўти ичра мисли Иброҳим,
Доим андар дуо деган бизлар.

Етти бизга хитоби Ҳақ ногоҳ,
Сен мутеъ ёки рондаи даргоҳ,
Деди арвоҳимиз «Бала лиллоҳ»,
Бир «Аласту»²⁶⁹ аҳдидин этиб огоҳ,
Ошиқи норасо деган бизлар.

Кўз ёшимиз жаҳонда тинмайдур,
Мубталомиз, киши инонмайдур,
Дардсизлар бизи тонимайдур,
Дафтари ишқимиз туганмайдур,
Дили кони зиё деган бизлар.

Мастдурмиз, базе ғурури ишқ,
Ақлдиндурмиз сурури ишқ,
Бизга тегди бу кун вуфури ишқ,
Гоҳ-гоҳи зуҳури, нури ишқ,
Ўйла ошиқнамо деган бизлар.

²⁶⁹ Аласту – Қуръони каримнинг “Аъроф” сураси 172-оятидан.

Салтанат, шавкат ихтиёр этмай,
Халқни таънасиндин ор этмай,
Бу жаҳон орзусига етмай,
Кулфату айш эътибор этмай,
Қилмишига ризо деган бизлар.

(63) Ҳақ таолоғадур аён ҳоли,
Йўқ бизоатда қийл ила қоли,
Феълү атвори бад маҳу соли,
Кафи марзот нақдидин холи,
Ғарқи баҳри гуно(х) деган бизлар.

Даст холий Худоға тоатсиз,
Журмимиз кўб, бәсе ниҳоятсиз,
Йиғламай тун-саҳар надоматсиз,
Номаси заррача ибодатсиз,
Бевасила гадо деган бизлар.

Ҳақнинг анвори лутфиға боқиб,
Кўзларидин ҳамиша қон оқиб,
Жону дил зотиға этиб роғиб,
Кўси лофин таашшуқин²⁷⁰ қоқиб,
Мизмор ичра бажо деган бизлар.

Обидинг кечасида бедорлар,
Билмас эрмиш бу сирру асрорлар,
Ошиқинг манзарида дийдорлар,
Зоҳиду обидинг гирифторлар,
Бош-аёғи раҳо деган бизлар.

Ҳақ таолонинг раҳмати кўбдур,
Ғайри фақру хушуъ эмас манзур,
Раҳматидин умидимиз кўбдур,
Икки оламини этмадук манзур,
Йўқу ҳиммати уло деган бизлар.

²⁷⁰ Таашшуқ – ошиқ бўлиш, севиниш.

Они лутфи билан кўнгилдур хуш,
Сайр этар ҳар қаёнга ақлу хуш,
Жон тан ичра қилур ҳамиша хуруш,
Ишқ қиморхонасида ақлу хуш,
Барчасидин жудо деган бизлар.

Масти дунё эрур, не бўлур холим,
Факру ғурбат аро маху солим,
Телбалик кўчасидур аъмолим,
Дасти зулмингни торта кўр золим,
Зулм элига бало деган бизлар.

(64) Бағримиз ишқида кабоб этсак,
Ҳажрида дийдамиз пуроб этсак,
Масканингни ила-г-туроб²⁷¹ этсак,
Зулм эмас олами хароб этсак,
Қилмишингга жазо деган бизлар.

Тобеъи нафс ила ҳаво бўлма,
Сен ғурур ила худнамо бўлма,
Жавру зулм ила пуржафо бўлма,
Ажзи зоҳир кўруб варо бўлма,
Дами тийғи бурро деган бизлар.

²⁷¹ Масканингни тупрокка булгасак, деган мазмунда.

ҒАЗАЛИ МУТТАССИЪ

Эй кўнгул, кел, айлалук сайри гўристон иккимиз,
Ибрат олиб бир замоне йиглалук қон иккимиз,
Охиратнинг ваҳмидин айлаб ҳаросон иккимиз,
Мисли Адҳам айлаюб дунёни вайрон иккимиз,
Қўл тутубон йўлга кирсак дийда гирён иккимиз,
Сайр айлаб тоғ ила дашту биёбон иккимиз,
Каъбатуллоҳ шавқи бирлан юрсак ҳарён иккимиз,
Гоҳ навову гоҳ қилсак йиглаб афгон иккимиз,
Бу сифат даврон суруб, ўлсак не армон иккимиз.

Ким бу золи пуржафоға йўқ вафо, эй номдор,
Қил ҳазар макридин они, бўлмагайсан шармисор,
Гоҳ айлаб филни пашша, гоҳ айлаб муру мор,
Гар балолардин омон этса бу киш парвардигор,
Боралук аввал Самарқандга йиғиб бўлса баҳор,
Меҳрибон бўлса Эгам, ҳўб айлалук сайри мозор,
Неча қабри бошарофат жойи файз осори бор,
Гўри Мир боши уза бир гумбази накши ниғор,
Иzzат ила халқа бўлсак анда меҳмон иккимиз.

Гумбаз ичра Мири муршид неча насли хони бор,
Тахтида махзан киби чўхмарқади пинҳони бор,
Ис келур ҳар буржидин гўёки (бир) райҳони бор,
Ким тавоф айлаб буларни ўзгаларни сони бор,
Хожа Аҳрора²⁷² бормоқ баъдазон имкони бор,
Ўз қўлидин жамъ қилган Мусхафи Усмони²⁷³ бор,
Боши Қуръон узра кесилган нишони қони бор,
Юзга суртса ҳар ким ул қонни яқин иймони бор,
(65) Йиглашуб кўзларга суртсак хуни Усмон иккимиз.

Иzzат “ҳубби ватан”²⁷⁴ эрмиш бу нафсинг хоҳиши,
Кўчайи гурбатга помол айла кўрсун коҳиши,
Бу риёзат бирла бўлгай шод они созиши,
Хожайи Аҳрордан қайтсанг топиб осойиши,

²⁷² Хожа Аҳрор – асли исми Носируддин Убайдуллоҳ Шоший Самарқандий бўлиб, 1404 йилда Тошкентнинг Боғистон қишлоғида тугилган, 1490 йилда Самарқанднинг Ургут тумани, Камонгарон қишлоғида вафот этган. “Убайдуллоҳ Аҳрор”, “Хожа Аҳрор” номлари билан машҳур тасаввуф вакиллари билан бири.

²⁷³ Мусхафи Усмон – Усмон Қуръони (652 й.), Халифа Усмон ибн Аффон (тахм. 575 – 656) нинг даврида кўчирилган Қуръон нусхалари.

²⁷⁴ Ҳубби ватан – ватанни севмок иймондандур, ҳадисига ишора.

Ота-ўғил Хожа Абди Дарун²⁷⁵ икки киши,
Кўйди тасбехдин малоикларни қилғон нолиши,
Ҳазрати Саййид Ҳусайнни²⁷⁶ анда бор эрмиш боши,
Баъзилар қилди ривоят анда битгай ҳаж иши,
Бир зиёрат айласак ул икки жонон иккимиз.

Арк ичинда чордах қутби офтоби безавол,
Асли билсанг исми покидур они Саййид Жалол,²⁷⁷
Ғарқайи гирдоби раҳмат, гавҳари дарёйи ҳол,
Ким тавоф этса бўлур ғарқоби нури Зу-л-Жалол,
Шаҳри берунга эрур Жиржис²⁷⁸ пайгамбар баркамол,
Ташқари осуда қилғон бир пайгамбар Дониёл,²⁷⁹
Тог уза Чўпон ато дарё лабига бемалол,
Масжиди Хизр андаким қирқ бор борур, кўргай жамол,
Тавф айлаб шод бўлсак, мушкул осон иккимиз.

Руҳи ободи тавоф айлаб, талаб қил нурни,
Пул Сафидда қил зиёрат Хожайи Маъмурни,²⁸⁰
Марқади Мирзо Улуг²⁸¹ ҳам равзайи Мансурни,²⁸²
Зинага кўйгил қадам, Кўр гумбази²⁸³ машхурни,
Қил тавоф Шоҳизинда, кўр фиғону шўрни,
Қилди ниш шогирди, устои тузаб анбурни,
Қийнаган кўб қуртлар гўрхонайи судхўрни,
Бермасун ҳеч бандага Холиқ ўшандоғ гўрни,
Айлайлук кўрганда дашноми фаровон иккимиз.

Ҳеч адо бўлмас десам ётган азизлар сони йўқ,
Қай бирин изҳор этай, соф айламак имкони йўқ,
Чашми ботинда тирик, зоҳир назарда жони йўқ,
Баъзиси нақшин иморат хонайи вайрони йўқ,

²⁷⁵ Абди Дарун – Абд ал-Муъизиддин ибн Муҳаммад Яъқуб ибн Муҳаммад Абди ибн Усмон ибн Аффон (9-а.) – Муҳаммад пайгамбар (с.а.в.) нинг авлоди, Абди Беруннинг ўғли. У Самарқанд козиси бўлган, ниҳоятда адолатли, тўғрилиги билан шухрат қозонган. Бу ерда Самарқанд шаҳридаги қабр ва мақбарага ишора бўлмоқда.

²⁷⁶ Саййид Ҳусайн (626 – 680) – Али ибн Абу Толибнинг (Фотимадан туғилган) кичик ўғли, учинчи шиа имоми.

²⁷⁷ Саййид Жалол - бу ерда Самарқанд аркидаги зиёратгоҳга ишора бўлмоқда.

²⁷⁸ Жиржис пайгамбар – мусулмон ривоятларида зикр этилган шахс, Аллоҳга эътиқод қилувчи фаластинлик такводор. Мусулмонларда у Ҳизр ва Илёс номлари билан бирга келади. Самарқанд шаҳрининг ташқарисидаги зиёратгоҳга ишора бўлмоқда.

²⁷⁹ Дониёл пайгамбар – исломиятдан аввал ўтган пайгамбарлардан бири. Самарқанд шаҳрининг ташқарисидаги зиёратгоҳ.

²⁸⁰ Хожа маъмур - Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳ.

²⁸¹ Мирзо Улуг – 1417-1420 йилларда Регистон майдонига қурилган мақбарага ишора.

²⁸² Равзайи Мансур – Мансурнинг қабри. Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳ.

²⁸³ Кўк гумбаз – 1435-1436 йилларда Шаҳрисабзда Шоҳрух Мирзонинг номидан қурилган архитектура ёдгорлиги.

Баъзи ётган таҳтипову гумбазу айвони йўқ,
Ким тавоф этса аларни кўнглида армони йўқ,
Кўр бўлсун ким аларга дийдаи гирёни йўқ,
Хайру эҳсон айламас ул қавмга иймони йўқ,
Тавф этиб кўз ёшимизни қилсак эҳсон иккимиз.

(65) “Ёсин”у “Тоҳо” ўқубким айлалук хатми мозор,
Кемасиз ўтсак Кўҳак²⁸⁴дин ёвн қилса парвардигор,
Кўчада пайдо қилсак кўз ёшимиз шашқатор,
Жаннатосо манзил ичра неча кун топсак қарор,
Баъдазон ҳиммат қилибким, айласак Ҳаж ихтиёр,
Найладук шунча қилиб фарзанд деб хешу табор,
Эмди қолган умрни сарф айлалук девонавор,
Шояд уммат деб чақиргай Аҳмади хожатбарор,
Йўлга кирсак оҳ уруб йиглаб паришон иккимиз.

Ому²⁸⁵дин ўтсак саломат, Балх аро қўйсак кадам,
Равзайи Шери Худога²⁸⁶ чилла ўлтурсак баҳам,
Маймина хўйдин ўтсак Ҳирот устига ҳам,
Бордур шаҳри Ҳиротда равзаҳойи муҳтарам,
Пири Ансору Навоий қабрига қилсак надам,
Жомий²⁸⁷Мулло Муъин, Баҳлул, Шиблийни у дам,
Тавф этиб, истаб мадад, зойил бўлуб дарду алам,
Қани шул мақсадга етурса Худо айлаб карам,
Шавқ ила азм айласак афтону хезон иккимиз.

Қандаҳорни сайр айлаб, азми Бағдод айласак,
Хуни дилдин роҳила кўз ёшидин дод айласак,
Бўса айлаб Ғавсул Аъзам²⁸⁸ қабрини, дод айласак,
Бу Ҳанифа руҳидин матлуби иршод айласак,
Шофеъийу Моликий қабрига фарёд айласак,
Равзаи Адҳам бориб, чўх дарди аврод айласак,
Неча кун анда туруб, Ҳақ зикрини ёд айласак,
Сайр этиб гоҳ хотири ношодни шод айласак,
Гоҳ тавфу гоҳ этиб сайри хиёбон иккимиз.

²⁸⁴ Кўҳак – 1428-1429 йилларда Улугбек фармони билан расадхона қурилган тепалик номи.

²⁸⁵ Ому – Амударё.

²⁸⁶ Шери Худо – бу ерда Ҳазрати Али кўзда тутилмоқда.

²⁸⁷ Жомий – Абдурахмон Жомий (1414-1492), форс-тоҷик шоири, Алишер Навоийнинг устози. Темурий шаҳзодаларнинг пири.

²⁸⁸ Ғавс ул-Аъзам – эронлик Абдулқодир Гилоний (1077-1166), тасаввуфнинг йирик вахилларидан бири, “Қодирия” тарикатининг асосчиси. Самарқанд вилояти, Ургут туманида унинг номида зиёратгоҳ бор.

Жомаю дастор ташлаб, иккимиз кийсак кулох,
Бир асои ғайрат олиб қўлга қилсак қатъирох,
Жумладин кўнгил узуб Холиқни қилсак такягох,
Хешу фарзанду ватан кўнгулга кечса гоҳ-гоҳ,
Ҳар замон дилдин чиқарсак шавқ бирла дуди ох,
Ё Муҳаммад биз икки дилхастага айланг нигоҳ,
Борамиз равзанг сари уммид этиб биз рўсиёҳ,
Тут қўлум, бошқар йўлум, ё Саййиди пуштипанох,
Равзанг устига бориб бўлсак ғазалхон иккимиз.

Ихтиёри дард қилсак мунда дармондин кечиб,
Тақя қилсак бир Ўзига суду нуқсондин кечиб,
(67) Хўй қилсак ғурбат ичра лаълдек кондин кечиб,
Молу фарзанду аёлу боғу бўстондин кечиб,
Мисли Адҳам йўлга кирсак тахти даврондин кечиб,
Неча шахру неча уммондин, неча тоғдин кечиб,
Икки кунлик бевафо дунёи меҳмондин кечиб,
Тахт ила даврон надур, балки биз жондин кечиб,
Ҳиммат айлаб бўлмалук йўлда пушаймон иккимиз.

Азм этиб Бағдоддин Рум сори борсак икки тан,
Ҳар мазоре андадур, тавф айласак бемовуман,
Шому Мисру Кўфага Изад етурса ҳар қачан,
Андаги Машҳадни тавф этсак юруб ҳужож илан,
Манзили эҳрома етурса Худойи Зу-л-Минан,
Ташласак кийган либос, ўрнига чулғонсак кафан,
Бош очиб “Лаббайка” деб ўт зоҳир этсак сийнадан,
То мақоми Ҳазрати Иброҳим Халил қилсак ватан,
Йиғласак гоҳ ошқору гоҳи пинҳон иккимиз.

Боракаллоҳ яхшиларнинг айлаган бардошига,
Кўз юмуб, боқмай фиғону нолайи қардошига,
Қолмади ғам ўзни вақф айлаб балони чошига,
Йўл юруб не бош ила етсак Ҳарамнинг бошига,
Замзама қилсак борибон гоҳи Замзам қошига,
Тўлдусак Замзам чаҳини дамбадам кўз ёшига,
Юзни суртсак бўса айлаб Санги Асвад²⁸⁹ тошига,
Нола қилсак Марваю кўҳи Сафо²⁹⁰нинг бошига,
Кўз ёшидин шод топсак дарда дармон иккимиз.

²⁸⁹ Санги Асвад – Маккадаги қора тош.

²⁹⁰ Марва, Сафо – ислом маросимлари ўтказиладиган тоғ номлари.

Жорий қилсак икки кўздин абр янглиғ жўйлар,
Келса Замзам чоҳидин жаннат гулидек бўйлар,
Маҳв бўлса хотиримиздин азову тўйлар,
Хижрат айлаб ғарқи об бўлса бандада мўйлар,
Қилсалар ҳаж етмиш икки минг ҳама хушхўйлар,
Жумласи тарк айлаган мандек диёру кўйлар,
Қилса ҳар ким ўз гуноҳларига ҳой-хўйлар,
Субҳидам Мино бориб хужжож сўйса кўйлар,
Анда қурбонлик кўй ўрнига жон иккимиз.

Бор эмиш Байт ул-ҳарамга, эй биродар неча дар,
Бириси Бобус-салом новадон устига зар,
Новага ҳарж айлади бориб Баҳоуддин хунар,
Нақшбандий нақшипойига қилайлук нақши сар,
(68) Ҳаж адо айлаб Мадина шавқидин қилсак сафар,
Ўртада бир тоғи улкан бор эмиш қилсак мақарр,
Равзайи поки пайамбар андин бўлган жилвагар,
Лутф этиб Ҳақ анда етмакни раво кўрса агар,
Бир таҳорат бирла қилсак хатми Куръон иккимиз.

Равза бўлса кош хилват истиқомат айласак,
Оби чашми хуни дил бирла таҳорат айласак,
Нола айлаб сийнани ҳар дам жароҳат айласак,
Ҳашр қилмасдин бурун шўри қиёмат айласак,
Баъд Ҳазрат, қабри Сиддикни зиёрат айласак,
Қабри Умарни тавоф айлаб ҳаловат айласак,
Равзайи Усмон бориб, анда тиловат айласак,
Муртазо руҳидин уммиди шафоат айласак,
Айласак бориб Бақиъ сайри гўристон иккимиз.

Тавба қилсак ҳар гуноҳдин боз қайтиб қилмасак,
Ҳожи бўлсак ҳирс ила элга қараб қайрилмасак,
Орзуни тарк айлаб ғайри жул ёпинмасак,
Мисли анқо узлат олиб, халқ аро топилмасак,
Етти иқлимни Сикандар берса кўзга илмасак,
Равзага беҳуд бўлуб ётсак, ўзимиз билмасак,
Ҳок бўлгунча Муҳаммад қабридин айрилмасак,
Чунки ўлгандек сира қайтиб ватанга келмасак,
Кош ўлсак ҳар ера бо нури иймон иккимиз.

Бошимизга қилмагил санғи ҳаводисни нузул,
Дийдае бергил бу йўлга фарқ этайлик ўнгу сўл,
Муддао Байтул-ҳарамдур, қил карам бўлсун ҳусул,
Қилмагил навмид узотдик биз иков мақсудга кўл,
Иккимизни қилма бир-бирдин жудо айлаб малул,
Ҳиммат айлаб йўлга кирсак, бошлагил мақсудга йўл,
Ният этдик борголи Байтул-ҳарам қилгил қабул,
Қил кашиш равзанг сари, ё Саййиди хатм ур-русул,
Гавҳар этгил йиғласак монанди найсон иккимиз.

Равзага парвона бўлсак мисли Мажнун беҳилоф,
Айласак арзанча кўзга гар зар ўлса Кўҳи Қоф,
Кимики дунё дер онинг ошиқлиғи ёлғончи лоф,
Жавҳари маълум бўлмас тийғ бўлмай беғилоф,
Баъдазон қилсак таҳорат тоза йиғлаб дилни соф,
Хужрайи Ҳазратга ҳам уч кун ўтирсак эътикоф,
(69) Чиксак, андин сўнгра қилсак Фотима қабрин тавоф,
Айлағайму Ҳақ таоло нори дўзахдин маъоф,
Ким, шафиъ айлаб аларни йиғласак қон иккимиз.

Ҳар қаерга яхши манзил бўлса юрсак дарбадар,
Хоки ҳар асҳобини қилсак у дам куҳли басар,
Бир кулоҳу жанда бас, бўлса бир ҳунар пову сар,
Маст бўлсак, келмаса, хотирга ҳеч хавфу хатар,
Ким Уҳуд тоғи ўшал дам кўзга бўлғай жилвагар,
Борсак ул соат ўшал манзилда бўлсак чашмитар,
Кўп шаҳидлар бор эрмиш қилсак тавофи яхшилар,
Хосса қабри умми Ҳазрати хайрул- башар,
Истаб онлардин мадад, бўлсак дурафшон иккимиз.

Истионат айласак ҳар равзага мисли гадо,
Шояд ўлғой кўбдин мақбул бирисига илтижо,
Не ажаб, Мухлисни бўлса мис вужуди кимиё,
Фориғ бўлсак кўп шаҳидлар руҳига айлаб дуо,
Қилсак андин сўнгра йиғлаб орзуйи Карбало,
Ҳақ етурса кош кўрсак қабри Ибни Муртазо,²⁹¹
Нури чашми Фотима ҳам қуввати жон Мустафо,
Гарди пойи дийдаи курубийларга тўтиё,
Сурма қилсак мурдек хони Сулаймон иккимиз.

²⁹¹ Ибни Муртазо – бу ерда Ҳасан ва Хусан назарда тутилмакда.

Кўп хаврижлар²⁹² ситам қилди аларга беҳисоб,
Олубон дарё лабини бермадилар қатра об,
Ўлдилар қонлар тўкиб ҳар бирларин ҳолин сўраб,
Кетти кўб жавлон этиб шаҳзодаи жаннат маоб,
Бўлдилар мадфун уерда етмиш икки дурриноб,
Насли поки Ҳазрати Аҳмад шоҳ олийжаноб,
Ташна лаб бўлган сувсизликдин ўлиб бағри каоб,
Андалиби боғи жаннат, шофеъи явмул-ҳисоб,²⁹³
Қон ютуб қилсак юракни мисли руммон иккимиз.

Қолмайин бир-бирларидин кетдилар ҳамроҳлар,
Ушбу дунё лаззатидин қўл килиб кўтоҳлар,
Йиғласак арзир аларга нола бирла оҳлар,
Хор этиб мастураларни бир неча бадҳоҳлар,
Во дариғо, кетти дунёдин алардек шоҳлар,
Офтоби авжи иззат, кавкабидин моҳлар,
Зубдаи авлоди Одам хоссаи даргоҳлар,
Дурри дарёи ҳақиқат розидин огоҳлар,
(70) Йиғлалук дурлар ғамидин мисли Усмон иккимиз.

Вой, юз минг войким, қани у ерда Мустафо,
Урсалар ўзларини асҳоб илан ғавго аро,
Ҳозир ўлса Ҳамзаю Жаъфар, Алийи Муртазо,
Қани ул ерда Ҳасан ҳам Фотима хайрун-нисо,²⁹⁴
Мунча тийр остига қолмасди Ҳусайни Карбало,
Найласунким, бўйла битган бўлса муншийи қазо,²⁹⁵
Турдилар шаҳзодалар тақдирига айлаб ризо,
Учди булбуллар гули жаннат тилаб айлаб наво,
Бўлсак айлардук Ҳусайн олдида нолон иккимиз.

Қани Одам бирла Ҳавво, жаннат ичра моҳ эди,
Сажда қилдилар малаклар иззати аъло эди,
Дона еб дунёга чиқди бараҳна аъзо эди,
Кўкка бокмай шармдин ашки они дарё эди,
“*Ло тазар*”²⁹⁶ деб Нуҳ тўфон излауб ғамда эди,
Ҳазрати Яқубга Байт ул-ҳазан маъво эди,

²⁹² Хаврижлар – Исо пайғамбарнинг шогирдлари, издошлари.

²⁹³ Явм ул-ҳисоб – ҳисоб берадиган кун, яъни қисмат.

²⁹⁴ Хайр ун-нисо – аёлларнинг яхшиси, яъни Фаотима.

²⁹⁵ Муншийи қазо – қазо котиби, яъни парвардигор.

²⁹⁶ Ло тазар – Қуръони каримнинг “Анъом” сураси 164-оятдан.

Соттилар Юсуфни кул деб, бу нечук савдо эди,
Ул қачан чаҳга муносиб лойиқи қавго эди,
Кош бўлгайдук анинг-чун банди зиндон иккимиз.

Уз кўнгул, эй дил, эмас бу жой жойи жовидон,
Ким бу уй ичра заруратдин турубдур меҳмон,
Уй эгаси изн берган, сўнгра ул бўлгой равон,
Истиқомат бобида Рустам ҳамону сан ҳамон,
Қани Жамшид, Сикандар, Хисраву Соҳибқирон,
Кетдилар навбат билан бўлди яқин охирзамон,
Қолмади бир-бирга ҳаргиз иззати хурду калон,
Уч нимарса боқий қолғондур қиёматдин нишон,
Кўрмай ўлсак кош аломоти фаровон иккимиз.

Тавбага машгул бўлунг кун чиқмайин мағрибдин,
Боби тавба баста бўлмай тавба денг, эй ҳамнишин,
Хат кўтарилгай варақдин қолмагай бир ҳарфи чин,
Тантана қилгойлар чиқиб оламда Дажжолни лаъин,
Нола қилгойлар халойиқлар чекиб оҳи ҳазин,
Маккадин айлаб хуруж ул дамда Маҳдийи амин,
Кўкдин Исо тушуб бўлса шаҳи рўйи замин,
Ўлдуруб Дажжолни, таълим этиб оламга дин,
Исою Маҳдийга бўлсак жонсипорон иккимиз.

(71) Қайтадин бўлгой бу олам пок дини барқарор,
Ҳазрати Исо келур, шаръи Муҳаммад бирла қор,
Машриқу мағрибни сайр айлар бўлуб хожатбарор,
Шаҳлик айлаб қирқ йил бўлгай Мадинага мазор,
Сўнгра Исрофилга амр айлагай парвардигор,
Сур ила жонин олур оламини, қолгай Биру Бор,
Неча йил олам хароб ўлгай, ётар бе кишти қор,
Қадди найза келса кун, бўлса қиёмат ошқор,
Эл билан турсак лаҳаддин зору гирён иккимиз.

Зинда бўлса рўзи Маҳшар аввалину охирин,
Юрсалар, во ҳасрато, деб ҳар киши еб ўз ғамин,
Ота ўгулдин кечиб юрса, она ташлаб қизин,
Қадди найза келса Хур бош устига, балки яқин,
Бўлсалар ҳам ғам билан нозик ниҳоли маҳжабин,
Анбиёву авлиёлар ўлсалар тишлаб тилин,

Ойу кун куйса, тешилса кўк, қизиб мисдек замин,
Ҳақ деса, акнун тила, ё раҳматан лил-оламин,
То бағишлай айлаб эрдук аҳду паймон иккимиз.

Қозийи одил бўлиб ул ерда “аллом ул-ғуйуб”,²⁹⁷
Вазн қилса бандаларни адл мезонин қуруб,
Лол бўлса рўсиёлар хатти аъмолин кўруб,
Йиғласа “*Ё лайтано кунту туробан*”ни ўқуб,
Қаҳри Ҳақдин қайнаса дарёи дўзах мавж уруб,
Кун иссиғи, тоби дўзах Маҳшаргоҳин куйдуруб,
Мустафо ул шўр ичинда “Умматим” деб оҳ уруб,
Эй ота, деб борса Одам олдиға йиғлаб туруб,
Не бўлур умматни қилсак арзи Раҳмон иккимиз.

Одам айтур, ман ҳижолатлик эрурман, эй ўғул,
Ул куни жаннатга кирдим муддао айлаб ҳусул,
Ҳурлар гирдамда саф-саф ҳам малаклар ўнг-сўл,
Бошима соат-басоат қилдилар раҳмат нузул,
Наҳйи гандум²⁹⁸ этти Шайтон баногоҳ тобти йўл,
Дона еб дунёга жаннатдин чиқиб бўлдум малул,
“*Раббано иння заламно*”,²⁹⁹ деб дуо бўлмай қабул,
Мандин айру тушти Ҳавво ул тутубон ўзга йўл,
Ҳажр жомин нўш айлаб юрдук ҳар ён иккимиз.

Одам олдидин ёниб ул Аҳмади олийжаноб,
Нухга айтур, дуо қил, шод бўлгай мустажоб,
(72) Таъзим айлаб Нух чашмидин тўкар дарёи об,
Сиз муқарраб, сиздин ўзга жумланинг ҳоли хароб,
Кулли пайғамбарга бориб, эшитиб шундоғ жавоб,
Ҳар бири ўз узрин айтиб, қилмай ул иссиғда тоб,
Қўлга олиб гесу андин сўнгра йиғлар беҳисоб,
Ноласидин жаннату дўзахга тушгай изтироб,
Бир-бири дер бўлмалук бу лаҳза вайрон иккимиз.

Баъдазон бошин яланг айлаб Расули меҳрибон,
Сажда қилгой “умматий” деб Арш тахтида чунон,
Аршу Курси ларза еб, жунбуш қилиб Лавҳи гарон,
Қўл очиб йиғлаб малаклар айтса, ё Рабб ал- амон,

²⁹⁷ Аллом ул-ғуйуб – гайб илми алломасидек.

²⁹⁸ Наҳйи гандум – бугдой ейишдан қайтариллиши.

²⁹⁹ Роббано инно заламно – мазмуни: “Эй Роббмиз биз ўзимизга зулм қилдик”.

Ким, ул ҳолатда нидо қилғой Худойи мустаъон,
Ё ҳабибим, мунча қилғунг нега фарёду фиғон,
Матлабинг не бўлса бердим, кўз арит, бўл шодмон,
Ман ризо сандин, сенам ризо бўл шул замон,
Осийларга айлапук лутфи фаровон иккимиз.

Шарм айлаб Мустафодин бўлса дўзах нопадид,
Ҳар тарафдин бўлса пайдо наърайи “ҳал мим мазид”,³⁰⁰
Бўлса ҳозир Фотима даъво қилиб хуни шаҳид,
Ташна турса тил тушуб тизга шақию ҳам саъид,
Ул замон бергай малаклар эл аро шундоқ навид,
Ҳозир ўлсун ким шафоат қилса Аҳмаддин умид,
Рўсиёлар рўйи бўлса оби раҳматдин сафид,
Тегса ҳазратнинг қўлига боби раҳматдин калид,
Қўл тутар уммид ила бўлсак намоён иккимиз.

Жабрилга Ҳақ таоло айлағай ул дам хитоб,
Қилмагил таъхир, жаннатга югур айлаб шитоб,
Хурлар жоруб уруб жаннатни турсунлар ясоб,
Борадур уммат билан пайғамбари олийжаноб,
Келса ул соат Буроқ ҳуллаҳойи беҳисоб,
Ҳақ деса, ё Аҳмадо, умматлара бергин сан об,
Миндуруб, кийдурсалар Ҳазрат бамри мустаттоб,
Кимки мункирдур Муҳаммад динига қилгай қароб,
Шукрилиллаҳ, динга иқрору мусулмон иккимиз.

Кўрсатиб қурби каромат Аҳмадихатми нигин,
Нома санчиб умматин бошига Жибрили амин,
Кулли пайғамбар Муҳаммад олдиға келса у ҳийн,
Жумлани Ҳақдин тилаб қилса саодатга яқин,
(73) Уммати мисли сипаҳ, шаҳ янглиғ ул султони дин,
Бул таманно бирла бўлса дохили хулдибарин,
Бўса айлаб ҳурлар суртуб рикобига жабин,
Маҳшар аҳли давлати Аҳмадга дерлар: “Офарин”,
Бўлсак онҳазрат билан жаннатга султон иккимиз.

Маргни бир сувратга даме кетурса Жабраил,
Жаннату дўзах аросинда они қилгай қатил,
Икки манзил аҳлига они едуртурса Жалил,
Марг йўқтур тоабат ўлмаи турарлар мутгасил,

³⁰⁰ Ҳал мим мазид – Қуръони каримнинг “Қоф” сураси 30-оятидан.

Дўзах аҳлига азоби нор ҳар соат сақил,
Аҳли жаннатга зиёда иззати бўлмас залил,
Луқмаси қанду асал, шурби шароби занжабил,
Ҳурлар ходимлари айнан тусаммо салсабил,
Ўзга бўлмай, шукр бўлдик, жинси инсон иккимиз.

Хатм бўлса номаю вазну ҳисобу ҳам калом,
Хослар жаннатни манзил қилсалар, дўзахни омм,
Фоний бўлса ким бу дунё, қолмаса нақшу низом,
Не гаму андуҳ жаннат ичра не субҳу на шом,
Бўлса мўъминлар кириб жаннат аро соҳиб мақом,
Муддао ҳосил этиб ҳар ким топиб курбинча ком,
Аҳли учмоҳга нидо килса Худойи ло йаном,³⁰¹
Борму матлаб яна ё бўлдингиз мақсад тамом,
Эл таажжубда қолурлар хосса ҳайрон иккимиз.

Жумла англаб илтифоти Ҳазрати Маъбудни,
Шукр, дерлар, бизга берди толеи масъудни,
Дўзах аҳлига зиёну бизга берди судни,
Фазли Аҳмаддин бу янглиғ қилди бизга жудни,
Еткуруб бу манзила биздек гуноҳолудни,
Шодлиғидин арз этарлар ёна бир мақсудни,
Муддао шул бир эшитсак нағмаи Довудни,
Неча йил беҳуд бўлуб ётган эшитиб рудни,
Шодлиғдин айласак ул ерда алҳон иккимиз.

Баъдазон бошин кўтаргай эл бўлубон хушёр,
Мастликдин айлагайлар рақс бесабру қарор,
Май берурлар коса-коса сокиёии гулўзор,
Гар табассум қилса онлар тишларидин нур чиқор,
Муддаодин ёна сўргай Ҳазрати Парвардигор,
Эл дегайлар: “Ҳазрат қироат айласунлар ошқор”,
(74) Амр қилгай Ҳазрат Аҳмадга ул дам Жабраил,
Айлагай “Ёсин” қироат Саййиди шаққар нисор,
Беҳуд бўлғоймиз қатори аҳли ризвон иккимиз.

Ис чиқар ул дам Муҳаммад Ҳаққа нурун этса боз,
Беҳуд ўлгой аҳли жаннат неча йил, эй покбоз,
Чок айлар хурлар пироханин англаб бу роз,

³⁰¹ Худойи ло йаном – уйғу билмайдиган Аллоҳ.

Ҳақ дегай, жаннат бузулгай, қилма кўб “Ёсин” дароз,
Дам бўлур Ҳазрат нидо қилгой, Худойи бениёз,
Ёна арз этгай жинон аҳли қилиб Холиқга ноз,
Ўз каломингни ўзинг қилсанг қироат кўбу оз,
Бу эрур мақсад эшитиб, бўлгай эдик сарфароз,
Саф тутуб турсак қатор хуру гулмон иккимиз.

Айлагай Тоҳо³⁰² қироат Тангри бекому забон,
Неча йил беҳуд бўлуб ётгай яна аҳли жинон,
Бош кўториб айлагай ул дамда фарёду фиғон,
ЁнаТоҳо қил қироатким, берайлик санга жон,
Бўлмасун кам бу қироат гўшмиздин бир замон,
Сўз эшитмаклик эрур хўб аз даҳони нуктадон,
Биз бўлолмаймиз бу ерга беқироат меҳмон,
Ҳақ дегай, рози бўлунг, Ман рози сиздин бегумон,
Завқ қилсак ўзгалардан неча чандон иккимиз.

Жумла ранго-ранг, бир-бирдин ҳариру босафо,
Ҳурлар арз айлагай жаннат эли кийгай бано,
Ҳозир ўлғойким, қаю неъматга бўлса иштаҳо,
Соя айлар Тубоу шоҳида мурғи хушнаво,
Аҳли жаннатдин яна мақсад сўраб қилгай нидо,
Шарм этиб хомуш бўлурлар анбиёву авлиё,
Дурждин ғавҳар нисор айлаб Муҳаммад Мустафо,
Хатми охир,³⁰³ элни дийдорингга қилғил ошно,
Иzzати меҳмон қилайлук мисли мезбон иккимиз.

Шод ўлур эл фаҳм айлаб бу сифат гуфторни,
Неъмат устига кўрибон неъматни бисёрни,
Сув сепиб фаррошлар оро бериб гулзорни,
Кўрган эрмас ҳеч ким мундоқ қизик бозорни,
Беҳуд этса Ҳақтаоло кўрсатиб дийдорни,
Жумлайи жанноти “тажрий таҳтиҳа-л-анҳор”³⁰⁴ ни,
Бу сифат жаннатга мўъмин кўрса кофир норни,
Мухлисо, бил қадри дини Аҳмади мухторни,
(75) Бўлалук, эй дил, бу давлатга санохон иккимиз.

³⁰² Бу сзда Тоҳо сўзи Пайгамбарнинг номи сифатида айтилмоқда.

³⁰³ Хатми охир – яъни охирги Пайгамбар.

³⁰⁴ Қуръони каримнинг “Тавба” сураси 100-оятидан.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Тариқат ҳодийсини ҳар нечук бебошлар билмаз,³⁰⁵
Анингдек ҳар оқар сув лаззатини тошлар билмаз.

Ажаб эрмас, кўруб қаддинг санубар қилмаса таъзим,
Улуғлар иззатин ширхора тифлу ёшлар билмаз.

На ғам озодаларга таъна тошин отсалар ноқис,
Шуёои партави хуршидни хуффошлар билмаз.

Бўлуб мафтуни хуснинг гар йўлинг тутса ҳаёсизлар,
Хижл ўлма, тариқи шармни беқошлар билмаз.

Муҳаббат лаззатини сўрма, билмаз зоҳиди худбин,
Алар тан муддаосидин ўза кенгошлар билмаз.

Табибо, чек илинг,³⁰⁶ дардимга зое қилмагил марҳам,
Бу дардим лаззатин ҳар қайси бебардошлар билмаз.

Кўзунг ёши гуҳардур Мухлисо, баҳри иноятдин,
Бу гавҳар қадрини оламда бағри тошлар билмаз.

³⁰⁵ Шоир бу ерда “с” ўрнига “з” ҳарфини ишлатган.

³⁰⁶ Чек илинг – бу еда “кўлингги торт” маъносида.

**БУХОРОЙИ ШАРИФДА ИМОМИ ПОРАДУЎЗ³⁰⁷
ҲАЗРАТЛАРИНИНГ МАНОҚИБЛАРИ БАЁНИ**

Сол қулоқ айлай санга мадҳи тамоми Порадўз,
Шавқи бобо эрди билсанг асли номи Порадўз,
Пора тикмоклик эди мақсуди коми Порадўз,
Шокиру собир эди, эй, ман гуломи Порадўз,
Бу сифат ўтти неча йил субҳу шоми Порадўз.

Ихтилоти мардуми оламдин эрди гўшагир,
Кеча қойим, рўз сойим, луқма поку хуш замир,
Пайрави шаръи пайамбар ҳам тутуб домони пир,
Ҳам масойил аълами, ҳофиз каломи беназир,
Халқ аро махфий эди аксар сиёми Порадўз.

Қилди бир эрта магоқ ичра кириб фарзин адо,
Воъизе бор эрди анда турди-ю қилди садо,
Ҳожатим етти тилодур, бормукин ҳожатраво,
Ман дуо айлайки, шаб кўрсун жамоли Мустафо,
Эшитиб жўш айлади лаҳму изоми Порадўз.

(76) Неча такрор этди элдин чиқмади ҳаргиз садо,
Шавқи бобо айди соилга қараб: «Эй порсо,
Ман эрурман ошиқи шавқи жамоли Мустафо,
Матлабингни ман берай, кел, ҳаққима қилгин дуо»,
Айлади ҳурсанд сойилни каломи Порадўз.

Бор эди қиз маҳридин уй ичра минг тилло ниҳон,
Деди: «Жуфтига бориб бир маслаҳат бер, эй фалон,
Тўй учун олсанг либоси қизни арзону гарон»,
Берди ул, бу келтуруб, сойилга берди ул замон,
Ул дуо қилди билиб ихлоси томми Порадўз.

³⁰⁷ Имом Порадўз – Бухорода шу номдаги зиёратгоҳ. Шаҳси ҳозирча номаълум.

Онақиз хурсанд ўлтурди қачан келгай либос,
Айлади андишаи бисёр Шавқи ҳақшунос,
Дедиким, сабр айлайин то шабдин ўтсун неча пос,
Жанг этар жуфтим мангоким ухласун мажмуъи нос,
Бул эди то кун ботанча фикри хоми Порадўз.

Келди уйга нисфи шаб, жуфти туруб чокти чироғ,
Қўл қуруғ, хотир ҳазину дийда пурнам, бедимоғ,
Сўрди жуфти можаро важ(ҳ)ин, деди бошдин оёғ,
Онақиз дашном этиб, балки уруб чандин таёғ,
Бўлди шарбат ул замон сирка бакоми Порадўз.

Жуфти бирла гуфтуғў айлаб, бўлуб хотир малул,
Ётти йиглаб тошқаринда, йўқ эди остида жул,
Бўлди қилган нолаву хайри Худойимға қабул,
Ҳақ деди, ё Мустафо, юқоридин қилғил нузул,
Ким Бухорога бориб, қил эҳтироми Порадўз.

Бундони англаюб ул мохрўйи «Ва-з-Зуҳо»,
Саййиди Байт ул- Ҳарам, «Бадр уд-дужо»,³⁰⁸ нур ул- худо,³⁰⁹
Икки гесу икки юз устида мушкиатрсо,
Ким, бу суврат бирла ҳозир бўлди шоҳи анбиё,
Уйғотиб берди Расулulloҳ саломи Порадўз.

Кўз очиб кўрди ўшал соат жамоли нозанин,
Бўса айлаб пойидин қилди юзин хоки замин,
Мақсадим шул эрдиким, эй *раҳматан лил-оламин*,
Эмди ўлсам йўқ ғамим, бўлдум висолингга қарин,
Шарбати ваҳдат билан пур бўлди жоми Порадўз.

(77) Бердилар Ҳазрат у дам бобога ўн мисқол зар,
Айдилар: «Бер жуфтинга, берма анга сирдин хабар,
Айладук сардори чилтан, элга бўлгин роҳбар,
Ким жамолинг кўрса, фардоқўрмагай нори сақар»,
Ғойиб ўлди Ҳазрат айлаб ихтитоми Порадўз.

³⁰⁸ Бадр уд-дужо – қоронғи туядаги тўлин ой.

³⁰⁹ Нур ул-худо – илоҳий ҳақиқат, диний билимни ифодаловчи илоҳий нур ҳақидаги тушунча. Муслмонлар анъанасида Нур – Аллоҳнинг қўллаб сифатларидан бири.

Қилдилар оғуш бобони расул ул -мурсалин,³¹⁰
Ҳосил ўлди анго илми аввалину охирина,
Дедилар: «Қилдим сани афтодаларга ҳамнишин,
Келса ким ихлос бирлан норасо қайтармагин»,
Қувват олди бўйи ҳазратдин машоми Порадўз.

Келди чилтанлар ҳам ул дам ҳамраҳи автод ўлуб,
Жоми шарбат ичдилар ул банавбат шод ўлуб,
Сўнгра илм ўргатти кўб автодга устод ўлуб,
Нечага иршод берди соҳиби иршод ўлуб,
Бўлди кам-кам Фоҳира аҳли ғуломи Порадўз.

Олди Ҳазратдин сабоқ ул кеча руҳи тозаси,
Бора-бора Арши аъзамдин ўтуб овозаси,
Тутти оламни тирикда дафтارين шерозаси,
Равзайи поки Бухоро шахрининг дарвозаси,
Муттасилдур қалъага девори боми Порадўз.

Во дариго, яхшилар пайваста зери хокдур,
Ахтариб топмай кўзум намнок, бағрим чокдур,
Ким зиёрат қилса бобони гуноҳдин покдур,
Учрагай охир балога ким анга шаккокдур,
Қўлдадур ҳар лаҳза тийги бенаёми Порадўз.

Ким зиёрат қилса бу машҳадни³¹¹ доим шоддур,
Бас, чаро машҳад эгоси сарвари автоддур,
Ҳар киши бобога мункир кўри модарзоддур,³¹²
Мухлисо, узма қадам бул жойи файзободдур,
Мисли жаннат равзайи дор ус-сломи порадўз.

³¹⁰ Расул ул-мурсалин – барча пайгамбарларнинг элчиси.

³¹¹ Машҳад – бу ерда қабр маъносига. Машҳад сўзи одатда шахид бўлганларга нисбатан ишлатилади.

³¹² Кўри модарзод – онадан тугилган кўр, тақир кўр.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Жоним юзинда тан каби маҳрами ниқоб эмиш,
Кўнглумда рашки бирла неча печутоб эмиш,

Вер соқий бир аёғ манга пири дайр учун,
Ғам дардининг давоси, дедилар, шароб эмиш.

(78) Эл кўрмасун ҳилолинги, оч зулфдин гириҳ,
Ийд эртасинда халқани бузмак савоб эмиш.

Сўрдум бақойи умрни, пири хирад деди:
«Сув узра истиқомати нақши хубоб эмиш».

Аҳли ҳавасни айш этмиш поладан фузун,
Очилса эрта чоштга етмай хароб эмиш.

Минг арзи ҳол қилдиму бир йўл кулуб деди:
«Жоҳил саволига сукут этмак жавоб эмиш».

Ошиқ ҳавоси васл эрур, нангу ном эмас,
Зоҳидга ному нанг хилофи азоб эмиш.

Зоҳид хаёли тоат эмас салласиз қабул,
Ошиқға кафшу саллаву дўппи ҳижоб эмиш.

Баҳсу жидола илм учун фурсати керак,
Вақти амал шароб каби иштироб эмиш.

Золи фалак фусунига олдурмагил кўнгил,
Сув бермай ўлдурур сани, дашти сароб эмиш.

Умид кема сурса, нетонг, Мухлисим деюб,
Сан бир қаронғу, ул маҳи олийжаноб эмиш.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Солмағил бүйнунга тавқ қумридек занжири қарз,
Банда айлаб бошинги айлар туман тақсири қарз.

Гунчадек тўлдурма кўнглунгни амонат зар била,
Шабнами гулдек хижолат теридур тавфири қарз.

Тортмағил заҳри йилондек тор кўзлар миннатин,
Жавшани жондин ўтар алмосдек таъсири қарз.

Ухламак роҳат эрур гар хавфи ғафлат бўлмаса,
Тушгадур дўзах азобин кўрмаки таъбири қарз.

Обу жоруб этмасанг уйнинг фалокат чирманур
Жавҳари ойнадек ифлосдур таъхири қарз.

Икки байтли сўз беруб олмакни иншо айлади,
Тил йўлини боғлағойди кошки тақрири қарз.

Қатраи ёшинг илинмас кирпичинг тўр айласанг,
Бул ўшалдурким, узар юз дому минг нахжири қарз.

Зоҳири яхши, вале ботин ямон қилтоқдур,
Чиркантзоди касофат хўйдур бепири қарз.

МОҲИ ШАРИФИ РАМАЗОН ШАЪНИДА МУХАММАС

(79) Алвидо, эй моҳи раҳмат, шаҳри гуфрон,³¹³ алвидо,
Айладинг азми сафар, бўлдук паришон алвидо,
Афву қил нуқсонимиз, эй яхши меҳмон, алвидо,
Боиси савму салоту хатми Қуръон алвидоъ
Алвидо, эй раҳмати Ҳақ, моҳи тобон, алвидо.

Бир неча кун хони эҳсонингга ҳожатманд эдук,
Ҳам салоту хатми Қуръонинг билан хурсанд эдук,
Банд эди иблислар, меҳринг-ла шаккарханд эдук,
Сан ото маънидаким, бизлар санга фарзанд эдук,
Тифл янглиғ айладинг бизларни гирён, алвидо.

Ҳурматингдин кечаву кундуз дуо эрди қабул,
Ҳамду лиллаҳ бизга бўлдинг хос мероси Расул,
Келганингда шод этиб, кетгонингга қилдинг малул,
Гар ато азми сафар қилса, қолур йиғлаб ўгул,
Тез кел қойтуб, бизи қил шоду хандон, алвидо.

Шомдин илгори амр айлар малакларга Ғафур,
Бир қаранг бандамга олдинда таом, оби тахур,
Бийм этиб мандин, емайким интизори шом эрур,
Ҳам таому омин устига тўкунглар пок нур,
Афу қилдим қанча қилган ўлса исён, алвидо.

Бир ажиб маҳсан ҳама маҳлар аро қурбинг азим,
Ким сани эъзоз қилса ҳашрда беҳавфу бийм,
Ҳурматингдин ҳурлар тобти янги кӯҳна кийим,
Соҳиби ифтор эрур Маҳшарда озодиҷаҳим,
Қайси маҳ сан янгли соҳиб хайру эҳсон, алвидо.

³¹³ Шаҳри гуфрон – кечиреш оғи, рамазон оғида барча гуноҳлар кечирилиши ҳақидаги ҳадиси шарифга ишора.

Хурматингдин ғарқи нур эрди бу жисму жонимиз,
Равшан эрди хатми Куръонинг билан иймонимиз,
Хаста эрдук, сандин эрди, неча кун дармонимиз,
Алвидо, эй раҳмати Ҳақ, кӯб эрур нуқсонимиз,
Журму исёнимни қил, Ҳақ сўрса пинҳон, алвидо.

Хў қилиб эрдим кетиб, қилдинг мани ошифта ҳол,
Гарчи бадман, яхши арз эт, сўрса гар Вожиб таол,
Умрга йўқ эътимодим то келунча янги сол,
Хидматинг эрди манга айни ризойи Зу-л-Жалол,
Эй, маҳи фархундаи³¹⁴ нури шабистон, алвидо.

(80) Ким сани борингда беҳад эрди эҳсону савоб,
Эмди хуш кет, то келунча бўлди аҳволим хароб,
Ким сани эъзоз этар, жаннат эгаси беҳисоб,
Хатм қилдим арзими «валлоҳу аълам бис-савоб»³¹⁵
Маширабингдин рози бўл, эй яхши меҳмон, алвидо.

³¹⁴ Маҳи фархунда – бахтли ой.

³¹⁵ Валлоҳу аълам бис-савоб – тўғрисики Аллоҳ таоло билгувчи.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Маънисиз бўлса қаю тан, жомаву дастор хайф,
Дема, тасбеҳу ридо, бал донайи зуннор хайф.

Васлга мағрур ўлуб, қилса шикоят ҳажрдин,
Бу-л -ҳавасдур, берманг анга шарбати дийдор хайф.

Неку бадани фарқ этарга дийдаи бийно керак,
Гўши карнинг олдида яхши-ямон гуфтор хайф.

Сўфи омий бўлди шурби шошайи шайтондур,
Куйдурунг деса «Ана-л-Ҳақ»³¹⁶ анга чўпу дор хайф.

Пок ботин ваъзни Сиддиқдек тасдиқ этар,
Бу ҳикамга мўъжизоти Аҳмади Мухтор хайф.

Тўтиё қилгил кўзунгга нур берур гарди Билол,
Бузмасун дининг уйин мардона бермак ёр хайф.

Оби Кавсардин су(в) берсанг, талх ширин ўлмагай,
Шўразора дона солма, меҳнати бисёр хайф.

Ўт олур оҳақсифат жоҳил насиҳат обидин,
Беадабга қилмагил одобдан такрор хайф.

Ботини уйғоклар роҳат топарлар уйкудин,
Гафлатийлар журм этарлар, бўлсалар бедор хайф.

Лаб хамушу ҳам, гардани ҳам, пардаликлар пардадин,
Беҳаёлар «оҳ» деб, солгай ўзин бозор, хайф.

Ошиёни тўтиларни чуғз маъво айлади,
Кеттилар хуш маънию хуш хулку хуш кирдор хайф.

Назм бир гавхар эрур илму хирад дарёсидин,
Қайси суҳбат бўлса беМухлис, демак ашъор, хайф.

³¹⁶ Ана-л-Ҳақ – “Мен – Худоман” деган эронлик машҳур мутасаввиф Мансур Халлож (858 – 922) га ишора.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Ҳамнишин беҳад эрур, бир ҳамдами дилхоҳ йўқ,
Жумла раҳзандур, дариго, ич куяр ҳамроҳ йўқ.

Ҳар кими кўнглида бир фикру хаёли хоми бор,
Масжид ичра бир намози холисанллоҳ йўқ.

(81) Ваъз эшитиб, йиғлаюб, қайтиб бузурлар бадгумон,
Тилда зокир, дилда содиқ, нуктадон огоҳ йўқ.

Шоҳликда шод ўлуб, бўлма гадоликда малул,
Кўз юмуб – очгунчаким, бўлғой гадову шоҳ йўқ.

Сарнавиштингдур азалдин, шукр қил ҳар ҳолда,
Охири урён кетарсан, бор бўлгил, хоҳ йўқ.

Жомаи заррин кийиб, муфлисга берма сарзаниш,
Камбағал ўлганда сандин куртаси кўтоҳ йўқ.

То егунча ошу нонинг аҳли дунё неча ранг,
Ёри жоний имтиҳон этдим, жаҳонда, оҳ, йўқ.

Шайхи жоҳиллар чиқиб, оламини гумроҳ айлади,
Дема, шайтондин диғар сардафтари гумроҳ йўқ.

Яхшилар хомуш, жоҳиллар эди соҳиби ривож,
Ҳомийи дин ҳоли ғайр аз Мир Насруллоҳ йўқ.³¹⁷

То жаҳон борича бўлсун адли кун-кундин фузун,
Хотирига зулмдин андишапарри коҳ йўқ.

Истадим сайёҳлардин чўх вилоят шоҳини,
Дедилар, оламини кездук, мунча зиллуллоҳ йўқ.

Бордур ҳар бобдин хизматга давлатхоҳлар,
Ғайбинга Мухлис бўлуб, ман янглиғ давлатхоҳ йўқ.

³¹⁷ Мир Насруллоҳ – дин ҳомийси, Бухоро амири Насруллоҳон (1827 – 1860) га ишора.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Зулмот эрур манга бу кеча рухи мисли шамъи зиё келинг,
Тутушуб илик бу қоронғуда неча кўзу қоши қаро келинг.

Танингиз эрур тана қувватим, сўзингиз эрур дила роҳатим,
Боқибон табассуму ноз ила лаби писта, шаққарадо келинг.

Неча кун кўрунмадингиз кўзумга, эгилди ғам била қоматим,
Изингиз эрур манга тўтиё, қади хамдин этмай ибо, келинг.

Иккингиз қулуб кечалаб юринг, сира розингиз киши билмасун,
Бу қаронғудан ҳазар этингиз, икки вақт – шому сабо келинг.

Йўлунгизга дийдаларим очук ҳама вақт равзани хонадек,
Бўюнгиз баробар шохтар сабза синмасун эгило келинг.

Очаман дуога қўлум, саҳар қилибон тазарру, чашми тар,
Эгам айласун сизи бехатар, баумиди яхши дуо келинг.

Йиқитиб мани ғами ҳажрингиз, зарур эрди сизга ибодатим,
Бу хабарни айтмасалар рақиб, бошим узра вақти адо келинг.

Сепингиз тараҳхуми лутф ила лаҳадимга мушти туроб ўқуб,
Тириклигимда айладингиз жафо, ўлигимда баҳри вафо келинг.

Улус ўлсалар ҳама шоду хуш, биров олмаса мани ёдига,
Яна бўлмангиз сиз алардайин, гўрим узра субҳу масо келинг.

Ҳама қўйса Маҳшар аро қадам, қадди долу ожизу дийда нам,
Қани Мухлисим деюб, илкимни тутуб, эй ҳабиби Худо, келинг.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

(82) Не иноят айладинг, эй сабо, манга ёрдин хабар айладинг,
Ки фироқи захр ила талх ўлан ичу ташими шаккар айладинг.

Нафасинг Масих дамидин фузун, уёнур ўлуқлар уйкудин,
Бу фусурда қолиб хўшкими гули тоза, барги бар айладинг.

Қани тахт, шавкати тожи зар қилиб эл аро неча кару фарр,
Лаҳад ўлди охири масканинг, нега мунча шўру шар айладинг.

Бу жаҳонда беҳуда сочмагил гуноҳ тухми мазраъидил аро,
У жаҳонда ҳосили мор ўлурму не суд деб зарар айладинг.

Қўюб ўзга ҳаж била ҳожи от, на хаёву номус, на уёт,
Ҳар эшиқда пайрави нафас ўлубки ўзунгни дарбадар айладинг.

Қадинг ўлмаса талабинда ҳам, кўзунг ўлмаса аламинда нам,
Бу қуруғ шохи баландингга қачан ҳосили самар айладинг.

Чекибон риёзати дарду ғам, агар этмасанг ўзингни адам,
Ҳамаси зарар, санга суди йўқ, неча сайри баҳрубар айладинг.

Тутуб амри муршида дил, бино санга тегди хизмат ҳам дуо,
Бу замонда гап саники эрурки, қаро мисингни зар айладинг.

Соч окарди лаҳву тараб билан эганг амри санга шул эрдиму?
Ки, ул айтадур санга яхши бўл сен, уёлмайин батар айладинг.

Камайди нафс эгилиб қаддинг, надим айлаюб гунаҳинг камайт,
Кечурур эгам ҳама ёзуқинг, дили дурри чашм тар айладинг.

Садаф ичра сўз дедилар гавҳар, ола билмагай они беҳабар,
Бале, Мухлисо, санга офарин, ёпиб айбини ҳунар айладинг.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Адам даштига чиқғил, аҳли дунё жазмидин рам қил,
Кўзунгни ёши бирлан захми исёнингга марҳам қил.

Бале, осон эмас дунёни бирдан пуштипо урмоғ,
Ки, то етгунча машқинг созиш айлаб они кам-кам қил.

Сафар рахтини тайёр айла, ҳаргиз қолмасун боқий,
Етушса шаҳпаринг парвоз этиб кирдори Адҳам қил.

Бу маҳрамлар ҳама номаҳрам эрмиш жинсият ахтар,
Топибон аҳли дил хизмат қилиб розингга марҳам қил.

Ҳавасдорони дунёдан кўнгилни сард қил, жоним,
Буларга хор ўлурсан, узлат ол, ўзни мукаррам қил.

Хаёл этгил Сафий жаннатга кўрди миннати гандум,
Шу ибрат санга бас, тавфи мазори хоки Одам қил.

Замон аҳли замондин қил шикоят таркин этсунлар,
Бу золи бевафони таркин илқо айлагил ҳам қил.

Кўнгил гар хасга мойил бўлди, рухинг манзил олмайдур,
Агар мақсадталабсан, қўб анониятни барҳам қил.

(83) Сухан фаҳмидалар юз вой хок остида жо бўлди,
Дуо айлаб аларни рухи покин ёд ҳар дам қил.

Зимоми бахту давлат норасолар илкига тушти,
Бу ўлса қудрати Аллоҳ, эй биродар, гарданинг ҳам қил.

Қаро ер ости охир, эй азизим, хобгоҳингдур,
Ҳукумат бобида ўзни букун Искандару Жам қил.

Тутарсан мур янглиғ охири ер остига манзил,
Учуб Жибрилдек гар пойтахтинг етти торам қил.

Муроди икки олам изласанг комилга Мухлис бўл,
Топилса беибо дастингни домонига маҳкам қил.

МУҲАММАСИ ҒАЗАЛИ МАЗКУР

Жаҳон гулзориға келдинг иқомат мисли шабнам қил,
Тариқат Каъбасини излаюб ёшингни Замзам қил,
Миниб аспи тажарруд бир нафасда сайри олам қил,
Адам даштиға чиққин, аҳли дунё базмидин рам қил,
Кўзингни ёши бирлан захми исёнингга марҳам қил.

Дединг «Қолув бала»³¹⁸ лозим эрур бир ваъдага турмоқ,
Қачон хизмат тегар деб, кул иши даргаҳга ўлтурмоқ,
Кечиб суду зиёндин доимо амрига йўл юрмоқ,
Балам, осон эмас дунёни бирдан пуштпо урмоқ,
Ки, то етгунча машқинг сочиш айлаб они кам-кам қил.

Хазон ўлғой охир умринг биносин шоҳу авроқи,
Қўяр йўлдин сани дунёни фикри жуфти-ю тоқи,
Ки, ранги оразидур бўлмагил ҳуснига муштоқи,
Сафар рахтини тайёр айла ҳаргиз қолмасун боқи,
Етушса шаҳпаринг парвоз этиб кирдори Адҳам қил.

Қўб эмди, тавба қилгил, бўлмагил Иблисга чокар,
Кими раҳзанга ҳамроҳ бўлди бўлгай йўл аро музтар,
Зану фарзанд, молинг душмани жонинг эрур, эй кар,
Бу маҳрамлар ҳама номаҳрам эрмиш жинсиат ахтар,
Топилса аҳли дил хизмат қилиб розингга маҳрам қил.

Муҳаббат аҳлини дардин дегил дардима дармоним,
Муборак хокипойини дегил тожи Сулаймоним,
Зиёд ўлсун, десанг қалбимга ҳар дам нури иймоним,
Ҳасадхорони дунёдан кўнгулни сард қил, жоним,
Буларга хор ўлурсан, узлатол, ўзни муқаррам қил.

(84) Ҳариси мол ўлонлар одам эрмас, бил хари бедум,
Ҳамиша юклари санги гарону поруду ҳезим,
Эрур ботинда масх, зоҳиран сувратлари мардум,
Сафий жаннат ичинда тарки амр айлаб еди гандум,
Шуибрат санга бас, тавфи мазори хоки одам қил,

Садафдек хор бўлгунча ҳасиси нотавон ичра,
Азиз ўлгил гуҳардекмавжи баҳри бекарон ичра,
Бўлуб иззат талаб хў қилмагил яхши –ямон ичра,
Вафо аҳли замондин тутма, кўр балки замон ичра,
Бу золи бевафони таркин илқо айлагил, ҳам қил.

Фано бўлган киши ҳаргиз ўзин бозора солмасдур,
Ғаму шоди анга бирдак, талабдан асло қолмасдур,
Илинди дома қуш, гар дона еб қойтиб учолмасдур,
Кўнгул гар ҳасга мойил бўлди, рухинг манзил олмасдур,
Агар мақсад талабсан, қўб, анониятни барҳам қил.

Кўз очгунча дариғо яхшилар кўздин фано бўлди,
Топилмас гарди пойи дийдаларга тўтиё бўлди,
Расолар наҳси толеъдин мутеи норасо бўлди,
Суханфаҳмидалар юз вой, хок остига жо бўлди,
Дуо айлаб аларни рухи покин ёди бирдам қил.

Чароғи маъбаду маҳфил етиб боди ажал ўчти,
Эсиз булбуллареким шоҳаи гулзордан учти,
Сухангўён суханфаҳмидалар иқболдан тушти,
Зимоми баҳту давлат норасолар илқига тушти,
Бу бўлса қудрати Аллоҳ, эй биродар, гарданинг ҳам қил.

Чиқаргил ғайрни дилдин, Худо пушти паноҳингдур,
Ғафурдур оти омарзандаи журму гуноҳингдур,
Агар хуршид тожингдур, фалак моҳи кулоҳингдур,
Очук бошинг, отинг тобут, қаро ер хобгоҳингдур,
Ҳукумат бобида ўзни бу кун Искандар, Жам қил.

Агар қассоми ризқ³¹⁹ эсанг ҳамага мисли Микоил,
Малаклар меҳтари бўлсанг агар монанди Исрофил,
Муяссар бўлса жон олмоқға санга қурби Азроил,
Тутарсан мўр янглиғ оқибат ер остиға манзил,
Учуб Жибрилдек гар пойитаҳтинг етти торама қил.

(75) Нафас гавҳар эрур, сарф этмагил бежой, эй жоҳил,
Дема ноқобилам, тутгил ғанимат суҳбати қобил,
Ки, бехосият эрмасдур нигоҳи марди дарё дил,
Ўзингни Мухлис эт Адҳамсифат гар муршиди комил,
Топилса беибо дастингни домонига маҳкам қил.

МУХАММАСИ ДИГАР

Ким, баҳор айёми келди, сабззор истар кўнгул,
Май ичарга ҳамнишин беғубор истар кўнгул,
Зулфи сумбул, соқий сиймин гулғуззор истар кўнгул,
Журму беҳад раҳмати Парвардигор истар кўнгул,
Нияти сайёҳлик беихтиёр истар кўнгул.

Эй ёронлар, андак айлай саргузаштимдин баён,
Таҳсил айлардим Бухоро, шоҳ эди жаннат макон,
Қарши мулкида эди Мир Ҳайдар ул дам тўраҳон,
Ота ўлди, тарки таҳсил айлауб бўлдук бу он,
Мавсуми гул ўтти эмди захми хор истар кўнгул.

Кадхудолиғ пеша қилдим, сокин моъво бўлуб,
Жуфт гову дона йиғдим, толиби дунё бўлуб,
Неча йил қилдим имоматлик ила мулло бўлуб,
Кетти илкимдин тамоми, охири аъмо бўлуб,
Эмди ғам дерга ўзимдек ғамли ёр истаркўнгул.

³¹⁹ Қассоми ризқ – ризқни тақсим қилувчи, яъни Микоил фаришта ҳақида сўз кетмоқда.

Неча йилдур ихтиёри кунжи узлат айладим,
Эл қочиб мандин, ман элдин тарки суҳбат айладим,
Ҳосилимни ел кўтарди, чўх зироат айладим,
Рафъи ғам бўлғойму, деб қасди зиёрат айладим,
Неча бир чўлда юрай, шаҳри Бухор истар кўнгул.

Подшоҳи боадолат ҳам ўзи соҳиб насаб,
Олиму қуррову фозил ҳамфақиҳу зинда шаб,
Ҳомийи шаръи пайамбар маъдани жуду адаб,
Чорсуйи Регистон ила мадрасайи Мири Араб,
Масжиди Жомеъ билан таҳти Минор истар кўнгул.

Субҳи содиқ бўлди, деб қилса муаззинлар нидо,
Суръат айлаб фажрни қилсак мағок ичра адо,
Қилсалар «Ёсин» қироат ҳофизони хушнаво,
Чошт бўлгунча эшитсак «Маснавий»и³²⁰ босафо,
Ҳар тарафдин сайҳайи беихтиёр истар кўнгул.

(76) Чиксак анда дилда пайдо бўлса, чиндин дарду сўз,
Тавф қилсак чўх азизларни бўланча нимрўз,
Хожа Бу Ҳафси Кабиру Шайх Жалоли порадуз,
Хоки ҳар машҳадни қилсак тўтиёйи икки кўз,
Ўлтуруб гаҳ суҳбати шайхи мазор истар кўнгул.

Чашмаи Аййубни ашк ила дарё айласак,
Баъдазон йиғлаб тавофи қабри Имло айласак,
Вақти пешин ихтиёри Ҳавзи боло айласак,
Истимоъи ояти «*Инно фатаҳно*»³²¹ айласак,
Сандалиий таҳтида бир соат қарор истар кўнгул.

Неча кун тавфи мазор айлаб, қилиб хатми кубур,
Зофил ўлса истиъонат бирла кўнгулдан хутур,
Ҳар қаерга шайх бўлса, илкин ўпсак яхшидур,
Ўлтуруб бир соате сарҳалқадан топсак ҳузур,
Гоҳ зикри хуфйа,³²² гоҳи ошкор истар кўнгул.

³²⁰ Маснавий – бу ерда Жалолуддин Румий (1207-1273)нинг “Маснавийи Маънавий” китоби кўзда тутилмоқда.

³²¹ Қуръони каримнинг “Фатҳ” сураси 1-оятидан.

³²² Зикри хуфйа ва ошкор – зикрни овоз чиқармасдан кўнгулда қилиш ва овоз чиқариб тил билан ошқора бажариш.

Баъдазон қилсак бориб тавфи Ғиждувон,³²³
Сурма қилсак кўзга хоки Орифи³²⁴ моҳитобон,
Мир Кулолу Нақшбанд устига борсак баъдазон,
Касбийу Косон ила Қарши сари бўлсак равон,
Анда ўн саккиз имоми номдор истар кўнгул.

Қил азалдин яхши, ё раб, қилма расвойи абад,
Тарбият қилдинг тирикда, жон чиқарда қилма рад,
Ғарчи ғожирман тилимда «Қулҳуваллоҳу аҳад»,³²⁵
Ёпмасанг раҳмат билан йўқ журми исёнимга хад,
Беадад журмига охи бешумор истар кўнгул.

МУХАММАСИ ДИҒАР

Соқиё, махмурман, дафъи хумор истар кўнгул,
Бода бергил, нўш этай, бўлди баҳор, истар кўнгул,
Саҳни гулшанда дарахти соядор истар кўнгул,
Ўртада бир маҳваши сиймин узор истар кўнгул,
Ғам кунинда ҳамнишини ғамбарор истар кўнгул.

Йўқ Наманган ичра кўнгул суйгулик ҳимматли ёр,
Онинг учун тарк этиб қилдим гадолик ихтиёр,
(77) Азми Хўжанд айладим, гап Муслиҳиддиндин чиқор,
Лутф этиб андин Самарқандга етурса Биру Бор,
Қўб азизларни тавоф айлаб қарор истар кўнгул.

Неча кун Даҳбед ичра истиқомат айласак,
Хожаи Офокни³²⁶ ҳар дам зиёрат айласак,
Қўл бериб, хизмат қилиб ғоҳ базми суҳбат айласак,
Рухсат олиб боз ул ердан азимат айласак,
Маъдани илму адолат, деб Бухор истар кўнгул.

³²³ Бу ерда Абдулолик Ғиждувоний (1103-1179) назарда тутилмоқда.

³²⁴ Бу ерда Хожа Орифи Ревгарий (1165-1236) га ишора бўлмоқда.

³²⁵ Оят. Маъноси: "Аллоҳ яғонадир, мен унинг қулиман".

³²⁶ Бу ерда Махдуми Аъзам Хожаи Аҳмад ибн Жалолуддин Косоний (1461-1542) назарда тутилмоқда.

Ул Балогардони олам ҳам песархони Расул,
Кимки ихлос ила борди, мақсуди бўлди ҳусул,
Баҳоуддин, ман чиркинни қилгайсан қабул,
Дарғаҳи аҳли саховатдин гадо кетмас малул,
Тутиё деб остонингдин губор истар кўнгул.

Хожа Саййид Мир Кулол эрмиш Баҳоуддинга пир,
Сухбатидин бўлди пайдо неча минг соҳиб замир,
Ҳомийи шаҳри Бухоро Хожа Бу Ҳафси Кабир,
Порадўзу Ҳазрати Имлову қабри неча мир,
Барчасин тавф айлауб ашкин нисор истар кўнгул.

Баъдазон шаҳри Бухородан чиқиб бўлсак равон,
Сурма қилсак кўзга, бориб хоки шайхи Ғиждувон,
Жилва қилса дийдаларга равзаи мохитобон,
Кўзга суртуб туфроғин, дилдин кетиб занги духон,
Миннати ҳамсухбату элдин канор истар кўнгул.

Қум ичинда Хожайи Убондин излаб даво,
Кеча ётиб, эрта қилсак орзуйи Нур Ато,
Ғўта урсак моҳи янглиғ Чашмайи Раҳмат аро,
Тун бориб тоғ узра ётиб, фажрни қилсак адо,
Кеча айлаб Нуҳдек сайри биҳор истар кўнгул.

Йиғласак қилган гуноҳга чашмадек узлат тутуб,
Гоҳ сайри тоғ айлаб, лола янглиғ қон ютуб,
Юрса тоҳир сув, бўлур мурдор ҳар ерда туруб,
Топмасак Сўфий³²⁷ изини Каттакўрғонга юруб,
Қуш Оллоёр³²⁸ деб, азми Ҳисор истар кўнгул.

Ё расулиллоҳ, қолибман йўл аро, илкимни ол,
Ўтти гафлат бирла умрим кеча-кундуз моҳу сол,
Соч оқарди кўчайи исёна қаддим бўлди дол,
Зоди раҳ йўқ толпиниб чун пашшайи беларру бол,
Равзайи андоғ шаҳи рафрафсувор истар кўнгул.

³²⁷ Бу ерда Каттакўрғонда яшаган шоир Сайфи Исфарангӣ ҳақида сўз кетмокда.

³²⁸ Бу ерда машҳур шоир ва авлиё Сўфи Оллоёр (1644-1724) кўзда тутилмокда.

Элдин аввал номинга бўлди рақам хатти жалий³²⁹,
Ҳамдаминг Сиддику Умар ёна Усмоғу Али,
Сан эурсан хатми охир, ҳам халойиқ авали,
Бир мадад қил, йўлга қолдим, ё набийлар афзали,
Қил кашиш равзанг, баҳаққи Биру Бор истар кўнгул.

Жумла авлоду асхобингга ман бешак гулом,
Олу асхобинг бори равнақфизойи хоссу омм,
Тухфа мандин санга ҳар дам юз салоту минг салом,
Тут қўлим Маҳшар куни, ё Саййиди хайрул-аном,
Шафқатинг, деб телмуруб ашки қатор истар кўнгул.

Қай куни бўлгай йўлингга бошими по айласам,
Сўзи дилдин оқ уруб, ашқимни дарё айласам,
Жул кийиб Мажнунсифат чўлларда маъво айласам,
Кошки ўлмасдин бурун равзанг тамошо айласам,
Тарқи фарзанду зану хешу табор истар кўнгул.

Машъали ҳуснунг эрур шамъи шаби дунёву дин,
Қурби покингга муқарраблар дедилар «Офарин!»,
Кўрмади Арш аҳли ул тун сен барин Курсинишин,
Санга ким ҳамто, сифотинг «*раҳматан лил-оламин*»,
Кеча-кундуз раҳмати Парвардигор истар кўнгул.

Тош отиб куфр аҳли қилди неча бағритошлиғ,
Қилди Жибрил сурма айлаб хокинги фаррошлиғ,
Кўрмади кўз сан барин пайғамбар бардошлиғ,
Сан дуойи хайр қилдинг, дийданг айлаб ёшлиғ,
Бир бориб фаррошлиғ лайлу наҳор истар кўнгул.

Амми покингдур Уҳудда Ҳамзайи соҳибқирон,
То тирик эрди отодек санга эрди меҳрибон,
Келтуруб ислом ул кун санго қилди базли жон,
Бўлди сардори шаҳидлар манзили дорул-жинон,
Турбати андоғ шаҳиди жонсипор истар кўнгул.

³²⁹ Ҳатти жалий – араб имлосидаги йирик хат тури.

Тўтиё қилсам на бўлғой дийдама хоки Бақиъ,
Мақсадим шул, еткурунг сиз икки дунёда шафиъ,
(89) Шири шафқатдин карам қил, йўлда ман тифли разиъ,
Бер шароби шавқинги, то бўлмосун ҳеч ким маниъ,
Қил муяссар мулки дунёдан фирор истар кўнгул.

Жуфти покинг бир-биридин тоҳиру атҳар эрур,
Сен шаҳи ховар, алар гўё маҳи анвар эрур,
Фотиманг дарёи гавҳардин чиқан гавҳар эрур,
Ҳам Ҳасан бирла Ҳусайнинг шофеъи Маҳшар эрур,
Ким, алардин рўзи Маҳшарда мадор истар кўнгул.

Болу пардин айрилибман, қуввати парвоз йўк,
Зоҳиримга сандин ўзга меҳри ҳирсу оз йўк,
Сандин аввал ҳеч кимга боби жаннат боз йўк,
Умматингдин ўзга умматга бурур эъзоз йўк,
Вақти бахшанда қаторингдин қатор истар кўнгул.

Ё Илоҳо, умр охир бўлса, тандин чиқса жон,
Кулли мўъминга ато қилғил кетар дамда иймон,
Сўрсалар Мункир-Накирлар гўр аро қўйган замон,
Қилма музтар вақти пурсиш ғайбдан бергил забон,
Яккадурман раҳматингни анда ёр истар кўнгул.

Сур тортилса, тирилса аввалину охирин,
Турса кун бош узра қайнаб найза бўйдин яқин,
Қозийи одил бўлуб Маҳшар куни Ҳаққул - мубийн,
Олса шафқатга ижозат «раҳматан лил- оламин»,
Илтифоти Аҳмади ҳожатбарор истар кўнгул.

Ҳозир ўлса жумла ғойиб, рост бўлғонда мезон,
Айлагил, ё Раб, савобимни гуноҳимдин гарон,
Номами ўнгдин бериб, қилғил ўшал дам шодмон,
Ўтқариб Пулдин саломат, манзилим айлаб жинон,
Кўрсатиб дийдорлутфи бешумор истар кўнгул.

Машрабо, қўйма қадамни йўл хатар, беваҳму бийм,
Ўнгу сўл қўлга турур пайваста жанноту жаҳим,
Кеча-кундуз шаръи Пайгамбарга бўлгин мустақим,
Шаръи Пайгамбар қилур дўзах ўтин пиру салим,
Тилга иқрору бу йўлни устувор истар кўнгул.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

(90) Баасри давлати султон Музаффари одил,
Сана мингу икки юз саксон эрди, эй оқил.

Басоли хўк чу мохи мубораки рамазон,
Ки, рўзи жумъа ҳам ул рўз бўлди хўб дохил.

Салоти жумъадан илғари бир ярим соат,
Замин қимирлади, қаттиг ўлди лойақил.

Йиқилди масжиди жомеъни гумбазин ярми,
Равоқи мадраса, Кўк гумбазу неча манзил.

Касир бўлса халойиқ ичинда фисқу фужур,
Кутублар ичра муайян бало бўлур нозил.

Балони дафъи эрур тавбаю пушаймонлиг,
Надомати амалингу хайр,покийи дил.

Қачонки келса бало, тавба бирла Тангрига қоч,
Худони фазли эрур ҳалли ақди ҳар мушкул.

Ғазаб ҳароратини паст этар сахо оби,
Фузун қилур бу олов шуъласини боди бухл.

Мадори динию дин беҳабар нарсадур, эй жон,
Намозу рўзаю хайру закот, луқмайи ҳил.

Сабаб бу қаҳру ғазабга касофат, Мухлис,
Ани бу феъли бади эл ичинда қилди хижил.

ДАР ШАЪНИ РАМАЗОНИ МУБОРАК

Ассалом, эй моҳи олий, қадри қиммат, ассалом,
Ассалом, эй манбаи жуди каромат, ассалом,
Ассалом, эй боиси хайру саховат, ассалом,
Ассалом, эй моҳи пурлутфу латофат, ассалом,
Бизни шод этдинг келиб, эй моҳи баҳжат ассалом.

Интизор эрдук йўлингда, эй маҳи раҳматнамо,
Хуш келибсан, хоки покинг дийдам узра тугиё,
Сан берурсан кулли умматга мероси Мустафо,
Ҳурматингдин осийларни мағфират айлар Худо,
Сан келиб оламини қилдинг ғарқи раҳмат, ассалом.

Эл ичинда гарчи сан мартабанг кундин зиёд,
Келганингда кулл малоиклар қилурлар хайрбод,
Йилда бир йўл олам аҳлига етар сандин мурод,
Неча муфсидлар бошидин айладинг дафъи фасод,
Ер юзин пок айладинг бўлгил саломат, ассалом.

Келганингдин шукри лилаҳ шод бўлди хоссу омм,
Масжид ичра бўлди мўминлар ҳама соҳиб киём,
(91) Ҳам хузуъу ҳам хушуъу ҳам қилиб хатми калом,
Неъматни бисёрни исор этарлар вақти шом,
Қайси маҳда бор мунча хайру баракат, ассалом.

Аҳмади мурсал аёгин бўса қилғон моҳсан,
Нав аруси шаб, фалақда соҳиби ҳиргоҳсан,
Одатуллоҳ бу эрурки, тўлага кўтоҳсан,
Рамзи «*ва-н-шаққ ал-қамар*» нинг сирридин огоҳсан,
Тозадан ҳар шаб келиб, илкингда хилъат, ассалом.

Рўзи аввал қурби покингни азим этмиш Ғафур,
Боби дўзах бастадур, ул кун очук боби сурур,
Ғарқи нурдур балки файзинг бирла амвоти кубур,
Ким сани иззат қилур, иззат топар явмул-нушур,³³⁰
Бу масалдур «яхшидин етгай шарофат», ассалом.

³³⁰ Явм ун-нушур — одамлар тириладиган кун.

Эй санга, беҳад эрур икрому файзу хосият,
Аввалинг раҳмат эрур бешак миёнанг мағфират,
Охиринг озоди дўзах фарз улдур ният,
Қайсига ҳосил ўлди мунча қурбу макрамат,
Мақдаминг кўз узра, эй моҳи саодат, ассалом.

Бордур саккиз эшик жаннатга доим барқарор,
Биридур раййону ёқутдин шуоъи бешумор,
Ким, ҳадис айди бу дарига Аҳмади Рафраф сувор,
Бул эрур Маҳшар куни маҳсуси боби рўзадор,
Эй, маҳи хайрияти рўзи қиёмат, ассалом.

Эй, баҳаққи ҳурмати моҳи сиёми пурфутух,
Тавбамизни мақбул айла, кел, монанди насух,
Эй, хусусан жисмдан бир кун жудо бўлғонда рух,
Қилмагил ғарқи ғазаб ул кун мисоли қавми Нух,
Гўр ичинда айлагил лутфу иноят, ассалом.

Ё Расулаллоҳ, эрурсан ҳашрда соҳиб ривож,
Маснадинг тахти шафоат, нурдан бошингда тож,
Шири шафқат бирла уммат дардига қилсанг илож,
Чашми «*мозог ал-басар*»ни жониби Мухлисга оч,
Қилмагил рад, ман десам вақти шафоат, ассалом.

НАЪТИ МУСАДДАС

Эй шаҳаншоҳи араб, в-эй саййиди мулки Ажам,
Йасрибу Батҳо мунаввар бўлди, сан кўйдинг қадам,
«*Ва-з-Зуҳо*» юзлук «*Алам нашраҳ*» юраклик покдам,
Йўқ эди мулку малақдан не нишон, не ном ҳам,
Элдин аввал исми покинга чекилди бу рақам,
Ҳомиду Маҳмуд, Муҳаммад соҳиби табул 'алам.

Бўлди султони олам бандаси зулфинг хама,
Кирмайин мактаб аро бўлдинг халойиқ аълами,
Зийнати ҳури жинон ўлди узоринг шабнами,
Кимки пайравдур санга, йўқдур жаҳаннамдан ғами,
Икки оламда эрур ул бандаи собит қадам,
Уммати олиймақом маҳрами рози ҳарам.

Эй, «Фатҳано»³³¹ «фо»идин бўлди ривожи лашкаринг,
Қайсару Дорову Кайхисрав ғулому чокаринг,
Восифинг «Ҳаққул-мубийн», «Таврот»у, «Инжил» дафтаринг,
Гарди покинг тожи Арш, етти ғабро бистаринг,
Эй, халойиқ сарвари, в-эй маъдани жуду карам,
Хоки пойинг тўтиёйи дийдаи Лавҳу Қалам..

Ул кечаким, бўлди жисминг она батнидин берун,
Зарра янглиғ бўлди рухсоринг қошинда Ойу Кун,
Ошкоро қилди ўзни Ҳақ таоло сан учун,
Умматим, деб кечалар кўздин тўкуб дарёйи хун,
Оби чашминг ҳурматидин ул Худойи бокарам,
Раҳмат айлаб умматингни айлади *хайрул-аном*.

Қолиби одам ҳануз бўлгон йўқ эрди муттасил,
Маккаю Тоиф аросинда турурди обу гил,
Нури покинга макон эрди миёни жону дил,
Жабраил ёшин баён айлаб, бўлубон мунфаъил,
Дунёву уқбо баланду паст эди ул кун 'адам,
Қилди нурингни Худо кулли муқаддамдан кидам.

Баъди Ҳазратким, эрур сардафтари ислому дин,
Сиддик эрди маҳрами рози Расуллул- мурсалин,
(93) Бал ҳам урди эл оросидан ҳусуду бўғзу кийн,
Қўйдилар анга лақаб, аъно «*имомул- аввалин*»,³³²
Ул эди асҳоб оросинда амири муҳташам,
Даври даври Мустафодек эрди на бешу на кам.

³³¹ Фатаҳно – Куръони каримнинг “Фатҳ” сурасига ишора.

³³² Имом ул-аввалин – биринчи имом, бу ерда Абу Бакр Сиддик (568-634) назарда тутилмоқда.

Баъди Сиддиқ эл ичинда гавҳари ноёб эрур,
Ҳокими шаръи пайамбар Умари Хаттоб эрур,
Савлатидин мурғу моҳи кечалар бехоб эрур,
Шоҳи олам, шамъи базми мажлиси асҳоб эрур,
Ғайратидин куфр эли ислома гардан қилди ҳам,
Даврида бир-бирга мушфиқ эрдилар гўргу ганама.

Баъд Умарким эди маснаднишини анбиё,
Жомиъ ул- Куръон амирул - муъминин соҳиб саҳо,
Ҳазрати Усмон эдилар маъдани ҳилму ҳаё,
Хуш кўруб дер эрди Зи-н-нурайн³³³ они Мустафо,
Сойиму койим эди Маҳшар гамидин кони гам,
Халқ ичинда хуш калом, нармгўйу, дийда нама.

Ёри чоррумким, эрур ҳазрат Алий дулдулсувор,
Ибни амми Мустафо Ҳайдар шужоъи номдор,
Васфи покига эрур ушбу иборат ошкор,
«Ло фато илло Алий ло сайфу илло зулфиқор»,³³⁴
Тийгидур Хайбар шиканҳам соҳиби сайфу қалама,
Рўзи Маҳшарда ливодори Расули муҳтарам.

Баъд ҳамду наът ҳам алқоби ёрони кибор,
Вожиб ўлди айламак биздин дуойи шаҳриёр,
Хосса улким, шоҳлар шоҳи шаҳи мулки Бухор,
Олиму одил Музаффархони шоҳи номдор.
Шукрилллаҳ барра қилмас гўргдин даврида рам,
Қайсару Фағфуру Хотам етмагай гардига ҳам.

Ё Илоҳо, то жаҳон борича бер умри дароз,
Душманин нобуд айлаб, дўстини қил сарфароз,
Отланиб чиқса, юзига қил дари раҳматни боз,
Муҳлисинг қилди дуо, қилғил қабули бениёз,
(94) Қутб ила чилтан рикобига югурсун дам-бадам,
Кун-бакун файзин зиёд эт, ё Илоҳо, қилма кам.

³³³ Зи-н-нурайн – икки нур эгаси, Ҳазрати Усмон ибн Аффоннинг (574-656) лақаби, у Пайгамбарнинг иккита қизига уйлангани учун шу лақабни олган.

³³⁴ Пайгамбаримизнинг Ҳазрати Алий ибн Абу Толяб (тахм. 600-661) шаънига айтган гаплари. Маъноси: “Алийдан ўзга ботир йўк, зулфиқордан ўзга қилич йўк”.

МУСТАЗОД

- Эй, хикматинга олим эмас оқилу доно,
сан Қодири аълам,
«Бе» – Бор биру бешерику Хайи тавоно,
сандин ҳама олам.
«Те» – Тойиб ўлуб йиглар эди бўлди қабулунг,
ўтти икки юз йил,
«Се» – Савби кетиб, тортор эди оҳи «Заламно»,
Ҳавво била Одам.
«Жим» – Жумла сени банданг эрур, амринга маъмур,
бесан нафас урмас,
«Хе» – Ҳожат эмас қилса бирав ҳожатин ифшо,
сан воқифи архам.
«Хе» – Хос қилиб бирни малақдин башар ичра,
ким бўлди Ҳабибинг,
«Дол» – Давлатидин тобти шараф мўъмину тарсо,
ул жумлага хотам.
«Зол» – Завқ билан лутф этиб анга юбординг,
Қуръони шарифни,
«Ре» – Рози шарият бўлубон элга хувайдо,
зулмат еди барҳам.
«Зе» – Зулфи бўлуб гул юзининг устина сумбул,
ким қомати шамод,
«Син» – Соя солиб бошина бир абри мусаффо,
ул Хожайи аъзам.
«Шин» – Шоҳид анинг васфига «Лавлок»у «Лаъумрук»,
ҳаргиз анга шак йўқ,
«Сод» – Соф эрур, восифидур Тангри таоло,
йўқ ўзгала маҳрам.
«Зод» – Зоеъ эмас хизмати, кимдур анга пайрав,
ул хосси Худодур,
«То» – Тоҳир эрур ҳам лақаби «Ёсину» «Тоҳо» -
дур анга мутаммам.
«Зо» – Зоҳиридур Хошимийу батҳо Курайший,
ҳам хотами мурсал,
«Айн» – Илмига ожиз ҳама, бал Одаму Ҳавво,
оламга муқаддам.

«Ғайн» – Ғам била ётиб эди бир тун ҳарам ичра,
 Ҳақ чорлади они,
 «Фе» – Фош қилиб сирри нуҳуфта шаби ялдо,
 қилди они беғам.
 (95) «Қоф» – Қурб топиб қилди талаб бир неча ҳожат,
 хилватда қилиб роз,
 «Коф» – Кам деди, берди тилагин Холиқи якто, кўр,
 қурби муаззам.
 «Лом» – Лаззату роҳатни талаф айлади билкулл,
 уммат сабабидин,
 «Мим» – Мунис эди ҳар ғамига модари Заҳро, гул
 устига шабнам.
 «Нун» – Нола билан қилди ҳама кечани кундуз,
 тарк айлаюб уйку,
 «Вов» – Вой, сафар қилди анингдек шаҳи доно,
 навбат била биз ҳам.
 «Ҳо» – Ҳамдами Сиддику Умару Усмон, Алийдур,
 дин тахтига ворис,
 «Лом-алиф» – Лола сифат икки гули жаннат ул-аъло,
 маҳбуби мукаррам.
 «Йо» – Ё Раб, Ўзунг айла раво ҳожати Мухлис,
 муҳтожу гадодур,
 Наът ҳурматидин айла қиёматда Худоё,
 озоди жаҳаннам.

МУХАММАС (раҳматуллоҳ 'ала қоилиҳи)

Эй Расули арабий, туҳфа дуруд ила салом,
 Мандин ўлсун санга ҳар лаҳза ила йавми қиём,³³⁵
 Келмади ҳаргиз анодин санидек хайри калом,
 Тождорони жаҳон чоқару ман санга гулом,
 Марҳабо, саййиди кавнайн, Расули хуш ном.

³³⁵ Ила явми қиём – қиёмат кунигача.

Туғмади модари гетий сендек пок замир,
Нури покинг ҳамадин илгари-ю жисминг ахир,
Надейин васфи шаръинга ман ақли қасир,
Ҳақ баён этти Каломига «Баширан ва назир»,³³⁶
Хослар шарҳи баёнингга эрур мисли 'авом.

“Ва-з-Зуҳо» васфи рухинг ояти «Лавлок» қасам,
Хилқатинг боис мақсуди туфайлинг Одам,
Башару жину малак чоқари дин, шоҳи умам,
Насабинг пок, муқаддамлар ичинда ақдам,
Нотамом эрди жаҳон, бўлди санинг бирла тамом.

Буд бўлди шарафинг бирла ҳама буди набуд,
Моҳи-ю мурғи замину малаку чарҳи кабуд,
Етти дар, саккиз эшик, ҳуру қусур, оташу дуд,
Зийнати хоки даринг деб, яротиб Ҳаййи Вудуд,
Йўқ санингдек ҳама ақрамлар ичинда ақром.

Аҳмади мурсал отинг, «Ёсин»у «Тоҳо» лақабинг,
Манзилинг Йасрибу Батҳоу Қурайший насабинг,
Валади Абдул Мутталиб, умам эрди талабинг,
Сабаби мағфирати уммат эди хос санинг,
Жабраил дарғаҳинга ходими соҳиб пайғом.

Кўқдин нозил ўлуб отингга ояту сувар,
Кўрмади кўз санидек дийдаи «мозоги басар»,
Бармоғинг шуъласини кўрди-ю шаққ бўлди қамар,
Илгари келди агарчи ҳамаи пайғамбар,
Халфинга саф тузубон қилдилар Ақсода имом.

Ерга тегди қадаминг, эй шаҳи олий даражот,
Тоқ кирди бузулуб, сажда килиб Лоту Манот,³³⁷
Солди таҳният этиб, остингга Жибриил қанот,
Умматим деб тиладинг ул кеча Ҳақдин хожот,
Бўлубон матлаби оғозинг ижобат анжом.

³³⁶ Баширон ва назирон – Куръони қаримда тўрт урпн («Бақара» сураси 119-оятн, «Сабо» сураси 28- оятн, «Фотир» сураси 24-оятн, «Фуссиялат» сураси 4-оятн) да зикр қилинади.

³³⁷ Лот ва Манот – Макка кофирларининг худолари.

Шоҳлар шоҳ эмас, айласа шаръинга хилоф,
Пайрави шаръинг ўлан бўлгуси Маҳшарда маъоф,
Масканинг таййибу тоҳир, насабинг Абдуманноф,
Мартабанг бобида ашрафлар ичинда ашроф,
Маъдани лутфу карам,соҳиби жуду инъом.

Ким эрур баъда Набий соҳиби тахту минбар,
Ҳазрати Сиддик эрур афзали авлоди башар,
Ёри ғори набавий , маҳрами асрори сафар,
Молу фарзанд дариг этмади ул нек басар,
*Сонийи иснайн*³³⁸ атонди топибон қурби мақом.

Баъди Сиддик ким эрур халқ аро соҳиби тож,
Бут шикан дара зану, одили ислом ривож,
Ҳазрати Умар айди, элдин олиб божу хирож,
Ўғлин ўлдурди уруб, шаръига эрди мухтож,
Даврида бўлмади фуссоқ элига ором.

Ёри севвумким, эрур Ҳазрати Усмон ғаний,
Саҳл эрди кўзига қиймати дунёи даний,
Хуш кўрар эрди унга дин они шоҳи Маданий,
Берибон икки қизин айлади домодани,
Шукр этиб хатми Калом айлади ҳар моҳи сиём.

(97) Ёри чорум падари Ҳазрат шапиру шапар,
Ибни амми шаҳи кавнайн Расули сарвар,
Соҳиби тийғу табар, фотиҳи боби Хайбар,
Алий шери Худо, соқийи ҳавзи Кавсар,
«*Лофато*» рўзи ғазо ҳаққиға Ҳақдин илҳом.

Ё Илоҳо, батуфайли шаҳи Батҳову Ҳарам,
Жумла мўъминни кетар вақтида қилгил хуррам,
Мағфират айла гуноҳини қилиб лутфу карам,
Ўртада Мухлиси осийни тутуб илкини ҳам,
Қилма расвойи қиёмат куёш ўлганда қиём.

³³⁸ Сонийи иснайни – иккиннинг бири.

Эшит арзимни айтай, ё Набий, оламга сарварсан,
Нубувват осмони узра гуё шамси анварсан,
Юрагим саҳфасиға таҳрир ўлгон хатти ахзарсан,
Муқаддам жумла элдин, хотами кулл пайамбарсан,
На дей, васфи шарифингга ҳабиби Ҳайи Акбарсан,
Имоми икки олам, соҳиби меҳробу минбарсан,
Шариат тахтининг султони-ю исломпарварсан,
Муҳаббат баҳрига парварда бўлган тоза гавҳарсан,
Бихамдиллоҳ, бизингдек осий умматларға раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Ўшал рўзеки жисминг Омина батнига бор ўлди,
Ғаму андуҳ, муҳаббат Макка халқидин канор ўлди,
Қараб кўкдин жамолингга малаклар интизор ўлди,
Анодин ерга тушдинг, устинга раҳмат нисор ўлди,
Азиз эрди шаётинлар, сани даврингда хор ўлди,
Ниҳолинг сояпарвар бўлди, шаръинг ошкор ўлди,
Миси зар бўлди ҳар кимсаки шаръинга ёр ўлди,
Вужудунг олам ичра раҳмати Парвардигор ўлди,
Бихамдиллоҳ, бизингдек осий умматларға раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Хусусан, ҳазрат Сиддиқи акбар ёри ғорингдур,
Буюрсанг ҳарна хизмат таъхир этмай жон сипорингдур,
Муҳаббат бобида Омина янглиғ беғуборингдур.
Қачон хизмат тегар, деб дарғаҳингда интизорингдур,
(98) Эрурсан боғи раҳмат, ул дараҳти соядорингдур,
Абу Қаҳхофа ўғли ёри ғори гулузорингдур,
Дариғ этмай наमतлаб айласанг ҳожатбарорингдур,
Қабули байъат айлаб, элдин аввал динга ёрингдур,
Бихамдиллоҳ, бизингдек осий умматларға раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Эрур чун ёри дуввум Ибни Ҳаттоб ҳазрати Умар,
Адолат баҳрига гаввос ўлуб ҳосил қилиб гавҳар,
Хутути шаръи пайгамбарга қилди ўглини манзар,
Бўлуб хуррам, ҳадис айди, они ҳаққида пайгамбар.
Лаҳаддан бош кўтарган вақти бўлса соати Маҳшар,
Ҳама мўъмин қилиб фаҳри шарият бизга деб раҳбар,
Шарият фаҳр этар Умарга назди Холиқи акбар,
Илоҳо, ким Умарни дўст тутса қилмагил музтар.
Биҳамдиллоҳ бизингдек осий умматларга раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Эрур баъдаз Умарким, ёри севвум ҳазрати Усмон,
Сахи-ю маъдани ҳилму ҳаё ҳам жомия ул -Қуръон,
Қироат айлар эрди ҳар саҳар оёти “*Ар-Раҳмон*”,³³⁹
Ўқуб то “*барзахун ло йабғиён*”³⁴⁰ ўздин кетиб чандон,
Хабар берди бу сирдин Мустафога Ҳазрати Раҳмон,
Расулulloҳ деди: “Усмон эрур жаннат аро султон”,
Эшитиб мужда минг динор этиб мискинлара эҳсон,
Пайамбар эдилар Усмона роғиб соҳиби иймон.
Биҳамдиллоҳ, бизингдек осий умматларга раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Эрур ёри чоррум ҳазрат Алий шери Худо-Ҳайдар,
Амири бошижоат, ибн амми Мустафо сарвар,
Сахию одил, дулдулсувор, хожайи Қамбар,
Ҳалиму бовафову дин кушоду фотиҳи Хайбар,
‘Алиму олиму кони адаб домоди пайгамбар,
Тутарди куфр элини ларза олса илкига ханжар,
Сифоти “*Ло фато шло Алий*” дур соқийи Кавсар,
Ҳадис ичра “Мухаммад шаҳри илму Муртазодур дар”,³⁴¹
Биҳамдиллоҳ, бизингдек осий умматларга раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан

³³⁹ Қуръони каримнинг “Ар-Раҳмон” сураси.

³⁴⁰ Қуръони каримнинг “Ар-Раҳмон” сураси 20-оятдан.

³⁴¹ Ҳадиси шариф. Арабчаси: “Ана мадинат ул-илми ва Алий бобуҳо”.

(99) Тамом ўлса нафас гар жисмдин бўлса жудо жоним,
Макон ўлса манга бир тахти торик, кунжи зиндоним,
Уруб бир неча кун туфроқ бўлса жисми урёним,
Ду бора зинда этса соати Маҳшарда раҳмоним,
Ҳама бир-бирга душман бўлса, сан бўлгин ниғаҳбоним,
Мадорим, мунисим, пайгамбарим, дардимга дармоним,
Туфайлингдин ёпилгай анда жумла айбу нуқсоним,
Шафоат айлагил нобуд бўлсун кўҳи исёним,
Биҳамдиллоҳ, бизингдек осий умматларга раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Сирофил Сур тортиб соати *явмул-жазо* бўлса,
Тирилик мурдалар монандаи аввал бино бўлса,
Тўқулуб ерга анжум, меҳру маҳ ранги қаро бўлса,
Ҳамани кори ул дам наърайи “во ҳасрато” бўлса,
Ўғулдин ота безор, онодин қиз жудо бўлса,
Тилаб ўз нафсини ҳар ким, бағайр аз-Мустафо бўлса,
Очиб гесу Муҳаммад оғзида “во уммато” бўлса,
Ўшал соат шафоат айла, деб изни Худо бўлса,
Биҳамдиллоҳ, бизингдек осий умматларга раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Чиқиб иззат билан тахти шафоатга, боқиб ҳар су,
Кўрарким, осийлардин арсайи Маҳшар эрур мамлу,
Ки, аксар номаси чап илкига бўлган қаро юзлу,
Алар ҳолин кўруб қилғой Муҳаммад он қадар қайғу,
Деюр: “Во уммато, во уммато” кўлга олиб гесу,
Нидо келғой ўшал дам: “Йиғлама, эй саййиди хушхў”,
Тамоми осийларни раҳмат этиб айлагил кулгу,
Умидим бор ул дам, қани, Мухлис, деб чақиргайму,
Биҳамдиллоҳ, бизингдек осий умматларга раҳбарсан,
Лаҳаддин бош кўтарганда шафоатхоҳи Маҳшарсан.

Замон аҳлига , ич куёр деб, розинг қилмагил равшан,
Кўзунг ёгин едурсанг дўст, аммо бермасанг душман.

Йўлидин тош агар олсанг, урар бошинга бир кун тош,
Очар айбингни бўлсанг гар они айбига пирохан.

(100) Ичидур кийнаву нахватга пур, зохирдадур хомуш,
Қародур дуд бирлан қайси уйга бўлмаса равзан.

Илингдин айланай, муғбачча, инъом эт аёгингни,
Ичай, дийдамга суртуб, қайгудин шояд қутулгойман.

Муғанний, созинг эт, дунё талабдин чиқмади созим,
Наво қил, бенавоман, то наво топғум фиғонингдан.

Нафас боринча қилдим сайри ҳафтод ду миллатни,³⁴²
Ҳамаси муддаъийдур, кўрмадим ўздан фано бўлган.

Қулиман, тарк қилғон бўлса, лаззатҳойи дунёни,
Тилида зикри Ҳақ билкулл умидин халқдан узган.

Халойиқ юз ўгирмай, юз ёпиб элдин, ибодат эт,
Кириб қаҳфи фано ичра қаро ер ўлмойин маскан.

Тушуб тиш, соч оқарди, беадад одамни дафн этдинг,
Сани қайтармади шайтон йўлидин шунча минг ўлган.

Агар уммат эурсан, нони жав еб, тоати Ҳақ қил,
Муҳаммад қилмадилар ихтиёри ғандуму равған.

Тузаб Шаддод жаннат, кўрмай охир бейймон ўлди,
Ки, то Маҳшар кетар ер остинда Қорун йиғиб маҳзан.

Ямонлар ихтилотида мани дунёга банд этмиш,
Халос ўлмонг буларни бандидин то кесмайин доман.

Жаҳон мулкин қўнгулдин зойил этмай Ҳаққа етмангдур,
Нечук иш қилди Адҳамдан тариқи бандалик урган.

³⁴²Ҳафтоду ду миллат – стмиш икки миллат.

Мусофирсан, ватан ёдида бўлгил, тўшайи раҳ қил,
Бу уй сандин эмасдур, охири бир кун кетар келган.

Хатарлик йўл эрур Пулдин саломат ўтмайин, Мухлис,
Дема аҳсан ўзунг, номингга келмай номайи аҳсан.

НАСИҲАТ

Ҳазар қилгил батгардур суҳбати жоҳил жаҳаннамдин,
Талаб қил яхшиларни, ижтиноб эт ганда ҳамдамдин,
Агар махлас бўлай дерсан фириби золи кад ҳамдин,
Баҳор айёми келди, май ичиб фориғ бўгил ғамдин,
Вафо кўрмак ғалат олам элидин, балки оламдин.

На хуш кундур баҳор айёми олам сабззор ўлса,
Тирилса мурдалар гўё қиёмат ошкор ўлса,
Учуб гул барги ҳар ён, нома янглиғ беқарор ўлса,
Ер остинда қолан тухми гияҳ чиққой баҳор ўлса,
Ўтуб юз минг баҳору чиқмади бир тухм одамдин.

(101) Сикандар қўлга олиб кўзгу ҳар дам ер юзин кўрди,
Ичиб Жамшид жомин тўлдуруб май, рост ўлтурди,
Биров жаннат тузатиб, кўрмай онинг жонин олдурди,
Шаҳаншоҳлар мусаххар айлабон оламни, лоф урди,
Асар ҳеч бўлмади Баҳром, не Искандару не Жамдин.

На лозим мунча ғам, бошингда олойишни тарк айла,
Қаро ер ичра жонинг, мунда осойишни тарк айла,
Кунун бас қил мунофиқлар била созишни тарк айла,
Жавоби гўр бермай, даъвийи донишни тарк айла,
Ки, уммий номаси ўнг келди қурби ўтти аъламдин.

Кўтар бошинг йухудан³⁴³ масти ғафлат бўлма эй, махмур,
Табиб ахтарки, исён илллати дилни қилур ранжур,
Бўлур ноқис таҳорат икки йўлдин ҳар на зоҳирдур,
Гуноҳ гар заррадур, хуршиди тоатни қилур бенур,
Шакар харвор³⁴⁴ бўлсун, ғолиб ўлмас донайи сиймдин.

³⁴³ Йухудан – уйкудан.

³⁴⁴ Харвор – ўлчов бирлиги.

Мусофир бўл, ватан тарк айламай, тарки ватан авло,
Хазон айлар ахир булбул, дема сахни чаман авло,
Окорди муйи сар андишайи гўру кафан авло,
Вафосиздин узуб кўнгулни, кўнгул бермагин авло,
Агар олим эурсан бир варақ ёд айла Адҳамдин.

Кимини рухи қобилдур азалдан гўши кар келмас.
Ибодат пеша айлаб, хотирига шўри шар келмас,
Дегил, омин қўл очганда, дуоси беасар келмас,
Нигинга нақш этиб оламни кетти, бир хабар келмас,
Не жоҳу не ҳашамдин, не Сулаймону не Хотамдин.

Бу дунё судига шод ўлмоғил, нуқсонга ғамгин,
Ажал талх айлагай охирда гар коминг эрур ширин,
Улуғдур кўрси мунъимдин бу йўлда кулчай мискин,
Ки, ҳар ким боридин ҳимматга лойиқ сарф этар нақдин,
Сулаймон хизматиға мурни кам кўрма Хотамдин.

Неқулар суҳбатига хизмат эттил, қилмагил миннат,
Кимики миннат этти, рад бўлур зое қилиб хизмат,
Ғуломи бедирам бўл, холис этгил хизмати суҳбат,
Тариқат ҳодийсига кимки Муҳлисдур, топар нисбат,
Залили роҳи Ҳақ афзал эрур ботил муқаррамдин.

МУҲАММАС

(102) Зафар йўқ толеимга нафс ила қилган савошимдин,
Қабулдан холидур, оҳим чиқар бағрим харошидин,
Уётлиғ қилди ишқинг халқ ичинда тенгдошимдин,
Санинг беморинг жон бергудекман кетма қошимдин,
Тириқда билмадинг, шоядки билсанг жон талошимдин.

Қилибдур ишқ бори кун-бакун жон маркабин лоғар,
Мисоли нолман нолам эшитмай сан, аё дилбар,
Оқиб шўроби ашқим ранги зардим айлади ханжар,
Бўлубдур заъфим андоғ, кимга боқсам раҳм этиб йиглар,
Ки, ул номехрибоним оҳ билмайдур қарошимдин.

Алифдек қоматини кўрсатиб “ломим”ни қилди “нун”,³⁴⁵
Қаро қилди сариг рухсорими дийдамдин оққан хун,
На раҳм этти кўруб ҳолим, на дашном айлади бир кун,
Қаро суртуб юзумга, тош отиб бошим ёриб бехун,
Кўруб бу ҳола шояд кунгу чикқай багри тошимдин.

Қуёшдек оразин кўрмакда тушди кўзга, эй мардум,
Чекиб саф кўрди мардумлар, кўруб кўз ақлин этти гум,
Ки, тушса чашми номаҳрам ўшал кўзга қуюлсун кум,
Узорим гаҳ сариг, гаҳ нилгун занбақсифат журмум,
Касиримдин ёшургумдур юз туш ўлганда қуёшимдин.

Йигитлик вақтида гарм этти савдойи ҳавас бошим,
Қилиб машғул ўзига молу фарзанду қариндошим,
Тушуб тиш, соч оқорди, йўқ ҳануз тоатга кенгошим,
Ёшим сувдек оқуздум, оқмади сурб била ёшим,
Бирор шарм этмадим ҳаргиз бу ёшимдин, у ёшимдин.

Гуноҳ ҳосил қилурга тавсани нафсим³⁴⁶ шитоб этти,
Тутошиб оташи жаҳлим юрак бағрим кабоб этти,
Ямонлар ихтилоти жону жисмим печутоб этти,
Тамаънинг нони-ю савби ичу тошим хароб этти,
Емас, киймас ит айлар ор бу савбу маошимдин.

Гуноҳим касратидин котиби китфимга³⁴⁷ ташвишдур,
Кимики бўлди ҳамдам, суд кўрмай ғарқи қохишдур,
(103) Ҳузуру ғайбима аҳобларнинг кори нолишдур,
Изимдин ҳар қаерда донайи исён кўкармишдур,
Қўлумга фикс аёғи, ўт чиқар ётган фирошимдин.

Ки, берди сизга Ҳақ давлатни, орифлар, қилинг шукри,
Муборак қалбингизга маърифатни ганнжидур бикри,
Ки, ман тақлид ила масжидга борсам айғали зикри,
Тилимга ҳамди лиллаҳ, кўнглума ағёрлар фикри,
Хаёлим ҳар тарафга, сажда нолон ўлди бошимдин.

³⁴⁵ Бу ерда сўз ўйини бўлиб, шоир ўзини арабча “л” ҳарфига ўхшатиб, гамни (“л”) арабча “н” ҳарфига ўхшатиб, қаддини букиб қўйганини айтмоқда.

³⁴⁶ Тавсани нафс – нафс оти.

³⁴⁷ Котиби китф – слкадаги фаришта.

Мадад сан қилмасанг, ё Раб, икки дунёга ҳолим танг,
Ки, ҳар суҳбатга қўйдим пой, олам қилди мандин нанг,
Кўнгул кўзгусидин умр ўтти бир кун пой қилмак занг,
Илоҳо, Мухлисни ҳашр бўлғонда ҳисоб этсанг,
Ямонлар ичра қўшма, яхшилик чикмас сўрошимдин.

ҲАЗАЛИ ДИГАР

Бирор кун бўлмадим махлас хаданги қоши ёрлардан,
Қочиб бирдан хабардор бўлмадим юзминг балолардан.

Саломат аҳли, бедилларга дил берманг, бўлунг воқиф,
Силар ҳам кўрмагайсиз, боз ман кўрган жафолардан.

Гирибони чоклар гарди пойин тўтиё қилгил,
Мурувват пеша қилма, ҳосиду аҳли ҳаволардан.

Агар ҳожатталабсан, эларо ҳожат раво бўлгил,
Қаноат айлагил, боринг дариг этма гадолардан.

Қули бўл ёри қобил икки олам обрўйдур,
Ҳазар қил, тегмасун офат хасису худнамолардан.

Қаю зарфеки, бўлди тўла чикмасдур садо андин,
Шакар уммид қилма, ҳар не соҳиб наволардан.

Қўлунгдан қўйма, эй солиқ,³⁴⁸ тарозуйи шариятни,
Фано берсун таҳорат билмаган сарлик асолардан.

Ҳаёликларни савти дилдадур, ҳар ким эмас маҳрам,
Жаҳон зулматга тўлди янги чикқон беҳаёлардан.

Юрур феш қайтаруб, сўрсанг қаролигдин эрур ожиз,
Қаролмаймиз изодин, онлар ўлмаслар изолардан.

Қолибман зулмат ичра, лутф этиб, ё Раб, чиқар ондин,
Йироқ этма шарият доманин тутган ҳудолардан.

Адашиб яхшилардин йўлда қолган рўсиёдурман,
Аюрма рўзи Маҳшарда сафи соҳиб дуолардан.

³⁴⁸ Солиқ – тарикат йўлидан юрвучи киши.

(104) Дариғо, дуршунослар хама хок ичра жо бўлди,
Жудо бўлдум садафдек гавҳари қимматбаҳолардан.

Кўлумда зоди раҳ йўқ, йўлга кирсам, бибизоатман,
Дариг этма карамни ман барин бахти қаролардан.

Гуноҳни касратидин бош кўтармай, шарм этиб ётсам,
Дема, бегонадур, қилгил қатори ошнолардан.

Муҳаммад хурмати, ё Раб, Муҳаммадни сафидин қил,
Кулим деб раҳмат эт, шарманда қилма анбиёлардан.

Эрур торику борик усти дуду остидур оташ,
Паноҳ бергил, қадам қўйсам у ерга пешполардан.

Куруб ҳалқим, кўзумни нури кетса, жон чиқар вақти,
Ўшал дам Мухлисим, деб қилма қавми ашқиёлардан.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Ғарқ ўлма баҳри залолатга, боумиди дурри фано учун,
Нафсинг эрур гавҳари азиз, они сарф айла Худо учун.

Ҳавас айлаюб, қилиб ину он, куйи-юқори неча ошён,
Бу қилганларинг хама бебақо бир иш, айла роҳи бақо учун.

Зану молу хеш ила ҳам валад хама душманинг қилакўр ҳазар,
Юзунга кулар, ичи фитналик, иши санга макру дағо учун.

Қани Ҳисрав, қани Жоми Жам, қани Рустаму қани Файлакус,
Қани зўр шавкати карру фарр, урушар эди бу саро учун.

Минг йил ўлса тахт узра масканинг, кийибон бошингга зар,
Бир аламга охири арзимаски, югурма зилли Хумо учун.

Биров урса бошингга то агар, арит они гардини бошидин,
Сани Ҳақ яратгани йўқ эрур бу жаҳонда кибру ҳаво учун.

Саҳар уйғониб баризойи Ҳақ сужуд айлагил, киши билмасун,
Амалингни бир Ўзи билса бас, эл ичинда қилма риё учун.

Ки, етушса бошингга ҳар бало, анга шукр қил, яна собир ўл,
Қаю қулни суйди азалда Ҳаққи, яратти они бало учун.

Боумиди шафқатинг ўлтурди эшикингда Мухлис ҳам ғариб,
Оча кўр хазойини раҳматинг неча муфлиси ғурабо учун.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Алиф қаддинг на хуш Маҳшар ғамидин мисли ё бўлса,
Кўзунг ёши сариг рухсор уза мисли хино бўлса.

Бўлуб нафсингга пайрав охиратдин йўкту парвойинг,
На дерсан рўзи Маҳшар қозийи одилХудо бўлса.

Кўлунгдин бермагил, илму амалдур бандалик шарти,
Баланду пасти билмас қайси аъмо беасо бўлса.

(105) Фақирлик пеша қилғил, фақр эрмиш анбиё фаҳри,
Ютар ер, бошинга гар сояйи боли Хумо бўлса.

Худойинг ҳар на амр этти, они бемуддао қилғил,
Эмас холис қаю тоат кўнгулда муддао бўлса.

Тавозеъ қилса душман, бўлмагил зинҳор хурсанди,
Зарардин холи йўқ, гар ғор боши таҳти по бўлса.

Етарсан мақсадингга, ишни қилсанг холисаниллоҳ,
Эмасдур беғараз, йиғлаб ғадо соҳиб дуо бўлса.

Қилиб хизматни баржо, қилмагандек тарсу ваҳм этгил,
На қаттиг кун мабодо хожа қулдин норизо бўлса.

Чиқарғил риштаи лутф ила бизни чоҳи зулматдин,
Хусусан, вақти рихлат рух қолибдин жудо бўлса.

Садойи “ал-‘аташ» чиқса дамодам етти дўзахдин,
Не ғам уммат ўшал дам ҳамнишини Мустафо бўлса.

Кўруб кажлар ичида муддаъий айб этма Мухлисни,
Алиф каж бўлмоғой гар ҳарфи кажлар ичра жо бўлса.

МУХАММАС

Кетур соқий, шароби гамзадо оҳиста-оҳиста,
Ичиб бўлсам тааллуқдин жудо оҳиста-оҳиста,
Ки, бўлдум зухд элига ошно оҳиста-оҳиста,
Алар қилди юракимни қаро оҳиста-оҳиста,
Мани ҳам қилганим бўлди риё оҳиста-оҳиста.

Супурдум хонақаҳни неча йиллар жойи тоат деб,
Бошим меҳроба урдум бу эмиш яхши одат деб,
Су(в) куйдум сўфилар илкина таъзим ийла хизмат деб,
Олов ёқтим қазона неча кун оби таҳорат деб,
Қазондек қилдилар кўнглум қаро оҳиста-оҳиста.

Мударрис хизматига неча кун дарс айладим таҳсил,
Совуғ-иссиғ демай қилдим, жадал ҳеч айламай таътил,
Бўлуб мағрури илмим, хар кўрунди дийдама жоҳил,
Уқуб “Шамсия”ву³⁴⁹“Ҳошия”³⁵⁰дин гар айладим ҳосил,
Дедим, офатга бошлар бул ҳаво оҳиста-оҳиста,

Қочиб таҳсилдин бир неча кун касби ҳалол этдим,
Кириб бозор аро савдо учун жангу жадол этдим,
Иморат тоза айлаб, қадхудолиғни хаёл этдим,
Қилиб фарзанду зан жуҳҳоллардек жамъи мол этдим,
Бўлуб қоҳил, адом бўлди қазо оҳиста-оҳиста.

Талоқ этдим жаҳонни ҳирси ҳал эрмас маҳрам, деб,
Кулоҳу жанда кийдим, манга кулсун халқи олам, деб,
Кўшулдум ҳожиларга, бу эрур кирдори Адҳам, деб,
Гухарпош айладим бир нечаларни дийдаси нам, деб,
Алар кўз қилдилар манга ало оҳиста-оҳиста.

Ҳаёсизлар чиқиб, оламни вайрон этди ғавғоси,
Келадур ҳар тарафдин лўлидек савти алолоси,
Баҳовуддиндин ортуқ омийлар ичра таманноси,
Кимики сўхта бўлди, бўлмагай арзанча даъвоси,
Шукрдан бўлса не чиқмас садо оҳиста-оҳиста.

³⁴⁹ Шамсия – Фалсафага оид асар.

³⁵⁰ Ҳошия – Мантиқ илмига оид асар.

Қиёматда Сирот улким, бу дунёда шариатдур,
Шариатни кимики пос тутмас бетарикатдур,
Ҳама мўъминни билсанг обрўйи фарзу суннатдур,
Муҳаммад Мустафога кимки пайраб бўлди умматдур,
Нечуккимки, не торгар қаҳрабо оҳиста-оҳиста.

На давлатдур киши ҳамсуҳбати марди Худо бўлса,
Юролмас тўғри йўлда қайси аъмо беасо бўлса,
Азозил маркаб айлар, ким шариатдин жудо бўлса,
Етар мақсадга, гар қул хизмати шаҳга бажо бўлса,
Қилур иксир мисни кимиё оҳиста-оҳиста.

Қилиб андишайи Маҳшар, алиф қаддингни дол этгил,
Чиқарсанг ҳар нафасни охир умрунг хаёл этгил,
Қўнгулни боғлама дунёни бир лўли мисол этгил,
Топиб бир марди Ҳақ, Мухлис, бўлуб касби камол этгил,
Табиб айлар жароҳатга даво оҳиста-оҳиста.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Топар мақсудини ким қилса ёд оҳиста-оҳиста,
Чиқорур тифл мактабда савод оҳиста-оҳиста.

Кўрар субҳи саодатни, шаби зулматга сабр этган,
Бўлур қишдин баҳор иссиғ зиёд оҳиста-оҳиста .

Тузатса бир ниғаҳдин телбани ориф, ажаб эрмас,
Йўқолгай сувга тегса гирдибод оҳиста-оҳиста.

Кими меҳнатга собир бўлди, роҳатга етар охир,
Очар гул баргини боди мурод оҳиста-оҳиста,

Рам этгил мисли оҳу ром бўлма беҳирадларга,
Қилур муфсид сани аҳли фасод оҳиста-оҳиста.

(107) Қўшулма эътиқоди пастга, таъсир этар хўйи,
Сани ҳам этмасун каж эътиқод оҳиста-оҳиста.

Кўз очма аҳли дунё ганжиги истиза қил, Мухлис,
Қутулсанг аждаҳодин мунда шод оҳиста-оҳиста.

ҒАЗАЛИ МУСАДДАС

Ҳамди беҳад ул Ҳудованди Карими Акбари,
Холиқи Халлоқи халқ, Раззоқи баҳру бари,
Илмидин пўшида йўқ то Аршдин таҳт ас-сари,³⁵¹
Айлади бир нурни пайдо ҳамадин илгари,
Хоссаи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

Келмасайди бу жаҳонга то анингдек покзот,
Ким билурди ҳаққу ботил, қайсидур роҳи нажот,
Ҳақни билмай халқ бўлурди бандаи Лоту Манот,
Бизга мерос ўлди андин, шукрим, сувму салот,
Хоссаи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

Ё шафиъ ул- музнабийн, ё раҳматан лил - оламин,
Дарғаҳингда осию шарманда ман зору ҳазин,
Тутмасанг Маҳшар кун илкимни, аҳволим қийин,
Ҳечким вақти шафоат Ҳаққа йўқ сандин яқин.
Хоссаи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

Ё Расулаллоҳ, эрур амрингда нуқсоним вуфур,
Қайси бир айбимни изҳор айлайн, эй пок нур,
Бормадим равзанг сари хижлатдаман журмум кечур,
Умматим, деб тут қўлум, рад қилмагил явмун- нушур,
Хоссаи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

Жисминга жанги Уҳудда тегди захми беадад,
Кўб малоикни юборди Ҳақ санга баҳри мадад,
Сан дуоға қўл кўториб йиғлаб этдинг: «Ё аҳад»,
Бер бу гумраҳларга тавфику ҳидоят, қилма рад».
(108) Хоссаи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

³⁵¹ Таҳта ас-сари ёки саро – Ер ости.

Ҳилми покинга малаклар «офарин» деб ул замон,
Ёндилар Холик сари, арз эттилар, ё Мустаён,
Кўрмадукким, онидек пайғамбари равшан жанон,
Душманинга лутф этар, уматга бешаку гумон,
Хоссайи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил- оламин» охир замон пайғамбари.

Ер қизиб Маҳшар кунӣ хуршид бўлса безавол,
Бош қайнаб, тил тушуб тизга, қадам урмак маҳол,
Бандаларга етса ул соат инояти Зу-л-Жалол,
Мунташир бўлса ҳисобу номаву вазну савол,
Хоссайи Вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

Номалар қўлда ҳама музтар турур айлаб ибо,
Қаҳр ила «Иқро китобак»,³⁵² деб Худо қилди нидо,
Ота ўғулдин кечиб, безор бўлур қиздин ано,
Анбиёву авлиё Аҳмадга айлаб илтижо,
Хосаи вожиб таолодур халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин» охир замон пайғамбари.

Эй баҳаққи саййиди кавнин, хатмул анбиё,
Соҳиби меърож ҳам бадруд-дужо нурул худо,
Мухлисим, де қилмагил шармандаи рўзи жазо,
Йўқ мани шаҳаншоҳимдек хожаи ҳурду саро,
Хоссайи Вожиб таолосан халойиқ раҳбари,
«Раҳматан лил-оламин», охир замон пайғамбари.

Таммат ғазалиёти Мавлоно Мухлис ва йатлуҳо абёти шуароуз-замон
нас'алуллоҳо ан йувофиқана би-жамий-с-саъодати.

*(Мавлоно Мухлиснинг ғазалиёти тугади, энди замона шоирларининг шеърлари
шлова қилинади. Аллоҳ таолдан барчани саодатга эриштиришини сўраймиз).*

³⁵² Қуръони каримнинг "Исро" сураси 14-оятдан.

II – ҚИСМ ОБИД НАМАНҒОНИЙ ВА УНҒА ЗАМОНДОШ ШОИРЛАР

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

(Туркий дебоча)

Эй малоҳат гулшанининг гули раъноси в-эй назокат дарёсининг дури яктоси, в-эй хусн аҳлининг подшоҳи, в-эй бечора ошиқларнинг додхоҳи, в-эй маҳбубларнингтождори, в-эй зако'ат аҳлининг сардори, в-эй фатонат паноҳ, в-эй ҳашамат дастгоҳ, в-эй Эрам боғининг товуси хуш рафтори, в-эйхусн кишварининг шахсувори, в-эй назокат чаманининг гули, в-эй малоҳат бўстонининг булбули, в-эй ёри доно, в-эй маҳбуби бепарво, в-эй ёри азизим, в-эй дилбари ботамизим, султони аржумандим, в-эй марғуби жигарпайвандим, в-эй жондин азизим, в-эй шакардин лазиз, ширин сўзлук ва оҳу кўзлук.

Ул матлуби дилнавозимға ва ул маҳбуби чора созимға, ул қобилият бўстонининг булбулиға ва улфат риштасининг шероза бандиға ваул ошиқлар дилписандиға бул фақир, саропо таксири дилхаста ва кўнгли шикастадин ишқ кўйида ҳайрон ва муҳаббат бодиясида сарсон, ғуломи қадим ва дуоғўйи самимларидан ҳазор-ҳазор даъавот ва туман-туман таҳийёти беғоёт.

Хизмати шариф ва унсури латифлариға бу овони фурсат тав'амонда мавсул ва чунон равшан бўлсунки, марҳаматпаноҳо ва шафқатдастгоҳо бу дуоғўйи қадим ва бул эътиқод зовиясида муқим ва мустақим, ғуломивофирул-эътиқодлари сиз марҳаматли султонимға дилимдаги арзи аҳволимни баён қилиб, сиз киромийни дилимдаги ҳасратларимдин воқиф ва огоҳ қилсам, қандоғ бўлур эркан, деб ҳама вақт орзу қилур эрдим. Аммо, сиз жанобингиздин хавф ва ҳарос айлаб, арзи ҳол ва шарҳи мофи-л-болқилолмас эрдим. Бул сабабдин бағрим қон ва кўзларим гирён ва нолон эрди.

Эмди, ғариб жонимда тоқат қолмай, остонайи олийлариға бу аризани кўзум ёшини сиёҳи қилиб ёзиб равона қилдим.

Мақорими ахлоқ ва маросими иштиёқларидин умид булдурки, карампаноҳо, бу арзим манзури назари кимийе асарлари бўлуб, ҳоли зорим ва шўрида низорим жаноб футувватмоблариға маълум ва мубарҳан бўлғондан сўнгра, бул каминайи камтарин ва зарраи фуругарин ишқлари ўтида бирён ва алам, хиркати муҳаббатларида нолон бўлғон ғуломи ҳалқа бағўшлариға гоҳ-гоҳи илтифот қилиб, ғаму ҳижронларида муқаддар бўлғон кўнгли марҳамати хисравона ва илтифоти шоҳоналари сайқали бирлан мусаффо ва мужалло қилсалар, токи жанобингизга ажри бешумор ва савоби било инҳисор ҳосил бўлғой, омийн. Вассалому ва салаллоҳу 'ало ҳайри халқихи Муҳаммад ва олиҳи ва асҳобиҳи васаллам.

СОҲИБ ҒАЗАЛИ

Ман ғарибнишинни ман каби ғурбат нишон истар,
Йироқ ўлган ҳамиша дўстлардин бағри қон истар.

Кечарга айшу роҳатдин, қани, бизларга ҳиммат йўқ,
Вужудинг иксир ўлса, завқ ила аҳли жаҳон истар.

Кўлунгдин келса ҳаргиз яхшилиғни айлама зое,
Табиатлик кишилар суҳбати ширин забон истар.

Қаноатпеша бўлғил, эл аро иззатталаб бўлсанг,
Азиз ўлмас жаҳонда беқаноат ошу нон истар.

Ҳаводисдин барийдур гўшада сабр айлаган одам,
Машаққатлик совуғ-иссиғ кўрар, билгил, ҳаён истар.

Келиб оламаро ҳеч билмаган дунё вафосидин,
Тааллуқдин сиводур, эл аро бир имтиҳон истар.

Жаҳонга тўлди зулмат айта олмасдур дийда бийнолар,
Алам этган кишилар доимо оҳу фиғон истар.

Ўзин билган эранлар чиқти элдин тоғу саҳроға,
Халойиқ ўртасида эътибор ўлмоқнисон истар.

Ўшал «*Наҳну қасамно*»³⁵⁴байъат этган ишқ шоҳиға,
Бу дунёда дилида зарра йўқ суду зиён истар.

Амалсиз қолди Соҳиб кеча—кундуз нафс кўйида,
Кезиб ҳар кўчаву бозор аро итдек устухон истар.

³⁵⁴ Қуръони каримнинг “Зухруф” сураси 32-оятдан.

АДО ҒАЗАЛИ

Мингшўбон кўрсат, яди байзову³⁵⁵ Мусодин гапур,
Ояти «унзур шайка»³⁵⁶ Тури сино³⁵⁷ дингапур.

Равза деб кирдинг чаман базмида, эй Идрис сан,
Тубоижаннатни қўй, бу қадди болодин гапур.

Еру кўкда Хизру Исодин дема, юрсун тирик,
Ул лаби жонбахш ила ул хатти хузродингапур.

Ғарбдин чиқтинг қўёшдек фитнайи охир замон,
Чиқди ё индиму Маҳди-ю Масиҳодин гапур.

(117) Боға кирсак сумбулу гул бирла наргисдин узуб,
Зулф бирлан ул юзу ул чашми шахлодин гапир.

Уд ила анбарни сол мажмарга³⁵⁸ мажлисдин чиқар,
Истасанг хушбўйлик зулфи сумансодин гапур.

Ғарчи йўқсан воизу носих замона халқиға,
Ўтти дунё, эй Адо, сан эмди уқбодингапур.

КАМИЙ НАМАНГОНИЙ ҒАЗАЛИ

Қаю гулчехра ёди бирла афғон этдинг, эй булбул,
Ҳазин овоз ила дийдамни гирён этдинг, эй булбул.

Қафасдек тийри оҳинг бирла сийнам чок-чок айлаб,
Навои дарднокинг-ла дилим кон этдинг, эй булбул.

Сани бу навъ қайси гунчалаб нолон этиб қўйди,
Манингдек сўзларингга шарҳи ҳижрон этдинг, эй булбул.

Таронангдан сани қумри-ю тўти гунгу лол ўлди,
Бори қушларни овозингга ҳайрон этдинг, эй булбул

³⁵⁵ Яди байзо – Мусо пайгамбар қўлига ишора.

³⁵⁶ Куръони каримнинг “Аъроф” сураси 143-оятнда.

³⁵⁷ Тури сино – Арабистондаги Тур тоғи. Бу ерда исломий маросимлар ўтказилади.

³⁵⁸ Мажмар – уд ва анбар солиб тутатиладиган идиш.

Агар бир гул фироқи бирла нолон ўлсанг нечун,
Вужудунг бўйла хокистарга пинҳон этдинг, эй булбул.

Камолингдур му'ассир асру рухафзо магар дилга,
Хушалхон қорилардек ҳифзи Куръон этдинг, эй булбул.

Муаззиндек чекиб ун хоби гафлатдин қилиб бедор,
Санга раҳмат мани ҳам субҳхезон этдинг, эй булбул.

Замондин санга офат етмасун, умрунг дароз ўлсун,
Маконимизни савтинг-ла гулистон этдинг, эй булбул.

Камий бечорадек шому саҳарлар тинмайин ҳар дам,
На савдо бирла ўзни зору ҳайрон этдинг, эй булбул.

ФАЗЛИЙ АФА АНХУ НАМАНГОНИЙ

Эй сабо, кел боғ аро, кўрган тамошодин гапур,
Сарв ила гулдин дема, ул саври раънодин гапур.

Пиставу бодомдин дам урмагил, эй боғбон,
Ул лаби хандон ила ул чашми шахлодингапур.

Топсанг, эй шайдо кўнгул, ногаҳ ани кўйига йўл,
Ул пари олдида бул мажнуни шайдодин гапир.

Ёр зулфидин гирих очмоқ хунардур, эй насим,
Нуктадонлар ичра бу мушкул муаммодингапур.

Зухд таърифини қил, зоҳидга бўлсанг ҳамнишин,
Риндлар базмида соғар бирла мийнодин гапур.

Худнамолиғдин мукаддардур кўнгул, эй майфуруш
Урма дам ойнадин, жоми мусаффодин гапур.

Эй мударрис, ишқ дарсини раумузидур дақийк,
Мухтасар қил ушбу сўзни шарҳи осодин гапур.

(118) Сўзла, эй Фазлий, Умар Султони шукуху адлидин,
Ман қачон айдим Сикандар бирла Дародин гапур.

ҒАЗАЛИ КАМИЙ АФА АНҲУ-Л-ХАФИЙ

Тут ғанимат пиёла, эйсоқий,
Ўтмасун даври лола, эй соқий.

Айлайн гул юзингни ҳасратида,
Тобакай оху нола, эй соқий.

Орзуи баҳори ҳуснингла,
Кўз ёшим мисли жола, эй соқий.

Оразинг даврида хатинг гўё,
Моҳ гирдида ҳола, эй соқий.

Кўрмадим ман жаҳон аносидин,
Сен каби яхши бола, эй соқий.

Ишрат аҳлини жони фидо бўлсун,
Кўйма жангу жидола, эй соқий.

Илтимосим будурки, тутма кулоқ,
Ҳар нечук қилу қола, эй соқий.

Камий махмура журъан келтур,
Ет, Илоҳо, камола, эй соқий.

КЎҲИЙ ҒАЗАЛИ

Жилва қилма, жон ука, жоним ука, жон куймасун,
Жон тушгач ахгарина жисми урён куймасун.

Куйса куйсун жону тан, хоки раҳингга арзимас,
Икки оламда кераклик нури иймон куймасун.

Солма ҳуснунг шуъласини суйи гардун рамз ила,
Рашк этиб рухсоринга хуршиди тобон куймасун.

НОДИР ҒАЗАЛИ

Топди кўнгул ҳусн аро мижгонидин озорлар,
Тирнади булбул оёғини чаманда хорлар.

Ишқ асрорини то ўлгунча изҳор айлама,
Бу жаҳон ичра топилмас маҳрами асрорлар.

Жисм қайдидин ўзунг ол ишқ та'йиди ила,
Ким, йиқилғой бошинга ушбу бузук деворлар.

Лаълини кайфиятидин масту беҳудман мудом,
Айласам девоналиғ маъзур, эйҳушёрлар.

Йўқ ажаб гар олса ул кофир улус иймонини,
Ости зулфи куфри бирла бўйниға зуннорлар.

Ҳар тарафдин ишқ аҳлиға жунун этти фузун,
Билмадимким, на эрур бўйнидағи зуннорлар.

Тушти олам ичра Маҳшар шўри янглиғ рустахез,
Этти *Нодир* элга ҳижрон дардидин гуфторлар.

НОДИР ҒАЗАЛИ

Кўнгулға солгон ўт ҳажр ичра хуршиди жаҳонимдур,
Чиқаргон дуди оҳим қомати сарвиравонимдур.

Чаманда англама гул ишқида булбул қилур нола,
Саҳар ул гулжабин ҳажри аро этган фиғонимдур.

Такаллумдин лаби жисмим ўтиға бўлса рухафзо,
Масиходек қуёш айвони анга ошёнимдур.

Чаман ичра эмас гуллар биёбонлар узра лола,
Юзи ҳижронида кўздинтўкулган ерга қонимдур.

Замона шайхини афъолидин битган балолардин,
Манга майхона саҳни гўшаси дорул-амонимдур.

Қаронғу англама оламда, Нодир, шом дайжурин,
Чиқаргон дуд ҳар тун чарх уза сўзи ниҳонимдур.

НОДИР ҒАЗАЛИ

(121) Ани гул оразига жон куши зор ўлди ўхшайдур,
Кўнгул зулфини домига гирифтор ўлди ўхшайдур.

Неча кун офият гулзори ичра эрди оромим,
Мани расвойи олам айлаган ёр ўлди ўхшайдур.

Кўруб гулшанда шахло кўзларини жилва чоғинда,
Хижолат бирла наргис кўзи бемор ўлди ўхшайдур.

Тириклик топти аччиғлик висолидин бўлуб маҳрум,
Гузори ҳолатим ҳажр ичра душвор ўлди ўхшайдур.

Мани худ, эй мусулмонлар, фироқи рашк ўлтурди,
Ракиблар базмига ул шўх майхор ўлди ўхшайдур.

Ададсиз жон куши ҳар ён осилмиш тори зулфига,
Анинг ҳар турраси тасхири туммор ўлди ўхшайдур.

Уруж этти фалакка баски, Нодир, кўнглидин афғон,
Магар ҳижрон ғамидин эмди гуфтор ўлди ўхшайдур.

НОДИР ҒАЗАЛИ

Саҳар вақтида кўнгул кушларига ёр келгайму,
Юзини бодадин гулгун этиб дилдор келгайму.

Муҳаббат розини агёрлардин айладим маҳфий,
Хаёлим маҳфилига маҳрами асрор келгайму.

Бузулди жисм қасри, кўз ёшим тўфони мавжидин,
Тузарга санъат ичра Нуҳдек меъмор келгайму.

Фироқ ўтида ғам хайли кўнгулни айлади торож,
Иложига лабидин бодайи саршор келгайму.

Қизил қон айлади аъзоларимни хори ҳижрони,
Бошимга сўрғали ҳолимни гулрухсор келгайму.

Кўзумни гарди роҳи сурма янглиғ айлагай равшан,
Самандин ўйнатиб, жавлон этиб якбор келгайму.

Бошимга шўриши савдойи ишқ айлади голиб,
Димоғимга шамими хатти анбарборкелгайму.

Сўзи, бошдин оёғи гул исидек эрди рухафзо,
Жаҳон мулкига Нодир назмидек гуфтор келгайму.

ХОДИМИЙ МУХАММАСИ

(122) Манга, эй ҳамнишинлар, боғу саҳродин гапирманглар,
Хуш ўлмас хотирим асло тамошодин гапирманглар,
Муҳаббат аҳлига фирдавси аълодин гапирманглар,
Манга ғайр аз каломи Юсуфосодин гапирманглар,
Юсуфбегимдин ўзга сарви раънодин гапирманглар.

Бўлубман ул парирўнинг асири чашми фаттони,
Оқар шавқи жамоли бирла доим дийданинг қони,
Ажаб ҳола тушубман, йўқтур эмди сихҳат имкони,
Мани дардимға лаъли нобидин йўқ ўзга дармони,
Маризи ишқман, фикри атиббодин гапирманглар

Нечук вақтим хуш ўлсун сайр айлаб дашту саҳрони,
Замоне кўрмасам тоқат қилолмам ул дилорони,
Кўнгул топмас ани кўйидин ўзга ҳеч маъвони,
Манга таклиф айлаб васф қилманг Поча отони,
Нигорим кўйидин ўзга таманнодин гапирманглар.

Фазойи кўйи ёрим ёстанурга такагоҳимдур,
Сурури қалб ҳосил қилмоқға ҳам сайргоҳимдур,
Бу йўлда содиқамким, кўз ёшим одил гувоҳимдур,
Бўлак манзилга бормам ушбу манзил табъхоҳимдур,
Манга таъриф айлаб тоғу саҳродин гапирманглар.

Хуш ўлғой хотирим кўрсам жамоли ёрни ҳар кун,
Зиёрат айласам ҳар лаҳза ул дилдорни ҳар кун,
Тавоф этсам ҳамиша ул шакаргуфторни ҳар кун,
Фараҳ ҳосил бўлур кўрсам чаманрухсорни ҳар кун,
Сафар борсам кўролмайман бу савдодин гапирманглар.

Мани Поча атову сайргоҳим ёр дўкони,
Тунаб, мақсад талаб қилмоққа басдур кўйи жонони,
Сафойи қалб ҳосил қилғусидур рўйи тобони,
Ҳазорон мурдаға жон бергусидур лаъли хандони,
Камина Ходимийга нутқи Исодин гапирманглар.

МАВЛОНО ШАВҚИЙ

(127) Умид этмак вафо ҳар сифлалардин айни нодонлиғ,
Деса бўлғой топилмос аҳди ёлғонларда инсонлиғ.

Вафо аҳдинга айла, қўл ила феълингда содик бўл,
Мунофиқлик нишонидур кишида аҳди ёлғонлиғ.

Ҳар иш айларда аввал эҳтиёт айлаб тафаккур қил,
Қўлунгдин ўтса вақти сўнгра суд этмас пушаймонлиғ.

Бу фоний дунёдин ғамсиз кетарни йўқтур имкони,
Бўлур ҳар кимсани таъбига боқсанг бир паришонлиғ.

Қалам ёзган қадардин саъй ила ўтмак маҳол ўлғой,
Нигин тутмоқ била ҳар кимса топгайму Сулаймонлиғ.

Дилингни рост тутгил, зохиру ботинда сувдек бўл,
Аё, Шавқий, будур фаҳм айласанг расми мусулмонлиғ

МАВЛОНО МАЖЗУБ

Кўрайи ишқ ўтиға чўмғон самандарман бугун,
Жону дилни Ҳақга топшурган қаландарман бугун.

Пок Тангриға тазарруъ йўқ кўнгул тан мулкида,
Бесипосам жоҳу ҳашмат бир Сикандарман бугун.

Ҳажр водийси бало майдони сигмай қўйдиму,
Барқ урғон қуш каби беболу бепарман бугун.

Кирдим, эй ҳодий, йўлингга, сан ўзунг бошқармасанг,
Беадад бор тўскучи, бу йўлда музтарман бугун.

Дайр пири, бода ичсанг, зарра майдин манга от,
Остонанг туфроғи бирла баробарман бугун.

Муғбача, бўлай нисоринг бир қадах сунғил манга,
Май хуморидин чу атши рўзи Маҳшарман бугун.

Зоҳиду обид вафо арбобининг бўл ходими,
Бу маза хосиятидин мис эдим, зарман бугун.

Соқиё, май базмида бу бенавони йўқлагил,
Давр элини итлари бирла баробарман бугун.

Осийларни оқсақоли ҳам бузуқларнинг беки,
Ол қўлум, ё Раб, ёмон муҳибга сарварман бугун.

Қозий ул-ҳожот,³⁵⁹ еткур Каъбатуллоҳга мани,
Интизори равзайи шоҳи пайғамбарман бугун.

Ҳазрат Аҳмадга салоту салом ҳам олиға,
Раббано, биздин юбор бу тухфа изларман бугун.

Ҳазрати Бу Бакру Умар, Усмон, Алийни ходими,
Дўст тутқонлар ғуломи, доғи чокарман бугун.

Гарчи Мажзубинг ёмонларнинг ёмонидин эса,
Шукриллиллаҳ, толиби яхши эранларман бугун.

ҚУҲИЙ МУҲАММАСИ

Дариг этма, нигоро, илтифотинг бенаволардин,
Хусусан, манн каби ғамбода маҳзун мубталолардин,
Сани суйгач жаҳонда жумлайи нозук адолардин,
Магар кўйинг фазоси юз ўгурдум муддаолардин,
Шаҳаншаҳларга лозимдур хабар олмоқ гадолардин.

Ётурман кунжи ғамда хор аро монандайи Мажнун,
Фироқи рўйинг ила қоматим ҳам, кўз ёшим Жайхун,
Чу маҳфил неча ёндим ҳажр водийсида гуногун,
Жазойи ҳар кишиким, норасоға ошно бўлсун,
Бари мандан эди тонг қушлари чеккан наволардин.

³⁵⁹ Қозий ул-ҳожот – хожатларни чиқарувчи кози, яъни Аллоҳ.

Юзунг жаннат, кадинг гул, лабларинг лаъл, тишларинг гавҳар,
Забонинг дурр сочар вақти такаллумайману айсар,
Эрур мулзам ҳамиша хулқу хўйингдин парирўлар.
Сочинг савдосидин тушти жаҳона шўриши Маҳшар,
Бихамдиллоҳ, кутулдум бу сабаб ўзга балолардин.

Кўнгулда туну кун андишайи майгун узорингдур,
Кўзум мардумлари ҳам чун йўлунгда интизорингдур,
Ки, мандек бенаводан сад ҳазорон дилфигорингдур,
Карам айлаб кела кўр, дайр аро жонлар нисорингдур,
На деб уздинг қадамни биз туран меҳнатсаролардин.

Кўранда рангу рўйум, билса бўлгай ўзгадур ҳолим,
На муддатларни айтай, бу равиш кечти маҳу солим,
Агар сан сўрмасанг, ким сўргусидур заъфи аҳволим,
Вужудим зеру по қилди бу йўлда шўр иқболим,
Етолмай манзили мақсуда қолдим ошнолардин.

Нигоро, бок эмасдур ошиқа бадназар қилмоқ,
Раво йўқтур фироқ ила ҳамиша дийда тар қилмоқ,
На хуш эрди ўшал кунларки, нозу ғамзалар қилмоқ,
Таажжуб бўлди сандин бизни мундоқ дарбадар қилмоқ,
Қабул этмас бирин тобора қилгон илтижолардин.

Висолинг ёди бирла ҳарза, ҳарза ўртанур жоним,
Фигон этмай турарга лаҳза йўқтур сабру сомоним,
Жаҳонда ҳолига раҳм этмасанг Юсуфи давроним,
Ўларман оқибат дарди ғамингдин қолғой армоним,
Етургил рухима шафқат қилиб яхши дуолардин.

Ҳама ишда неку бўлғой некулар феълу атвори,
Ажойиб хўбрўлар ишқ элиға жабру озори,
Зиҳи, нисбат қолибдур санга ҳам, жоно, алар кори,
Етар кўҳи қўлунгни кўк сарига нолаву зори,
Агар чандики, бўлса халқ ичинда порсолардин.

МУХАММАСИ ОБИД БАР ҒАЗАЛИ СОЛИҲ

(130)Эй қалам, кўздин равон эт ашки жавҳарвори файз,
То намоён айласун бу боғ аро гулзори файз,
Чун машоми халқа етгай нофайи аттори файз,
Ҳамди «*фаттоҳул-қулуби воҳибул-асрори*»³⁶⁰ файз,
Дилни Аршуллоҳ қилиб, партав солиб дийдори файз.

Сониъи арзу само, халлоқи олам³⁶¹ додгар,
Халқ килди қудратидин дашту сахро бахру бар,
Қилди пайдо Аршу фарш, пасту боло, хўшқу тар,
Ўн саккиз минг олам ижод этти ашқол сувар,
Мухталаф алвон этиб ҳар сунъи бир асрори файз.

Қудратини токи оламда намоён айлади,
Бир тажаллий бирла чандон боғу бўстон айлади,
Ерни ишратгоҳи ҳар ҳайвону инсон айлади,
Чархни етти қилиб, ишқида гардон айлади,
Ҳам муаллақ бестун чун гумбази даввори файз.

Ўзга шаҳлардан музайян айлади тожи Расул,
Айлади хилқатда яксар элни мухтожи Расул,
Салтанатда жумла шаҳлар бердилар божи Расул,
Арши Курси тахти маснадгоҳи Меърожи Расул,
Айлабон саккиз беҳишти қаср чун гулзори файз.

Чунки сайр этти шаби Меърож маҳбуби Жалил,
Ул сафарда эрди ҳамроҳ тариқи Жабраил,
Ул кеча кўрди фаровон лутфу аътойи жазил,
Сидра, Тубо, тўрт дарё занжабилу салсабил,
Баҳри ҳайвон ҳавзи Кавсар «*тахтҳа-л-анҳор*»и³⁶² файз.

Улки оёти камолидур замину осмон,
Ҳусн сунъига мазохирдур мароёйи жаҳон,
Токи амридин падидор айлади кавну макон,
Беадад сонсиз малоик тўртин айлаб ҳукмрон,
Суар ризқ қабзи жон руҳул оламин сардор файз.

³⁶⁰ Маъноси: "Қалбларни очувчи ва сирларни ҳада этувчининг ҳамди".

³⁶¹ Маъноси: "Еру Осмонни яратувчиси ва оламни пайдо қилувчи".

³⁶² Тахтҳа-л-анҳор – анҳорнинг таги. Оят.

Қилди изҳори санойиъ ул Худойи додгар,
Айлади ҳусни камолин бу жаҳонда жилвагар,
Қилголи аҳли назарни қудратидин бохабар,
Осмон барпо қилиб, равшан этиб Шамсу Қамар,
Суру ризку қабзи жон Рух ул-амин сардори файз.

(131) Қилди пайдо бу ҳама ашғни «нун»у «коф»³⁶³ ила,
Айлади инсонни мамнун беадад алтоф ила,
Берди зийнат осмонларни нужумип соф ила,
Етти қат ерни васиъ айлаб мудаввар қоф ила,
Сўнгра атрофин муҳит этти гавҳари ийсор файз.

Дийдаи ибратни очгил ул Худойи Зу-л-Жалол
Айлади ҳар зарраи оламда изҳори камол,
Зоҳир этти боғу бўстонларни *Ҳайи ло язол*,
Ҳам яна дашту жазоир бешаву дарё, жибол,
Ўртасини рубъи маскун³⁶⁴ этти ҳикматдори файз.

Айлади катми ‘адамдин’³⁶⁵ жумла ашғни бино,
Бўлди ҳар шай васфи маҳсус ила бир-бирдин жудо.
Тобти оройиш малонк зумраси бирла само,
Лек Одам бирла зийнат тобти бу дорул - фано,
Сарвари олам Сафийуллоҳ бўлуб сардори файз.

Чунки Одамни яратти ул Худойи ло йаном,
Эрди манзилгоҳи они равзайи дорус-салом,
Чунки исён этти, тутти ушбу дунёда мақом,
Бул башар авлоди олам ичра тўлди, эй киром,
Авлиёву анбиё инсонун нисёнкори файз.

Ул Муҳаммад мазҳари анвори олий мартабат,
Келди оламға бўлуб мавсуф минг неку сифат,
Бўлди раҳмат бирла мамлу жумла олам қат-бақат,
Олами афлок, амкон, ғарбу шарку шишжиҳат,
Арсайи рўйи замин то пушtimoҳийбори файз.

³⁶³ Бу ерда Аллоҳ оламни “хун” сўзи орқали ясаганига ишора.

³⁶⁴ Рубъи маскун – дунёнинг одамлар яшайдиган чорак қисми.

³⁶⁵ Катми адам – йуқлик кўйиндан.

Кимки сурса остони шоҳ Аҳмадга жабин,
Бўлғуси жаннат гулистонида анга ҳамнишин,
Ҳар кишиким, бўлса тавфиқи Худойимға қарийн,
Анга боис бўлди нури раҳматан лил-оламин,
Чун яратти нури поки Аҳмади Мухтори файз.

Олам ичра токи келди ул Расули бебадал,
Бўлди мансух они динидин ҳама дини милал,
Хотамийатмаснадида тобти мулки бехалал,
Анбиё хайлига султон этти Файёзи азал,
Соҳиби Меърож «ав адно»ға ҳам асрори файз.

Ҳеч кимга етмаган давлатлара восил бўлуб,
Икки оламда жамиъи мақсади ҳосил бўлуб,
Сураи «Тоҳо»ни авсофига дохил бўлуб,
Сураи «Ва-ш-шамс» кулл рухсориға нозил бўлуб,
Ояти «Ва-л-лайл» васфи зулфи анбарбори файз.

Қил назар ул мазҳари нури Ҳақ истиғносиға,
Солмади кўз мулки дунё бирла мофийҳосиға,
Ҳужжати қатъиси бордур жумлаи даъвосиға,
Англа«Ва-н-шақ ал қамар» мўъжазнамо имосиға,
Икки пора бўлди ул дам моҳи анвори файз.

Ул гули боғи худо бўлди хуш ила очила,
Жумлани қилди муаттар даҳр боғина кела,
Макка саҳросида эрди бир кун асҳоби била,
Сусмору оҳуйи саҳро фасиҳ алфоз ила,
Арзи ҳол этти, ижобат қилди хушгуфтори файз.

Ҳар куни минбарда ул сарвар гуҳарафшон бўлуб,
Хутба оғоз этти минг лутфу карам сомон бўлуб,
Бул ажабким, ёшларин тўкти базе гирён бўлуб,
Ул стунни хурмо жудолиқ дардидин нолон бўлуб,
Сан ҳам уммат бўлсанг андоғ йиғла, эйхушёри фарз.

Муъжизоти муддаосин халқаро тасрих этиб,
Рутбаи жоҳи рисолатни анга тасхиҳ этиб,
Моҳ бурҳонин ҳама офоқ аро талвиҳ этиб,
Илки покида ушоқ тошлар сано тасбеҳ этиб,
Ҳам таому лукма зикр айтиб дуруд ийсори файз.

Ҳақ таолога дегил шому саҳар ҳамду сано,
Ҳамди Халлоқи аҳаддур барча иллатга даво,
Кимки ҳамд айтур бўлур мақбули даргоҳи Худо,
Баъда ҳамди Кибриё наъти Расули Мустафо,
Манқабат авлоди пок, сўнгра васфи чори файз.

Жумла асҳобидур муъмин элига дастгир,
Ҳар бири авжи ҳидоят узрадур моҳи мунир,
Барча саййиддур кишвари дину диёнатга амир,
Афзали асҳоби Сиддики Худо, соҳиб сарир,
Муниси Аҳмад, румузи “изҳумо фи-л-гор”ифайз.

Кимки келтурса аларнинг ша’нига зарра шаки,
Бўлғуси ул нокас охирда жаҳаннамнинг саки,
Бўлмасун ул зотларга дилда шакинг андаки,
Бил учунчи ёр Зи-н-нурайн Усмон закий,
Соҳиби ҳилму ҳаё мажмуан асрори файз.

Чунки ул уч мазҳари лутфу карам, кони ато,
Топтилар дорус-сурури боғи жаннат ичра жо,
Берди жон ила ривожни дини хатми анбиё,
Сўнгра султони сахий, шоҳи шижоат Муртазо,
“Ло фато илло Алий”дур Ҳайдари каррори файз.

Ул ики наврас ниҳоли бўстони Муртазо,
Ноку нори боғи раҳмат, мевайи шоҳи вафо,
Жавҳари ойинаи сидқу сафо, лутфу ато,
Қуррат ул- айнайни Заҳро, нури чашми Мустафо,
Бил Ҳасан бирла Ҳусайн лолагули рухсори файз.

Обидо, шукр этки, Ҳақ санга иноят айлади,
Мустафо наътига табъингни далолат айлади,
Қилмади қавми дигардин, аҳли суннат айлади,
Ё ибодий, деди Ҳақ, Аҳмадга уммат айлади,
Ҳаста Солиҳ, тут тариқи Саййиди аброри файз.

МУХАММАСИ ЗАЛУЛИЙ БАР ҒАЗАЛИ ХИЛВАТИЙ

Вужуди хорижий гар гамда бўлса, ман ўшандандур,
Бу ғамлар бир париваш дилбари нозикбадандандур.
Дема булбул навоси, гулшан ичра нола мандандур,
Бу барно нозанини билмадим қайси ватандандур,
Паризоди Эрамдандур, сияҳ чашми Хўтандандур.

Зиҳи, фориғ эмас эрдим висолин жустужўидин,
Паёми келмаюб ҳайрон эдим ул шаҳ Расулидин,
Тараҳҳум бирла худ келди очиб бурқаъни рўйидин,
Кўнгуллар ғунчаси гулгун очилди рангу бўйидин.
Бу гул билмам қаю гулшандану қайси чамандандур.

Ёронлар, манга бу ғам ул париваш соридин билгил,
Хумори зору ҳайронлик шакаргуфторидин билгил,
Бу беҳудлиғ манга ул маҳлиқо озоридин билгил,
Ўшал маҳваш парини партави рухсоридин билгил,
Бу маҳфил ичра равшанлик на шамъу на лагандандур.

Ғамингни лангаридин қоматим бўлмиш мисоли нун,
Кўнгуллар таҳ-батаҳ бўлди қизил гул ғунчасидек хун,
Десам, танҳо жаҳонда ошиқингдурман, ўзум акнун,
Биров расво, бирав шайдо, бирав мажнун, бирав махзун,
Дема бир ўзга дилбардин ҳама, эй ёр, сандандур.

(134) Таним беқуввату беҳол ўлуб кўзумни намлиғи,
Неча мандин бўлақлар ҳам гадойи мухташамлиғи
Ишим оху, кўтарған юкларим дарди аламлиғи,
Юзум сариглиғи, сочим оқи, қаддимнинг хамлиғи,
Ўшал гулрўйи сумбул соч, қадди сарву сумандандур.

Мани дилхастасиға мунча ҳам нозу димоғ этти,
Кўнгул ойинасиға зулмидин юз доғ-доғ этти,
Рақиби рўсиёларни бу ғамлардин фароғ этти,
Тун ул гулрух ёзиб сумбул сочини сайри боғ этти,
Тамоми рангу бў андин на боғу на чамандандур.

Аламлар манга, жоно, рақибга шафқатингдандур,
Аларга лутф ила эҳсонлар айлаб рағбатингдандур,
Карам қилсанг манам бир зор аҳли ғурбатингдандур,
Йиғим дарди гамингдандур, фигоним фурқатингдандур,
На фикри молу на зардандур на фарзанду на зандандур.

Бўлуб эрди муяссар ман гадоға васл хангоми,
Келиб эрди мани кулбам сари ишратнинг айёми,
Тутуб зулфини ўйнаб ўлтурурди ул неку номи,
Дедим: “Бу ҳалқайи гесуларингму ё бало доми?”
Деди: “Ушшоқлар кўнглини банд этган расандандур”.

Бу кеча келган эрди ул парирўй, малак сиймо,
Висолиға қилиб маҳзун кўнгулни волаву шайдо,
Дедим, доим сани деб бу Залулий оҳ урар, жоно,
Сани деб Хилватий гоҳи қиморбозу гаҳи расво,
Гаҳи банги, гаҳи гўлаҳнишин, гоҳи чафандандур.

МУҲАММАСИ МАҲЗУН БАР ҒАЗАЛИ НАВОИЙ

Зиҳи, қуёш жамолинга меҳр ўлуб хуффош,
Хироминга етушолмай қамар юзида харош,
Муҳалли сурмаи “*мозог*” санга кўз ила қош,
На янглиғ айлади тасвири оразинг наққош,
Ки, наътинг айғали айлар кўнгул тил ила талош,

Улусга ман шаҳу шаҳлар сипаҳ, танг эрмаским,
Нубувват аҳли санга хокраҳ танг эрмаским,
“*Ра’айту Раббий*”³⁶⁶ зиҳи мартаба(х) танг эрмаским,
Кўюнгда бўлса супурги миҷжа(х) танг эрмаским,
Йўлунгда шаҳпар ила Жибрил эди фаррош.

(136) Зиҳи шаҳеки, кўрди очиб канзи Ҳақ бобин,
Они баёнига очмай шакарафшон нобин,
Риёзат авжида қилди ҳилол маҳтобин,
Белига боғлади маҳкам қаноат асбобин,
Пайғамбар очлиғидин воқиф ўлмасун деб тош.

³⁶⁶ “Раббимни кўрдим” маъносида.

Сан ул тунеки, Худо қурбига хиром ўлдинг,
Мақоми қурбатинг ошти ба эҳтиром ўлдинг,
Ҳарам саройида Ҳақ бирлан ҳамкалом ўлдинг,
Пайгамбар аҳлига Ақсодаким имом ўлдинг,
Алар кавокиб эдилар, сен эрдинг анда куёш.

Жаҳонга келмади сандек шаҳи улу-л-азамат,
Малоик олдингга чокар бўлуб қилиб хизмат,
Бу олий мартаба бирла чекиб гаму меҳнат,
Фалаклар узра чиқиб йиглабон деди: “Уммат”,
Отингни босган изига тасаддуқ ўлсун бош.

Муҳаммад арабий ёлбориб Худога боқиб,
Қулига гесуйи шафқат олиб, ризога боқиб,
Улусга марҳамат айлаб раҳи нажога боқиб,
Ҳамиша йиғлар эрди уч Кибриёга боқиб,
Бу осий уммат учун кўзларидин оқиб ёш.

Азалда кўзки зотингга Ҳақ жило берди,
Сифоти важҳи малиҳингга “Ва-з-Зухро” берди,
Бошингга афсари “Лавлок” дин ливо берди,
Бу жоху салтанатниким санга Худо берди,
Ҳижозу гайри Ҳижоз ичра йўқ санга ўхшош.

Кўнгулни икки жаҳондин йўлунгга айлаб сард,
Хаёли кўйингга Маҳзун бўлубдур охи навард,
Ҳарам ҳақида ҳараминга айла меҳрим фард,
Кўйингда ўлди Навоий бу доғи муҳлик дард,
Ул ойни суҳбатини топқон эрсам эрди кош.

МИСРИЙ ҒАЗАЛИ

Дилида ошнолик бўлса, жонон бир келиб кетсун,
Мақонимга кийикдек торикистон бир келиб кетсун.

Сабо айғил агар борсанг ўшал дилдоринг ўлди, деб,
Жанозам вақти ўтмай, кутби даврон бир келиб кетсун.

Манга ул бемурувват ғуссаву ғамни нишон этти,
Азалги меҳрибоним, нури иймон бир келиб кетсун.

(137) Эрам бўстонида товуси хушқомат хиром айлаб,
Сабо, албатта айғил, хуру гилмон бир келиб кетсун.

Гадолар ҳолига раҳм айламоқға ўзгадан йўқтур,
Ўшал маснаднишин, албатта, султон бир келиб кетсун.

Паришон зулфини ҳар ён солиб, мардумни дом айлаб,
Қилиб ширин такаллум ғунча хандон бир келиб кетсун.

Азоби кулфати ҳижрону ғурбатга дучор этмай,
Висолин ташнаси Мисрийга жонон бир келиб кетсун.

ФУРҚАТ МУХАММАСИ

Бир дам ўлтур, тугмаларни ечмасанг ҳам майлига,
Бир пиёла чой тутдум, ичмасанг ҳам майлига,
Мен узулмам гарчи сан лутф этмасанг ҳам майлига,
Бандаи бечора журмин ўтмасанг ҳам майлига,
Йил ўтуб ҳаргиз отимни тутмасанг ҳам майлига.

Кеча-кундуз фикру зикримсан ҳаёлим, эй ҳабиб,
Сандин ўзга ишқ бемориға йўқ ҳозиқ табиб,
Кеч гуноҳимни, карамдин соғиниб ўлдум қариб,
Душманам бирла юрур тоқайғача мандин безиб,
Бир сани кўрсам, мани сан кўрмасанг ҳам майлига.

(139) Эй, омон бўл, келмасанг ҳам соғман, хоҳи касал,
Заҳри ҳижронинг мазоқимга тотур канду асал,
Йўқла, хоҳи йўқлама, минбаъд вақти бемаҳал,

Сан эсон бўлсанг, саломат мангадур давлат ўшал,
Гарчи беморинг эрурман сўрмасанг ҳам майлига.

Арзи ҳол айтай, эшит, эй Юсуфи гулпираҳан,
Чун Зулайҳо козасидек йўлунг устида ватан,
Шавқи дийдоринг кифоя манга то жон дар бадан,
Ҳусн мулкин шоҳисан, бўлдим гадойинг шукр ман,
Кулларингни дафтариға битмасанг ҳам майлига.

Бўлмайин дерман Хўқандда то сани кўрмай тирик,
Келмас уйку кечалар бўйнингга қўл солмай тирик,
Топмасам васлингни то ман борибон топмай тирик,
Ур пичоқ, ўлтур уруб, кўксумғаким қолмай тирик,
Кўз юмай сўнгра кўчамдин ўтмасанг ҳам майлига.

Мубталолар тарфиға, эй маҳлиқо, зебо санам,
На бўлур, на кечти аҳволинг, дебон қўйсанг қадам,
Жону тан чун мўй эрур ҳам дийдаи пурхун алам,
Чора қил гоҳи бу дарди бедавоға дам-бадам,
Фурқатий бемор деб яндошмасанг ҳам майлига.

ФУРҚАТ ҲАЗАЛИ

Нигоро, дилнавозим, доғи ҳижрон айладинг кеттинг,
Фироқинг ўтиға бағримни сўзон айладинг кеттинг.

Қадингни жилва пийро қилдинг эрса ҳури жаннатдек,
Ҳамани қумридек ҳасратда нолон айладинг кеттинг.

Асири ишқ ўлғонлар ҳамамиз йиғлашиб қолдик,
Мунигдек ҳасрати ғам ичра ҳайрон айладинг кеттинг.

Намоён айлабон ҳолинг юракға доғлар қўйдинг,
Сан азми ҳазрати тахти Сулаймон айладинг кеттинг.

Табассум айладинг гулдек, такаллум айлабон ул кун,
Мисоли ғунчадек бағрим тўла қон айладинг кеттинг.

Сафар қилдинг, шаҳаншоҳим, шукуҳи салтанат бирла,
Қулинг Фурқатни бу ғурбатда нолон айладинг кеттинг.

МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИ

(140) Ё Раб, ул ой ҳажрида афгон қачонгача,
Доим эшитмас ул шаҳи хўбон қачонгача.

Ёттим йўлида гулхан этиб фурқат ўтидин,
Бокмай ўтар манинг сари жонон қачонгача.

Ошиқлара тазаллуму жавру жафоларинг,
Ағёр элига лутф ила эҳсон қачонгача.

Яъкубвор ҳасратида тўкти қон кўзум,
Билмас бу сирни Юсуфи Канъон қачонгача.

Заъф ўлди жисми зорим, сўрмас келиб нигор,
Қилмас табиб дардима дармон қачонгача.

Арз айлагил умид ила ҳолингни, эй Муқим,
Раҳм айламас гадосиға султон қачонгача.

ОБИД (НАМАНГОНИЙ) ҒАЗАЛИ

Ушшоқларга нозу таманно қачонгача,
Солмак бошига шўриши савдо қачонгача.

Бегоналарни шод қилур кўнглида мудом,
Минг лутфу марҳамат била парво қачонгача.

Дўстунга жавр кўргузубон, эй парилико,
Душманга шафқат эшигидур раво қачонгача.

(141) Айлаб жафони ошиқинга кунда сад ҳазор,
Ҳеч айламаслигинг ғами фардо қачонгача.

Лекин жафоларинг манга зохирдур, эй нигор,
Билмайман охириники аммо қачонгача.

Эй шум рақиб, бизни жудо айламак учун,
Солмак ароға фитнаву ғавғо қачонгача.

Ҳижрон ғамидин эмди манга қолмади қарор,
Қилмак ҳамиша кечаси ғавго қачонғача.

Хавфу хатарда ман кеча-кундузлари мудом,
Лутфинг умиди, ҳажр ғами то қачонғача.

Оҳ эмди манга бўлмаса ижод шодлик,
Қилмак кўзумни ёшини дарё қачонғача.

Нетсун камина Обид вобастаи алам,
Дафтарға ҳажринг айлағай иншо қачонғача.

ВА ЛАҲУВ АЙЗАН ОБИД НАМАНГОНИЙ

Муштоқи зорлик санга, жонон, қачонғача,
Ҳажрингда айламак манга афгон қачонғача.

Расвойи халқдурман, аё, ёри маҳлиқо,
Мардумни таъни манга фаровон қачонғача.

Дарди фироқа васл ила сан марҳам айлагил,
Бўлмак бу ҳажр ўтиға сўзон қачонғача.

Асло дилингда бормуди қилмак манга карам,
Бу дарди ранж, ғуссаси ҳижрон қачонғача.

Оҳ ураман ғамингнинг ниҳоятда зўридин,
Дашти машаққатингда ютай қон қачонғача.

Хуррам бўлолмадим даме, эй шўҳи дилпазир,
Ушшоқ элини айламак ҳайрон қачонғача.

Нозик ниҳол маҳваш, гулчеҳралар шаҳи,
Обидни қилмоғинг дили вайрон қачонғача.

МУХАММАСИ КОТИБ ДАР ВАСФИ ҚАЛАМ

Мазҳари файзи футух, лутфи Яздоним қалам,
Дурри дарёи шарофат, мавжи эҳсоним қалам.
Марҳами жон, меҳрибоним, дардга дармоним қалам,
Ризқ бобиникушод айларга мифтоҳим қалам,
Ғуссаи кўнглумёзарга маҳрами розим қалам.

Бу қаламнинг фазлидин оламга етти нисбатим,
Шукрилиллаҳ, фақрикотиблиқда ортти шуҳратим,
Шоду ғамларда қаламга мунис ўлмоқ одатим,
Бу замон халқиға ёр ўлмоқға йўқтур тоқатим,
(142) Мунису дилкаш рафиқи байтул-аҳзоним қалам.

Росту ёлғонни қаламсиз ҳеч киши фарқ айламас,
Жумла халқ доду гирифтда ҳам хиёнат айламас,
Бўлмаса жорий қалам ҳукми шарият айламас,
Ёз ўтуб, қиш келса асбоби фалақдин ғам емас,
Яхшиға яхши, ёмонға тийғи бурроним қалам.

Подшолар шавкати бўлғай қаламдин мустадам,
Мужтаҳидлар ижтиҳодиға етиб андин низом,
Жумла маснуъот ичиндадур қалам зил-эҳтиром,
Бўйнида рангин ридо, қумри каби “ху” деб мудом,
Котиб илқида макон этган сарафрозим қалам.

Ҳукмрон ўлмиш саросар жумла оламга ажиб,
Олимони аҳли Ислому фазлидин топмиш насиб,
Боғи гулзори шариятда қаламдур андалиб,
Руҳи поки мужтаҳидларни манга айлаб муҳиб,
Тарбиятгар айлаган ёри мададкорим қалам.

Жумла оёту аҳодис бу қаламдин мункашиф,
Жумла махлуқот ичиндадур қалам зоти шариф,
Жумладин афзал яротибдур Худованди латиф,
Субҳу шом ўзни қаламдон ичра айлаб муътакиф,
Орифи узлатнишин, покиза иймоним қалам.

Чун Ўзи “Нун, ва-л- Қалам”,³⁶⁷ деб зикр этибдур Зу-л-Жалол,
Боғи гулзори шариатда эрур ширин мақол,
Котиби бечора сиддиқ файзидин топмиш камол,
Эҳтиёж ўлганда яхшиларга айлар арзи ҳол,
Гаҳ либос ўлгай баданда, гоҳ дасторим қалам.

ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИ

Бул ўтар дунёга дўстлар боғу бўстониғ галат,
Барчани ташлаб кетарсан кўшку айвониғ галат.

Ҳар киши дунёга келди охири бир кун кетар,
Тоат этмай доимо беҳуда юргониғ галат.

Айши дунё бирла доим ўткариб умрингни сан,
Гафлат ичра умринг ўтса, банда бўлгониғ галат.

Ўйлагилким, кеттилар, деб жумлайи хешу табор,
Бир куни сан ҳам кетарсан, мунда тургониғ галат.

(143) Англагил шоҳу гадоларға баробардур ўлум,
Қил сафар асбобини, гафлатда ётгониғ галат.

Тўша олмасдин борур бўлсанг Худони олдиға,
Тухфа келтурдингму, деб сўрганда армониғ галат.

Эй Ҳазиний, бу насиҳатга киши солса қулок,
Муддаийлар санга дерлар: “Ҳар на айтгониғ галат”.

³⁶⁷ Қуръони каримнинг “Қалам” сурасига ишора.

МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИ

Кўнгулни гунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айладинг кетдинг,
Ҳалойиқ ичра маъюсу паришон айладинг кетдинг.

Отиб тийги жафо дилларга, ҳар ёндин солиб раҳна,
Нечук султонки сан мулкингни вайрон айладинг кетдинг.

Жудолиғ кунжида етмасмуди ҳасратда қолғоним,
Яна шаънимға бир ортуқча достон айладинг кетдинг.

Тушуб отдин ғазаб айларда кетмоқға шитоб айлаб,
Бу ишни қилмас эрди ҳеч мусулмон, айладинг кетдинг.

Агар тош бўлса ҳам кўнглунг эриб бўлғой мулойимким,
Кўрунса душманам ер бирла яксон айладинг кетдинг.

Аввалда ошнолиғ қилмасангчи, охири ташлаб,
Умидим шулмидиким, зору ҳайрон айладинг кетдинг.

Дуойи давлатинг кўзлар Муқимий гарчи маҳрумдур,
Бўлакка неъматим васлинг фаровон айладинг кетдинг.

НИСБАТИЙ АФА АНҲУ

(144) Ишқ назмида бўлур тавсифи жонон ўзгача,
Шеъри хўб, рангин ғазал ҳам шўх девон ўзгача.

Ҳар кишини кўнглида бир маҳваш ўлса жилвагар,
Оҳи дилсўзи била афғону нолон ўзгача.

Булса ҳар ким кўнглида андак муҳаббатдин асар,
Ҳар парирў кўзиға бўлғой намоён ўзгача.

Ул кеча базм ичра бўлдум бир ажиб ошифтаҳол,
Ҳар тарафдин нозанинлар қилди жавлон ўзгача.

Сарвқад, сийминбадан, рухсори гул, раъно узор,
Жумла хўбларнинг ичинда хони хонон ўзгача.

Маснади хусни малоҳатда Амири комрон,
Дилни тасхир этмоққа ҳар лаҳза султон ўзгача.

Ушбу назми бирла топса Нисбатий шояд камол,
Кўчайи ишқ ичра бўлгойким ғазалхон ўзгача.

МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИ

Ёндуруб оламни чиқ, эй оташин рухсор гул,
Токи бир тўйсун нафс очилмоғи душвор гул.

Волаву шайдову мафтунман дедим, сан сар деди,
Хор бўлсанг гар кўйимда бўлмағой бехор гул.

Лолалар майгун лабингнинг ҳасратидин қон ютар,
Оразинг шавқида раҳм эт сийнаси афғор гул.

Доғи хижлатдин юзинг кўргач киролмас ҳукмина,
Бу учун кўймиш лақабким, богбон “Беоргул”.

Оҳким, хижронда мундоғ бор экан душворлиғ,
Не хуш ул кунким, қилурди давлати дийдор гул.

Шўхларға мунча алданмас эдилар ҳайфким,
Тонусайдилар бу аҳли растайи бозор гул.

Холу ҳат рухсоринг атрофида кўрганлар деди:
“Ё Раб, эҳмишким қизил гул даврида зангор гул”.

Икки мушкин зулфи анбарму юзингда печутоб,
Ҳалқа урмуш соясида ёки афё мор гул.

(145) Носихо, гулзор сайридин мани манъ этмаким,
Кўзга кўрунса нетай акси руҳи дилдор гул.

Юрмиш эрдинг сан, Муқимий, мунча ҳам девонавор,
Ақлу хушинг олмасидин бир пари атвор гул.

ФУРҚАТ ҒАЗАЛИ

Юзларингдин шарм этар боғ ичра, эй рухсор гул,
Кўринур ҳар йил баҳор айёмида бир бор гул.

Ваҳки, солмиш ўзни йўлингга пойандоз учун,
Кўй қадам гар жону дилда бўлса, миннатдор гул.

Лаби гул, орази гул, бадан гул, жабҳа гул бир нахлидин,
Гул қилибдур гулшани умрингда бу миқдор гул.

Даҳр гулзорида кўб гулларни кўрди эл, вале,
Кўрмади сандек ҳариру нозику бехор гул.

Ўлмаганмиди хижолатлар чекиб ўтган баҳор,
Боз бош чекмиш уёлмасдин ажаб “Беоргул”.

Шул эди бу журмиға лойиқ жазоким боғбон,
Боғлаб айлантурди чандон кўчаю бозор гул.

Хильъатиндин бўлса озурда нетонг нозик танинг,
Топкусидур фи-л-масал ўз баргидин озор гул.

Этмади қатъи назар эл оразингдин гарчиким,
Ояти хубб ғунчасидин топти нав туммор гул.

Нега боқсун гул юзиға гул юзингсиз Фурқатий,
Бордур андоғ бир тиконча бўлса юз гулзор гул.

НИСБАТИЙ ҒАЗАЛИ

Ошнолик бирла бўлсак шоду хандон иккимиз,
Ўртамизға тушмаса бегона бир он иккимиз.

Ҳайф ҳар дам бу фалак кажравлик ижодин қилиб,
Гар топишсак кўймагай суҳбатга чандон иккимиз.

Муддао накши муҳаббат кўнглимиз лавҳидадур,
Рамз ила изҳор этушмоқ эрди, эй жон иккимиз.

Дахли йўк ғайри дигар гар топса ўртомизга йўл,
Маҳзи ҳасратлар билан қилғоймиз армон иккимиз.

Хоҳ дўсту хоҳ душман бизга ҳеч даркор эмас,
Жони дилдек бўлсак ар тан ичра пинҳон иккимиз.

Орзум улдур ҳамиша сиз билан қўл ушлашиб,
Айласак ҳар дам хиром, ҳар лаҳза жавлон иккимиз.

Нисбатийга амр этиб, гоҳо мувашшаҳ³⁶⁸ қилдуруб,
Номингиз ашъорига бўлсак ғазалхон иккимиз.

МУХАММАСИ ЗАЛУЛИЙ НАМАНГОНИЙ АФО АНҲУ

Маст этурга ошиқ аҳлин бўлди соғар кўзларинг,
Тарки дунё қилдуруб, қилди қаландар кўзларинг,
Қилғали мажрух жисмимни муқаррар кўзларинг,
Мунча ҳам бўлмиш қаро, эй сиймпайкар, кўзларинг,
Қатли ушшоқа бўлуб монанди ханжар кўзларинг.

Волаву шайдо бўлуб, шому саҳар нолон эдим,
Кулфату қайғуга гўёки мисоли кон эдим,
Кор ила борим дамодам нолаву афғон эдим,
Васл излаб ҳажр даштида ажаб ҳайрон эдим,
Учрабон лутф ўрнига қилди жафолар кўзларинг.

Манга, эй гулрўй, ҳажрингдин алам бисёрдур,
Ҳар замон кўздин сиришким ҳам чунон анҳордур,
(147) Дарҳақиқат арзимасму юзларинг гулзордур,
Минг париваш хуснидин фарқинг муқаррар бордур,
Боз қўшмишдур, нигоро, хусни дигар кўзларинг.

Нолаву афғон этурман оразинг ҳижрониға,
Гоҳи қил андиша ошиқлар кўзини қониға,
Зулмдин йўл банд этибсан васлини имкониға,
Ногаҳон ошиқ кўрунса, сончаман деб жониға,
Кирпикингдин соқламиш ёнида наштар кўзларинг.

³⁶⁸ Бу мувашшаҳ Аҳмадхон исмли кишига бағишланган.

Жавр қилмай, раҳм қил, ошиқни холи сахтиға,
Кўйинги маскан қилиб, боқмам жаҳонни рахтиға,
Соҳиб айлаб шукрким кулфатни тахту бахтиға,
Жисм шаҳрини мусаххар қилғали дил тахтиға,
Шоҳлик даъво қилиб, келтурди лашкар кўзларинг.

Эй паривашлар ичинда сарвари-ю хўбтар,
Бир дами васлингни ёдидин дил эрмас беҳабар,
Оқи оташнок дуди қилса кўнгулға асар,
Айласа дил мулкани андуҳи ғам тийра агар,
Кўрганимда равшан айлар моҳи анвар кўзларинг.

Нозанин маҳбублар ичра эурсан сармади,
Моҳвашларда санингдек йўқ эрур зебо қади,
Гарчи ҳижронингда бу саргашта жисмим ўртади,
На қилайким,эй малаксиймо манга ҳеч бўлмади,
Оҳким, бир дам тикилмакка муяссар кўзларинг.

Халқ ичида қолмишам беҳуда дашном остида,
Айбжўлар ичра беҳад таънаву гом остида,
Субҳ кўрсатдинг, муқим этдинг мани шом остида,
Холким, дона бўлубдур, зулфдин дом остида,
Ким илинса ногаҳон ер икки аждар кўзларинг.

Эй, юзинг гулбарги тардур, зийнати боғи чаман,
Қошларинг кесган қаламдек, лабларинг лаъли Яман,
Доимо айлаб юзумға гўшайи гурбат ватан,
Оташи ишқингда куйгайман, аё, нозик бадан,
Ҳажрида қилди мани гўё самандар кўзларинг.

Нақди жон бўлсун тасаддук, эй маҳи анбар насим,
Фурқатингда тортаман ҳар лаҳза минг ранжи алим;
(148) Дарғаҳингда итларинг ёнида бўлса мустақим,
На учун мундоғ паришонҳолсан, деб сўрмаким,
Айламиш табъи Залулийни мукаддар кўзларинг.

НОДИМ ҒАЗАЛИ

Сани, эй паризод, согинмишам,
Қилиб оху фарёд согинмишам.

Кўруб сансизин ҳар замон минг жафо,
Фалақдин қилиб дод согинмишам.

Дамо- дам етуб ҳажрдин жонима,
Бу гурбатда бедод согинмишам.

Тушуб доми савдойи ишқинг аро,
Даме бўлмай озод согинмишам.

Кезиб дашту саҳрони шому саҳар,
Фироқингда чун бод согинмишам.

Ўшал васл айёми ишратларин,
Этиб дам-бадам ёд согинмишам.

Дуову тазарруъ била йиғламоқ,
Бўлуб манга мўътод согинмишам.

Бало тоғида ёри Ширин сани,
Бўлуб мисли Фарҳод согинмишам.

Жунун аҳлиға водийи ҳажр аро,
Бериб хатти иршод согинмишам.

Бу кўрган ситамларни Нодим санго,
Қилиб бўйла бунёд согинмишам.

Эй, гулшани боғи ҳаё, сарвиравоним, нозанин,
Гулдастайи меҳру вафо, оромижоним, нозанин.

Шахло кўзу сиймин бадан, гулчеҳраю ширин сухан,
Гулгун қабо, гулпираҳан, сумбулистоним, нозанин.

Токим бўлубман ошно, дарди ғамига мубтало,
Доим ишим оху наво, номехрибоним, нозанин.

Сансан мани зор айлаган, ҳайрону афғор айлаган,
Охир гирифтор айлаган, абрӯ камоним, нозанин.

Раҳм айла бу девонага, ишқинг аро афсонага,
Бу ўртанган парвонага, шамъ жаҳоним, нозанин.

Келғил босиб, қилма ибо, жоним санга бўлсун фидо,
Жону кўнгул дер марҳабо, pistaдахоним, нозанин.

Йўқтур санингдек нозанин, ширин шамойил дилнишин,
Иқболи давлатга нигин, воло маконим, нозанин.

(149) Эй, садри айвони сафо, в-эй меҳри гардуни вафо,
Хусн иқлимига подшо, дорул-омоним, нозанин.

Сарчашмайи лутфу карам, фихристи унвони ҳашам,
Жам рутбаву воло рақам, *сабъ ул-масоним*,³⁶⁹ нозанин.

Қандили Арши отифат, қутби иймони марҳамат,
Қурсий чархи макрамат, Арш ошёним, нозанин.

Жамшиди тахти иззу ноз, гулгун қабо, сарви тироз,
Маҳбублардин сарфароз, дорул-омоним, нозанин.

Эй, гавҳари дуржи тараб, в-эй дилбари олий насаб,
Солори майдони ҳараб,³⁷⁰ соҳибқироним, нозанин.

Сандин вафо, мандин жафо, хижлатдаман шому сабо,
“*Анта-л-қавий фаъфи лано*”,³⁷¹ сирри ниҳоним, нозанин.

Нодим қулунг шаб то саҳар, кўздин тўқуб хуни жигар,
Истар висолинг дам-бадам, вирди забоним, нозанин.

³⁶⁹ Сабъ ул- масон – икки марта такрорланган.

³⁷⁰ Бу сўз котиб томонидан “ҳабиб” тарзида нотўғри ёзилган. Ҳараб – жанг.

³⁷¹ Маъноси: “Сен кучлисан, бизни кечир”.

Оразинга, эй пари, хуршиди тобон ўхшамаз,³⁷²
 Жонфизодур лабларинг, лаъли Бадахшон ўхшамаз.
 Гул юзинга, қаддинга сарви хиромон ўхшамаз,
 Кокилу хаттинга сумбул бирла райҳон ўхшамаз,
 Сан каби дилдорга ул моҳи Канъон³⁷³ ўхшамаз.

Ул нигорим ишқида эй, ақлу хуш аҳли, нетонг,
 Тақяғоҳим хок бўлса, бистар остимга бу санг,
 Ҳажр даштида югурсам бош ила пойим яланг,
 Айбдур зинҳор, эй сўз аҳли, ташбеҳ айламанг,
 Оғзи шаклин ғунчаи хандонга чандон ўхшамаз.

Кўрди рухсоринг қуёш гардунда бўлди музмаҳил,
 Кўзларинг қайғусидин гулшанда нарғис мунфаил,
 Ҳалқани зулфинг асири лўъбати Чину Чигил,³⁷⁴
 Қоматинга ўхшатан Тубони ўлмасму хижил,
 Оре, оре, рост турган ерда ёлғон ўхшамаз.

Ғам сипоҳи тийғидин ҳар лаҳза бағрим чокдур,
 Мехнату дарду аламдин хотирим ғамнокдур,
 Айш рангидин кўнгул кўзгуси доим покдур,
 Соғиниб базми висолинг кўзларим намнокдур,
 Бу тарашшуҳ мояларга абри найсон³⁷⁵ ўхшамаз.

Эй кўнгул, доим насиҳат айлар эрдим ман санго,
 Бўлмагил зинҳор олам аҳли бирла ошино,
 (150) Тингламай пандимни бўлдунг дарди ғамга мубтало,
 Дуди оҳинг айлади оламини бахтингдек қаро,
 Ҳеч олам зулматиға шоми ҳижрон ўхшамаз.

Чарх уруб кездим жаҳон даштин қуюндек тамом,
 Кўрмадим ҳаргиз санингдек дилбари ширин калом,
 Хуш суҳан, нозик бадан, мақбули табъи хоссу ‘омм,
 Ҳар ким ўлса остонангни гадои субҳу шом,
 Ҳашматиға шавкати Жамшиду Хоқон ўхшамаз.

³⁷² Бу ерда “с” харфи ўрнига шева бўйича “з” харфи ишатишган.

³⁷³ Моҳи Канъон – Канъон Ойи, бу Юсуф (а.с.) нинг лақаби.

³⁷⁴ Лўъбати Чину Чигил – Чин ва Чигил ғўзали.

³⁷⁵ Абри найсон – апрел ойдаги булут, бу ерда баҳорда ёғадиган ёмғир назарда тутилмоқда.

Дард иқлимига шахман, хорлиғдур иззатим,
Ғам вазирим, ғусса саркорим, алам ҳамсухбатим,
Ранжу меҳнатдур амалдорим, бу эрмиш давлатим,
Шукрилиллағ бўлмиш Искандардин ортуқ шавкатим,
Ишратим кошонасиға чоҳи зиндон ўхшамаз.

Топмадим ҳаргиз замоне меҳнату ғамдин фароғ,
Бўлмадим бир лаҳза ишрат бодасидин тар димоғ,
Жисми уренимдадур ҳар ёна қонлу тоза доғ,
Айласанг, эй сиймтан, гар орзуйи гашти боғ,
Қил тамошоқим, анга сайри гулистон ўхшамаз.

Оразингдин ғайри базмини мунаввар қилмагил,
Кокилингдин маҳфили душман муаттар қилмагил,
Шум ҳосидлар сўзин, эй шўх, бовар қилмагил,
Ғозийни аҳли ҳавас бирла баробар қилмагил,
Вомиқу Фарҳоду Мажнунга бу ҳайрон ўхшамаз.

МУҲАММАСИ НОДИМ БАР ҒАЗАЛИ ШАВҚИЙ

Сарви қадди рафторингга бўстонлар айтур офарин,
Меҳри рухсоринг кўруб давронлар айтур офарин,
Хусн иқлимин хонисан, хоқонлар айтур офарин,
Жоно, жамолингни кўруб, жононлар айтур офарин,
Ўз кўксига ўзи уруб ёронлар айтур офарин.

Эй, яхшиларнинг сарвари, ул хатту холингга қараб,
Бу шавкату хуснинг била фазлу камолингга қараб,
Исосифат нутқунг кўруб, чашми ғизолингга қараб,
Қаддд ниҳолингга боқиб, абрў хилолингга қараб,
Шоҳо, висолингга қараб, султонлар айтур офарин.

(151) Хайли малоик ҳар замон ул Арш соқидин чиқиб,
Ой ила Кун шому саҳар бу чарх тоқидин чиқиб,
Фирдавсинг қасри уза хур мароқидин чиқиб,
Дунёйи фонийдин чиқиб, айвони боқийдин чиқиб,
Жаннат равоқидин чиқиб, ғилмонлар айтур, офарин.

Ошиқларинг, эй нозанин, ҳар дам санга қурбон бўлур,
Ҳар дам сани гар кўрмаса, жону дили сўзон бўлур,
Гуфтора келсанг ногаҳон дурругуҳар ғалтон бўлур,
Булбул кўруб нолон бўлур, кумри куруб ҳайрон бўлур,
Тўти кўруб гирён бўлур, хушхонлар айтур офарин.

Лаъл ила ғунча иккиси рашки лабингдин қон ютар,
Ҳеч нуктадонлар топмади дуржи даҳанингдин асар,
Ғавғои юз Маҳшар турар қаддингни қилсанг жилвагар,
Мулло кўруб фарёд этар, шоир кўриб абёт этар,
Зоҳид кўруб ақли кетар, эшонлар айтур, офарин.

Эй, фурқатингни ханжари қилди кўнгулни поралар,
Марҳам тиларлар, раҳм қил, ушшоқи бағрипоралар,
Инсу малақдур ошиқинг, саргашта бу сайёралар,
Ишқингда кўб овворалар, қайга борур бечоралар,
Хуснинга кўб парвоналар, куйгонлар айтур офарин!

Сандин топар, эй нозанин, бу нотагон кўнгул сурур,
Юз жон фидо қилмиш сани хусну жамолинга зухур,
Шафқат мурувват айламоқ аҳли карам шонидадир,
Лутфу карам хонлар қилур, дўст-дўстиға нонлар берур,
Лаъли лабинг жонлар берур, ўлгонлар айтур офарин!

Эй, ошиқи бечора сан бир кўрмадинг йиллар ўтуб,
Не бахту иқболинг эрур паймонаи ишрат тутуб,
Гулгул ёниб, бир-бир босиб, минг ноз ила ойдек тўлуб,
Ёр келса маҳбубинг бўлуб, бир кеча маъшуқунг бўлуб,
Мезбон дуоғўйинг бўлуб, меҳмонлар айтур офарин!

Сабр ила сомонимни ман совурдим оҳим бодига,
Қониъ бўлуб ҳижрон туни васлинг хаёли зудига,
Бағри куюб сомон этар Нодимни тушсанг ёдига,
Шавқий қулунгни додига, тун-кечалар фарёдига,
Таҳсин қилур ер додига, осмонлар айтур офарин!

(152) Фикр этма ҳудус ила қидамни,
Бил яхши-ю муғтанам бу дамни,
Сан ҳур мисолисан ажамни,
Қошинга теккизмагил қаламни,
Бу хат била бузмогил рақамни.

Эй, дилбари нозанин барно,
Рухсори қуёш, лаби Масихо,
На золи фалак, на дин паймо,
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо,
Бир кўрмади сан каби санамни.

Мажрухларинга марҳам айла,
Ўлтурма бу тарз беғам айла,
Озор тариқасин кам айла,
Ошиқларинга раҳм³⁷⁷ айла,
Чўх айлама жавр ила ситамни.

Жон дарду балойи ишқа маскан,
Маҳзун дилу сийна, чок доман,
Бу ғуссайи жонгузори равшан,
Сан ёрдин ўзга кимга дерман,
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Ҳар гўшада бўлса гулистони,
Маъшуқи анису меҳрибони,
Ичса ани илкидин ниҳони,
Бир коса шароби арғувони(й),
Поймол қилур ҳужуми ғамни.

Тан ишқинг ўтида ахгар ўлса,
Кўйинг сани манга бистар ўлса,
Кухлул-басарим бас ул гар ўлса,
Нақши қадаминг муяссар ўлса,
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни.

³⁷⁶ Ушбу мухаммасли машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов (1917 – 1975) маромига стқазиб қуйлаган.

³⁷⁷ Бу ерда котиб айби билан “раҳм” сўзи “тараххум” тарзида ёзилган, бу эса қофияга мос эмас.

Дарду гами ҳажринг ила сўлдум,
Бир лаҳза на ўйнадим на кулдум,
Ахир санга етмай, оҳ, ўлдум,
Йўлунгда ғубори роҳ ўлдум,
Бошимга етурдинг қадамни.

(153) Жон волаву ошиқи қадиминг,
Тан зори раҳи фироқи бийминг,
Бўлмай сани мандаме надиминг,
Кўнглум куши тойири ҳариминг,
Сайд этма кабутари ҳарамни.

Хусн аҳлини божгиридурсан,
Ул хайлни беназиридурсан,
Нодимни хатопазиридурсан,
Иқлими вафо Амиридурсан,
Эй шоҳ, гадоға қил карамни .

НОДИМ ҲАЗАЛИ

Эрур кўнглум паришон токи айрилдим диёримдин,
Диёрим йўкки, ёру ошнои гагусоримдин.

Кўзум намнок, сийнам чок, багрим таҳ-батаҳ қондур,
Қачонким, айрилибман ул нигори гульзोरимдин.

Сунурлар дам-бадам ишрат майин аҳбоб ғурбатда,
Талатуф кўрсатиб минг навъ тушмасман хуморимдин.

Хазон япроғидек сўлдум самуми ҳажрдин, ҳайҳот,
Насимо, муждае еткурмадинг файзи баҳоримдин.

Деманг, эй дўстлар, бир гўшае тут, истиқомат қил,
Нечук қилгумдурур йўк хуш ила сабру қароримдин.

Фигоним раъд, оҳим барқ, ашким сели тўфони,
Қочинг зинҳор, эй аҳбоби муҳлик раҳгузоримдин.

Куюндек дашт ила водийда саргардон бўлубдурман,
Қачонким, айру туштум хоки пойи шаҳсуворимдин.

Қадрдондур бу ғурбат инжима, сабр айла, эй Нодим,
Иноят бўлса еттайсан ватанга парвардигоримдин.

МУХАММАСИ НОДИМ БАР ҒАЗАЛИ ФУРҚАТ

Ҳар замон минг сеҳру жоду ошкор айлар кўзинг,
Новаки мижгон ила элни шикор айлар кўзинг,
Қон тўкуб маҳфилни тарҳи лолазор айлар кўзинг,
Май ичибким, ғамза тийгин обдор айлар кўзинг,
Ҳар ниғаҳда юз кишини дилфигор айлар кўзинг.

Оразинг меҳри жаҳонға шўриши гавго солиб,
Ҳар кими бошига зулфинг лакҳати савдо солиб,
(154) Чиксанг, эй маҳваш, юзингдин парда бепарво солиб,
Холинг ошуби Ҳабаш иқлимига яғмо солиб,
Фитнадин торожи мулки Зангбор айлар кўзинг.

Мунфаилдур оразингдин, эй пари пайкар, куёш,
Берди савдойи висолингдин туман минг хаста бош,
Эй нигори сиймбар, мундоғ бўлурму кўзу кош,
Айламас тоқат нигоҳингга агарчи бўлса тош,
Кўзгуни симоб янглиғ беқарор айлар кўзинг.

Насх этиб бедоди зулм ила мусулмон шевасин,
Даҳрдин маслуб этибон раҳму эҳсон шевасин,
Рафъ қилмоқ матлабида кофиристон шевасин,
Тутмағон бўлса ғазабдин Шоҳимардон шевасин,
Нега қошингдин ҳамойил зулфиқор айлар кўзинг.

Кел, тамошо айла ул жаллоди бадхў даврини,
Шўрангизи ситампарвар, жафожў даврини,
Ул бути Чин ҳасрати ижод ила Манжу даврини,
Раҳна солиб даҳр аро қилди Ҳулогу даврини,
Кўрқаман эл қонидин су(в) жўйбор айлар кўзинг.

Ҳоки пойинг аҳли ботин бирла зоҳир сурмаси,
Нўки мижгонингдадур қудрат машоҳир сурмаси,
Токи сандин бўлди маъжузи Ҳақни тоҳир сурмаси,
Ҳоки ночизи дўкон ўлди жавоҳир сурмаси,
Бир назар солмай они бу навъ хор айлар кўзинг.

Токи кирдинг базм аро, эй нозанин, ойдек тўлуб,
Май ичиб гулгун қабо жайбин эшиб, ҳар дам кулуб,
Неча юз минг ишқ элин бир ғамза бирла ўлдуруб,
Ой юзинг узра қошинг ўтрусида Мирриҳ ўлуб,
Қудсий буржида Қиронлар ошкор айлар кўзинг.

Соидинг синдурди ҳар халҳоли³⁷⁸ сиймин қадрини,
Сўзларинг эъжози сеҳру аҳли тазмийн³⁷⁹ қадрини,
Даҳр аро қилди баланд овози нархин қадрини,
Накҳати зулфинг ушотиб нофайи Чин қадрини,
Оҳири дашти Хўтанни шармисор айлар кўзинг.

Сансан истиғно сипеҳрининг мунаввар бир маҳи,
Кишвари хусни малоҳатнинг салобатлик шаҳи,
(155) Бўлди хуни дил насиби Нодими дасти тихи,
Базм аро гулранг май сан нўш қилгилким гаҳи,
Фурқатийга бир боқиб рафъи хумор айлар кўзинг.

НОДИМ ҒАЗАЛИ

Эй сабо, мандин дегил ул гулўзоримга салом,
Сарвқад, сиймин бадан, гулгунча ёримга салом.

Базм аро, эй барбату қонуну танбуру рубоб,
Де, забони ҳол ила Лайли забонимга салом.

Сарвқадлар меҳридин хок ўлсам, эй қумри, дегил,
Оҳ уруб, “ху”лар чекиб меҳр ошқоримга салом.

Айғил, эй худҳуд, кўрар бўлсанг мани бечорадан,
Ул Сикандар ҳашмату Доро мадоримга салом.

Ҳажр осибида сўлдум заъфарондек сарғариб,
Кимса еткурмас мани ул навбаҳоримга салом.

Сайри гулшан ичра кўрсанг ногаҳон, эй боғбон,
Де, кўзи наргис, юзи гул, кўш аноримга салом.

Ўтсанғиз, эй қумри-ю тўти-ю булбул учраса,
Денг базе гулғанча сарви обдоримга салом.

Юсуфи зиндони ҳижрондин дегил биллоҳ бориб,
Ул азизи меҳри баҳжат шаҳсуворимга салом.

³⁷⁸ Халхол – оёққа тақиладиган олтин халқа.

³⁷⁹ Аҳли тазмийн – кафолот аҳли.

Ғуссаву ғамдин етуштим жона, эй пайки сабо,
Тангри ҳаққи де бориб, ул ғамғусоримға салом.

Умрлар, эй Нодим, ўтди, демади ул санги дил,
Кимсаедин де бориб ул интизоримға салом.

ВА ЛАҲУ АЙЗАН

Арзим будурки, эй маҳлиқолар,
Куйдурди ҳажру дарду балолар.

Қон бўлди бағрим бу гулшан ичра,
Ҳеч ҳосил ўлмаи бир муддаолар.

Гоҳи тараҳҳум бу қулға айланг,
Тангри ҳаққи-чун, эй дилраболар.

Қўздин тўкарлар қонлиғ ёшимни,
Ғаҳ йиғлатибон гулгун қаболар.

Бегона бўлди ишқингда мандин,
Хешу табору ошнолар.

Афсона бўлди фарзоналарга,
Истаб висолинг бу бенаволар.

Бағримни тилди, юз пора қилди,
Мижғони ханжар ул қоши ёлар.

(156) Ҳаргиз жамолинг бўлмас муяссар,
Ҳарчандки, қилдим йиғлаб дуолар.

Мандин гуноҳи ҳеч ўтмай эрди,
Сан нозанини, ул худнамолар.

Бегона бўлди паймона ушлаб,
Базм ичра қилдинг кайфу сафолар.

Ҳолимни сўрмай, ҳаргиз гапирмай,
Ман нотавонни қилдинг адолар.

Ҳар кун бошимда ишқ офатидин,
Сонсиз балову минг можаролар.

Қисмат бу эркан дил хасталарга,
Айб айламангиз, эй порсолар.

Ишқу муҳаббат жазби Илоҳий,
Тарк этти тахтин қўб подшолар.

Ҳар лаҳза етгай жонон саридин,
Ушшоқларга юз-минг нидолар.

Ҳасратда қолди ойна янглиғ,
Нодим қулидек ақли расолар.

НОДИМ МУХАММАСИ

Эй, амири кишвари мулки малоҳат мазҳари,
Буржи афлоки саодатнинг шарафли ахтари,
В-эй, Фалотун таъб донишвар, парилар сарвари,
Шаммае ҳоли дилимдин айлабон бир дафтари,
Айлайн ирсол, эй рухсори моҳи анвари.

Манким, эрдим боргоҳи қурбинг ичра муҳтарам,
Лутфу эҳсонинг кўруб соат-басоат, дам-бадам,
Етмайин домони айшу ишратимға гарди ғам,
Оқибат кўрким, бу даврон сипехри пурситам,
Ташлади сандин мани айру, сани ҳам бир сари.

Бир-бир айтай сансиз кўрган бу дарду меҳнатим,
Қон ютуб ёди жамолинг бирла чеккан кулфатим,
Дам-бадам ортар ғами ҳижрингда, жоно, ҳайратим,
Ҳасрату андуҳибеандоза бирла шиддатим,
Сол қулоғингни даме, эй нозанин, барно пари.

Бошим эрди сари кўйи висолингда муқим,
Не сезгу болишироҳатда эрди мустақим,
Боргоҳи лутфу эҳсонинг аро беҳавфу бийм,
Эмди бўлди дашти ҳижронингда, эй дурри ятим,
(157) Гўйдек саргаштаву хори муғилон³⁸⁰ бистари.

³⁸⁰ Хори муғилон – чўлда ўсадиган тиканли дарахт.

Кўзларимким, меҳри рухсоринг била пурнур эди,
Сафҳаи оёти хуснунг доимо манзур эди,
Зулмати ҳажру губори дарду ғамдиндур эди,
Кечаву кундуз тажаллийдин бу ҳам бир Тур эди,
Бўлди бир барқи ҳаводисдин фано хокистари.

Бу кулоғимким, эди фойиз каломингдан мудом,
На кулок, ул маъдани лўълуйи шаҳвори калом,
Хукқае ул гавҳари ноёб фарҳат интизом,
Ҳозире баҳжат мазохир, ҳалқабардур ло йаном,
Фурқатинг дардидин ўлди нақшипо охир кари.

Қўлларимки, косайи ишрат била ҳамдуш эди,
Домани иқболи васлинг бу бадан бадҳуш эди,
Восили ул қомати мавзуну гулгунпўш эди,
Авжи истиғнойи роҳат забт этиб беҳуш эди,
Панжасин тоби шикаст этти замона лангари.

Чун видоёи улфат этти бандани ул гулгун узор,
Кўзларим шаб то сахар ҳажридин ўлди ашқбор,
Ўртади жону дилимни, қолмади сабру қарор,
Лолаву гуллар очилди, бўлди айёми баҳор,
Бўлди бир доғи жунун Нодимга гулшан гуллари.

ВА ЛАҲУ АЙЗАН

Кеча гулшанда очти ул пари гулбарги рухсорин,
Ёзиб сумбул соч ила гунчайи лаъли шакарборин,
Бериб май, лутф этиб сармаст шодоб этти хуморин,
Солиб ил бўйнима мастона кучти ошиқи зорин,
Фалак фарсой қилди шодлигдин бу гирифторин.

Бошим ул кеча ўтти чархи тоқи зарнигориндан,
Магар бир мужда етти жаннат ул-фирдавс сориндан,
Очилди боғи уммидим онинг васли баҳориндан,
Ёниб бахтим чирोगи олди иқболим барориндан,
Фалак фарсой қилди шодлигдин бу гирифторин.

Қачонким, нозанин жисмини³⁸¹ ман бепираҳан кўрдум,
Кучуб лаълин, ўпуб бошдин оёгин сиймтан кўрдум,
158) Қаддин сарви санубар, оразини ёсуман кўрдум,
Киши кўрган эмас асло назокатларки ман кўрдум,
Бирав ҳаргиз муяссар қилмади бу тарз дилдорин.

Гулистониға восил ўлдумки, чўх гуллар очилғондур,
Саропо настарину сабзу хуррам сумбулистондур,
Икки бодоми наргис ҳамсари сарвихиромондур,
Мурассаъ тахти заррин узра бир хури хушхондур,
Таҳайюрдин кўнгил барбод берди йўқ ила борин.

Талатуф бирла сўрди кеча то вақти саҳар ҳолим,
Очилди айшу шират гунчаси-ю боғи иқболим,
Тилим лол ўлди ҳайрат бирла қолмай қийл ила қолим,
Фараҳдин ийди наврўзи жаҳон бўлди маҳу солим,
Қачонким, солди ул хуршидваш бошимға анворин.

Чунон шод ўлди кўнглум ганжи бодоварға етгандек,
Гадое шоҳ ўлубон тахт ила афсарға етгандек,
Кириб дарё аро ғаввослар гавҳарға етгандек,
Ва ё Фарҳоду Мажнун ахтариб дилбарға етгандек,
Кўруб бир неча муддат ҳажрнинг андуҳу озорин.

Камоли шодлиғдин боғ аро бир гул узолмасдин,
Замоне лаззати ижод лабидин ком олмасдин,
Ўзумни бистари айшу фароғат ичра солмасдин,
Ҳануз ул орзуи хотирим бир зарра қолмасдин,
Ёшурди боғбон ноз кўздин тоза гулзорин.

Саводи бу мухаммасдан ғараз изҳори ҳол ўлғой,
Таҳайюл маҳфилида лаззати ижод висол ўлғой,
Вагарна бўйла қурбат топмоғим амри маҳол ўлғой,
Бу зикри бирла Нодим тўтийи ширинмақол ўлғой,
Урубон шаққаристон маъоний ичра минқорин.

³⁸¹ Котиб томонидан бу сўз “жисминни” деб нотўғри ёзилган.

Бермасун рӯ ҳеч кимнинг бошида таксири қарз,
Қолмасун ҳеч банда, ё Раб, лутф қилгил зири қарз,
Қоғози ифлос этар нақш айласанг тасвири қарз,
Солмағил бўйнунга тавқ кумридек занжири қарз,
Банд айлаб бошини айлар туман таксири қарз.

(159) Бўлмағил магрур амволи ҳаққи мардум била,
Ҳар на ҳам бўлса ҳалол амлокни Ҳақдин тила,
Берма умринг лаззатин ишғоли ҳар беҳосила,
Ғунчадек тўлдурма кўксунгни амонат зар била,
Шабнами гулдек хижолат теридур тавфири қарз.

Эй биродар, излаюб дунёни жоҳу лаззатин,
Қарз олиб бой бўламан, деб кўрма олам меҳнатин,
Билма давлат, балки ҳижрон бил жаҳонни ишратин,
Тортмағил заҳри йилондек тор кўзлар миннатин,
Жавшани жондин ўтар олмосдек таъсири қарз.

Роҳати жовид кимда гар бу иллат бўлмаса,
Гарданида қарз отлиғ шум тийнат бўлмаса,
Тут кулогингни сўзумга санда гафлат бўлмаса,
Ухламак роҳат эрур, гар хавфи горат бўлмаса,
Тушгадур дўзах азобин кўрмоғи таъбири қарз.

Нафс отлиғ бефаросат дилда иғво айлади,
Катта иш қил, бой бўлурсан, деб тавалло айлади,
Қайда бермак фикрин айлаб, ёди парво айлади,
Икки бетлик сўз бериб, олмакни иншо айлади.
Тил йўлини боғлагайди қошки тақрири қарз.

Эски тўнни шоҳлар дебосидек бил ҳубий ранг,
Хонайи фақрингни бил қасри баланди ранг-баранг,
Эй мани дўстим, эшитгил арзими, бўлма гаранг,
Қатраи ёшинг илинмас кирпичинг тўр айласанг,
Бу ўшалдурким, узар юз домнинг нахжири³⁸³ қарз.

³⁸² Мазкур Обиднинг асл номи Мухаммад Обиджон ибн Мухаммад Қобил саххоф бўлиб, у Мавлоно Ёрмухаммад (Мухлис) нинг девонини "Тухфат ул-обидия" номи билан нашр қилдирган. Бу ерда у Мухлис ғазалига мухаммас боғлаган.

³⁸³ Нахжир — овланадиган қуш.

Айлаб мани маҳзунга ноз, этти тану жоним гудоз,
Қилди рақибни сарфароз, одамлигим бўлди 'адам.

Нозик ниҳол иншосини филжумла тақрир айладинг,
Эй бу-л-ҳавас, Обид, они васфиға йўқ ҳадди қалам.

ВА ЛАҲУ АЙЗАН

Маҳваш йўлида оҳ уруб, бирён бўлубдур жонларим,
Токи фалакка етгуси фарёд ила афгонларим.

Ҳайрон бўлуб, сарсон бўлуб, гирён бўлуб, нолон бўлуб,
Сабр айламакка қолмади тоқат ила имконларим.

Мандин дуо, андин жафо, мандин рижо, андин ситам,
Кўздин оқар ёш ўрнига ҳар субҳидамда қонларим.

Билди манинг аҳволими ул моҳрўйи сиймтан,
Нозу таранг этти чунон ул дилбари давронларим.

Айлаб жафойи беадад ул маҳваши нозик бадан,
Тасхир этиб дил мулкини бўлди кўнгулға хонларим.

Доим рақибларға боқиб, сийнамға ўтларни ёқиб,
Душманларим шод айлаюб, зор этти бизни жонларим.

Раҳм айламайдур ҳолима, ҳажрида қийлу қолима,
Дарё бўлуб оқти нетай, кўз ёши-ю нолонларим.

Ҳар кеча ҳижрони била корим фиғонидур анинг,
Қилмас вафойи аҳдини ул ваъдаси ёлгонларим.

Охир ани ҳажри била жоним гудоз ўлди мани,
Найлай тараҳхум айламас маҳбуби хуш кўргонларим.

Хотир мушаввашдур давом ул шоҳни ҳижрониди,
Фикри била нам тўкадур ҳар соати миҳгонларим.

Маҳрум эрурман васлидин, кўб паст эркан толеим,
Мундоғ эмас эрди они аҳдим била паймонларим.

Эй яхшилар, айб айламанг, йўктур қарору тоқатим,
Бир мохрўйи гулбадантур боиси афгонларим.

Ноз ила истиғно қилиб Обидни қилди беқарор,
Кўнглумни равшан қилмади, найлай, маҳитобонларим.

*(162) Жаноб Мавлоно Шавқий Намангоний ҳажарул-асваднинг
ҳақиқатларин орзумандлар илтимосларини қабуллик даражасига кўриб,
назм тариқаси бирла қилгон шаккарнисорликлари*

МУХАММАС

Худовандим ўшал кун ушбу оламни бино қилди,
Ўшал дам кофиру мўъминни бир-бирдин жудо қилди,
Ёкиб иймон чироғин қалби мўъминни зиё қилди,
Ҳидоят айлабон ўз раҳматиға ошино қилди,
“Аласту Раббақум”³⁸⁴ деб Ҳақ ўзи ул дам нидо қилди.

Билиб Ҳақни ўшал дам мўъмин аҳли бўлдилар иқрор,
Ки, сан Парвардигор Холиқимиз олими асрор,
Эрурсан подшоҳи ло-йазолу Қодиру Ғаффор,
Яратган жумламизни, айбимизни ёпқучи Саттор,
Бори йиғлаб Худога ёлбориб ҳамду сано қилди.

Ўзин махлуқ билиб ул дам, Худони билдилар Холиқ,
Ўшал дам Ҳақ они ўз раҳматиға айлади лойиқ,
Они мийсоқ³⁸⁵ кунни айрилмагида йўктур осонлиқ,
Киши ул кунХудони тобти, ул албатта иймонлиқ,
Киши билмас кими иймонли, кимни рўйсисиёҳ қилди.

Бўлуб оқ юзли қул мўъмин бориси аҳли дин бўлди,
Ўтуб ўнг қўл тарафга барча асҳоби ямин³⁸⁶ бўлди,
Ризойи Ҳақни тобти, раҳматиға муқатрин бўлди,
Мақомоти борини жаннати хулдибарин бўлди,
Худо афв айлади ул ҳар неча журму хато қилди.

³⁸⁴ Қуръони каримнинг “Аъроф” сураси 172-оятига ишора.

³⁸⁵ Мийсоқ – Аллоҳ таоло билан руҳлар ўртасидаги аҳду паймон кунни. “Аъроф” сурасидаги оятга ишора.

³⁸⁶ Асҳоби ямин – ўнг қўл эгалари.

Ҳидоят топмаганлар Холиқни билмади ул кун,
Қаро бўлди юзи, иймон чироғидин қолиб берун,
Шимол³⁸⁷ аҳлидин ул дам қилди они Холиқи бечун,
Азоби охиратга бу жамоат бўлдилар мақрун,
Сазовори сақар бўлмокни ул кунда раво қилди.

Худо муъмин кулига бу нидони айлади ул дам,
Бу йўлдин қайтмоғойсиз, гар бу йўлда кўрсангиз юз ғам,
Тилингда аҳднома хат беринг тасдиқ ила маҳкам,
Битиб хатни ўшал дам қудрати-ла Холиқи аъзам,
Ўшал дам ушбу хатни бир малак оғзиға жо қилди.

Деди ул дам Худойим: “Барчангиз бу сўзда тургойсиз,
(163) Бориб дунё юзида меҳнату роҳатни кўргойсиз,
Кўлунгдин келган аъмолинг олиб Маҳшарга боргойсиз,
Битилган хат юзидин барчангиз жаннатга боргойсиз”,
Ҳама муъминни дардига бу марҳамдин даво қилди.

Бу хат битган малакға Ҳақ деди: “Бўлғил сан эмди тош,
Бу сирни қилмагайсен то қиёмат бўлмагунча фош,
Билур ҳар ким қиёмат кун қари бўлсунки, хоҳи ёш,
Бўлолмас то қиёмат бўлгунча ҳеч ким анго сирдош”,
Бўлуб тош ул фаришта анда Ҳақ амрин бажо қилди.

Бу тошдур Макка ичра ҳоли отидур “Ҳажар асвад”,³⁸⁸
Ичида аҳднома борки, фарқ ўлғуси неку бад,
Киши бу хат ичинда бўлмаса иймони бўлғой рад,
Бўлур охир дамида бир баҳона бирла ул муртад,
Агар Ҳақ йўлида ул неча юз минг оҳ-во қилди.

Илоҳо, номамизни аҳдноманг ичра пайдо қил,
Муҳаббат шарбатидин жумлани ақлини гўё қил,
Танигил ўз йўлунгни, чашмимизни анга бийно қил,
Бу тийра кўнглумизни нури иймондин мужалло қил,
Бу уммид ила Шавқий дарғаҳингга илтижо қилди.

³⁸⁷ Асхоби шимол – чап қўл эгалари.

³⁸⁸ Ҳажр ул-асвад – Маккадаги қоратошнинг арабча номи.

ВА ЛАҲУ АЙЗАН

Кўнгул, манинг била бўл, бир нафас наво айлай,
Ўзумни ишқу муҳаббатга ошино айлай,
Юрак жароҳатиға ишқидин даво айлай,
Мадинаю Макка учун нақди жон баҳо айлай,
Бу йўл муҳаббатида оҳи Рабанно айлай,
Рафиқу ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

Фасоду фисқ ёмон бўлди эл аро машхур,
Ҳавойи нафс ила бўлди жаҳон эли мағрур,
Мадина, Маккадин ўзга йўк бўлди жойи тахур,
Ўшал маконга бориб, турмоқ ўлди эмди зарур,
Бу йўл муҳаббатида оҳи Рабанно айлай,
Рафиқу ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

Чекиб машаққати йўл, боғласам бориб эҳром,
Ки, то етушмағунча йўлда топмасам ором,
(164) Ўзумга тавба, надоматни айласам илзом,
Фигону нола қилай танда жон эса модом,
Бу йўл муҳаббатидаоҳи Рабанно айлай,
Рафиқу ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

Арафоту Минодан сўнг тавофи Хона қилай,
Садойи сайҳа³⁸⁹ чекиб, оҳи ошиқона қилай,
Нузуру³⁹⁰ ҳадя учун ашки дона-дона қилай,
Бошимни ерга қўюб, фарши остона қилай,
Бу йўл муҳаббатида оҳи Рабанно айлай,
Рафиқу ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

Худо етурса бориб Каъбаға юзумни сурай,
Чекиб машаққатини бор ҳузурин анда кўрай.
Сафову Марва аросинда саъй ила югурай,
Қиёмат ўлса бориб ҳожилар сафида турай,
Бу йўл муҳаббатида оҳи Рабанно айлай,
Рафиқу ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

³⁸⁹ Садойи сайҳа – бирор нарсанинг таъсири натижасида баланд овоз билан кичкириш

³⁹⁰ Нузур – назр сўзининг кўпчилиги, яъни назр бериш.

Ўтуб Мадинага борсам, чекиб дамо-дам ох,
Кўзум ёшени жигар қониға қилиб ҳамроҳ,
Десам менингча киши борму мунда нома сиёх,
Бу осий умматингиз келди, ё Расулаллоҳ,
Бу йўл муҳаббатида оҳи Рабанно айлай,
Рафику ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

Тириклик манга неъмат, билиб бўлай шокир,
Тилим била бўлойин ҳамди покига зокир,
Қўлунгда йўқ сани, эй Шавқий, амали зоҳир,
Умид ўшалки, Худо қилса журмдин тоҳир,
Бу йўл муҳаббатида оҳи Рабанно айлай,
Рафику ҳамдам ила мунисим Худо айлай.

ШАВҚИЙ МУХАММАСИ

Ёрий бергил, эй Худо, ҳамдинга гуфтор айласам,
Бир неча кўнглумдаги сирларни изҳор айласам,
Хоби ғафлатдин оғир жисмимни бедор айласам,
Каъбага жон нақдидин ўзни харидор айласам,
(165) Хотири ношодими муштоқи дийдор айласам.

Вокиф ўлсам умрими кўбраки кетмиш, қолмиш оз,
Каъбатуллоҳ ишқи бирла қилмадим жонни гудоз,
Билдим, эмди йўқ экан, журму гуноҳга чорасоз,
Робиъадек³⁹¹ ҳар қадам ичра ўқуб юрсам намоз,
Кўз ёшимдин бу жаҳон саҳнини гулзор айласам.

Макка аслидин баён айлай бу дам бир неча сўз,
Халқи оламга аён ўлди бу лаҳза бу румуз,
Ушбу сўз фаҳм айлағай ким солса ақли бирла кўз,
Билмадинг қадрин, кўнгул, ғафлатда ётмишсен хануз,
Мунча ғафлатдин ўзумни мунча бедор айласам.

³⁹¹ Робиъа бинт Адавия (717 – 801) – машҳур сўфий аёл, Маккага пиёда тиззалаб юриб борган.

Ҳазрати Одам замонида эди бир дона нур,
Арши аълодин нузул ўлғон эди бу дурға нур,
Ҳазрати Одам тавоф айладилар солу шухур,³⁹²
Вақти тўфон ўлғуча ёр эрди жавр анда зуҳур,
Макка асли бу эди, аслини гуфтор айласам.

Вақти тўфон эрди, кўйдилар чиқориб осмон,
Ҳақ деди: “Тўфон балоси бермасун анга зиён”,
Қиблайи аҳли само бўлғон эди андоғ замон,
Ишқ тушгай Каъбаға, Ҳақ бўлса кимга меҳрибон,
Лозим ул жон нақдини анга харидор айласам.

Ваҳйи еткурди Халилуллоҳға³⁹³ ул Қодир Худо,
Сан манинг учун бугун қилғил, деди бир уй бино,
Ҳазрати Иброҳим айди ул замон: “Ё Раббано,
Билмағоймен, ё кичик, ё катта қилғоймен бино,
Манга кўрсат сувратин, ман анда тайёр айласам”.

Амр қилди бир булутга ул Худованди жаҳон,
Ул булут бўлди Халилуллоҳ билан ул дам равон,
Турди тўхтаб ул булут бир ерга етгач ул замон,
Ушбу лаҳза ул булутдин бир нидо бўлди аён,
Айди Иброҳим, булут қаддича девор айласам.

Маккани андозасиға ул булут кўрсатти йўл,
Бўлди Иброҳим пайамбарға бу андоза қабул,
Ҳазрати Иброҳим, Исмоил, ота бирла ўғул,
Жабраил анга қўшулдилар, учовлон урди қўл,
(166) Жабраил айди, беринг тош, эмди даркор айласам.

Ҳазрати Исмоил эрдилар ўшал фурсатда ёш,
Ёш ўғуллар расмин айлаб миндилар бир яхши тош,
Тошға ул дамда Худо қудратнамолиғ қилди фош,
Юрди тош Ҳақ амридин қайтармади бир зарра кош,
Тош деди: “Ман осий ўлғум анга инкор айласам”.

³⁹² Солу шухур – йил ва ойлар.

³⁹³ Бу ерда Иброҳим (а.с.) ҳақида сўз кетмоқда.

Барча тошларга ўшал соат етушти бу хабар,
Айдилар: “Ҳақ уйига гар бўлсангизлар коргар”,
Бу сифат яхши хабар тош кўнглига қилди асар,
Бўлгунгиздур кадр ила қимматда монанди гуҳар,
Деди, бўлғойму муяссар нолаву зор айласам.

Тош сарига борди Исмоил миниб тош ўйношиб,
Ўзга тошлар юрушуб келди бу тошга эргашиб,
Бир-бирисидин бурун юргай эди андоғ шошиб,
Макка таъмирига қўйдилар борини ушлашиб,
Ҳаққа арз айлаб деди: “На янглиғ меъмор айласам”.

Тош олиб Иброҳим анда Жабраилга бердилар,
Казбатуллоҳ таъмирига Жабраил тош тердилар,
Ҳақ таоло амри бирлан ҳар учовлон юрдилар,
То ҳажар асвадни турган жойига еткурдилар,
Айдилар бир ўзга тош: “Бу ерга даркор айласам”.

Неча тош бир-бир қабул этмас эдилар Жабраил,
Дер эдилар: “Бу эмас, фармойиши Раббул-Жалил,
Ўзга тош излаб Қубайс тоғига бордилар Халил,
Чикти ул тошдин ўшал соат нидойи қолу қийл,
Излаган тошман, деди, гар рост гуфтор айласам.

Тош деди: “Аслим фаришта “Аҳднома” ушлаган,
Макка деворида турмокни Худо лойиқ айлаган,
“Аҳднома” ичра ким бўлса мани ул йўқлаган,
Ёдиға олмас мани гафлатда ётиб ухлаган,
Хоби гафлатдин керак ман ўзни бедор айласам”.

Ҳоли бордур Макка деворида ким борса кўрар,
Кўнглига ишқу муҳаббат тушган элни еткурар,
“Аҳднома” ичра бўлгонни жамоли барқ урар,
Меҳнатин йўлда чекиб, маҳшарда давронин сураар,
(167)Бор умидим, манзилим Маҳшарда гулзор айласам.

Бўлди охир бу табаррук уйнинг бунёди тамом,
Ҳақ деди, кичқир ҳама келсун, халойиқ, хоссу ‘омм,
Хоҳ ато, сабли, оно қорнида бўлса банда ном,
Келса пок ўлғой гуноҳдин манзили дорус-салом,
Ҳақ деди: “Ул бандани ман яхши кирдор айласам”.

Ҳазрати Иброҳим ул соатда қилдилар нидо,
Ул нидони жумла оламга эшиттурди Худо,
Бу нидо Иброҳим оғзидин хануз ўлмаи жудо,
Ҳар тарафдин шул замон “*Лаббайка*” деб чиқти садо,
Ман ўзум шояд садо аҳли била ёр айласам.

Ул куни бу Макка таъмирини бунёд айлади,
Ушбу уй ҳосияти оламни обод айлади,
Ким тавоф этса они, Ҳақ хотирин шод айлади,
Ҳақ ўшал қулни гунаҳ чиркидин озод айлади,
Ман ҳам ул уйга ўзум шоядки дучор айласам.

Бу учовлонга хитоб айлаб деди Парвардигор:
“Ҳар учовлон кўнглингизда бор эса ҳар ихтиёр,
Ушбу лаҳза махфий қилмасдин қилингиз ошкор,
Раҳматимдин жумла ҳожотингизи айлай барор,
Ман ҳам эмди раҳматимни сизларга изҳор айласам”.

Деди Иброҳимга Ҳақ: “Сан айладинг амрим бажо,
Ман эрурман матлабинг еткурғучи Қодир Худо,
Мунда сиз уч таното-ўғул билан Ҳожар ано,
Ҳар биринг мандин тиланглар бор эса ҳар муддао,
Ман бу дам инъомими сизларга дучор айласам”.

Ҳазрат Иброҳим айдилар: “Мани ёшим қари,
Қодиру доно Ўзунгсан, махлуқунг олам бари,
Барчани Халлоқи, Раззоқи эрурсан довари,
Раҳматингга ошно бўлсун қариларнинг бари,
Мандаги сўз бу эрур, бу лаҳза гуфтор айласам”.

Ҳазрат Исмоил айдилар: “Аё, эй Зи-л-Жалол,
Сан эрурсан Қодиру Ҳайи тавоно ло-йазол,
(168) Бўлсалар оламда неча ёш йигит наврас ниҳол,
Барчасин манга бағишла, бу эрур мандин савол,
Жумла тенгдошим била Маҳшарни бозор айласам”.

Ҳазрати Ҳожар аномиз айди: “Эй Парвардигор,
Жумла махфий бариси илминга эрмиш ошкор,
Даҳр аро ихлослик, мунглиғ заифлар неча бор,
Бу жамоатни манга бер, ҳожатим айла барор,
Ман буларга меҳрибонликдин ўзим ёр айласам”.

Ҳақ деди: “Қилғон дуонгизларни ман қилдим қабул,
Ҳар на мақсад қилсангизлар, борини қилдим хусул,
Раҳматим боронини сизларга айларман нузул,
Бўлмангизлар даргаҳимдин барчангиз хотир малул,
Ўзгаларга ҳам яна раҳматимни даркор айласам”.

Шавкий сўз назмини ижмол ила қилди тамом,
Илтимос айлаб экан бу назмни бир некном,
Омиру нозим дуо умидин айлар мустадом,
Фурсати таъжил учун фикрат пишурди сўзга хом,
Гар та’анний бўлса эрди дилни хушёр айласам.

ОБИД МУҲАММАСИ

Ҳасратингда, эй гул, оқти дийдадин қоним манинг,
Қолмади додинг чекарга эмди дармоним манинг,
Бир тарахҳум айлагил, эй мушқул осоним манинг,
Тобакай ҳажрингда ўртансун ҳазин жоним манинг,
Тобакай чиқсун фалаклар узра афгоним манинг.

Дединг, эй маҳ, маҳфилинг равшан қилурман кечалар,
То сахар базмингда гулдек очилурман кечалар,
Хотиринг жамъ айла, қадрингиз билурман кечалар,
Ваъдалар қилдингки, базмингга келурман кечалар,
Келмадинг бир кеча ҳам, эй аҳди ёлғоним манинг.

Эй маҳи хуршид талъат, кавкабу маҳ мураттабат,
Моҳи пайкар, хуш табиат, шуҳ олий манзалат,
Гулбуни боғи назокат, шамъи базми манқабат,
Раҳм этиб ҳолимға, эй моҳи сипеҳри марҳамат,
Равшан эт шамъи жамолингдин шабистоним манинг.

Тарк этиб жавру жафо, эй нозанин, ҳолимни сўр,
Ҳасратингда бўлди кўб манга қийин, ҳолимни сўр,
Бўлмишам ҳажрингда ўлмакка яқин, ҳолимни сўр,
Соя сол бошимға лутф айлаб ҳазин ҳолимни сўр,
(169) Эй юзи гул, қомати сарвихиромоним манинг.

Сарф қилди бу кулинг кўйингда моху солини,
Нақш қилмишдур дилига фикратинг тимсолини,
На бўлур гўш айласанг бир лаҳза қилу қолини,
Ваҳ, нахуш эрдикки, сўрсанг бу гадо аҳволини,
Эй, кўнгул мулкин мусахҳар айлаган хоним манинг.

Кошки бир кеча даргоҳингда жо қилгой эдим,
То саҳар булбул каби оҳу наво қилгой эдим,
Хоки даргаҳинг кўзумга тўтиё қилгой эдим,
Нозаниним, мақдаминга жон фидо қилгой эдим,
Кошки бўлгой эдинг бир кеча меҳмоним манинг.

Оқибат, эй шўх, расвойи жаҳон этдинг мани,
Гул эди рангим, гаминг бирла хазон этдинг мани.
Чор атрофи жаҳонга дoston этдинг мани,
Хаставу зору наҳифу нотавон этдинг мани,
Қолмади ҳажрингда зарра тобу дармоним манинг.

Қай куниким бўлмишам, эй шўх, санга мубтало,
Минг туман дарду балоларга бўлубман ошно,
Ҳасратингни кимга айтай, эй нигори дилрабо,
Айладинг охир мани расвойи олам халқаро,
Эй, жафожў бемурувват номуслмоним манинг.

То очилди даҳр гулзорида бу хандон гулинг,
Тутти олам бўстонини саросар гулгулинг,
Қарчиғой, то ғоз, то ўрдак бўлубдур булбулинг,
Найласун сандин бўлак маҳвашни Обиджон кулинг,
Эй жамоли гулшани боғу гулистоним манинг.

ВА ЛАҲУ АЙЗАН

Муҳаббат айлабон охирда афкор ўлмасун ҳеч ким,
Манингдек зору сарсони жафокор ўлмасун ҳеч ким,
Бировга эътиқод айлаб, ўзи хор ўлмасун ҳеч ким,
Кўзу қонлу, юзи зард, дили озор ўлмасун ҳеч ким,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Хузурум йўқ танимда ҳеч муддатда, аё ёрон,
Тушубдур бошима найлай тушумда кўрмаган бўхтон,
(170) Нетай тўғри сўзим мундоғ малоли дил бўлуб чандон,
Келиб мундоғ ёмон сўзлар қилиб ман телбани ҳайрон,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Муқаррам айлагил икки жаҳонда ошноларни,
Агар чандики ҳукми бирла куйдурса гадоларни,
Илоҳо, дўсту душман ичра зор этма адоларни,
Дуосин мустажоб этгил, Худоё, бенаволарни,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Дуоғую ғарибу нотавону зору сарсонман,
Ҳамиша яхшилик андишада, жоно, қадрдонман,
Насиҳат айламакни ихтиёр айлаб гапиргонман,
Бўлуб тўғри сўзим ўзбаклигимдин хору ҳайронман,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Ўзумни шумлигимму ёки одамларнинг жавридин,
Тушуб бошима савдойи ажойиблар, аё мўъмин,
Эшит, эй оқилон, ман хаставу бечоранинг арзин,
Даме ором олмаслик бу расвоға эмас мумкин,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Биродарларга ман холис қилиб эрдим насиҳатлар,
Кўрунди бу сўзим беҳад ёмон кўб тегди кулфатлар,
Ва лекин холисанлллоҳ қилиб эрдим муҳаббатлар,
Муҳаббат айлаганлар қилдилар беҳад машаққатлар,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Азалда Ҳақни тақдири – бировга ошно бўлдум,
Бу янглиғ охирида зулму жавридин адо бўлдум,
Насиҳат қилғучидурман, дебон охир жудо бўлдум,
Илоҳо, мубталойи дарди бедафъу даво бўлдум,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Ризодурман агар яхши сўзимдин келса минг кулфат,
Қилурман жону дил бирла маломатларга ҳам тоқат,
Нетарман оху-во айлаб, фиғону дод этиб фурқат,
Кўрарман Ҳакни фармонига бу дарду алам муддат,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Ҳазар айлаб биродарлар гаҳи бир илтифот этмас,
Ўзумнинг кулларим, деб марҳамат ул некзот этмас,
(171) Жафову жаврига куйган ҳазинларга нажот этмас,
Ғариби ихтиёри мавт этиб майли ҳаёт этмас,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким,

Мани қилгон ҳама яхшилигим гўё бўлуб бекор,
Рақиб аҳли сўзи бирла қилиб жисму танимни зор,
Тараҳхум айламай жавр эттилар маҳбублар бисёр,
Насиҳат бирла айтган сўзларим гўё бўлуб бекор.
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Ёмонлиг йўқ эди манда, вале онлар ёмон этти,
Ўзини минг такаллуф бирла манга бу замон этти,
Бу жисми хастани қайғу юкидин нотавон этти,
Кўнгулни ғуссаву андуҳида тўлғунча қон этти,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Худоё, ҳеч бандангни манингдек бекарор этма,
Замона халқидин ранжур этиб жисмини зор этма,
Хусусан, манга ўхшаб нотавону безътибор этма,
Манингдек ҳеч бандангни, аё Парвардигор, этма,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Агар сабр этмасам бузғой ҳама оламини бу оҳим,
Ғадоман, лутфу эҳсон айламас бу ҳолима шоҳим,
Нетайким, лутф ила марҳаматдин во эмас роҳим,
Тараҳхумлар қилиб шод айламас шўҳ шаҳаншоҳим,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

Неча савдо тушубдур бошима, найлай, Худовандо,
Ўзунг бергил, Илоҳо, мушқули бу Обиди расво,
Замона халқидин тарки тамаъ айла, аё мавло,
Мани, ё Раб, жаҳон аҳлига муҳтож айлама асло,
Илоҳо, манга ўхшаб зору бемор ўлмасун ҳеч ким.

ОБИД ҒАЗАЛИ

Аҳли жунундек афгон қилурман,
Маҳзун кўнгулни вайрон қилурман.

Ҳолим табоху корим фиғондур,
Жону танимни қурбон қилурман.

Майл айламасман ўзга кишига,
Шому саҳарлар дил қон қилурман.

(172) Ул кунлар якка маҳрам бўлардим,
Эмди ўзумни сарсон қилурман.

Доим яқони минг чок этибон,
Ҳам илтижойи Субҳон қилурман.

Бахтим қарому, найлай ёронлар,
Жонни дучора ҳижрон қилурман.

Раҳм айламайдур ёру биродар,
На ишни дилға армон қилурман.

Айлаб жафолар дўстлар ҳамиша,
Сийнамни ғамдин паррон қилурман.

Йиғлаб Худоға, айлаб тавалло,
Бу илтижони чандон қилурман.

Ҳар дам фиғони минг оҳ этибон,
Тун кечаларда нолон қилурман.

Мандин дуодур аҳбоб элига,
Чандон саволи жонон қилурман.

Эй яхши кўрган, жонимни олган,
Сизга тасаддуқ бу жон қилурман.

Хуррам бўлолмай аҳли замондин,
Ман илтижойи ул хон қилурман.

Найларки Обид ҳасратда эмди,
Санга насихат чандон қилурман.

ОБИД ҒАЗАЛИ

Наманган ичра, эй жоно, санингдек дилрабо йўқтур,
Сани ишқингда куйган ман каби бағри адо йўқтур.

Манингдек бормукин, жоно, санинг йўлингда жон берган,
Асири ишқинг ўлғон, хонумонидин жудо йўқтур.

На бўлғой, эй нигорим, бу қулунг сори назар қилсанг,
Бу кўнглум шаҳричра сандин ортуқ подшо йўқтур.

Хату холинг фироқида юраким куюб ўртанди,
Тамоми ҳури жаннат ичра сандек хуш адо йўқтур.

Ёрут бу тийра кулбам васл шами бирла, эй жоно,
Жаҳонни изладим, асло санингдек махлиқо йўқтур.

Лабингни шарбатидин тортибон ўлсам эди, дилбар,
Висолингдан кўнгулда ўзга ҳеч бир муддаойўқтур.

Жамолинг соғиниб тун-кечаларда зор йиғлайман,
Ки, ғам остида қолғон ман каби қадди дуто йўқтур.

Илоҳо, икки оламда азизу мухтарам бўлгил,
Манингдек кеча-кундуз санга соҳиб дуо йўқтур.

Давомат васлингни излаб юрурман бесабру сомон,
Нигорим, дилнавозим, санга мандек ошно йўқтур.

(173) Ишонгил, хоҳ ишонма, эй назокат боғи гулзори,
Фироқингда куйиб ёнғон манингдек мубтало йўқтур.

Нетай, найлай фироқингда ғариби бенаводурман,
Жаҳонда, Обидо, сандек юрак-бағри адо йўқтур.

ОБИД МУХАММАСИ

Манга саргашталик, эй гулбадан, раънолигингдандур,
Кўзумга ҳар замон хуш жилва, хуш оролигингдандур,
Ҳамиша зулму жавринг раҳми йўқ тарсолигингдандур,
Ўзунга кўб бино қўйган шаҳи барнолигингдандур,
Дило, ҳар ғам ўзингдандур, анга шайдолигингдандур.

Ёмон кўздан саломат айласун парвардигор аммо,
Ғаму андуҳ ўтида қилмосун жисмим фиғор аммо,
Миёни дўсту душман ичра бўлмай хор-зор аммо,
Амон бўлгил ҳама дарду машаққатдин низо аммо,
Мани қон ютмагим ҳолимга бепарвозлигингдандур.

Рақиб рўсиё бирла юрарсан зор этиб бизни,
Йўлунгда мисли Мажнундек дили афгор этиб бизни,
Ҳама халқи жаҳон ичра баче кўб хор этиб бизни,
Нигоҳе айламасдин ожизу бемор этиб бизни,
Билурманким булар пурнозу истиғнолигингдандур.

Забун бўлди ғамингда қоматим чундол, эй маҳваш,
Фироқинг бирла бўлмишман ажойиб ҳол, эй маҳваш,
Бугунча дастгирим бўл, қўлумни ол, эй маҳваш,
Тутуб қўлдин висолинг кўчасига сол, эй маҳваш,
Агар қилсанг муни дар ғояти донолигингдандур.

Керак эрмас манга айшу нишотибу жаҳон сансиз,
На тахту бахт ҳам боғу роғу хонумон сансиз,
Тирикликни нетарман, эй маҳ, нозикмиён, сансиз,
Агар чандики, қилсанг ҳам жафоларни чунон сансиз,
Куяр жисмим алам ўтиға нопаддолигингдандур.

Агар етсам висолинга тану жоним фидо бўлсун,
Сани кўнглунг, Илоҳо, манга ҳам бир ошно бўлсун,
Илоҳо, санга Халлоқи жаҳоним муттако бўлсун,
Ҳама ишга ривожинг бергучи ҳам ул Худо бўлсун,
Ва лекин ҳасрати ман йўқламас аслолигингдандур.

(174) Рафиқ ўлмас агарчи бир келиб кетмас мани йўқлаб,
Танимни қуввати маҳзун дилимни равшани йўқлаб,
Десамким, кўргани келдим маконингга сани йўқлаб,
Нетайким, толеим йўқ, келмади ёрим қани йўқлаб,
Ютарман захр ила оғуни бепарволигингдандур.

Ёмон бўлди фироқингда мани ҳолим, аё маҳваш,
Кўярсан нозу истиғно қилиб кўксум аро оташ,
Қачон бўлғойки лутф айлаб бўлурсан бизлара дилкаш,
Фироқинг зўридин маҳзун кўнгул бўлмиш ҳамиша ғаш,
Сани зикр этмоғим дил мулкида ғавғолигингдандур.

Хаёлинг бирла, эй маҳваш, кеча уйқум ҳаром ўлмиш,
Ишинг шому саҳар ғайри тарафларга хиром ўлмиш,
Бу боисдин манга кундуз куни гўёки шом ўлмиш,
Билолмам, санга мандин ўзга бир одам ғулом ўлмиш,
Аларга марҳамат, манга машаққат шолигингдандур.

Муҳаббатлик санга бўлган асиру мубтоларга,
Дилу жонини берган дийда пурнам ошноларга,
Тараҳҳум қилмадинг ҳаргиз дили маҳзун адоларга,
Иши булбул каби ғам гулшани ичра наволарга,
Жафолар қилмоғинг, эй маҳлиқо, зеболигингдандур.

Аё нозик бадан, ширин шамойил нозанин ёрим,
Пари талъат, малак суврат мисоли маҳжабин ёрим,
Бу янглиг қилмагил кўб ҳам гаминг бирла ҳазин ёрим,
Фузуни давлатинг этсун Худойи оламин, ёрим,
Дуолар мандин, эй дилбар, қамарсиймолигингдандур.

Нечук қилсун илож Обид сани васлингни ёдидан,
Насиб этмас Худо бир лаҳза фурсатни шодидин,
Бу янглиг бўлмасун навмид қилгон эътиқодидин,
Висолинга етурни айлаган фикри муродидин,
Санга дил бермаги хушрўй аро танҳолигингдандур.

Олам ичра бир санингдек мохпайкар кўрмадим,
Гарчи кездим кўб вилоятни саросар кўрмадим,
Сумбули зулфунгга ўхшаш мушки анбар кўрмадим,
Қоматингдек бог аро сарви санубар кўрмадим,
(175) Чарх лавҳида санингдек меҳри анвар кўрмадим.

Моҳвашлар суҳбати бирла юруб шому саҳар,
Ўтгум онлар ҳар бири машҳур-чун шамсу қамар,
Ҳеч қайси бўлмади маҳзун дилимга коргар,
Гарчи кўрдум гулшани ҳусн ичра раъно жилвагар,
Сан каби сарви гуландоми суманбар кўрмадим.

Қайда манга лоақал лутфу карамлар оз эрур,
Дард аҳли қайда дилхурсанд, сарафроз эрур,
Ким санга, эй маҳлиқо, шому саҳар дамсоз эрур,
Жилвайи сарви қадинг гулшан аро мумтоз эрур,
Бир ниҳоли қоматинг бирла баробар кўрмадим.

Ҳақ сани машҳури даврон айламиш, эй дилрабо,
Лабларинг кавсарга ўхшаш, юзларинг жаннатнамо,
Кўрса мавзун қоматингни Тубо айтур марҳабо,
Кокили зулфингни бир-бир сайр этиб айди сабо
Дайр бўстонида андог сумбули тар кўрмадим.

Тешти бағримни, аё сийминбадан, дарди фиروق,
Сийнани садпора қилди, эй париваш, иштиёк,
Йигламай найлайки бўлмас тийра бахтим асло оқ,
Найлайн ул умрниким бўлса жонондин йиروق,
Бог эмас сансиз жаҳон гулзорини гар кўрмадим.

Марҳаматлар соридин ҳаргиз очилмайдур эшик,
Найлайн мавло мани қилмаб экан иқболи нек,
Фурқатинг ўлдурди, лекин мардум айтурлар тирик,
Тобмадим ёқут лаълингни ақиқи нобдек,
Дур тишингдек даҳр бозорида гавҳар кўрмадим.

Беадад кўрдум пари пайкар санамлар жаврини,
Маҳлиқо, нозик адо, дилбар санамлар жаврини,
Олган эрдим доимо хулкар санамлар жаврини,
Гарчи кўб чектим ситампарвар санамлар жаврини,
Бир санингдек золиму шўх ситамгар кўрмадим.

Эй пари талъат, малак сиймо, нигори нозанин,
Хуш табиат, болатофат дилрабойи маҳжабин,
Осмони ҳуснинг моҳий юзунгга офарин,
Айладим наззора девона шаҳодат сафҳасин,
(176) Кирпикингдин қон тўқарга ҳеч ханжар кўрмадим,

Хобгоҳингни қилиб Мавло мунаввар, эй Амир,
Ҳам насиб этгай қиёмат кунда Кавсар, эй Амир,
Деб дуо айлар бу Обид зор музтар, эй Амир,
Тўкти қилки гавҳарафшонинг гуҳарлар, эй Амир,
Ҳеч олам шоҳини сандек суханвар кўрмадим.

МУҲАММАСИ ОБИД БАР ҒАЗАЛИ АМИР

Санга қасд айлаган душманни яқсон айласун, шоҳим,
Дилини гунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айласун, шоҳим,
Гаҳи раҳми бу доди оҳу афгон айласун, шоҳим,
Илоҳо, давлатингни Ҳақ фаровон айласун, шоҳим,
Мадад ҳолинг доим Шохимардон айласун, шоҳим.

Мани йўқлаб олиб гоҳо қулум деб хайри эҳсон эт,
Рақибини дилини хаста кўнглум-чун паришон эт,
Сабоға бу сабабдин илтижо қилдимки, тугён эт,
Насими рухпарвар, кел, гулистон ичра жавлон эт,
Қадин гулбун каби ҳар ёна мийлон айласун, шоҳим.

Тараҳхумлар қилиб кулбамға келмас ул пари манга,
Қўйбдур найлайн дарду алам ўтин ҳазин танга,
Рақибо, кўб ўзунг урма, висоли бас эрур санга,
Тўқарлар шабнами гул сийм-зар исор учун анга,
Бугун сайр эттали азми гулистон айласун шоҳим.

Манингдек ўзга ким бўлгай дучор ҳажрингни тошига,
Кўруб қойил бўл, эй мах, кўнглуми ғамга чидошига,
Мани қоъид қилиб кеттинг уқубатларфиросиға,
Гул очилди, соя солди сарв сумбулни бошиға,
Бугун рухсор уза зулфинг паришон айласун, шоҳим.

Бугун кулбамни равшан айлабон ширин сухан айлаб,
Тараҳхумларни беҳад манга ул нозикбадан айлаб,
Рақиби рўсиёлар бўйнига ғамдин расан айлаб,
Баҳори ноз эрур бу боғ аро сайри чаман айлаб,
Ҳама гулларни ўз ҳусниға ҳайрон айласун, шоҳим.

Сабо, арзимни ул шўх пари алқобима айтинг,
Ҳамиша боиси ҳажри ғаму хунобима айтинг,
(177) Топилмас даҳрдин ул гавҳари ноёбима айтинг,
Маризи ишқман, Исосифат аҳбобима айтинг,
Мани бир дам ила мамнуни эҳсон айласун шоҳим.

Ғуломи бовафоси Обидин айлаб гаҳи масрур,
Карам қилса на бўлғой ул пари пайкар юзи пур нур,
Манга андин бўлак маҳваш таманноси эмас манзур,
Жаҳонда ҳусн иклимининг давлатлиғ Амиридур,
Ўзини сарвқоматларға султон айласун шоҳим.

**Ушбу муҳаммаси жигарсўзи маъруф ҳажи шариф маъовиятида
Тури Синода кароитина хусусида Рамзий Намангонийнинг
ҳасратомиз ёзган шеъридур**

Баён айлай, ёронлар, воқеоти Тури Синони,
Эшитинглар ўқуб ушбу ёзилгон назм иншони,
Миср мулкида тобе жой экан ёнида дарёни,
Бино қилмиш баройи буг неча озода маъвони,
Солиб дуд ила буғлар анда хуржун бор ашёни.

Тамоми ҳожиларни тўхтатиб ул ерда бир ҳафта,
Борисин буғлагай маъвойи мазкур ичра албатта,
Либосин ештуруб, айлаб бараҳна, бермайин латта,
Ки, яъни кашфи аврат эттуруб, йўқ бу шариятда,
Риоя қилмагайлар заррача ҳам амри мавлони.

Шариат амрини тарк айлаюб тутмиш низом онлар,
Низоми шаръи ижросина қилмай эҳтимом онлар,
Демасдин кашфи аврат айламоғлиғдур ҳаром онлар,
Қилурлар фасх фармони Худойи ло-яном онлар,
Нечун бу тарз этарлар, билмадим, бу сирри ихфони.

Ва лекин зоҳиро бу иш шариатга муҳолифдур,
Хусусан, фарзи аврат сатри қилмоқ амри Ҳотифдур
Бу янглиғ айламоқлиғ қайси мазҳабда муносибдур,
Худонинг амри фарз, аммоки, амри шоҳ вожибдур,
Унутмушлар, кўрунг, халқ айлаган Ҳайи тавонони.

Солурлар бугга, сўнгра бўлса ҳар ашёки хуржунда,
Кулоқга олмағойлар янги ашё бор, деса мунда,
Бўлур покиза қилгондек либоси кирни собунда,
Дегайлар, жорий аввалдин бизим тартибқонунда,
(178) Вабо бор, деб оторлар бори замзам бирла хурмони.

Ҳама ҳайронки, замзам бирла хурмо мўъжизи Ҳазрат,
На боисдин отор дарё сариға қилмойин хурмат,
Ҳама ишлар Худодин жони йўқ махлуқда на қудрат,
Керак Ҳақдин демак, ҳар кимга ориз бўлса ҳар иллат,
Таажжуб ичра қолдим ман кўруб бу кори бежони.

Бу ишлар бор экан хужжожа изҳор айламоқ лозим,
Газет бирла халойиқни хабардор айламоқ лозим,
Сотурмай Маккада замзамни гуфтор айламоқ лозим,
Бўлур деб Тури Сино барча бекор айламоқ лозим,
Керақдур замзаму хурмоға қилмоқ манъ савдони.

Табаррук, деб олурлар қанча замзам ҳожилар билмай,
Этиб бир неча йилни сарф анга, беҳабар билмай,
Олурлар боз хурмо айна нофъе деб зарар билмай,
Келурлар Тури Синоға, бу қонунни алар билмай,
Кўрарларким, писанд этмаслар этса минг таваллони.

Бўлурлар ҳожилар ичра неча мискин бир тийинга зор,
Пулум нобуд бўлди, деб топар они дили озор,
Хусусан, замзаму хурмо тушуб ерларга бўлғой хор,
Эрур ул бизни шаҳримизда ҳурмат бирла иззатдор,
Дегаймиз, қатрасин қадрича олтун бирла тиллони.

На боисдур газет бирлан муни эълom қилмаслар,
Хабарлар еткуруб изҳори хоссу ‘омм қилмаслар,
Бу янглиғ шоҳларни хайли ишни хом қилмаслар,
Этиб изҳор улуснинг кўнглина ором қилмаслар,
Писанд этмазсалар сўнглозим этмак тарки парвони.

Олиб эрдим камина Рамзий хурмо бирла замзамлар,
Этиб бир қанча пулни сарф, кўнгул ичра юз ғамлар,
Тўкулганин ғами ҳар лаҳза устига ғамзамлар,
Бу ишдин бўлдилар ғоятда маҳзун неча одамлар,
Рақам этдим онинг-чун бўйла назми ҳасрат афзони.

ЗАЛУЛИЙ НАМАНҒОНИЙ МУҲАММАСИ

Ариза

Сандин манга дарду ғам бўлакча,
Ҳижронинг ила алам бўлакча,
Қўймай кетибон қадам бўлакча,
Кулбам сари, эй укам, бўлакча,
(179) Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Эй бемаза, муттаҳам бўлакча,
Ялғонни кўзида нам бўлакча,
Жаврим санга айласам бўлакча,
Сўнгра урасанму дам бўлакча,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Эй моҳлиқо хайлин сараси,
Ғам бирла дутони муттақоси,
Кулнинг бўладур муддаоси,
Ҳар корки қилса подшоси,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Эй, ишқни лофин урган ошиқ,
Борму сўзунг ичра зарра содик,
Кўнглунг тилинга эмас мувофик,
Шаръида дегай сани мунофик,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Ялгонни десам тилим кесилсун,
Ҳар кимни дилини Тангри билсун,
Сидқин санга билдуруб на қилсун,
Токай югуруб, йўлунгда елсун,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Остонани маскан этгунча,
Кўб йилгача кафш артагунча,
Кўз нури ғамида кетмагунча,
Фарёдини халқ эшитмагунча,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Ҳар қанчаки оху нола қилсам,
Кўз ёшимни мисли жола қилсам,
Булбулдек ўзумни вола қилсам,
Сан гулни ғамингда нола қилсам,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Кўб сўзни дароз қилма эмди,
Истаб мани кунда келма эмди,
Кўб йўл юрубон эзилма эмди,
Ҳижроним ила сиқилма эмди,
(180) Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Сўзни манга кўб дағал қилурсан,
Кўб ноз этибон жадал қилурсан,
Душман сўзиға амал қилурсан,
Зулм аксару лутф ақалл қилурсан,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Сан кимсану беқарор бўлмак,
Ман ким сан бирла ёр бўлмак,
Даъво қиласан фигур бўлмак,
Номус манга санга ёр бўлмак,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Гарчанд мудом ҳазар қилурсан,
Куйгай гаминг-ла жон ила тан,
Тутдум бу умид илаки доман,
Пайрвойи тазаллум этмагайман,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Минг яхши билурман эътиқодинг,
Ман тингламағойман арз-додинг,
Васлим санинг бўлса гар муродинг,
Ҳар кечаси фикру зикри ёдинг,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Парво қиламанму анга асло,
Кўйингдаги итларинг, нигоро,
Бошима ҳамиша қилса ғавго,
Ағёр эли тошлар отсун аммо,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

Иззатингни билурмусан, аё зор,
Қилғум сани ман риоя бисёр,
Ўзга киши қилса ушбу хаёл қор,
Бўлғой ситамим билан дилозор,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Густохлик айлама агар қул,
Хожа соладурму бўйнига ғул,
Журмин кечуруб қилур таҳаммул,
Ҳар ердаки расми маҳлиқо шул,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Жавоб

(181) Токай кечурай сани гуноҳинг,
Токай бўлмаин сани паноҳинг,
Тақсир ила ўтса солу моҳинг,
Бўлсам бошинг узра подшоҳинг,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Ҳарчандки тарк этай адабни,
Лозимму қилиш шунга ғазабни,
Келтур дилинг ичра гоҳ Рабни,
Зулм ила кечурма рўзу шабни,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Марҳамат

Раҳмим келадур ҳазинлигинга,
Бекибр ила камтарлигинга,
Кўнгли ман учун ғамгинлигинга,
Ҳам зубдаи толибинлигинга,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Ариза

Яхши келадур сўзингни бўйи,
Бердиму Худо бу яхши хўйи,
Шул эрди камина жустужўйи,
Хам бўлдимур гарданингни мўйи,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Илтифот

Хайр эмди, дилингни жамъ тутғил,
Аввалғи аламларинг унутғил,
Ишрат била дийдани ёрутғил,
Ўзга кишидин кўнгул совутғил,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Хотима

Минг шукр Худойи оламинга,
Халлоқи само билан заминга,
Етқузди нигори нозанинга,
Маҳбублар ичра ёсаминга,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

Илтижо

Ҳар кимни кучи етиб рақиба,
Етсун дили ўйлаган ҳабиба,
Халлоқи жаҳон этиб насиба,
Бир қисса бўлуб сўзум ажиба,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

* * *

Ашъори латифу нуктаи хўб,
Абёт лазизу назми марғуб,
Бошдин оёғи зуқури маҳғуб,
Қилди бу кеча Залулий мактуб,
Ноз ўзгачаву ситам бўлакча.

МУҲАММАСИ НОДИМ БАР ҒАЗАЛИ МУҚИМИЙ

Халқ аро зарбулмасал машҳури даврон кўсаман,
Тепакал, сил, кўк йўтал, муҳтожи бирнон кўсаман,
Кў-бакў саргашта, бесабру сомон кўсаман,
Ох, сақол қадри ўтуб, кўнгулда армон кўсаман,
Ҳафтада ойинага боқғонда ҳайрон кўсаман.

Туф бетига, теп кўтига, кимда бир тук бўлмаса,
Ҳар қаю мажлис аро шарманда бир тук бўлмаса,
Мулзаму маъюс, сарафканда бир тук бўлмаса,
Ҳаммада бўлса сақолу манда бир тук бўлмаса,
Йиғлагон ушбуаламдин гоҳ пинҳон кўсаман.

То келиб бу арсайи оламга бўлдим мустақим,
Кўрмишам тўфони Нуху даври Мусойи калим,
Ўтқарибман Қайсару Дорову Лукмони ҳаким,
Сан васолим сўрма, билмасман ўзум ҳам шунчақим,
Катта-катта мўйсафидларга падархон кўсаман.

Еб экандурман мағар ёшлиқда ишқору совун,
Қолмади, итдек гулаб сар то қадам жисмимда жун,
Кўб кечурдум солу моҳу қарн, эй аҳли жунун,
Ёш гумон этманг кўруб афтим, сақолим йўқ учун,
Маллахондин қолгон эски қарри туллон кўсаман.

Бил, азалдин тийнатим хусну сафодин келди 'ур,
Йўк мангґ тобу тавон, қуввати сичқону мур,
Пашшадин анқоғача мандин эрур албатта зўр,
Ёш гўдак бирла кураш тутсам, чиллакдек ошурур,
Сувратим кўрсанг агар ўлгунча полвон кўсаман.

Кўрмади аъжубаси махлуқ мандек инсу жон,
Пўла тан, кампир даҳан, мисли сатих беустухон,
Ёшим 'Ож ибни Унукдандур улуг, эй нуктадон,
Бўлма оввора, билолмассан, суруштурган билан,
(183) Бир чигилманманким,, ечилмасман пистон кўсаман.

Гунчайи таъбим саёҳатдан дамо-дам очилур,
Мамлакатларни кезарман тинмайин гирёну сур,
Манзилим гоҳи Ироқу Шом, гаҳ Лундандадур,
Ҳар шаҳарда кўб агар юрсам бир ой юргум келур,
Найлайин савдойи, аҳволи паришон кўсаман.

Оху фарёду фиғону нола бўлди вардишим,
Синди фақру фоқа тошидин тамомийи тишим,
Роздону ҳамдамимдур ҳар саҳаргаҳ нолишим,
Нечалик бўлди фалак бедодидин охир ишим,
Йўкса, бир вақтида сурган даври даврон кўсаман.

Ман ўзум ланду лаванду хумакзал, гунгу саранг,
Кеча-кундуз улфатим бўлди тамоқу бирла банг,
Икки бетимдур нақорадек тиришгану таранг,
Чигларим Шайдоннинг даштидек яп-яланг,
Эй кимдин бир уло маҳрам намоён кўсаман.

Қилмади ҳинду манжу ё насаро қавмидан,
Ё хитойу армани, ё шиъаосо қавмидан,
Аҳли зиндиқу зино шайтонбаро қавмидан,
Найлар эрдим қилса тарсову яҳудо қавмидан,
Шукрим, Фаргона халкидин мусулмон кўсаман,

Не садо сандин олур лаззат ким ўлса аҳли ҳол,
Кўрсатур юз пардаи асрори ғайбидин жамол,
Жазбаи ишқи Илоҳийдин қилур ширин мақол,
Жўйбори гулшани Файёздин топган камол,
Булбули шўрида аҳвол хуш алҳон кўсаман.

То чекар кўхсор узра хуршид заррин чехра тиг,
То очилгой боғ аро гуллар қизил, оқу сариг,
Давлатингиз баҳридин очгой ҳар ён Эгам ариғ,
Биз фақирдин бир фақирни дўстлар тутманг дариг,
Ман дуогўйи Муқимийман кадрдон кўсаман.

МУҲАММАСИ НОДИМ БАР ҒАЗАЛИ ХИЛВАТИЙ

Бу чархи нилгундин бошингга етгай жафо кам-кам,
Тилсими жисминг ўлғой поймоли аждарҳо кам-кам,
(184) Этар бу банд-банд устухонингдин жудо кам-кам,
Нафас торин чекиб қаддингни ҳам қилгой фано кам-кам,
Олиб белдин мадоринг илкинга бергай асо кам-кам.

Сани қатлинга тортиб оқибат бу даҳр тийғи кин,
Кўзунгдин оқузуб хуноби хасрат айлагай ғамгин,
Солиб пешонайи иқболи бахтинг узра юзминг чин,
Кўзингни гавҳарин саррофи олам олғой ўрнидин,
Бу тазвир ила айлар рўзгорингни қаро кам-кам.

Кўнгулни офтоби маърифат бирла мунаввар эт,
Ҳавойи олами ишқу муҳаббат авжида тайр эт,
Иқомат тарҳин этма, ўзни дунёда қаландар эт,
Тиларсан гар нажоти ғам тажарруд боғини сайр эт,
Тааллуқ келтурур кон бошинга юз-минг бало кам-кам.

На хушдурким, фано майхонасига шавқ ила кирсанг,
Майи ихлосдин сармаст ўлуб ўзлукни синдурсанг,
Қаноат этмайин гар юз ҳаво сорига келтурсанг,
Лижами ихтиёринг нафси бадни илкига берсанг,
Гадо қилгой сани юздин чекуб шарму ҳаё кам-кам.

Биравким хонақоҳ ичра муҳаббат ҳалқасин қургай,
Убудият мақомида ниёзу ажз келтургай,
Солиб 'ужб иқтизоси кўнглига ошублар тургай,
Ридо бўйнида масжиддин қадам кўйи риё ургаи,
Кетар андин риёзат лутфи, таъсири дуо кам-кам.

Агар чанди ниҳоли давлатинг нашъу намо ичра,
Эрур иқболи бахтинг нечаси ранги хино ичра,
Майи ишқинг тўкулса ногаҳон базми фано ичра,
Қўлунгдин кетса давлат жоми даври бебақо ичра,
Узарлар меҳрушафқат торини ҳар ошно кам-кам.

Қулогинга етиб бонги рахил, эй беҳабар бешак,
Ажал паймонасин ичкунг бўлуб хуни жигар бешак,
Низоми адлу вазъи шаръидин қолмай асар бешак,
Қиёмат қойим ўлмоқға етушса, бил, кетар бешак,
Улуғлардин адаб бермак, кичиклардин ҳаё кам-кам.

Гунаҳ бу бандадин, Сандин вале афву ато, Файёз,
Карам қил, айлагил банданга таълим сано, Файёз,
(185) Бўлуб Нодим қади бори хижолатдан дуто, Файёз,
Баҳористони лутфингдин будур уммид, ё Файёз,
Сани ҳамдинга тил очсун, топиб нашъу намо кам-кам.

СОҚИЙНОМАИ НОДИМ

Кел, эй соқиё, тут майи гамзидо,
Паё-пай манга то барўзи жазо.

Ўшал майки, бир журъае нўш этиб,
Кўнгил бўлса кавнайндин мосиво.

Майким, берур жонга кайфияти,
Бу дайри фано ичра сидку сафо.

Агар томса бир қатрае дурдидин,
Бўлур ул кўнгул жоми гетийнамо.

Кўнгул лавхидин ғайр нақшин чекуб,
Қилуб сабт бир ашрафи муддао.

Кудуратдин айлаб мубарро мани,
Берур жонима кўзгу янглиғ жило.

Кириб дайр аро зор маст-аласт,
Чекиб оху фарёд, ҳар дам наво.

Тутуб гўшайи узлаг ичра маком,
Дебон кечаву кундузи Раббано.

Ичиб дам-бадам ул майи софдин,
Бўлай “ху” чекиб ўзлугумдан фано.

Ётай то абад масти бадхуш ўлуб,
Бериб дайр пирига дасти ризо.

* * *

Кетур, соқиё, бодайи лолагун,
Нишоти тараб сори бўл раҳнамун.

Йиқти мани дарди андуҳиғам,
Бўлуб бахти даврон манга вожгун.

Кезиб дашту сахрони топмай нишон,
Пайи сайди мақсуддин чун куюн.

Сиришким шафақгун этиб то саҳар,
Қилур манга бедод гардуни дун.

Кетар елга гар етса оҳим ўти,
Балийят фазосинда минг Бесутун.³⁹⁴

Бас, эмди йиқилдим тутуб бир қадах,
Бошимни кўтар, соқий, этмай забун.

(186) Бу айём жавру жафоси била,
Эрурман ҳамиша юрак-бағри хун.

Замон жавридин тоқатим тоқ ўлуб,
Паноҳ истабон санга келдим бугун.

Тарахҳум қил, эй дайр пири, манго,
Бериб журъае бадайи ғамзидо.

³⁹⁴ Бесутун – тоғнинг номи.

* * *

Бу дайр ичра йўқ ман каби абтари,
Эрур манзилим дайр хокистари.

Қўзумга эрур сурмаву тўтиё,
Харобот пирини хоки дари.

Манга бас бу дайр ичра сингон сафол,
Керакмас жаҳон сийм ила гавҳари.

Ёнар ишқ ўтида кеча-кундузи,
Харобот элин рух ила пайкари.

Таманной пири муғон васлида,
Тўкар тинмайин ашки чашми тари.

Ётибман бу майхона кунжи аро,
Камина бу элнинг бўлиб чокари.

Таажжубки, бу дайр ҳар зарраси,
Эрур меҳри рахшандайи ховари.

Келибдур уммид ила даргоҳингга,
Гуноҳкор, осийи сиёҳ ахтари.

Тарахҳум қил, эй дайр пири, манго
Бериб журъае бодайи ғамзидо.

* * *

Келтур, соқий, бодайи мушкноб,
Бўлай то бу дайр ичра масти хароб.

Кеча то саҳар айшу ишрат қилиб,
Чолиб уду танбур, чангу рубоб.

Чекиб бир тараф нағмайи арганун,
Сунуб бир тараф сиймбарлар шароб.

Добон аҳли майхоналар ҳой-ҳуй,
Солиб даҳру торамга минг изтироб.

Бериб гавҳари баҳри уммон учун,
Фано бодига бошлар чун хубоб.

Тажарруд мақомини сайр айлаюб,
Тазаккур тариқида айлаб шитоб.

Хушуъу тазарруъ била доимо,
Дебон: “Раббано, эҳдино бис-савоб”.

(187) Келибман баса ўртаниб ташналаб,
Уруб қил каби ҳар тараф печутоб.

Тарахҳум қил, эй дайр пири, манго,
Бериб журъае бодайи гамзидо.

* * *

Кетур, соқиё, бода вақти баҳор,
Эрур дашту саҳро ҳама полазор.

Кўтарди наво кумри-ю андалиб,
Бўлуб сарв серсабзу гул ошкор.

Юруб ҳар тараф пайки мушкин насим,
Кўтарди кўнгул кўзгусидин ғубор.

Бўлуб сабзаву лолагун бу бўстон,
Фараҳбахшу роҳатфизо обшор.

Шукуфа қилса ҳар дарахту гиёҳ,
Зумуррадгун ўлди ҳама кўҳсор.

Очиб ишрат иймосина сабза тил,
Баробар бўлуб элга лайлу наҳор.

Чаманни тузуб базм раънолари,
Шукуфа лаолисин айлаб нисор.

Бу айёми бахжат фазода мани,
Йиқти жаҳон ғуссаси-ю хумор.

Тарахҳум қил, эй дайр пири, манго,
Бериб журъае бодайи гамзидо.

Кетур, соқиё, бодайи жоми Жам,
Чекиб суврати расми Ироқу Ажам.

Ўтар йил каби умрнинг фурсати,
Бу фурсат ганиматдур, эй мухтарам.

Бу дунёда йўқтур бақову субут,
Бўлди жумла ашё вужуди 'адам.

Бағайр аз Худованди олам қани,
Биров малик ул-явмдин урса дам.

Мақоми ризо, таваккулда бўл,
Агар етса бўйнингга тийғи ситам.

Наким чекти, ул бўлмайин қолмағой,
Қазову қадар сафҳасини Қалам.

Бас, ҳар ишни Тангрига тафвиз этиб,
Хаёл этма ҳирс аҳлидек бешу кам.

Ҳаводис ғамидин тилаб ал-омон,
Келибман ўтуб жонима минг алам.

(188) Тарахҳум қил, эй дайр пири, манго,
Бериб журъае бодайи ғамзидо.

* * *

Кетур, соқиё, ташнаман, шарбати,
Мани айласун ўзга кайфияти.

Паё-пай қадах тут, чунон маст ўлай,
Қолай то барўзи жазо ҳайрати.

Кеча-кундузи “ҳу” чекиб дайр аро,
Бўлай фикру зикри била хилвати.

Бошим кетса бу ишда майхонада,
Саодат эрур ул нахуш давлати.

Берур шуълайи фонус сийнам аро,
Ҳамиша бу ишқу муҳаббат ўти.

Кечибдур Жамшиду Кай, Ардашер,
Етибдур биза, соқий, май навбати.

Ўтар кўз юмуб ўткунча, оҳким,
Бу умри шарифу башар фурсати.

Гуноҳкор Нодим уруб бошини,
Келибдур йиғиб даҳрнинг кулфати.

Тараххум қил, эй дайр пири манго,
Бериб журъае бодаи ғамзидо.

* * *

*Шукрки ин нусха баунвон расид,
Пештар аз марғбапоён расид.*

Таммат би-‘авни-л-Малики-л-Ваҳҳоб.³⁹⁵

ТАРИХИ ХАТМИ БАЁЗ
*аз натойижи афкори муҳтаммими ҳақир
ал- мутахаллис ба Обид³⁹⁶*

Баъдаз ҳамаи санойи Мавло,
Салавот Ҳабибиға ҳадоё.

Юз шукр Худоғаким бу мактуб,
Итмомиға етти, бўлди марғуб.

Бу ходими олимони покон,
Бу муниси кулли дарднокон.

(189) Яъни, бу камин Муҳаммад Обид,
Бу нусхайи дилкашға вожид.

Кўб саъйи балиғ ила ниҳоят,
Йиғдим муни, эй анис улфат.

³⁹⁵ Малик ва Ваҳҳоб (Аллох) нинг кўмаги билан (китоб) тугади.

³⁹⁶ “Баёз”нинг тугаш тарихи баёни. Бу ишга ҳаракат кўрсатган Обид тахаллусли ҳақирнинг фикрлари натижасидандир.

Мухлисларгадур халослик йўл,
Бар Нодирайи замонадур бул.

Хилватнишин аҳлининг аниси,
Дилхаста Ҳазинлари жалиси.

Дайр ичра Муқимларга улфат,
Ҳамсуҳбат ёр аҳли Фурқат.

Махмурларинг шароби Жоми,
Ошиқлари Нисбат тамоми.

Ё Раб, муни айла элга мақбул,
Сандин мани ҳожатим эрур шул.

Рад қилма закийларинг дилидин,
Ажратмоғил аҳли фаҳм элидин.

Таърихи минг уч юз, эй муқаррам,
Устида йигирма олти ҳам зам.³⁹⁷

Олтинчи рабиъул-аввал, эй ёр,
Итмомиға етти жамъи ашъор.

Бир айб кўрунса, эй биродар,
Тасҳиҳ ила афу айлашинглар.

Дашном ила қойилиға боқманг,
Айб ишни аларга ҳеч тоқманг.

Ҳар айбки, мандадур муқаррар,
Қойиллари зуфунуни суханвар.

³⁹⁷ 1326 ҳижрий / 1908 мелодий йил.

ХОТИМАТ УТ- ТАБЪ

Ушбу манзумаи мажмуаи ашъори ажиба ва абёти ғаробаки, гулистони ашъордин интиҳоб эдилуб, дастабанди таҳрир ўлинди. Лекин жаноби ҳазақатпаноҳ ва зарофат дастгоҳлардин умид ва илтижо улдурки, ҳар саҳв ва хатоким, китобда воқеъ бўлса, табъи аржумандлари бирла ислоҳ буюрсалар ва гулгун забонларин таън майдонида жилва бермасунлар. Ва фақири аҳқар ут-туллоб Мулла Шоҳислом ушбу ғавҳар нусхани таҳрир риштасига терди, лекин, ҳол буки, “ва мо тавфиқ илло биллоҳ” ҳаблул-матиниға эътисом эдар. Алҳамдулиллоҳ вас-салоту ало хайри халқиҳи.

МУҲАММАС УЛ-ОБИД ‘АЛА-Л-МАЖРУХ ФИЙ АҲВОЛИ АҲЛИ ЗАМОН

*(Замон аҳлининг аҳволи ҳақидаги
Мажрух газалига Обиднинг муҳаммаси)*

(190) Бўдилар бизларға носих бефаросатлар чиқиб,
Амри маъруф айлашурлар бетаҳоратлар чиқиб,
Маслаҳатдон бўлди неча безако’атлар чиқиб,
Бўлди Фарғона эликим, ғайри санъатлар чиқиб,
Турфа тартибу низому ўзга бидъатлар чиқиб.

Қолмади катта-кичикларда ҳамият дин учун,
Қилмоғой ҳарғиз ривожига далолат дин учун,
Ким кўрар ранжу алам тортиб машаққат дин учун,
Кулфат осожига излаб берди кулфат дин учун,
Етмаган ҳурмат насими аҳли савлатлар чиқиб.

Баъзилар масжид аро эрмас Худо учун муқим,
Мадраса ичра мударрис вақфи учун мустақим,
Гар ўзи лутф айламас бўлса Худованди карим,
Мавжа келтурди зинову фиқҳни баҳриниким,
Зоҳири зоҳидсифат аҳли шароратлар чиқиб.

Мазраъи дилға гунаҳ тухмини барпо айлади,
Маъсиятлариндуруб, дилни сувайдо айлади,
Нақди динни туша айлаб, фисқи савдо айлади,
Дини Аҳмадни жаҳонда тухмин анқо айлади,
Кўрмаган мактаб юзин аҳли шариатлар чиқиб,

Айлағунг ихлос тўхтовсиз кўруб дийдорини,
Қайси мазҳабдин халифа деб мунофиқ ўғрини,
Ҳаққи мардумдин ҳазар қилмас, надур билмам динини,
Хонақода рақс уруб, олди нечанинг кафшини,
Ботини кизбу хиёнат аҳли суҳбатлар чиқиб.

Кимни кўрса заррача андин юлушни чоғлади,
Тилларини яхши сўзлар бирла чандон ёғлади,
Келса соил зиштсўзлар бирла бағрин доғлади,
Хайру эҳсон йўлини маҳкам қилиб, суд боғлади,
Ўзини Искандар олғон аҳли ҳимматлар чиқиб.

Хожа муллони ҳақорат айлағайлар пул учун,
Илм одобини ғорат айлағайлар пул учун,
Волидаинин тарки иззат айлағайлар пул учун,
Кесмаган ҳиндуни иззат айлағайлар пул учун,
(191) Эл оросинда отонган аҳли иззатлар чиқиб.

Кеча – кундуз тинмайин қилсанг ҳамиша яхшилик,
Бошиға мушқул қачонким келса қилсанг ҳомийлик,
Дўстдурсан анга доим айласанг пайравчилик,
Доимо нафъингни кўрса айлағай ошночилик,
Кўрнамак, модарзино, аҳли ҳамоқатлар чиқиб.

Бу Али Сино эрур ҳайрон замон тазвириға,
Кор этурларким, етиб бўлмас ани таъбириға,
Алдабон шайтон элин банд айлағай занжириға,
Ҳеч найранг ўхшамас бу халқнинг тазвириға,
Ушлатур шайтон яқосин аҳли санъатлар чиқиб.

Яхшилиқ қилсанг кима қайда санга суд айлағай,
Қайдаги улфатларинг дилшоду хушнуд айлағай,
Сан вафо қилсанг, жафолар бирла нобуд айлағай,
Етмаган ақли шаётин ишни мавжуд айлағай,
Қўркмаган қаҳри Худодан аҳли ҳикматлар чиқиб.

Касбу кор ишларидин зарра бўлмай кўнгли шод,
Ҳасрат айлар ўз ишидин касби безътиқод,
Жидду жаҳд айлаб қилолмай мол амволин зиёд,
Наҳс лойиға ботиб бозорлар бўлди касод,
Эътиқод этган ҳунарға аҳли меҳнатлар чиқиб.

Қайга борсанг ҳамнишинликға ҳамиша боб ўлур,
Санга ўз фаҳмида ғамкаш, сийнаси хуноб ўлур,
Ис чиқарсанг ташқориға ҳар замон сероб ўлур,
Нон-ошинг борича бир неча кун аҳбоб ўлур,
Ҳар тарафдин кўб қадрдон яхши улфатлар чиқиб.

Орзу қилма бинойи яхши жойлар зинҳор,
Тушайи уқбо бўлубон келмағай санга бекор,
Ман санга, эй сомиё, айлай насихат ошқор,
Оқил эрсанг бу замон қилма тааллуқ ихтиёр,
Мисли каждум заҳр солғой айшу ишратлар чиқиб.

Дилни вайрон айлабон обод бўлмай йиғлағил,
Айшу ишрат қилғали муътод бўлмай йиғлағил,
Бир даме Ҳақ ёдидан беёд бўлмай йиғлағил,
Эмди минбаъд бўлса фарзанд, шод бўлмай йиғлағил,
(192)Рухинга етгай ҳақорат лафзи лаънатлар чиқиб.

Зоҳиди солиҳни кўнглида эрур юз-минг алам,
Обрўлик бўлдилар аҳли шарорат муттаҳам,
Фисқ эли шоҳи жаҳону, яхшиларда дарду ғам,
Кишвари дорус-салом аҳли зино бўлди бу дам,
Растаи дўкон ўлуб, вақти ғаниматлар чиқиб.

Иzzату хурматга лойиқ бўлдилар аҳли шарар,
Йўқ аларда охират асбобидин зарра хабар,
Илми динийдан кўнгулни жамъ қил, эй яхшилар,
Маҳфилоройи жаҳон бўлди неча хил баччағар,
Шаҳрни вайрон этиб бу шаъну шавкатлар чиқиб.

Масжид ичра истиқомат қилгучи чекмиш чилим,
Куфр сўзни сўзламишлар бор дебон гўё тилим,
Банггию кўкнорилар бўлди мани тенгу хилим,
Халқнинг афъолидин тегди дилимга ўз элим,
Айлади охир мусофир ушбу ғурбатлар чиқиб.

Ҳар кишиким, кибр агар қилса санга, эй ошно,
Бул ҳам одамларму, деб қилса таманно санго,
Катталиқ қилганга етқургай заволини Худо,
Бойлик қилса таманно ҳар киши бу даҳр аро,
Войлик солғой бошига ҳарфи иллатлар чиқиб.

Обидо, қилсанг ажалга ҳийлаву тадбир кўб,
Йўқ иложи, қилма кўб ҳам Тангрига тақсир кўб,
Осмогил шайтон тарафдин бўйнингга занжир кўб,
Эмди, Мажруҳ, йўлға тушгил қилмоғил таъхир кўб,
Кеттилар бир-бир ҳама нозик табиатлар чиқиб.

* * *

— Таммат ул-китоб би-‘авни-л-Малики-л-Ваҳҳоб. 1326.
(Малик ва Ваҳҳоб исмли (Аллоҳ)нинг кўмаги билан (китоб) тугади. 1326/1908.)

* * *

2002 йил 10 октябрда тадбир қилиб бўлинди: Муҳаммад Раҳим, Султон Мирзо.
(Тасҳиҳ этилди: 2019 йил, 27 январ. Маҳмуд Ҳасаний)



Баёзнинг форсий-туркий дебочаси




Муҳлис девонининг дебочаси



Мажзуб Намангоний мақбараси



Хилватий қабри



Мажзуб қурган масжид ва мадраса ўрнида қурилган “Атоуллохон тўра”
(Ислом олими, Мажзубнинг невараси) меъморий ёдгорлиги

МУНДАРИЖА

1. “Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” баёзи – диний қадриятлар ҳақида муҳим манба (Сўзбоши ўрнида).....	3
2. I – қисм. Ёрмуҳаммад Муҳлис девонидан.....	23
3. II – қисм. Обид Намангоний ва унга замондош шоирлар. (Туркий дебоча).....	147
4. Муҳаммаси Тамкин бар ғазали Амир.....	148
5. Умидий ғазали	149
6. Соҳиб ғазали	150
7. Адо ғазали	151
8. Камий Намангоний ғазали.....	151
9. Фазлий афа анху Намангоний	152
10. Ғазали Камий афа анхул-хафий.....	153
11. Кўхий ғазали.	153
12. Муҳаммаси Шавқий бар ғазали Навоий.....	154
13. Нодир ғазали.....	156
14. Ходимий муҳаммаси	158
15. Мавлоно Шавқий.....	159
16. Мавлоно Маҳзуб.....	159
17. Кўхий муҳаммаси	160
18. Муҳаммаси Обид бар ғазали Солиҳ.....	162
19. Муҳаммаси Залулий бар ғазали Хилватий.....	166
20. Муҳаммаси Маҳзун бар ғазали Навоий.....	167
21. Мисрий ғазали.....	169
22. Фурқат муҳаммаси.....	169
23. Фурқат ғазали.....	170
24. Муқимий ғазали.....	171
25. Обид Намангоний ғазали	171
26. Ва лаҳув айзан Обид Намангоний.....	172
27. Муҳаммаси Котиб дар васфи қалам.....	173
28. Ҳазиний ғазали.....	174
29. Муқимий ғазали.....	175
30. Нисбатий афа анху.....	175
31. Муқимий ғазали	176
32. Фурқат ғазали.....	177
33. Нисбатий ғазали	177
34. Муҳаммаси Залулий Намангоний афа анху.....	178
35. Нодим ғазали.....	180
36. Нодим ғазали – Ва лаҳу айзан.....	181
37. Ғозий муҳаммаси.....	181

38. Мухаммаси Нодим бар ғазали Шавқий.....	183
39. Мухаммаси Нодим бар ғазали Амир.....	185
40. Нодим ғазали.....	186
41. Мухаммаси Нодим бар ғазали Фурқат.....	187
42. Нодим ғазали.....	188
43. Ва лаҳу айзан Нодим.....	189
44. Нодим мухаммаси.....	190
45. Ва лаҳу айзан Нодим.....	191
46. Мухаммаси Обид бар ғазали Мухлис.....	193
47. Обид ғазали.....	194
48. Ва лаҳу айзан Обид.....	196
49. Жаноб мавлоно Шавқий Намангоний ҳажар-ул асваднинг ҳақиқатларин орзумандлар илтимосларини қабуллик даражасига кўриб назм тарикаси бирла қилгон шаккарнисорликлари.....	197
50. Ва лаҳу айзан Шавқий.....	199
51. Шавқий мухаммаси.....	200
52. Обид мухаммаси.....	204
53. Ва лаҳу айзан Обид.....	205
54. Обид ғазали.....	208
55. Обид мухаммаси.....	210
56. Мухаммаси Обид бар ғазали Амир.....	212
57. Ушбу мухаммаси жигарсўз маъруфи ҳажи шариф маовиятида Тури Синода Карронтинна хусусида Рамзий Намангонийнинг ҳасратомиз ёзган шеъридур.....	214
58. Залулий Намангоний мухаммаси.....	216
59. Мухаммаси Нодим бар ғазали Муқимий.....	220
60. Мухаммаси Нодим бар ғазали Хилватий.....	222
61. Соқийномаи Нодим.....	223
62. Тарихи хатми баёз.....	228
63. Хотимат ут-табъ.....	230
64. Мухаммас ул-Обид ғала-л-Мажруҳ фий аҳволи аҳли замон.....	230
65. Иловалар.....	234

МУҲАММАД ОБИД НАМАНГОНИЙ

ТУҲФАТ УЛ-ОБИДИН ВА
АНИС УЛ-ОШИҚИН

Нашрга тайёрловчи, табдил ва сўзбоши муаллифлари:

Мадрахим САФАРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Султонмирзо РАҲИМОВ
филология фанлари номзоди

“Наврўз” нашриёти. Лицензия № АІ 170. 23.12.2009
Нашриёт манзили: Тошкент, Амир Темур кўчаси, 19-уй.

Times гарнитураси. Нашр ҳисоб тобоғи 15.
Босишга рухсат этилди 09.11.2019. Буюртма № 48
Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16} Босма тобоғи 15. Адади 100 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш. Циолковский-356.



Нодим Намангоний макбараси

ISBN 978-9943-565-12-8



9 789943 565128